

37
Т 60

37

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

МАМАРЕЖАБ ТОЖИЕВ,
БЎРИ ЗИЁМУҲАММАДОВ

МИЛЛИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИ ТАЪЛИМ-
ТАРБИЯ ЖАРАЁНИГА ТАТБИҒИ ВА УНИ ЁШЛАР
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ
ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ

2035662

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti

372 948

Axborot Resurs Markazi

Тошкент

«MUMTOZ SO'Z»

2010

УДК: 37 (575. 1)
ББК 74.202

Педагогика

Монографияда ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтириши ва баркамол шахс тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг гоялари ва тотириқлари, Шарқ алломаларининг комил инсон ҳақида фикрлари ҳамда файласуф ва педагог олимларнинг мавзуга доир тадқиқотлари таҳлил қилиниб, бу фазилатларга эришиши йўл-йўриқлари ишлаб чиқилган. Бу назарий фикрларни амалиётга татбиқ этиши учун ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизимида муваффақиятли қўлланилиб келинаётган педагогик технология тамойиллари асосида Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириши Марказида ишлаб чиқилган педагогик технологиянинг замонавий ўзбек миллий моделини таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилишининг назарий ва амалий асослари ҳамда шулар асосида ўқув машгулотларини лойиҳалаш йўллари кўрсатиб берилган.

Монография узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар ҳамда соҳа мутахассисларига илм-фанни, таълим-тарбияни ривожлантириши ҳамда услубий ишланмаларни такомиллаштиришида фойдаланиши учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Иқтисод фанлари доктори, профессор **Б.Х.Раҳимов**

Такризчилар:

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби,
педагогика фанлари доктори, профессор **Н.Н.Азизхожаева**,
фалсафа фанлари доктори, профессор **З.Д.Давронов**

Мазкур монография Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш Маркази Илмий Кенгашининг 2010 йил 13 декабрдаги 12/2/1-сонли Қарори билан нашрга тавсия қилинган

ISBN 978-9943-398-23-8

© М.Тожиёв, Б.Зиёмўхаммадов, 2010

© «MUMTOZ SO‘Z», 2010

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг
20 йиллигига бағишланади

«Энг янги замонавий ўқув воситалари билан таъминланган таълим муассасаларида эскидан қолган ўқитиш услулларининг давом этишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди»

И.Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

2005 ва ундан кейинги йилларда “Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамланади, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, шғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади”.

Ўзбекистон Республикасининг
Кадрлар таёрлаш миллий дастури

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессияси (1997 йил 29 август)да қабул қилинган ҳамда бугунги кунда амалиётга кенг қўламда табиқ этилаётган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар таёрлаш миллий дастури”и амалиётда. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг учинчи якунловчи босқичи таълим тизими амалиётига табиқ этишнинг сифат босқичи давом этмоқда. Дастурни амалиётга тадбиғининг жорий босқичини бошланганига ҳам 6 йил ўтган бўлишига карамай, ҳанузгача таълим муассасаларида миллий педагогик технология етарли даражада қўлланилмаётганлиги кўзга ташланмоқда. Шу кунда, ҳалқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизимида таълим жараёнини замонавий педагогик технология билан таъминлаш – бажариладиган жиддий вазифа бўлиб колмоқда.

Бу вазифанинг ечими, таълим жараёнини амалга оширишнинг асоси бўлган, ўқитиш усулларининг энг замонавийси – педагогик технологиянинг миллий моделини яратиш ва уни ўқув-тарбия жараёнига татбиқ қилиш масаласи билан узвий боғлиқ эканлиги аён.

Буни ҳал қилиш учун, Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази илмий ходимлари етакчилигида Республикамизнинг кўзга кўринган олимлари билан ҳамкорликда илмий асосланган таълим технологиясини тадқиқ этиш йўлида бир қанча ишларни амалга оширдилар. Хусусан, мажмуилар назарияси (теория систем) нинг барча қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда ривожланган хориж мамлакатларда мавжуд педагогик технологиялар тамойилларига тўлиқ суянган ҳолда, республикамиз педагогларига тушунарли бўлган ҳудудий педагогик технологиянинг миллий моделини яратиш зарурлиги аниқланди. *(Шу ерда бир нарсага изоҳ бериб ўтишлик жоиз. Шу кунда, Ўзбекистоннинг илмий жамоатчилиги орасида, ўта фалсафий тушунча бўлган ва рус тилида “система” деб номланиб келинаётган атамани, арифметикадаги метрик система сифатида кўриб, “тизим” деб тушуниб келинмоқда. Бу нотузри. Ўз вақтида, Ўзбекистоннинг кўзга кўринган тилчи олимлари Аюб Ғулом, Озод Шарафуддинов, Ғайбуллоҳ ас-Салом ва етакчи нашриётларнинг бош муҳаррирлари Шомухиддин Мансуров ва Бахтиёр Омонлар билан бамаслаҳат, “системалар назарияси” бўйича, рус тилида қабул қилинган “система” атамасини ўзбек тилига “мажму” деб таржима қилишлик тўғри деб топилган).* Мажму деганда, ўзаро функционал боғлиқ бўлган элементларнинг бир бутунлиги тушунилади.

Шунингдек, юқоридагиларни эътироф этган ҳолда, Система. 3. Бирор таълимотда асос бўлган қоидалар, қарашлар, тамойиллар **МАЖМУИ**. 4. Бирор иш методлари, тартиб-усуллари **МАЖМУИ**. 5. Қонуний тартибда жойлашган ва ўзаро узвий боғланган қисмлардан, элементлардан таркиб топган **БУТУНЛИК** [92].

Система. 3 система (асосий принциплар **МАЖМУ** н); **4** система, тармоқ, шохобча (бирлик, **БУТУНЛИК** ташкил этувчи нарсалар, ҳодиса лар **МАЖМУИ**)[93].

Система – муайян яхлит тузилма, бирликдан иборат, бир-бири билан қонуният асосида боғланган унсурлар (нарсалар, ҳодисалар, қарашлар, билимлар ва ҳ.к.) **мажмуи**[76].

Бу муаммони ечиш учун, яқин ва узоқ ҳориж мамлакатлар ва республикамиздаги педагогик технологияга бағишланган адабиётларни таҳлил қилиб, шу асосда педагогик технологиянинг илмий-назарий асоси маълум бир тартибга келтирилди. Натижада, Педагогик технология – замонавий илмий-назарий асоси услубий қўлланма [64] нашрдан чиқди.

Ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизимида муваффақиятли қўлланилиб келинаётган педагогик технология тамойилларидан оғишмаган ҳолда, мажмуилар назариясининг барча қонуниятларидан келиб чиқувчи ва Республикамиздаги ижтимоий – педагогик шароитни ҳисобга олиб, ҳудуддаги профессор-ўқитувчилар ва педагогларнинг маърифий менталитетидан келиб чиққан ҳолда, республикамиз педагоглар жамоатчилигига тушунарли бўлган педагогик технологиянинг замонавий ўзбек миллий модели яратилди. Бунинг яқуни сифатида, “Педагогик технология – замонавий ўзбек миллий модели” номли ўқув-услубий қўлланима[26] дунё юзини кўрди.

Навбатдаги вазифа, педагогик технологиянинг миллий моделини таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш йўлида ўқув фанларнинг барча турдаги машғулотлари лойиҳаларини тузишдир. Лойиҳалаш асосида ўқитиш назарий жиҳатдан тўла асосланган бўлиб, бугунги кунда уни таълим жараёнига татбиқ этиш энг долзарб масаладир. Шундан келиб чиқиб, республика таълим жараёнидаги фанлар ўқув машғулотларининг илк лойиҳалари бўлган “Педагогик технология – таълим жараёнига татбиғи: Бошланғич таълимда математика ўқитиш методикаси фани дарсларининг лойиҳаси” ўқув-услубий қўлланмаси[65] нашр этилди ва таълим амалиётига сингдирилмоқда.

Лекин педагогик технологияни таълим жараёнига татбиғининг кенг қулоч ёйиши бироз қийин кечмоқда, бунинг сабаби, биринчидан, педагогик технологиянинг назарий асослари анча мураккаблиги бўлса, иккинчидан, педагогик олимларимиз ва ўқитувчиларни синергетиканинг мажмулар назариясини тўла эгаллаб олишмаганлигида деб тушунтириш мумкин. Мажмулар назариясини тўлик билмаган киши, педагогик технологиянинг мазмун ва моҳиятига тушуниб етмайди. Чунки, педагогик технология юз фоиз мажму ёндошув тамойилидан келиб чиқиб, тўлалигича, унинг тамойиллари ва қоидаларига бўйсунди. Шу кундаги синергетик дунё-

қараш ва унинг таркибий қисми бўлган, бутун борлиққа мажму сифатида ёндошув тамойилини билмай туриб, педагогик технологияни амалиётга сингдириб бўлмайди.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ушбу тадқиқотимизда педагогик технологиянинг асосий хусусияти мажму ёндошув тамойилидан келиб чиққанлиги боиз, педагогик технология асосида дарс лойиҳасини тузувчилар учун, мажмулар назариясининг қисқа ва оддий қилиб мазмун ва моҳиятини очиб бердик. Бунинг учун, квант назарияси ва синергетиканинг сирларидан ҳам, оз бўлсада, педагогик жамоатчилиқни хабардор қилишга ҳаракат қилдик.

Ушбу монографияни ўқиб ўрганувчилардан илтимос қилардикки, мажмулар назариясини жуда ҳам жўн деб билмасинлар, шу билан баробар, уни англаб бўлмайдиган бир нарса экан, деб ҳам қабул қилмасинлар. Мухтарам касбдошлар, ушбу тадқиқот ишини диққат билан ўқишингиз ҳамда абстракт тафаккурингизни ишга солиб туриб, чуқур мулоҳаза юритишингиз жараёнида, мажмулар назарияси унча ҳам мураккаб эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз. Бу назария XX асрнинг иккинчи ярмида, жаҳон ҳамжамияти онгига, мулақо янги бўлган квант назарияси ва унинг умумлашган кўриниши ҳисобланган, синергетик дунёқараш сифатида кириб келди. Бу ҳаммамиз учун янгилик. Дунё олимларнинг фаол қатлами, айниқса кибернетик, математик, биолог, географ ва бошқа бир қанча соҳа мутахассислари, уни зудлик билан эгаллаб олишди.

Антик даврда фанларни ўрганишга системали, ҳартарафлама ёндошувга Аристотел (384-322) асос солган. Унутмаслигимиз лозимки, квант назариясига асосланган синергетик дунёқарашдан олдин, қарийб икки юз йилдан ортиқ инсоният онгини, Ньютоннинг механик физикасига асосланувчи дунёқараш қамраб олган эди. Бу дунёқараш ҳам, ўз замонасида илғор дунёқараш ҳисобланиб, ўзининг равон илмий базасига эга бўлган. Шу билан бир қаторда, Ньютоннинг механик физика назарияси, нисбийлик назариясидан кўра, анча жўн ва ҳаммага тушунарли. Шу боис, кўп адабиётларда ва олимлар онгида у ҳали ҳам ўз ифодасини топмоқда. Нисбийлик назариясидан келиб чиқувчи квант назарияси ва синергетика пайдо бўлганидан кейин Ньютоннинг механик физика назарияси сочилиб кетди. Аммо, афсуски, кўп кишилар онгида бу дунёқараш ҳанузгача устунлик қилиб келмоқда. Бу ачинарли ҳолат, жамиятимизнинг энг илғор фикр юритучи вакили бўлишга буюрилган ўқитуви

ва педагогларда айниқса кучли сақланиб келмоқда. Педагогик технологияни моҳиятига етиб бориш ва уни педагогик амалиётга жорий этишни ўзига мақсад қилиб олган киши аввалом бор, ўзида сақланиб қолган Ньютоннинг механик физикасига асосланган дунёқарашини ўзгартириб, синергетик дунёқарашга эга бўлиши ҳамда ундан келиб чиқувчи мажму ёндошув тамойилини яхши билиб олиши шарт. Бу ишларни қандай қилиб амалга оширишни, ушбу тадқиқотимизда ёритиб беришга ҳаракат қилганмиз.

Ўзбекистонда 2010 йил – “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниб, энг эзгу ва энг улуғ мақсадимиз йўлида яна бир шахдам қадам ташланди. 2009 йил 9 декабрь куни Юртбошимизнинг “Баркамол авлод йили” Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойишида янги йилда амалга ошириладиган вазифаларнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1271-сонли Қарорига мувофиқ “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тасдиқланди[3]. Ушбу дастурдан қўзланган мақсад, қарорда қайд этилганидек, мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг қўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичи жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида туб сифат ўзгаришларни амалга ошириш билан боғлиқ экани инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат. Бу вазифани, биринчи навбатда ўқитувчи ва педагогларимизнинг, сўнг фуқароларимизнинг ижтимоий онгини ифода этувчи маънавиятини, сиёсий, ҳуқуқий, эстетик маданиятини, ақлий фаоллигини ва билим даражаларини замон талаби даражасига кўтариш ва барча номаъқул урф-одатларни чеклаш йўли билан, мақсадга етишиш мумкин. Бунинг учун, шу кундаги жамият ҳаётини маълум даражада ўзгартириб, уни такомиллаштириш лозим. Кенг аҳолига маънавий ўзлигини англаши ва киши маънавиятининг таркиб топиш тартиблари ҳамда унинг такомиллашув босқичларини тушунтириб бериш, шу куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолди.

Жамият ва шахс ривожини учун устоз Форобий айтганидек, фақат фойдали билим, яъни ҳикматлар керак. Фойдали билимларни эгаллашдан мақсад, аввало ўзига, сўнг яқин кишиларига ва бутун жамиятга наф келтиришдир. Киши муайян фойдали билимни эгаллаб, уни ҳаётида кўп маротаба ишлатиши натижасида у секин-аста вужудига, кейин эса, руҳига сингиб ҳаёт тарзига, яъни ахлоқ ва одобиغا, бошқача қилиб айтганда, маънавиятига айланиб кетади.

Фойдали билимларни маълум даражада эгаллаб, маънавиятига айлантириб улгурган кишилар баркамол ҳисобланиб, бу дунёда эл-юрт ҳурматиغا, боқий дунёда эса жаннатга сазовор бўладилар.

Баркамол шахс деганда, ҳар томонлама ривожланган, бир қатор гузал фазилятларга етишган ҳамда умуминсоний камолот талабларига жавоб берувчи инсон сиймоси тушунилади[27].

Комил инсон тушунчаси эса, Тангри таолонинг одамни яратишдан кўзлаган мақсадига тўлиқ жавоб берадиган ҳамда одамлар доимо орзу қилиб келаётган идеал шахсга нисбатан ишлатилади[27]. Буюк мутафаккир Алишер Навоий айтган эди:

Камол эт касбким, олам уйидин
Сенга фарз ўлмағай ғамнак чикмок
Жаҳондин нотамон ўтмак би-айниҳ
Эрур ҳаммомдин напок чикмок.

Ушбу монография муаллифлари муҳтарам Президентимизнинг, баркамол шахс тўғрисида билдирган фикрларини, шарқ алломаларининг комил инсон ҳақида айтганларини ҳамда дунё файласуфларининг, шу билан бир қаторда, муаллифларнинг қарийб 30 йил давомида олиб борган шахсий тадқиқотларини таҳлил қилиб, ХХІ асрда Ўзбекистонга мос бўлган баркамол авлоднинг ижтимоий сифатлар мажмуини тузиб, бу фазилятларга эришиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқдилар. Буларни амалиётга сингдириш учун педагогик технология усулидан фойдаланишдан бошқа йўл кўринмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Вазирлик тизимида 2007-2011 йилларга мўлжалланган фундаментал тадқиқотлар дастурлари” доирасидаги ОТ-Ф8-208 – “Таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологиялар ва илғор тажрибаларни жорий этишнинг

илмий-назарий асослари” мавзусидаги фундаментал лойиха асосида тайёрланган ушбу монография шу мақсадга хизмат қилади.

Узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар ва педагоглар зиммасига масъулиятли вазифалар юкланмоқда. Лойиха иштирокчилари томонидан яратилган “Педагогик технология: “Замонавий илмий-назарий асоси”, I қисм[64], “Педагогик технология – Замонавий ўзбек миллий модели”, II қисм[26], ва Педагогик технология – таълим жараёнига татбиғи: Бошланғич таълимда математика ўқитиш методикаси фани дарсларининг лойихаси[65], Педагогик технологиянинг ўзбек миллий моделининг амалиётга татбиғи (“Педагогик технология ва педагогик маҳорат” фани ўқув машғулотларининг лойихаси), I қисм ўқув-услубий қўлланмалари ва улар асосида тайёрланган ушбу монография Ўзбекистон Республикаси таълим-тарбия тизимининг янада ривожланишига салмоқли хиссасини қўшади деган фикрдамыз.

Монографияни тайёрлашда кириш, I боб: 1,2,3,5-§, II боб: 5,6,7-§, III боб: 1-§ ва хулоса қисмини п.ф.д. М Тожиев., кириш, I боб: 4,5-§, II боб: 1-5-§, III боб: 2-15- § ва хулоса қисмини ф.ф.д.,проф. Б.Зиёмухаммадов томонидан ёзилган ва монографиянинг баъзи бобларини шакллантиришда п.ф.д., проф. Э.А.Сейтхалиловнинг маслаҳатлари эътиборга олинган.

Монографияни тайёрлашда Ўзбекистонда таълим-тарбия жараёнини янада ривожлантириш ва ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳамда баркамол шахсни шакллантириш соҳасида узок меҳнат қилган ва ишимизга илмий, услубий ва амалий маслаҳат берган педагогика фанлари доктори, профессор Ў.Қ.Толипов, физика-математика фанлари доктори, профессор Ш.Жўраев, физика-математика фанлари номзоди, доцент А.М.Мавланов, физика-математика фанлари номзоди, доцент Х.Х.Назаров, филология фанлари номзоди, доцент Маҳкам Махмудовларга ва нашр қилишда ўзларининг хомийлик ёрдамларини кўрсатган Қашқадарё вилояти “Қамаши пахта тозалаш” ОАЖ ва “Абдихолик ўғли Ислон”, “Шукрулло ўғли Камолиддин”, “Нормамат ота”, “Худайназар Ибн Алимардон” ҳамда “Фаррух Аббос Ганижон ўғли” фермер хўжаликлари раҳбарларига ўз хиссаларини қўшганликларини эътироф этган холда, муаллифлар миннатдорлигини билдиради.

І БОБ. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ МОҲИЯТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

1-§. Жамият тараққиёти ва эркин фикрловчи шахс

Мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида эгаллаган ўрни унинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади. Бугунги кунда, инсон ва жамият эҳтиёжларини кондириш, тобора такомиллашиб бораётган технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни ривожланган мамлакатлар тажрибаси мисолида яққол кўриб турибмиз. Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг хорижий мамлакатлар ҳамкорлигида замонавий технологиялар билан жиҳозланган ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилиб, уларни кадрлар билан таъминлаш ишлари мумкин қадар ҳал қилинмоқда. Шундай бўлсада мамлакатимизда замонавий мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёж кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бу муаммони ижобий ҳал қилмасдан туриб, мамлакат иқтисодиётини юксалтириб бўлмайди. Республикамизда баркамол шахс ва етук мутахассисларни шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг бош мақсади комил инсон ва етук малакали мутахассис етиштириш, шу асосида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлишдан иборатдир. Кадрлар тайёрлаш жараёнининг таркибий қисмлари шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришдан иборат бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро бирлик, ҳамкорлик ва узвий алоқа мазкур жараён муваффақиятини таъминлайди. Таълим миллий моделининг асосий таркибий қисмида “шахс” биринчи ўринда туради, яъни бутун таълим тизими, жумладан, ўқитишнинг шахс камол тоишга йўналтирилган бўлиши керак.

Шахсга янгича қараш қуйидагилардан иборат:

- таълим жараёнида шахс объект эмас, субъект ҳисобланилади;
- ҳар бир таҳсил олувчи қобилият эгаси, кўпчилик эса истеъдод эгаси ҳисобланилади;
- этник маънавий қадриятлар (сахийлик, муҳаббат, меҳнат-севарлик, виждон ва бошқалар) шахснинг устувор хислатлари ҳисобланади.

Муносабатларни демократлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- таҳсил олувчи ва таълим берувчи ҳуқуқларини ҳрмат қилиш;
- хатони тузатишга имкон бериш;
- ўз нуқтаи назарига эга бўлиш ҳуқуқи;
- таҳсил олувчи ва таълим берувчи муносабати зайли: таъқиқламаслик; бошқариш эмас, биргаликда бошқариш; мажбурлаш эмас, ишонтириш; буюриш эмас, ташкил этиш; чегаралаш эмас, эркин танлаб олишга имкон бериш.

Бу муносабатларнинг асосий мазмуни, ҳозирги замон шароитида самарали натижа бермайдиган, аввалги тизимдан мерос қолган педагогика ва унинг усуллари билан воз кечишдир.

Педагогик технология шундай таълим усулики, унинг воситасида таълим соҳасида туб бурилишни амалга ошириш мумкин.

Маълумотлилик – маърифат асосини ташкил этувчи бош ғоя табиат ва жамият алоқадорлигини англаб етиш, авторитар ва сохта тафаккур юритиш усули билан воз кечиш, сабр-бардош, қаноат, ўзгалар фикрини ҳурматлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш каби сифатларни шакллантиришдан иборатдир. Ушбу масаланинг ечими қайсидир даражада таълимни технологиялаштириш билан чамбар-час боғлиқдир.

Таълим-тарбия мазмунига ўтмиш аждодларимиз ўғитлари, халқимиз миллий қадриятларини сингдириш баробарида, замонавий педагогик технологияни ўқув жараёнига татбиқ қилмай туриб бу мақсадга эришиб бўлмайди.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш билан боғлиқ ўқув-тарбия жараёни эркин, айнаи чоғда масъулиятли шахсни шакллантиришга йўналтирилди. Бошқача айтганда, ҳар бир инсон, жамиятимизда ўз қобилиятини ишга солиши, кўп қиррали маънавий ва моддий эҳтиёжини қондира олиши мумкинлигини ва шу билан бирга жамият олдида тўла маънода жавобгарлиги, қонунга риоя қилиши, ижтимоий барқарорлик ва тараққиётга эришиш учун ҳисса қўшиш зарурлигини тушуниши шарт.

Шахс таълим жараёнининг объекти эмас балки, энди унинг субъектига, асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Ўқитувчи, таълим муассасасининг зўравони эмас, “педагогик ҳамкорликни” таъминлайди. “Таҳсил олувчини ҳаётга тайёрлаш” тамойили “Таҳсил олувчи таълимнинг барча босқичида тўлақонли, фаол ҳаёт билан яшайди” тамойили билан алмашади, таълим жараёнидаги барча қатнашувчиларнинг вазифаси таҳсил олувчилар фаолиятини

самарали, ижодий бўлишини таъминлашдан иборат бўлади. Бу шахснинг ижтимоий фаол ва мослашувчан бўлишини, унинг ижодий имконияти, қобилиятини ижтимоий жараёнга таъсир кўрсатишини таъминлайди.

Шунинг учун замонавий педагогик технологиядан таълим жараёнида, ўқитишнинг шахс камолатига йўналтирилган технологиялари асосида амалга оширилиши лозим.

2-§. Педагогик фаолиятни технологиялаштиришнинг ижтимоий зарурияти ва Ўзбекистонда педагогик технологияни таълим амалиётига жорий этишнинг долзарблиги

XX аср кишилиқ жамияти тараққиёти тарихидан фан ва техника соҳасида юз берган инқилоблар даври сифатида жой олди. Илм-фан ва техника ривожининг юксак суръати моддий ишлаб чиқариш жараёнини назарий (ғоявий) ҳамда амалий жиҳатдан бойитиб бориш билан бирга ижтимоий муносабатларнинг янгича мазмун касб этишини таъминлади. Янги хизмат кўрсатиш соҳаларининг пайдо бўлиши, янгича турмуш тарзи кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг ортиб боришига замин ҳозирлади. Ижтимоий эҳтиёжларнинг янгиланиб ҳамда ортиб бориши ўз навбатида уларнинг қисқа муддатда ва сифатли қондирилишини таъмин этувчи фаолиятнинг йўлга қўйилишини тақозо этди. Ижтимоий зарурат маҳсули бўлган технология соҳаси ва унинг такомиллашиб бориши қисқа вақт оралиғида, кам жисмоний куч ва кам вақт сарфлаган ҳолда юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, хом-ашёни қайта ишлаш соҳалари (қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, маиший хизмат кўрсатиш ва бошқалар)да маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишга технология ёндошув аъъанаси юзага келди.

Технологик ёндошув ишлаб чиқариш жараёнининг умумий тавсифини ёритишга хизмат қилади. Муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида хом-ашёни танлаш (дастлабки босқич)дан маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган (сўнги босқич) даврни ўз ичига олган жараён технологик жараён сифатида этироф этилади. Ишлаб чиқариш жараёнига нисбатан технологик ёндашув муайян соҳаларда ислохотларни ташкил этиш, уларнинг мувафакиятини таъминлаш, эришилган натижаларни бойитиб бориш

каби мақсадларга эришишнинг самарали омили сифатида намоён бўлади.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларига замонавий, илғор, юксак технологияларнинг татбиқ этилиши бир қатор шартлар асосида кечади, хусусан, илм-фан ҳамда техниканинг сўнги ютуқларга таяниш, йирик молиявий маблағлар ва юксак даражадаги касбий маҳоратга эга малакали мутахассисларнинг мавжудлиги бу борадаги ютуқларни кафолатлайди.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларида илғор технологияларни қўллаш шартларидан бири – малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини доимий равишда ошириб боришга эришиш эканлигидан ҳам англанадики, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёт бир-бири билан узвийлик, алоқадорлик ҳамда яхлитлик тамойили асосида ривожланиб боради. Жамият ижтимоий ҳаётида етакчи ўрин тутган ғоя ва қарашлар иқтисодий ишлаб чиқариш ривожига ўз таъсирини ўтказса, ўз навбатида, иқтисодий ўсиш аҳолининг маданий турмуш тарзининг яхшиланишига олиб келади.

Инсоният цивилизациясининг қўйи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблар қўйилмоқда. Чунончи, мураккаб техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёнининг моҳиятини тўлақонли англаш имкониятига эга, фавқулудда рўй берувчи вазиятларда ҳам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал эта олувчи малакали мутахассисни тайёрлашга бўлган ижтимоий эҳтиёж таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишни тақозо этмоқда.

Шу боис ижтимоий тараққиёт билан узвий алоқадорликда ривожланиб бораётган педагогика фанининг вазифалари доираси кенгайиб бормоқда. Айни вақтда Республика ижтимоий ҳаётига шиддатли тезликда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва кўп соҳаларни қамраб олмақда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, ҳулосалаш ҳамда таҳсил олувчига етказиб беришни жадаллаштиришни ҳам йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан

бири ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни татбиқ этиш юкорида айтилган долзарб муаммоларни ижобий ҳал этишга хизмат қилади[66].

Педагогик технология АҚШ ва Европа мамлакатларида «таълим технологияси» сифатида эътироф этилган назария бўлиб, унинг яратилиши тўғрисида маълумот берувчи манбаларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, таълим тизимини технологиялаштириш ғояси ўтган асрнинг ўрталарида Ғарбий Европа ҳамда АҚШда таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахс ижтимоийлашувини таъминлаш ва бу борада муайян муваффақиятга эришиш борасидаги ижтимоий эҳтиёжни қондиришга уриниш натижасида вужудга келган. Ушбу ғоя XX асрнинг 30-йилларида таълим жараёнига «педагогик техника» («таълим техникаси») тушунчасининг олиб кирилиши билан асосланган. Бу соҳадаги мавжуд адабиётларда «таълим техникаси» тушунчаси ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул, воситалар йиғиндиси дея талқин этилади. Таълим самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи етакчи омиллар сифатида ўқув жараёнига ўқув ва лаборатория жиҳозларининг олиб кирилиши, улардан унумли фойдаланиш йўлларининг ишлаб чиқилиши, материал мазмунини кўрсатмали қуроллар воситасида талабаларга етказиб бериш кабилар тушунилади.

XX асрнинг 50-йилларида аудиовизуал воситаларнинг яратилиши ҳамда улар хизматидан фойдаланиш «таълим технологияси»нинг йўналишини белгилаб берувчи омилдир дея баҳоланди. Ушбу босқичда асосий эътибор техник воситалардан самарали фойдаланиш ҳисобига амалга оширилиши, уларнинг имкониятларини кенгайтириш, ахборот сифимини ва уларни узатишни такомиллаштириш ва индивидуал таълимни йўлга қўйиш каби масалаларнинг ижобий ҳал этилишига қаратилди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида таълим фаолиятини аввалдан пухта ишлаб чиқилган дастур ғояларига мувофиқ ташкил этиш ташаббуси кўтарилди. Дастурлаштирилган таълим ўқувчи ёки талабаларга муайян билимларни қисмларга бўлиб тақдим этилиши асосида таълим жараёнини ташкил этишни назарда тутди. Дастурлаштирилган таълим мазмунида унинг мақсадлари, баҳолаш мезонлари таълим жараёни моҳиятининг аниқ тавсифини кўрсатувчи кўрсаткичлар эканлигига алоҳида ўрин ажратилади[66].

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да, кўп маротаба илғор педагогик технологияни ўрганиб, уларни ўқув муассасаларимизга олиб кириш зарурлиги уқтирилган.

Кейинги ўн йиллар ичида яратилган, педагогикага бағишланган адабиётларда “Педагогик технология”, “Янги педагогик технология”, “Илғор педагогик технология”, “Прогрессив педагогик технология” каби тушунчалар кўп учраб турибди, уларнинг ўзбек тилидаги маромига етган таърифи тузилди[26]. Инчунун, республикамизга мос, педагогик технология ҳам яратилди[26]. Буларнинг ҳаммасини таҳлил қилиб ва умумий хулосага келиб, ушбу монографияда тўлиқ ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

Республикамизнинг педагогик олим ва амалиётчи педагоглари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий – педагогик шароитига мослашган ўзбек миллий таълим технологиясини ўрганиб, уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интилоқдалар.

Бу ерда, нима учун бугунги кунда педагогик технологиянинг миллий назарий асосини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарурати туғилди, деган савол пайдо бўлиши мумкин. Жамиятимизга қанчадан-қанча билимли кадрларни ва юқори малакали олимларни етиштириб келган, собиқ иттифок ҳукуматидан қолган, педагогика услублари мавжудку, уларнинг эскириб, талабга жавоб бермай қолган ва мафқуралаштирилган жойларини ўзгар тириб, миллий тус бериб, фойдаланаверса бўлмайдими, албатта ҳорижга эргашиш шартми? – деган мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Ўзбекистоннинг шу кундаги педагогик жамоатчилигининг аксарияти, айнан мана шу йўлдан бормоқда ва уни янги педагогик технология демоқдалар. Буни педагогик технологияга алақоси бўлмай, бу йўл иложсизликдан излаб топилган. Бу йўл фақат қисқа муддатга хизмат қилиши мумкин ҳолос. Мустақилликни қўлга киритган ва буюк келажак сари интилаётган жамиятга бу йўл узоқ хизмат қилолмайди. Чунки:

биринчидан, Жамиятимизни таракқий этган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрнини эгаллаши учун, аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида энг илғор педагогик тадбирлардан фойдаланиш зарурлиги;

иккинчидан, анъанавий ўқитиш тизими ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли “ахборотли ўқитиш” сифатида тавсифланиб, ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташки-

лотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимларнинг ягона манбаига айланиб колганлиги, гарчи у унча кучли ўқитувчи бўлмаган тақдирда ҳам;

учинчидан, фан – техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вақтнинг чегараланганлиги;

тўртинчидан, кишилик жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ амалий якунга асосланган, техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги;

бешинчидан, ёшларни ҳаётга мукаммал тайёрлаш талаби, уларнинг тафаккурини кенгайтирувчи ва энг илгор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа системали-мажмуи ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилишидадир.

Педагогик технология юқорида санаб ўтилган бешта сабабий шартларнинг барча талабларига жавоб берадиган таълимий тадбирдир.

Шуни айтиш жоизки, таълим технологиялари, педагогика илмининг тадқиқот объекти сифатида, аниқ фанларни ўқитиш услуги сифатида майдонга чиққан эди, эндиликда ижтимоий фанларни ўқитишга ҳам янгича ёндашув лозим деб топилмоқда.

Бу зарурият, шу вақтгача ижтимоий фанларни ўқитганда, мафкура нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ўқувчи (талаба)лар ёпиқ тафаккур парадигма (намуна, мисол)лар асосида ўқитилганлиги, уларда ўзгача нуқтаи назарни тан олмаслик, фақат ўқитувчининг фикрини тўғри деб билиш шакллантирилганлигидандир. Бу ҳол ҳар қандай ижтимоий тараққиётга ғов бўлиб, шу парадигмада юрган кишиларни инкироз сари етаклайди.

Жамиятимиз жадаллик билан тараққий этиб, иктисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Аммо ижтимоий соҳада ва, айниқса, таълим-тарбияда (баъзи илгор ўқув муассалари бундан истисно) депсиниш ва умумий тараққиётдан орқада қолиш сезилмоқда. Бундай нохуш вазиятдан чиқиб кетиш йўлларида бири таълим-тарбия жараёнини қабул қилинган давлат стандарлари асосида технологиялаштиришдир.

Маърифатли ва ривожланган мамлакатларда мувафакқият билан қўлланиб келаётган педагогик технологияни ўрганиб, халқимизнинг миллий педагогика аъёналаридан ҳамда таълим соҳа-

сининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг замонавий миллий педагогик технология моделини яратиш зарурияти пайдо бўлган эди.

Педагогик технологиянинг том маъносини билиш ва унинг худудимизга мос турини яратиш учун мажмулар назариясини тўла эгаллаб олиш зарур. Чунки, педагогик технология мажмулар назариясининг қонуниятларига юз фоиз суянган бўлиб, янгича фалсафий тафаккурни, янгича дунёқарашни ифода этади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, кишиларнинг ҳаётга онгли муносабатини, дунёқарашини белгилашга доимо янгича ёндашиш зарурлигини ўз вақтида англаб етиш даражасини кўрсатиб берувчи муҳим омил – янги фалсафий маънавиятдир. Айниқса, ҳар бир инсон ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиш учун курашаётган ҳозирги даврда бўлажак мутахассиснинг фалсафий маънавияти, гуманистик, илғор дунёқараши, инсоний фазилатлари биринчи даражали аҳамият касб этади.

Педагогик технологияни бошқа таълим усулларидан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардир.

Биринчидан, аввал ҳам бир неча бор таъкидлаганимиздек, педагогик технология синергетик дунёқарашдан келиб чикувчи объектив нарса ва ходисаларга мажму ёндошув тамойили асосида яратилган. Аввалги педагогик усуллар, тузилиши жиҳатидан эркин бўлиб, дарс таркибини белгилаш ўқитувчи ихтиёрида бўлган.

Иккинчидан, педагогик технологияда олдиндан белгиланган асосий мақсадга эришиш кафолатланган. Бошқа барча педагогик усулларда таълим-тарбия фаолиятининг кафолатланган натижаси мавжуд бўлмай, стихияли натижалар билан кифояланиб келинган.

Учинчидан, педагогик технологияда, асосий мақсадга эришиш босқичма – босқич амалга оширилиб, ҳар бир босқичда олдинга қўйилган мақсадлар, бажарилиши лозим бўлган вазифалар ва талаб қилинадиган воситалар ҳамда усул ва услубларнинг аниқ модуллари ҳосил қилинади. Бошқа педагогик усулларда таълим – тарбия жараёнининг якунида умумий мақсад қўйилиб, унга эришиш йўллари ўқитувчининг ихтиёрига ҳавола қилинган.

Тўртинчидан, педагогик технология универсал хусусиятга эга бўлиб, уни ҳар бир мутахасис, аъло бўлмаса ҳамки, яхши амалга ошира олади. Дарснинг интенсивлигига ва самарадорлигига, педагогнинг маҳорати ва шахсий сифатлари деярли таъсир этмайди.

Чунки дарснинг лойиҳаси аввалдан, маҳоратли методист-ўқитувчилар томонидан тузилади. Аввалги дарс бериш усулларини амалиётда қўллаш учун, маълум даражада ўқитувчининг педагогик маҳорати, шахсий сифатлари етакчилик қилган.

Бешинчидан, педагогик технология ёрдамида дарс ўтганда, таълим жараёнини доимий ва тўлиқ назорат қилиш имкони мавжуд. Авваллари бундай имкониятга ўқитувчилар эга эмас эдилар.

Олтинчидан, педагогик технология ёрдамида таълим жараёнини амалга оширганда, натижаси, талабаларда кўникма ҳосил қилиш билан яқунланади. Бошқа педагогик усуллар ёрдамида дарс берганда, талабалар берилган билимни зўрага эслаб қола олардилар холос.

Еттинчидан, педагогик технология, Давлат таълим стандартларига эришишни кафолатлайди ва сарфлаш талаб қилинган вақт, куч ҳамда воситаларнинг меъёр даражасида ушлайди.

3-§. Таълим технологиясининг шаклланиш босқичи ва самарали жорий этиш йўллари

Таълим соҳасида фаолият юритаётган илғор олим ва амалиётчилар илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини татбиқ этиш йўлида самарали ишларни амалга оширмоқда. Лекин, бу йўналишда амалга ошириладиган ишларда ўта эркинлик кўзга ташланмоқди. Замонавий педагогик технологияни таълим жараёнига татбиқ қилиш ва таълим жараёнини технологиялаштириш назариясининг шаклланиши узок, муддатли вақт оралиғида кечди. Қатор мамлакатларда таълим технологияси ва унинг муаммоларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Таълим технологияси муаммоларини тадқиқ этувчи ташкилотлар тузилди, махсус журналлар нашр этилди.

Қуйида номлари келтирилган ташкилот ҳамда илмий журналлар фаолиятининг асосий мазмуни таълим технологияси муаммолари бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар мазмуни ва натижаларини умумлаштириб, таҳлил этиб бориш, шунингдек, ушбу тадқиқотлар натижаларининг таҳлили асосида муайян тавсияларни ишлаб чиқиб, энг самарали тадқиқотларни оммалаштиришдан иборатдир. Таълим технологиясининг моҳияти, унинг ютуқлари билан таълим соҳаси ходимларини хабардор этиб бориш, уларнинг бу борадаги малакаларини оширишга йўналтирилган фаолиятни

ташкил этиш ҳам таълим технологияси муаммоларини татқиқ этувчи ташкилотлар зиммасидадир.

Таълим технологияси муаммоларини татқиқ этувчи ташкилотлар ҳамда илмий журналлар

Т/р	Мамлакатлар	Ташкилот номи	Ташкил топтан йил	Журнал номи	Нашр этилган йили
1	АҚШ	Таълим Коммуникацияс и Ассоциацияси	1971	"Таълим технологияси" "Educational Technology"	1961
2	Англия	Педагогик таълим Миллий Кенгаши	1967	"Таълим технологияси ва дастурли таълим"	1964
				"Таълим технологиси"	1970
3	Япония	4 номда илмий жамиятлар	1965-1970	"Таълим технологияси"	1965
				"Таълим технологияси соҳасидаги татқолар"	1965
4	Италия			"Таълим технологияси"	1971

Мустақиллик шароитида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари фаолияти жараёнига янги педагогик технологияларни олиб киришга қаратилган ҳаракат бир қатор етакчи ташкилотлар томонидан олиб борилмоқда.

Сўнги йиллар давомида Республиканинг бир қатор етакчи олий таълим муассасалари қошида инновацион (педагогик технология) марказлар(и) ташкил этилди. Мазкур марказлар томонидан ташкил этилган илмий семинар, қисқа ва узоқ, муддатли курсларда олий таълим муассасалари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумий ўрта мактабларнинг педагогик ходимлари иштирок этиб, педагогик технология ва ундан таълим жараёнида фойдаланиш борасидаги назарий ва амалий билимларга эга бўлдилар. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш мар-

кази, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги марказ, Гулистон давлат университети қошидаги марказ, УзПФИТИда ва бошқа жойларда бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда[66].

Лекин, таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнига мажмулар назариясига тўла суянувчи замонавий педагогик технологияни жорий этиш бўйича илмий асосланган андоза ва кўрсатмалар етарли эмас эди. Хусусан: аксарият манбаларда педагогик технология моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи, фақат унинг назарий асосларинигина очиб берилишига ҳаракат қилинган; ўрганилган аксарият манбаларда «педагогик технология»нинг таърифи ёритиб берилган бўлса-да, мавжуд адабиётларнинг деярли барчасида асосий урғу таълим технологиялари, уларнинг моҳияти ва афзалликлари каби масалаларнинг тадқиқига бағишланган бўлиб, у ҳам бўлса мажму ёндошув тамойили асосида қилинмаган, инчунун тарбия технологиялари ва уларнинг моҳиятини очиб бериш борасида муайян ютуқларга эришилмаган; амалга оширилган тадқиқотларда узлуксиз таълим тизимининг маълум босқичида таълим муассасалари ўқув фаолиятини технологиялаштириш муаммолари етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, айтилган вақтда узлуксиз таълим тизимининг муайян босқичида таълим муассасалари, шу жумладан, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими жараёнига замонавий педагогик технологияни жорий қилиш муаммоси долзарб педагогик муаммо сифатида тадқиқ этишга муҳтож бўлиб келаётган эди.

2009 йилга келиб, Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази томонидан бу масала назарий жиҳатидан ҳал қилинди. Бироқ шунинг ҳам қайд этиш керакки, замонавий педагогик технологияни таълим муассасалари ўқув жараёнига татбиқ этилишини кенг тус олдирилиши лозим. Айтилган вақтда бу соҳада муайян муаммолар ҳам мавжуд. Ушбу тадқиқотни амалга ошириш жараёнида қуйидаги муаммолар мавжуд эканлигини аниқланди:

1. Замонавий педагогик технология, шунингдек, таълим технологияси назариясининг моҳияти, унинг назарий ва амалий асослари борасида маълумотлар беришга хизмат қилувчи манбалар, махсус адабиётлар ва методик ишланмалар ҳамда ПТларни таълим жараёнига татбиқ қилиш бўйича андозаларнинг етарли эмаслиги.

2. Узлуксиз таълим муассасалари, шу жумладан, ОТМлар педагогларининг таълим жараёнига замонавий педагогик технологияни татбиқ этиш борасида етарли тажриба орттирилмаганлиги.

3. Узлуксиз таълим муассасалари, шу жумладан, ОТМларда замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш учун моддий-техник база билан етарли даражада таъминлаш муаммосини ижобий ҳал қилинмаганлиги.

4. Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) хизмати оркали замонавий педагогик технология назариясининг моҳияти ҳамда педагогик технологияни таълим жараёнига татбиқ этиш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар, янги тажрибалар ҳақида маълумот берувчи таҳлилий чиқишларнинг уюштирилишига етарли даражада эътибор қаратилмаганлиги.

6. Таълим соҳасида фаолият юритувчи халқаро донор ташкилотларининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда замонавий педагогик технология назарияси ва унинг илмий-амалий асосларини тарғиб этишга йуналтирилган кенг қўламли ҳаракатни ташкил этилмаганлиги.

7. Узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир босқичига педагогик технологияни татбиқ этишнинг назарий ва амалий асосларини очиб беришга қаратилган илмий тадқиқот ишларининг суёт олиб борилаётганлиги, махсус тавсияномаларнинг камлиги.

Юқорида қайд этилган муаммоларнинг ижобий ечимга эга бўлишини таъминлаш узлуксиз таълим муассасалари, шу жумладан, ОТМлар таълими жараёнига замонавий педагогик технологияни жорий қилиш муваффақиятини кафолатлайди.

Замонавий педагогик технологияни таълим жараёнига татбиқ қилиш бўйича қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак бўлади:

– педагогик технологияни жорий этиш ва уларни қўллаш бўйича халқаро тажрибаларни алмашиш тизимини такомиллаштириш;

– Республика таълим тизимида ўқитиладиган барча фанлар ўқув машғулоти ва дарсларининг лойиҳасини ишлаб чиқиш;

– таълим жараёнига педагогик технологияни жорий этиш бўйича махсус қўлланма ва андозаларни етарли даражада яратиш, мустақил ишларни баҳолашда педагогик технологияни алоҳида баҳолашнинг усуллари ишлаб чиқиш;

– замонавий педагогик технологияни таълим жараёнига юкори даражада татбиқ қилишга асос бўладиган техник воситалар, аудитория жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таълим муассасаларин таъминлаш, слайд-презентацияларини ўтказиш мумкин бўлган каттарок (50-60 нафар талабага мўлжалланган) хоналарни мультимедиа мажмуилари билан жиҳозлаш,

– янгидан-янги вазиятли муаммоларни талабаларга тавсия этиш ва уларни ҳал қилишнинг қулай усулларини ўйлаб топиш, тарқатма материалларни янги маълумотлар асосида тўлдириб ва янгилаб бориш, лаборатория дарсларида ахборот технологияларини қўллаш бўйича дастурлар тузиш ва уларни талабалар томонидан фойдаланилишига эришиш;

– зарур ўқув-услубий мажмуларни тайёрлаш учун кафедра-ларни етарли оргтехникалар билан таъминлаш ва профессор-ўқитувчиларни компьютер саводхонлиги ҳамда алоҳида замонавий педагогик технология бўйича малака ошириш ёки қайта тайёрлашни янада такомиллаштириш.

– таълим технологияси ғояларининг таълим жараёнига тўлақонли татбиқ этилиши учун минтақавий ички имкониятларни пухта ўрганиш;

– фанларни ўқитилиши жараёнига илғор технологияларни жорий этиш чораларини белгилаш, зарур шарт-шароитларни яратиш;

– барча турдаги таълим муассасаларининг педагог ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг таълим жараёнида янги педагогик технологиядан фойдаланиш малакаларини ошириш;

– таълим субъектларининг техникавий саводхонлигига эришиш;

– тезкор ахборот хизматини йўлга қўйиш;

– педагогик жараённинг демократлашув ва инсонпарварлашувига эришиш;

– таҳсил олувчининг индивидуаллашувига алоҳида аҳамият бериш;

– тадқиқотлар натижаларини таҳлил этиш, умумлаштириш, тавсияларни ишлаб чиқувчи Марказни ташкил этиш.

Мазкур муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши таълим-тарбия жараёнларида муайян самарадорликка эришиш билан бир қаторда баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялашга имкон беради.

4-§. Жахондаги дидактик тизимлар ва уларнинг шарҳи

Аслида, инсоният пайдо бўлиши билан, таълим-тарбия ҳам шакллана бошлаган. Чунки, катта ёшдагилар ҳаётий тажрибалари орқали орттирган билим ва кўникмаларини, ўсиб келаётган авлодга ўргатганлар. Натижада тарбия беришнинг ҳам билимлари тўплана бошлаган. Яъни, кимларга ўргатиш? нималарга ўргатиш? ва қандай ўргатиш? деган саволларга жавоб топа бошлаганлар. Бундай тарбия бериш сир-асрорларини Қадимги Хитойда Конфуций; Ўрта Осиёда Авесто, Куръон, Форобий, Замахшарий, Ибн Сино ва Беруний; Ҳиндистонда Будда ва Ведаларда ҳамда Миср ва Юнонистон файласуфларининг асарларида учратса бўлади. Аммо, таълим ва тарбияга оид билимларни илмий асосланган маълум бир тизимга солиб, уларни бир неча бор синовдан ўтказиб, равон бир педагогик назария кўринишида, биринчи бор инсониятга тақдим этган олим, бу Буюк чех файласуфи ва педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670) бўлган. У ўзининг “Буюк дидактика” асарида болаларни неча ёшдан ўқита бошлаш лозим? Гуруҳ-гуруҳ қилиб ўқитганда гуруҳдаги болалар сони қанча бўлиши керак? Ўсиб келаётган авлодга нималарни ўргатиш керак? Билим беришда қандай тамойиллардан (принциплар) келиб чиқилиши шарт? Билим беришда қандай усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ? Ўқитувчиларнинг моддий таъминоти қандай бўлиши керак? ва бошқа бир қатор саволларга илмий асосланган ва тажрибадан ўтган жавобларни берган. Чунончи, Ян Амос Коменский синфдаги болалар сони 12 дан ошмаслиги керак, ошиб кетса дарс ижро бўлмайди. Ёки ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақи, мамлакатнинг биринчи шахси ойлигидан кўп ёки унинг иш ҳақиси билан баробар бўлиши шарт. Акс ҳолда ўқитувчининг обрўй бўлмайди, деб таъкидлаган. Бошқа масалаларга ҳам шундай, амалда исботланган ва илмий асосланган жавобларни берган эди аллома.

Ундан кейин англиялик файласуф ДЖон Локк (1632-1704) ҳам, ўз тадқиқотларини педагогика назариясига қаратган. Француз олимлари Д.Дидро (1713-1784), К.Гельвеций (1715-1771), П.Гольбах (1723-1789), Ж.Ж.Руссо (1712-1778) ҳам, педагогика назариясига ўз хиссаларини қўшганлар. Ўзидан аввал ўтган педагог ва файласуф олимлар фикрини таҳлил қилиб ўз фикрини берган педагог олимлардан швейцариялик И.Г.Песталоцци (1746-

1827) бўлган. Шунга ўхшаш, аммо педагогика назариясига чуқурроқ кириб борган педагог олимлардан И.Ф.Гербарт (1776-1841) ва Ф.А.Дистервег (1790-1886)лардир. Педагогика назариясига Россия олимларидан В.Г. Белинский (1811-1848), А.И.Герцен (1812-1861), Л.Н.Толстой (1828-1910) ва К.Д.Ушинскийлар ҳам хисса қўшганлар. Ўрта Осиёда назарийчи педагоглар қаторига Маҳмуд Қашғорий, Аҳмад Юнакий, Юсуф Хос Хожиб, Навоий, Кашофий, Маҳмуджа Бехбудий (1875-1919), Фитрат (1886-1938), Абдулла Авлоний (1878-1934) ва кўпгина бошқаларни қўшса бўлади.

Эрамининг XVII аср ўргаталаридан бошлаб, педагогика назарияси, инчунун уни ўрганувчи фан “Дидактика” шакллана бошлаган экан, ўтган давр мобайнида кўпгина педагог олимлар томонидан талайгина дидактик тизимлар таклиф этилиб, амалиётга сингдирилган. Аммо, уларнинг ҳаммаси ҳам тарих синовидан ўтиб, ер юзига кенг тарқалмади. Жаҳондаги кўпгина мамлакатлар педагогик амалиётга сингдирилиб, шу кунгача нуфузини сақлаб турганлари – учта. Бу ҳам бўлса, чехиялик файласуф ва педагог Я.А.Коменскийнинг дидактикаси, алмон педагоги ва психологи И.Ф.Гербарт ва америкалик файласуф, психолог ва педагог Ж.Дьюининг дидактик тизимларидир. Бу тизимларнинг ижобий томонларини бирлаштиручи ҳамда анча такомиллашган ҳозирги замонда янги дидактик тизим мавжуд.

Булар орасида кўпгина умумийлик бўлгани билан фарқлари ҳам анча. Чунончи, Я.А.Коменскийнинг дидактик тизими ўта гуманистик бўлиб, у билим бериш ва билим олиш жараёнини бошқариш ўқитувчилар томонидан амалга оширилади дейилгани билан, билим олишликни тўла талабалар ихтиёрида бўлиши керак деб ҳисоблар эди. Яъни, талабалар билим олгилари келсагина уларга билим бериш лозим. Аммо билимга қизиқтириш ўқитувчига боғлиқ дейилган. Шу боис дарс бериш усул ва услублари ўта юмшоқ, яъни болаларга таъйиқ ўтказмасдан, уларнинг хоҳиш-истакларига қараб дарс олиб борилишини тақазо этган.

Муҳаммад Форобий “Ҳудусул-улум” (“Илмларнинг келиб чиқиши”), «Ихсо ал-улум» («Илмларнинг ҳосиятлари», «Илмлар таснифи» ҳам дейилади), «Афлотун қонунлари моҳияти ҳақида» асарларида маддий, техникавий билимларни (тилшунослик, математика, илми хиял-механика, манозир-оптика илмларини) би-

лишдан аввал инсон руҳини, маънавиятини камал топшириш, зарурлигини айтади. Форобий инсон – Коинотдаги тизимларнинг бир қисми, табиат қонунларинига мувофиқ яшаши, ҳаддидан ошмаслиги, нафсини жиловлаш кераклигини, гўзал фазилатларини эгаллаши кераклигини уқтиради.

Қандай ва қанча билим берилиши керак? деган саволга Я.А.Коменский, билим тури ва ҳажми қанчалик кўп бўлса шунчалик яхши, деган ақидадан келиб чиққан. Шунинг учун ўқитувчи билимни бериб, ўқувчи уни эслаб қолишининг ўзи кифоя дейилган Коменский дидактикасида. Социалистик инқилоб ғалаба қозонган шўролар ҳокимиятида айнан Я.А.Коменскийнинг дидактик тизими қабул қилинган эди. Бошқа деярли барча ҳорижий мамлакатларда, шу жумладан Европа мамлакатлари ва Америкада, нисбатан қаттиқ қўлликка ва зўрлашга асосланган И.Ф.Гербарт дидактик тизими кенг қўлланилди.

Гербартининг фикри бўйича, мактабнинг асосий вазифаси ўқувчиларни ақлий ривожлантириш, яъний уларга билим беришдан иборат бўлмоғи лозим. Гербарт ахлоқий тарбиянинг барча масалаларини оила ҳал қилиши керак деб ҳисоблайди. Шу боис, таълим беришнинг асосий мақсади тайёр билимларни бериш, ўқувчилар эса бу билимларни ёдлаб олишлари билан белгиланган. Гербарт ҳам, “қанча кўп билим берилса, шунчалик яхши”, деган ақидадани тўғри деб билган. Дарс жараёнида фаоллик фақат ўқитувчига руҳсат берилган, ўқувчилар эса ўқитувчи айтганларини мулоҳазасиз қабул қилиб, эслаб келишлари талаб қилинган. Гербарт ўқувчиларга жисмоний жазони ҳам қўллашликни мумкин деб билган. Коменский эса, бу ҳолга жуда ҳам қарши бўлган. Бу масалада Форобий, “баъзи ўқувчиларга юмшоқ усул орқали билим берилса, баъзиларига қаттиқ усул қўл келади” деб туриб, кетидан, “аммо юмшоқ усул қаттиқ усулдан афзал” деган эди аллома.

Азиз китобхон, энди тафаккурингизни яхшилаб ишлатиб, бир эслаб кўринг-чи, сизнинг ҳаётингизда шунга ўхшаш усуллардан фойдаланувчи ўқитувчилар бўлганми? Албатта бўлган, чунки бу икки дидактик тизим қарийб икки аср давомида ер юзида ҳукумронлик қилган. Гарчи расмий шўролар ҳокимияти Я.А.Коменскийнинг гуманистик дарс беришини даъво қилсалар ҳамки, кўпчилик ўқитувчилар Гербарт дидактик тизимини билмаган ҳолда,

унинг коидаларига тойиб кетаверганлар. Чунки, Гербарт ўз дидактик тизимини реал ҳаётдан олган бўлиб, психологиянинг қонун-қоидаларига суянган. Ундан ташқари бу усул нисбатан онсон бўлиб, ўқитувчидан фақат қаттиқ қўлликни талаб этиб, ундан катта интеллектуал куч сарфлашни талаб қилмаган.

XX аср бошларида америкалик файласуф, психолог ва педагог Жон Дью, Гербарт дидактик тизимига қарама-қарши бўлган ўзининг дидактик тизимини таклиф қилди ва уни Чикаго мактабларидан бирида синаб кўрди. Дью дарсда ўқитувчи эмас ўқувчи фаол бўлмоғи лозим деб чиқди. Дарсда бериладиган билимлар талабалар эҳтиёжига мос ва уларнинг хоҳишидан келиб чиққан бўлиши керак дейди Дью. Китобдаги билимларни қуруқ ёд олиш ҳеч нарсага олиб бормайди, аксинча ўқувчиларни ўқишдан совутиб, тафаккурини занглатади деб ҳисоблайди Дью. Таълим-тарбияга Дьюнинг қўшган асосий ҳиссаси бу “ақл юритишнинг тўлиқ жараёни”дир. Ақл юритиш тўлиқ жараёнининг етакчи халқаси муаммонинг пайдо бўлиши дейди Дью. Муаммо пайдо бўлганидан кейин, ўқувчи қийин ҳолатга тушиб, унинг ечимини излайди ва фаол фикр юритиб, бир катор мулоҳазалардан кейин бу муаммонинг ечимини топади ва синаб кўради, нотўғри бўлган тақдирда, яна ақл юритади ва бу жараён бир неча маротаба қайтарилганидан кейин, охир оқибатда унинг тўғри ечимини топади. Натижада фикр юритишнинг тўлиқ жараёни амалга ошади. Кейинчалик бундай дидактик тизимни муаммоли дарс ўтиш, деб номланиб кетилди.

Бу уч дидактик тизимларни анчагина ижобий томонлари билан биргаликда салбий томонлари ҳам мавжуд. Шунинг учун, америкалик бир қатор педагог олимлар томонидан, аввалги дидактик тизимларнинг ижобий томонларини бирлаштирувчи дидактик тизим яратилди ва унга янги дидактик тизим деб ном қўйилди. Янги дидактик тизимда илгари сурилган ғоялар жуда яхши, аммо уларни амалга ошириш ўта қийин экани амалиётда маълум бўлди. Дунёда бўлган барча дидактик тизимларнинг энг яхши томонларини бирлаштириб, янги дидактик тизим асосида дарс ўтишни оддий педагоглар у ёқда турсин, тажрибали педагог олимлар ҳам уддасидан чиқиши қийин бўлди. Шу мунособат билан, ҳамма педагоглар фойдалана оладиган, ўзининг қатъий тузилишига ва амалий якунга йўналтирилган ҳамда дунёдаги

барча дидактик тизимларнинг яхши томонларини бирлаштира олиш хусусиятига эга бўлган ўқитишнинг педагогик технологияси ишлаб чиқилди ва ривожланган мамлакатлар педагогик амалиётига сингдирилди.

Азиз китобхонлар, миллий педагогик технология таълим-тарбия соҳасидаги навбатдаги расм (мода) эмас, педагогик жараёни амалга оширишнинг бу усули заруриятдан келиб чиққан бўлиб, уни эгаллаб олмасдан туриб Республикада илм-фанни ва таълим-тарбияни ривожлантириб бўлмайди.

5-§. Педагогик технологиянинг назарий ғоялари. Педагогик фаолият турлари, йўналтирилган объекти ва предмети.

Инсон Ер юзидаги бошқа мавжудотлардан, ўзининг мақсадга йўналтирилган ҳаракатлари билан кескин фарқ қилади. Мақсадга йўналтирилган ҳаракат фаолият деб номланиши туфайли, инсон, айнан ўзининг фаолияти билан бошқа жанзотлардан тубдан фарқ қилади десак, тўғри бўлади.

Одамларнинг олдига қўйган мақсадлари турли туман бўлиб, уларни бир неча гуруҳларга ажратса бўлади. Гуруҳлаштириш назариясига асосан, оламдаги нарса ва ҳодисаларни гуруҳлаштириганда, уларнинг муайян бир умумий хусусиятини асос қилиб олинади. Масалан: яхшиликни асос қилиб, амалга оширилган фаолиятлар гуруҳининг умумий номи – эзгулик; ёмонликни асос қилиб олинган фаолиятлар гуруҳининг номи – зулм; умр кечиришни таъминлаш мақсадида, ҳалол йўл билан, маблағ топишни асос қилиб олинган фаолиятлар гуруҳи – меҳнат; ҳаёти учун зарур маблағни, қингир ва ноқонуний йўллар билан бўлсада, топишни асос қилиб олинган фаолиятлар гуруҳининг умумий номи – ўғрилик; дам олиш ва ўзининг ижтимоий моҳиятини такомиллаштиришни, шу жумладан илм билан шуғулланишни, асос қилган фаолиятлар гуруҳининг номи – ҳавас дейилади. Шунга ўхшаб, олдига қўйган мақсади ва унга эришиш фаолиятининг **характерига қараб**, барча инсон фаолиятларини уч йирик гуруҳга ажратса бўлади.

Биринчи гуруҳ – амалий фаолият. Амал, мақсадга муофиқ ҳаракат қилиш экан, буни рўёбга чиқариш учун, киши ўз фаолиятидан кўзланган мақсадни ва унга эришиш йўлларининг сир асрорини яхши билиши керак бўлади. Яъни, киши ҳаракат қилишидан олдин, ҳаракат қилиш билимларига эга бўлиши шарт. Аник

мақсад ва унинг кўрсаткичларини ҳамда мақсадга етиш йўл-йўриқларини, яъний билимларини, одам билим сандиғи бўлган шу соҳанинг фанидан устоз-муаллимлар орқали ёки мустақил равишда китоб ва бошқа адабиётларни мутоола қилиб ола олади.

Билим бериш ва уни эгаллаш фаолиятини **маърифий фаолият** дейлиб, инсон фаолиятининг **иккинчи гуруҳини** ташкил қилади. Бунда бир инсон муайян фандаги билимларни бошқасига узатади, бошқа бир инсон, бу билимларни қабул қилиб олади. Ҳуқуқчилар талабаларга берадиган, фанга таалуқли билимлар қаёқдан пайдо бўлади? деган саволга. Бу билимларни, инсониятнинг тарихий таракқиёти давомида, олимлар тадқиқодлар олиб бориш йўли билан аниқлаганлар ва фанга мулк қилиб берганлар деймиз.

Инсоннинг тадқиқот олиб бориш фаолиятини **илм** дейлиб, инсон фаолиятининг **учинчи гуруҳини** ташкил қилади. Киши руҳига роҳат баҳш этувчи фаолият тури бўлган илм билан, ҳар бир инсон шуғулланиш қобилиятига эга. Бу қобилият бировда қўп, бошқа бировда озроқ бўлиши мумкин, бу табиий ҳол. Аммо ҳамма ҳам, бу ҳақиқий инсоний фаолият билан шуғуллана олади. Фақат бунинг шартларини бажариш лозим.

Илм йўлидаги қонун қониданинг асосийларидан бири, нафсни тийишдир. Нафсни тийиш деганда, кийиниш, овқатланиш ва бошқа истемол амалларини тўхтатиш деган сўз эмас, албатта. Бу дегани, истемол қилиш амалини асосий мақсад қилиб олмай, истемолни буюк мақсадга етишдаги зарурий бир чора деб қабул қилмоқ лозим. Сукрат ҳақим айтганидек, “емак учун яшмай, яшаш учун емак керак”. Мақсадларнинг энг буюғи эса, билим олмоқ ва янги билимларни излаб топмоқликдир.

Иккинчидан, илм билан шуғулланишни мақсад қилган киши, албатта ўзига узтоз (пир) танлаб олиши лозим, бўлмаса йўл йўлакай сарсон бўлиб қолади. Устоз танлаб олганидан кейин, уни қийнамай, маълум бир вақт мобайнида, унга сўзсиз итоат этиши шарт. Қачонки ўзи устоз даражасига эришганида, устози билан баҳслашиш қувватига эга бўлади. Чунки илм йўли анча мураккаб бўлиб, бу йўлни паёнига етиш учун, киши, маълум бир вақт, устозига эргashiши лозим бўлади.

Демак, инсон ўзининг турли туман фаолиятларини амалга ошираётганда, ё амалий фаолият соҳасида, ё маърифий фаолият

(билим олмок ёки билим бермок) соҳасида, ёхуд илмий фаолият соҳасида ишлаш учун етук устозлардан таълим олиш зарур.

Хар қандай фаолиятни амалга ошираётганда, киши ўз фаолиятини муайян бир нарса ёки ҳодисага қаратади. Шунда бу нарса ёки ҳодиса, унинг **фаолият объекти** ҳисобланади. Аммо хар қандай нарса ёки ҳодисанинг жабҳалари кўп бўлади. Муайян нарса ёки ҳодисанинг (объектнинг) алоҳида олинган жабҳасига, ўзига яраша фаолият орқали таъсир кўрсатилади. Муайян объектнинг алоҳида жабҳасига муайян фаолият орқали таъсир кўрсатилганида, бу жабҳа, шу **фаолиятнинг предмети** ҳисобланади. Бу илмшуносликнинг бизга белгилаб берган умумий қондаси, унга бўйсинмай иложимиз йўқ. Демак, фаолият йўналтирилган нарса ёки ҳодиса, шу **фаолиятнинг объекти**, унинг алоҳида таъсир этиш жабҳаси, унинг **фаолият предмети** ҳисобланар экан. Фаолият объекти, муайян фаолият нимага қаратилган деган саволга жавоб берса, фаолият предмети, бу фаолият шу ниманинг нимасига қаратилган деган саволга жавоб бериши шарт.

Шундай экан, бошқа соҳалар катори, педагогика соҳаси ҳам, олдига қўйган мақсади ва унга етишиш йўлларининг характерига қараб уч йирик гуруҳга бўлинади. Буларга: педагогика илмининг фаолияти, педагогика фанининг фаолияти ёки маърифий фаолият ва педагогик амалиёт фаолияти киради.

Педагогикада илмий фаолиятнинг ўзига ҳослиги, у ўз олдига таълим ва тарбия жараёнидаги мавжуд қонуниятларни, тадқиқотлар олиб бориш йўли билан, аниқлашни мақсад қилиб қўйганлигидир. Шунинг учун, **унинг тадқиқот объекти педагогик жараён** ҳисобланади. Педагогик жараёнда бир нечта унсурлар иштирок этганлиги боис, педагогик жараёни бир бутун қилиб турган, улар орасидаги зарурий (функционал) алоқадорликлардир. Педагогик жараёнда иштирок этадиган элементларни ўзаро боғлаб турган алоқадорликлар педагогика **илмининг тадқиқот предмети** ҳисобланади. Чунки, педагогика илмининг **мақсади**, педагогик жараёнда иштирок этадиган унсурлар орасидаги алоқадорликларнинг зарурийларини нозарурийларидан ажратиб бериш ва зарурий (қонуний) алоқадорликларни мавжуд эканлигини исботлаш ва шулар асосида таълим-тарбия бериш тамойилларини, қонун ва қоидаларини амалиётчи педагогларга аниқлаб беришдир.

Педагогика фани ўз фаолиятини педагогика илми аниқлаган махсус тушунчаларни, билим беришнинг тамойиллари, қонун ва қоидаларини, келгусида меҳнат фаолияти этиб ўқитувчиликни танланган инсонларга ўргатишга қаратган. Шу боис, бўлгуси ўқитувчилар педагогик фан соҳибларининг фаолият **объектидир**. Ўқувчи ва талабаларга муайян фандан билимлар бериш, педагогика фани сўхилларининг фаолият **предмети хисобланади**. Педагогика фанида фаолият кўрсатаётганларнинг **мақсади**, ўзига ўқитувчиликни меҳнат фаолияти этиб танлаганларга педагогика илми аниқлаган ва таълимий жараёнда амал қилиниши шарт бўлган махсус тушунчалар ва тамойилларни, қонун ва қоидаларни ўргатишдир. Педагогик фаолиятни ўзига касб этиб танлаганларнинг вазифаси эса, устозлари ўргатаётган, педагогика фанидаги мавжуд махсус тушунчаларни, дарс беришда амал қилиниши шарт бўлган тамойилларни (принциплар), дарс беришнинг қонун ва қоидалари, усул ва услубларини эгаллаб олиб, шогирдларга турли туман фанлардан билим бериб, уларни тарбиялашга киришишдир.

Педагогик амалиёт. Ўқитувчи ва педагоглар ўз амалий фаолиятларини одамларга қандайдир фандан билим беришга ва уларни замонасига мос кишилар этиб тарбиялашга қаратган бўлади. Уларнинг **фаолият объекти инсон** (у турли ёшда бўлиши мумкин). Маълумки, одам биологик моҳияти баробарида ижтимоий моҳиятга ҳам эга. Шунинг учун уни “био-ижтимоий” мавжудот “био-социум” деб юритилади. Инсоннинг биологик моҳиятини, унинг бўй – бастининг ўлчамлари, оёқ – қўлларининг шакл – шамойиллари, юз-кўз тузилиши, терисининг ранги, конининг иссиқлик даражаси ва кимёвий таркиби ҳамда бошқа бир қатор биологик кўрсаткичлари ташкил қилади. Кишининг ижтимоий моҳияти эса, муайян бир шахснинг ҳаёти давомида тўплаган билими, кўникма, малака ва маънавиятининг мураккаб қоришмасидан иборатдир[26].

Зеро, инсоннинг ижтимоий моҳияти асосини билим ташкил қилар экан, у бу билимларни теварак атрофни кузатиб, ота-онаси, ёру-биродарлари, оммавий ахборот воситалари ва расмий таълим-тарбия тизими орқали олади. Бу билимларни у ҳаётида қўллаётган аввал кўникмасига, сўнг малакасига ва охир оқибатда ҳаёт тарзига, яъни маънавиятига айлантиради. Кишининг эгаллаган билимлари дил такомилнинг, юқорида кўрсатилган босқичлардаги ҳолатларининг йиғиндисини унинг **ижтимоий моҳияти дейилади**.

Яна қайтарамиз-ки, инсон ижтимоий моҳиятининг асосини билим ташкил қилар экан, шахсни замон талабига мос равишда шакиллантирувчи асосий фаолият соҳаси, узлуксиз расмий таълим-тарбия ҳисобланади. Чунки расмий таълим тарбия, аҳолига фақат илмий асосланган ва минглаб маротаба амалиётда синаб кўрилган турғун билимларни беради. Бу фаолиятни амалга оширувчи мутахассисларни ўқитувчи ва педагоглар дейлиб, уларнинг фаолият предмети инсоннинг ижтимоий моҳиятидир. Яъни, педагогларнинг амалий фаолияти йўналтирилган объект – инсоннинг ўзи бўлса, амалий фаолиятининг предмети, инсоннинг ижтимоий моҳияти экан. Ҳар бир ўқитувчи ўзининг хусусий фанидаги билимларни дидактика тамойиллари қонун ва қоидалари ёрдамида талабаларга ўргатиш баробарида уларни миллий руҳда тарбиялайди. Шу йўл билан ўқитувчи ва педагоглар, одамларнинг ижтимоий моҳиятини замон талабига мос йўналишда шакиллантириб, ривожлантирадилар, натижада, жамият учун энг зарур бўлган вазифани бажарадилар.

II БОБ. ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

1-§. Квантлар назарияси ва синергетика

XX аср ўрталаригача, қарийб икки аср мобайнида, барча турдаги олимлар Ньютоннинг механик дунёқарашига лол бўлиб, физиканинг механика қонунларидан келиб чиққан ҳолда ўз назария ва таълимотларини яратдилар. Бу ғояга биноан бутун дунё ва унинг унсурлари яхши соzланган машина кабидир. Уларни ўрганиш учун ҳар бирини қисм-қисмларга бўлиб ўрганиш лозим дейилган. Инсоният тафаккури таракқиётининг маълум бир босқичида, шундай қилиш тўғри бўлган бўлиши керак. Бу ғояни нафақат физик, кимёгар ҳамда биологлар, балки жамиятшунос олимлар ҳам ўз фаолиятларига методологик асос қилиб олган эдилар.

“Оламга механик қарашни шакллантириб, бизнинг тафаккуримиз билан ҳиссиётимиз, рухимиз билан танамиз, ўзимиз билан жамият ва жамият билан бутун табиат орасига пона уриб, уларни бир-биридан ажралиб қолишига физиклар сабабчи”, дейди америкалик физик олим Дэвид Пид.

Ньютоннинг концепцияси бўйича, бутун борлиқ майда қисмлардан ташкил топган бўлиб, ўзаро боғлиқдир. Дунёда содир бўладиган барча нарса ва воқеликларни олдиндан англаб, уларни билиб, мақсадга мос равишда ўзгартирса бўлади, деб ўйлаган Ньютон. Даставвал сайёралар ҳаракатини илмий асосда кўрсатиб беришни мақсад қилиб қўйган бу ғоя инсониятнинг икки юз йиллик ҳаётига жуда катта таъсир этиб, жамият ва одамларни табиатдан ташқарига чиқариб қўйди. Инсон табиатга четдан туриб қарайдиган бўлиб, унинг ҳукмдорига айланиб қолди. Бу позицияда, механик дунёга четдан қараган ҳолда ёндашиб, уни ўзимизга бўйсундирмоқчи бўлдик. Натижада, тирик коинотнинг ажралмас аъзоси бўла туриб, ўзимизни ундан ажратдик. Инсониятни табиатдан, инсон руhini танасидан, ақл-шуурини ҳиссиётдан бегона қилиб, ажратиб ташланди. Шу туфайли инсоният икки юз йил давомида қарама-қаршилиқ кайфиятида яшаб келди. Бу қарама-қаршилиқларни фақат куч билан бартараф этиш мумкин, деган фикрга ишонган ҳолда коинотда етим (ожиз) бўлиб қолдик. Ўзини ёлғиз ҳис қилган одам доимо кўрқувда ҳаёт кечиради. Кўрқув эса имонсизлик белгисидир. Кўрқувни фақат билим енгади ва киши

имонини мустаҳкамлайди. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ), “Мўмин ва мўминалар учун илм талаб қилиниш фарздир” деганлар.

Ҳамма нарсадан кўркиб яшайдиган ожиз одамлар, ўзларининг тинчлигини кафолатлаш мақсадида тинмай дунё йиғадилар ва қуроулланадилар. Бу фикрда мустаҳкам турганлар ҳали ҳам жуда кўп. Аммо, уларнинг барча ҳаракатлари зое кетади, бу билан уларнинг дили таскин топиб, тинчлиги кафолатланмайди. Зудлик билан бу позициядан воз кечиб, ўзаро бирлашишлари ва билим эгаллашлари, дунёқарашларини ўзгартиришлари ва имонларини мустаҳкамлаб тинч-тоғув яшашлари керак.

Эндиликда квант назарияси яратилиб, бутун олам нур (квант) тўлқинининг майдони сифатида идрок этилган бир пайтда, оламни яхлит бир жонли мавжудот деб тан олинмоқда. Ундаги барча унсурлар олам деб аталмиш тирик вужуднинг аъзолари экани исботланган. Бу ғояга асосан инсон, олам деган тирик мавжудотнинг нутфа уруғи, кичрайтирилган нусхаси сифатида талқин қилинади. “Ўзингни танисанг Раббингни танийсан” деган ҳадиснинг маъноси ҳам шу бўлса керак.

Дунёнинг етакчи олимлари: **“Тафаккуримизда содир бўлган, кейинчалик ҳаёт тарзимизга (маънавиятимизга) айланиб кетган бўлиниш ва қарама-қаршилиқ даври тугади”** демоқдалар. Квант назарияси шаклланиши билан, классик физиканинг механик назарияси барҳам топти ва бизга одат бўлиб қолган дунёқараш ўзгара бошлади. Кимда - ким ўзидаги механик дунёқарашни ўзгартирмаган бўлса, ўзгартирсин. Ньютон физикасининг механик қараш асосида фикр юритган одам XIX аср ёки XX аср бошларида яшаётгандек бўлади. Афсуски, бизда, бундайлар кўпчиликни ташкил этиб турибти, чунки бу ғоя ўта жўн бўлиб, одамлар руҳига сингиб кетган. Албатта, дунёқарашни ўзгартириш иши онсон кечмайди. Онсон бўлмаса-да, шу йўналишда ҳаракат қилишимиз лозим. Акс ҳолда жаҳон ҳамжамияти тараққиётдан орқада қолиб, бир жойда депсиниб тураверамиз.

Квант назарияси дунёқарашимизга яхлитлик ғоясини олиб кирди. Аслида бу назария Курьонда, Форобий, Беруний, Ибн Сино асарларида кашф этилган. Энди биз ўзимизни Коинотдан, руҳимизни танамиздан, ақлимизни ҳиссиётимиздан ажралган ҳолда идрок қилмасдан, инсонни Коинот ичида, унинг ажралмас бир аъзоси

сифатида кўришимиз керак. “Инсон коинотнинг бир бўлаги экан, агар биз инсон фаолиятининг мақсадини билмоқчи бўлсак, аввало бутун Коинотнинг мақсадини билиб олишимиз зарур бўлади” [12]. Бошқача айтсак, бармоқлар – қўлга, қўл эса гавдага, гавда бошга хизмат қилганидек, инсон жамият тараққиётига хизмат қилиши зарур.

Энди биз табиат ичида туриб, уни мутлақо бошқача идрок қила оламиз. Классик физика асослари ҳам ўзгара бошлади. Энди материя қотиб қолган бир нарса сифатида талқин қилинмай, у квант майдонининг ҳаракат жараёнидаги бир модели сифатида ҳис этилмоқда. Дунёга квант назарияси асосида қараш материяни ақлдан ажралмаган ҳолда, балки уларга бир бутуннинг икки ҳолати сифатида ёндашишни талаб қилмоқда.

Авалли дунёқарашимиз ногўғри эканлиги аниқ бўлди. Аммо, бу деган сўз, у ёлгон экан дегани эмас. Бу фақат объектив борлиққа ёндашишимиз бошқачароқ, тўлиқ бўлмаган деганидир.

Квант назарияси дунёда ҳозиргача бўлган дунёқарашларнинг энг тўғриси десак хато қилмаган бўламиз. У субатом зарралари ва биологик мажмулардан тортиб, галактика ва сайёралар ҳаракатини тўғри, яъни илмий асосда тушунтириб бермоқда.

Бу назарияни биринчи бор Макс Планк билан Альберт Эйнштейнлар “Қора ўра” сирини ўрганиш жараёнида яратдилар. Атомнинг турғунлик ҳолатига кўнмай, радиацион майдонга “квант ўлчамлари” билан ёндашдилар. Шундай қилиб, ноль ўлчамга эга “фотон” туғилди. Шундан кейин атом ичидаги электронлар ҳаракатига “квант” (энергия тўлқинининг бир бўлаги) ўлчамини бериб, электрон тўлқинларининг турғунлик сирини билдилар. Радиация майдонлари ва энергия тўлқинларини квант сифатида ўрганишлари жараёнида, улар бир вақтнинг ўзида ҳам зарра, ҳам тўлқин сифатида бўлишлигини кашф этдилар. Бу эса шу кунгача шаклланган дунёқарашнинг бутунлай ўзгариб кетишига олиб келди. Шу йўл орқали “Квант назарияси” ва унинг таркибий қисми сифатида “Квант механикаси” яратилди.

Квантли фикр юритиш, нур тезлигидан ташқарида ҳам реал борликни ифода этувчи ўлчам бор эканини аниқлади. Олимлар бутун дунёга квант манзарасидан қарашганда, макон ва замон моддий олам ичида мавжудлигини ва бутун оламини камраб олган квант кучини аниқладилар. Квант кучи ҳамма ёқда, барча нарсаларда

мавжуд бўлиб у ўз қувватини тўлик намоён этса, табиатда ақл бовар қилмайдиган ўзгаришлар содир бўлиши мумкинлиги маълим бўлди. Олимлар бу қувват бутун олам бўйлаб, чексиз тарқалиб, квант майдонини ташкил қилишлигини топдилар.

Дэвид Бомм ва бошқалар, квант тўлқини бутун борлиқнинг асосий манбаъи эканини исботладилар.

Квантли фикр юритишнинг энг истедодли вакилларида Дэвид Бомм, бутун борлиқ, шу жумладан, энергия ва вақт ҳам Коинот ичида мавжуд яширин тартибнинг ҳосиласи, шу туфайли барча нарсалар тартиб ичидаги тартиб орқали бошқарилади демоқда. Олам ичида яширинган тартиб бутун борлиқни бошқариб турар экан.

Квантли фикр юритиш, Оламни, шу маҳалгача мавжуд бўлган илмлар кашф қилган билимлардан яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Бутун Олам ва ундаги нарсалар тартиб ичидаги тартиб орқали бошқарилиш ғоясидан келиб чиқиб, илм-фанда “синергетика” оқими пайдо бўлди.

Синергетика, даставвал, физика-математиканинг назарияси сифатида ХХ асрнинг 60 - йилларида вужудга келди. Бунга асос солган белгиялик олим И. Пригожин, математикадаги диссиптив (лот. “диссипация” – ейиш) системани кашф қилди. У очик система хисобланиб, ўзини қуршаб турган муҳит билан энергия ва зарралар алмашуви натижасида доимо ўзаро боғлиқликда экан.

Бу оқимга германиялик олим Г.Хакен “синергетика” деб ном берди.

Синергетика ғояси тараккий этиши жараёнида, очик система шароитида, унинг тадрижий ривожига олиб борувчи ўзини ўзи ташкил қила олиш хусусиятига катта эътибор қаратилди. Турлитуман системаларнинг ўзини ўзи ташкил қилиш жараёнида мавжуд универсал хусусиятлар ва объектив қонуниятлар аниқланди.

Синергетик ғоя ва тамойилларнинг асослилиги ҳамда кенг миқёслилиги унинг фанлараро илмий йўналиш бўлиб шаклланишига олиб келди. Бу эса, муҳим фалсафий натижаларга ва янгича дунёқарашнинг шаклланишига сабаб бўлди. Табиий равишда, умумсинергетика оқими ичида ижтимоий синергетика ҳам ривожланиб бормоқда.

2-§. Мажмулар назарияси ва ундан келиб чиқувчи объектив борликқа мажму ёндашув тамойили

Йигирманчи аср ўрталарига келиб объектив борлик тўғрисидаги маълумотлар шу даражада ортиб кетдики, аср бошида гўёки шаклланиб битган деб ҳисобланган фан тармоқлари тараққий этиши натижасида уларнинг турлари қарийб юз баробар кўпайди. Ўрганиш объекти ва тадқиқот усуллари жиҳатидан, уларнинг фанлараро, интегратив турлари вужудга кела бошлади. Билим ҳажми, тури ва сифати ортиб бораверди. Бу билимларни кенг омага етказиш ва уларнинг тафаккурига сингдириб, хотираларида сақлаб қолишлари учун дунёни бошқача тушуниш тартибини жорий қилиш зарурияти пайдо бўлди.

Ундан ташқари, протон ва электронларни фотонларга, фотонларни нейронларга бўлиниб кетиши ва квантни кашф қилиниши, дунёнинг пайдо бўлишининг янги концепциясини тузишни тақозо қилар эди.

Шу маҳалагача ҳукм суриб келаётган оламни механик тушуниш бу вазифани бажара олмас эди. Гап шундаки, аввал ҳам айтганимиздек, “классик” илм-фан нарса ва ҳодисаларни бўлакларга ажратиш ўрганар, сўнг бу қисмларни механик равишда бир-бирига бирлаштириб туриб идрок қилар, шунда қисмлар орасидаги алоқадорликларга эътибор ҳам берилмас эди. Баъзи фан соҳаларида объектив борликқа бундай ёндашиш ҳозиргача давом этиб келмоқда. Аслида, нарса ва ҳодисалар ва уларнинг қисмлари таснифидан, улар орасидаги алоқадорликларни билиш ҳаёт учун аҳамиятлироқдир.

Шундай шароитда 20-йилларда австриялик биолог олим Людвиг фон-Берталанфи томонидан нарса ва ҳодисаларни ўрганишда “органик” усул таклиф этилди. Бу усул – биологик ва ижтимоий ҳаётдаги жараёнларни ўзаро боғлиқ ҳолда, бир бутунлик сифатида ўрганишни тақозо этарди. Бошида бу усул биологияда қўллана бошланган. Аммо ҳаёт бу усулнинг тараққиётнинг бошқа жабҳаларида, жумладан, ижтимоий ҳаётда ҳам қўлланишига олиб келди. *“Мен аминманки, оламдаги кўпчилик олимлар биз келган натижага келишган, аммо, бизлар тарқоқ ва бир-биримизни билмаймиз, ундан ташқари, фанлар орасидаги чегаралар ҳаммамизнинг бирлашишимизга имкон бермай турибди”, [31]* – деб

ёзган экан англиялик иқтисодчи олим К.Боулдинг ўзининг Л.Фон Берталанфига йўллаган хатида.

Аста-секин дунёдаги илм-фан вакиллари, пайдо бўлиши жиҳатидан турли бўлган нарса ва ҳодисалар ривожининг умумий қонуниятларини аниқлаш ва уларни бир тартибга келтириш зарур эканига тушуниб етдилар. Бир қатор хусусий фанларда, ҳодисага синергетика нуктаи назаридан система сифатида ёндашишни, яъни **ўзаро функционал боғлиқликда турган қисмлар бир бутунликни ташкил қилишлиги** исботланди.

Умуман, системали ёндашувнинг қадимги илм-фан ва фалсафада мавжуд эканлигини ҳам кўrsa бўлади. Бутун борлиқ қандайдир, ўзаро боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топганлигини Платон, Форобий, Ибн Сино ва бошқа алломалар фикрларида ҳам кўриш мумкин. Мавлоно Жалолиддин Румий ҳам оламнинг заррадан қонинот қадар ўзаро вобасталиги, бир-бири билан тортилиб туриши ҳақида айтган.

Системали ёндашувни биринчи бўлиб англиялик иқтисодчи олимлар Адам Смит ва Адам Фергустон, ундан кейин Чарлз Дарвин ҳам қўллаганини кўrsa бўлади.

Фақат XX асрнинг 50-йилларига келиб, ўрганилаётган объектга ўзаро узвий боғлиқ бўлган бўлақлардан ташкил топган бир бутунлик сифатида қарайдиган бўлишди.

Даставвал, системалар назарияси ўз мақсадини жамики нарса ва ҳодисалар, уларни ташкил қилувчи қисмларда бирдай ишлайдиган умумий тамойилларни аниқлашга қаратди. Техник системаларни моделлаштиришни кибернетика ўз зиммасига олган бўлса, ахборот берувчи системаларни ўрганиш жараёнида информацион назария вужудга келди ва охирида ҳаммасини интеграциялаштирувчи умум системалар назарияси пайдо бўлди.

Объектив борликни чексиз кўп, содда ва мураккаб, катта ва кичик, жонли ва жонсиз, тикланувчи ва тикланмайдиган ва ҳоказо сифатларга эга бўлган системалар сифатида идрок қилиш шу фан тараққиётининг маҳсулидир. Нарса ва ҳодисаларга система сифатида ёндашиш ривожлана бориб, қиска муддат ичида ўзининг хусусий қонуниятларига, атама ва тушунчаларига эга бўла бошлади. Системалар назарияси жуда ҳам тараққий этиб кетган назария бўлиб, ўз қонуниятларига, қонун-қоида ва категорияларга асосланган аппаратига ҳамда махсус фикр юритиш услубига эга.

Системалар назариясига тўлик асосланувчи биология, кимё, олий математика, кибернетика, космология, космонавтика, робота-техника каби илм-фан тармоклари мавжуд. Системалар назариясидан дунёни англаш усули сифатида фойдаланувчи фанлар кундан-кунга ортиб бормоқда. Шу кунга келиб, муайян фаннинг тараққий этганлиги ва ҳар бир олимнинг етуклик даражаси, уларнинг системалар назариясидан нақадар унумли фойдалана олишлиги билан белгиланмоқда.

Системалар назарияси (теория систем), системали ёндашув (системный подход) ва уларга тегишли бўлган тушунчалар Ўзбекистонга яқин ўтмишда кириб келди. Бу тушунчалар Ўзбекистон олимлари томонидан ўзбекчага турлича талқин қилиниб, илмий жамоатчилик орасида “мажмуали ёндашув”, “тизимли ёндашув” ва “мажмули ёндашув(бизнинг талқин)” деган атамалар билан қўлланиб келинмоқда. Илмдаги ғоят мураккаб бу ижтимоий воқеликни бу атамаларнинг ҳаммаси ҳам тўғри ифода этмайди.

Мажмуалар назарияси ва мажмуали ёндашув деган сўз бирикмаларидаги “мажмуа” тушунчаси биз назарда тутган воқеликни мутлақо ифода этмайди. Чунки, “мажмуа” (*эътибор беринг, “мажму” сўзидан “а” ҳарфи билан фарқланади*) атамаси русчадаги “комплекс” деган тушунчани билдиради. Илм ва амалиётда бундай ёндашув ҳам аслида мавжуд. Унда баъзи бир хусусият ва жиҳатлари масалан, ранги, шакли, товуши, ёши ва ҳоказолар ўхшашлигига қараб бирлаштирилган нарса ва ҳодисалар йиғиндисига айтилади. Улар ўзаро зарурий, яъни функционал боғлиқ эмаслар. Масалан, синфдаги болалар комплекс – мажмуа ҳисобланади, болаларнинг бир нечаси бўлмаса ҳам дарс давом этаверади. Системада ундай эмас, система бўлганидан кейин, унинг бир элементи бўлмаса система ўз фаолиятини тўхтатади ёки ўзгартиради.

“Тизимлар назарияси” ва “тизимли ёндашув” деган сўз бирикмалари системанинг классик ёки арифметик талқинини ифодалайди, холос. Ҳолбуки, системалар назариясида “тизим” тушунчаси тизимли ёки чизиқли система (линейная система) мазмунини бериб, системанинг минг туридан бир турини ифодалайди, холос.

Биз тақлиф қилган ва Ўзбекистоннинг етакчи муҳаррирлари фикр-мулоҳазасидан ўтиб маъқулланган атама “мажму”. Мажму деганда, ўзаро функционал алоқадорликда бўлиб, бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар бирикмаси тушунилади.

Функционал алокадорликда бўлган деб, мажмуни ташкил қилувчи қисмларнинг тадрижий ривожини натижасида уларнинг ички заруриятидан келиб чиққан боғлиқликларга айтилади. Масалан, стол ўз қисмлари – оёқлари, оёқ оралиғи тахта, қопкоқ тахталари билан функционал боғлиқликда. Бу мажму. Бир хил ранг ва фасондаги стол ва стуллар йиғиндиси - мажмуа. Соғлар кетма-кетлиги, яъни 1,2,3,4 ва ҳоказо тизим. Ёки болалар кетма-кетлиги – катта ўғил, ўртанча ўғил, кичик ўғил, бу ҳам мажму, аммо тизимли мажму. Эътибор беринг тизимли мажму, фақат бир томонга ёки икки ёққа йўналтирилган бўлиши мумкин. Ваҳоланки, мажмулар назарияси бўйича, мажму кўп томонли ёки доира шаклида, умуман, истаган шаклда бўлиши мумкин.

Ҳар қандай мажму икки ва ундан ортиқ қисмлардан ташкил топган бўлиб, айни вақтда, ўзи ҳам ўзидан юқори поғонадаги мажмуга қисм бўлиб киради. Унинг қисмлари ҳам бир поғона пастдаги мажмулар ҳисобланиб, улар ҳам, ўз навбатида, бир неча қисмлардан иборат бўлади. Бу ҳодиса чекли ва чексиз давом этиши мумкин. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мажмуларнинг хусусиятларидан бири **поғона (иерархия)дорлигидир.**

Мажмуга жонли бир мисол келтирадиган бўлсак, одамнинг кўзи бир бутунлик – мажму. У кўз олмаси, гавҳари, киприklar, қовоқ ва ҳоказо ўзаро функционал боғлиқ бўлган бир неча қисмлардан ташкил топган. Кўз олмаси ёки киприги (исталган қисми), ўз навбатида мажму бўлиб, бир неча қисмлардан ташкил топган. Кўзнинг ўзи ҳам мустақил мажму бўлиб, ўзидан бир поғона юқори турган "юз" деган мажмуга қисм бўлиб киради. Юз эса бошнинг қисмидир ва ҳоказо. Ёки автомашинанинг ғилдирагини олиб кўрадиган бўлсак, у бир бутун нарса – мажму бўлиб, ўзаро функционал боғлиқ бўлган бир неча – диска, покришка ва камера деган қисмлардан, шу билан биргаликда, ўзи машинанинг бир бўлаги – қисмидир. Ижтимоий ҳодисалардан мисол келтирадиган бўлсак, "тўй" деган мажму бир бутунликни ташкил қилиши билан бирга, бир неча – тўй тараддуди, тўйнинг боши, авжи ва охири деган ўзаро функционал боғлиқ қисмлардан иборат. Бу қисмларнинг ҳар бири бир бутун мажму ҳисобланиб, ўз навбатида бир неча қисмлардан ташкил топади. Шу билан бирга тўйнинг ўзи миллий урф-одатлар ва анъаналар деган ижтимоий ҳодисанинг бир қисмидир ва ҳоказо. Ер юзи ҳамда Коинотдаги барча нарсалар - квантлардан тортиб,

самодаги Сомон йўлигача ҳамда барча ходисалар - оддий кайфиятдан то жаҳон урушигача бўлганларга мажму сифатида ёндашиш мумкин. Бу дунёни тўғри идрок қилишнинг охириги қонуниятидир. Шунинг учун буни борлиққа мажму ёндашув тамойили дейилмоқда.

Юқорида қайд қилинганидек, мажму(системани)ни ташкил қилувчи қисмлар деб фақат ўзаро узвий, яъни **функционал алоқадорлик**да бўлган қисмларга айтилади. Чунки нарса ва ходисаларда функционал алоқадор бўлмаган боғлиқликлар ҳам жуда кўп. Ҳар қандай **илмнинг вазифаси**, ўрганилаётган объектда ана шу функционал алоқадорликларни бошқа турдаги боғлиқликлардан ажратиб бериш. Бу эса ҳар доим ҳам осон кечмайди. Масалан, икки киши орасида “муҳаббат” деган мажмунинг мавжуд ёки йўқлигини аниқлаш масаласини олсак. Ҳақиқий муҳаббат деганда, икки шахс орасидаги бир-бирига зарурий интилиш борлигига айтилади. Зарурий деганда, бизнинг мисолда, бири-бирисиз ҳаёт кечири олмаслик даражасидаги интилиш тушунилади. Интилиш бўлганда ҳам, икки томондан баробар қувватдаги интилиш ҳақиқий муҳаббатни ташкил қилади. Бир одамда бошқасига кучли интилиш бўлса-ю, у интилаётган одамда унга нисбатан интилиш йўқ ёки суст дейлик, бу муҳаббат бўла олмайди. Бу бир одамнинг бошқасига бўлган ошиқлиги, холос. Муҳаббатнинг ҳақиқийлигини аниқлаш учун, интилишларнинг турғунлигини ҳам аниқлаш зарур. Улар ҳар қандай кучли бўлган тақдирда ҳам вақтинчалик бўлиши мумкин. Бу интилишлар вақтинча бўлса, қанча вақт давом этади? деган ва ҳоказо саволларга жавоб топишлик лозим. Кўриб турганимиздек, бу осон эмас экан. Осон эмас, аммо маълум усуллар ёрдамида аниқласа бўлади.

Муайян нарса ёки ходисанинг ҳақиқий мажму эканини аниқлаш учун, мажмуни ташкил қилувчи қисмларидан бирининг хусусиятини ўзгартириб кўриш керак. **Мажмулар назарияси (теория систем) бўйича**, мажмуни ташкил қилувчи қисмларидан бирининг хусусияти ўзгарса, бошқа қисмларининг ҳамда бутун мажмунинг хусусияти ҳам қонуний равишда ўзгаришга учраса, уни **функционал алоқадорлик** дейилади. Мажмулар замон ва маконда мавжуд бўлиб, вақт ўтиши ёки макон ўзгариши билан мажмунинг баъзи бир хусусиятлари ҳам ўзгаради. Мажмуларнинг ҳар бири фақат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бир-биридан шу хусусиятлар йиғиндиси билан ажралиб туради. Мажмунинг хусу-

сияти фақат бошқа мажмулар билан алоқаларда намоён бўлади. Алоқадорлик деб, мажму хусусиятини пайдо қилувчи узвийликка айтилади. Боғлиқлик эса, фақат уларнинг намоён бўлишидир. Ҳар қандай боғлиқлик замирида алоқадорлик ётавермайди. Янги хусусиятни яратувчи алоқадорлик **функция дейилади**. Функциялар орқали мажмулар ҳолати аниқланади. Мажму ҳолатининг кетма-кет намоён бўлиши **жараён дейилади**. Мажмулар диалектик мантик илмига асосланади.

Мажму, уни ташкил қилувчи қисмлар фақат ўз поғонасидаги, яъни мажму ичидаги мажмучалар орасидаги алоқадорликларда намоён бўлади. Бир мажмуни ташкил қилувчи қисмларнинг ҳар бири ўз поғонасидаги мажму қисмлари билан баробар бошқа поғонадаги мажму қисмлари билан алоқадорликда бўлса, у бир вақтнинг ўзида, ўзининг мажмуси билан бир қаторда, бошқа мажмуни ташкил қилишда иштирок этган бўлади. Чунки, ҳар қандай мажму асосини алоқадорлик ташкил қилади. Алоқадорликлар нарса ва ҳодисаларнинг табиий тадрижидан келиб чиқиб, киши ихтиёридан ташқарида мавжуддир.

Субъектив, яъни инсон хоҳиш-истаги натижасида келиб чиққан ва киши тасавурида намоён бўладиган алоқадорликлар ҳам мавжуд. Бундай алоқадорликлар антропоген алоқадорликлар дейилиб, уларга асосланиб шаклланган мажму субъектив бўлади. Субъектив алоқадорликлар объектив қонуниятлардан келиб чиқиб, жараён тадрижининг ички заруриятидан пайдо қилинган бўлса, улар амалиётда ҳақиқий мажмуга айланади. Ҳар қандай оддий машина ва иморатдан тортиб мураккаб ҳаракатларни бажарувчи робот ва космик кемалар ҳам бунга мисол бўла олади. Аксинча, субъектив алоқадорликлар асосида яратилган нарса ва ҳодисалар объектив қонуниятларга зид ҳолда шаклланган бўлса, улар амалиётда ўз тасдиғини топа олмай, инсон тафаккурида ҳаёлий нарса ёки ҳодиса бўлиб қолаверади. Уни мажбурий равишда амалга оширилса, у муваффақиятсизликка учрайди. Бунга, битганда қулаб тушган иншоот ёки ҳаёлий ғояларга асосланган, амалда нураб кетган коммунизм жамияти мисол бўла олади.

Мажмулар ўз асослари, яъни функционал алоқадорликлар проекциясининг шаклига қараб, қуйидаги гуруҳларга ажралади:

- **тартибли ва тартибсиз.** Муайян дарахт баргининг тузилиши ёки арифметик рақамлар тартибли, баргларнинг дарахт шохларида жойланиши тартибсиз мажмуга мисол;

- **тезликка эга ва суст,** масалан, жонли нарсалар тезликка эга, тоғу тош суст мажмулардир;

- **икки қарама-қарши ва кўп томонлама** – масалан, дарё икки қарама-қарши томонли, яъни тизимли мажму, денгиз эса кўп томонлама мажму;

- **нуктавий ва тизимли** – бир хужайрали микроорганизмлар нуктавийга, дарё, йўл, рақамлар тартиби тизимлилиқка мисол бўлади;

- **тикланувчи ва тикланмайдиган** мажмулар – доим аввалги ҳолатига қайтиб келувчи: кеча-кундуз, фасллар, киши кайфияти ва ҳоказо тикланувчи, вақт, умр эса тикланмайдиган мажмуларга мисол бўла олади;

- **оддий ва мураккаб** - водород, кислород, тоза сув, соф темир, соф олтин ва бошқалар оддийга, жинслар, эритмалар, котишма ва жонзотлар мураккабларга киради;

- **марказлашган ва марказлашмаган** – агар мажму қисмлари орасидаги алоқадорлик векторларининг ҳаммаси бир асосий қисмда кесишса, унда мажму марказлашган бўлади – мисол учун Шарқда оиладаги ҳамма ишлар ота билан боғлиқ, у билан барча оила аъзолари боғлиқликда, у оила деган мажмунинг марказида. Шунинг учун бу мажму марказлашган ҳисобланади. Мажмудаги қисмлар тенг ҳуқуққа эга бўлиб, бири-бири билан бошқа қисмлар орқали эмас, тўғридан-тўғри боғлиқликда бўлса, ундай мажму марказлашмаган дейилади. Мисол учун, улфатлар, кимёвий элементлар ва ҳоказо.

- **бир ва кўп поғонали** – қамич, жўхори пояси, каватли уйлар, давлат қурилмаси кўп поғоналига мисол, оила бир поғонали мажмудир.

Яна мажмулар ҳолатига қараб бундай гуруҳларга ажратилади:

- **бирламчи** мажму муайян хусусиятга азалдан эга бўлганда, **иккиламчи** - у мажму бўлиб шакллангандан кейин муайян хусусиятга эга бўлганда;

- **тугалланган ва тугалланмаган** мажмулар – тугаллангани ўзига янги қисмларнинг қўшилишига йўл қўймайди, тугалланмагани бунга йўл қўяди;

- **иммонент ва иммонентсиз** мажмулар – биринчиси - фақат ўзини ташкил қилувчи қисмлар билан узвий алоқадорликда, иккинчиси - шу билан биргаликда бошқа мажмулар қисмлари билан ҳам алоқадорликда бўлишга йўл қўяди;

- **минимал** мажмулар – ўзини ташкил қилувчи қисмларининг биронтаси йўқ бўлганда ўзи ҳам йўқ бўлади;

- **турғун ва турғун бўлмаган** мажмулар – тузилишига ўзгаришлар киритилганда ўзгариб кетадиганлари турғун эмас ҳисобланади, қолганлари турғун мажмулардир;

- **кучли ва кучсиз** мажмулар, кучли мажму деб таркибига кирувчи қисмлар хусусияти ўзгарган тақдирда мажму ўзгармай қолаверишига айтилади. Кучсиз мажму, таркибига кирувчи қисмлар хусусияти ўзгариши билан ўзи ҳам ўзгариб кетади;

- **гомоген ва гетероген** мажмулар, гомоген деб бир хил хусусиятли қисмлардан иборат мажмуларга айтилади, гетероген ҳар турли хусусиятларга эга қисмлардан иборат мажму ҳисобланади;

- **қайтарилиб турувчи ва қайтарилмайдиган** турлари ҳам мавжуд, уларнинг биринчиси – бир қонуният асосида ўзгариб яна аввалги ҳолатига қайтиб келиб туради, иккинчиси – тинмай ўзгариб аввалги ҳолатига ҳеч қайтиб келмайди;

- **қадрли ва қадрсиз** мажмулар, биринчисининг ташкил қилувчи қисмлари ҳар бирининг бошқа қисмлар билан алоқадорлиги иккитадан ошмайди, иккинчи туриники ошади;

- **чала ва тўлиқ** мажмулар, чала мажмуда алоқадорликда турган объектлар билан уларнинг ҳамма хусусиятлари орасида узвий алоқалар ўрнатилган бўлмайди тўлиқ мажмуда унинг акси – алоқадорликда бўлган объектларнинг ҳамма хусусиятлари орасида узвий алоқалар ўрнатилган бўлади;

- **вариатив ва вариативсиз** мажмулар - вариатив деб, алоқадорлик фақат муайян мажмуни ташкил қилувчи қисмлари орасида мавжуд бўлмай, бошқа мажмулар қисмлари билан ҳам алоқалар ўрнатишга йўл қўядиган мажмуларга айтилади, вариативсиз деб бошқа мажмуларнинг қисмлари билан алоқадорликка йўл қўймайдиган мажмуларга айтилади.

Кўриб турганимиздек, мажмулар назарияси анча мураккаб ва яхши тараққий этган назарий билимлар мажмуи экан. Бу ерда биз мақсаддан келиб чиқиб, фақат энг умумий белгиларга қараб мажмуларни гуруҳлаштирдик, холос. Кибернетика, космонавтика, космология ва бошқа фан соҳаларида мажмулар назарияси жуда мураккаб тус олган.

Ҳар бир ишда мажмулар назариясидан келиб чиқиш, биринчидан, ишни бир неча ўн баробар осонлаштиради, баъзи мураккаб ишларда, масалан, кибернетикада замонавий алоқа тизими ва космонавтикада мажмулар назариясини эгалламай туриб, ўша ишни бажариб ҳам бўлмайди. Таълим – тарбия жараёни ҳам ўта мураккаб бўлганлиги туфайли, мажмулар назариясидан фойдаланмай туриб, уни замонавий тарзда амалга ошириб бўлмайди; иккинчидан, ҳар қандай фаолиятни тўғри амалга ошириш гарови бўлиб хизмат қилади; учинчидан, муайян нарса ва ҳодисани бошқаларга тушунтиришни осонлаштиради ҳамда бериладиган билимни тез тушунтириб, тез ўзлаштириб, эса узоқ сақлаб туришга хизмат қилади. Чунки инсон онг ва тафаккури, унинг тарихий ривожланиши жараёнида мажмулар назарияси қонуниятларига мос равишда шаклланган. Аслида, мажмулар назарияси инсон онгининг табиий фаолиятидан олинган. Бекорга уни органик усул дейилмаган.

Биринчи бор, бутун борлик катта ва кичик мажмулардан иборат деган фикрни италиялик файласуф Зенон (м.авв.490-430) айтиб кетган. У айтадики, *бутун нарса бўлингач, кўплаб бирликларга эга бўламиз. Бу бирликларнинг ҳар бири, ўз навбатида, бирликларга бўлинади. Бу жараён чексиз давом этаверади*[88]. Шу фикрга яқин фикрни қадимга юнон файласуфи Марк Аврелий Антонин ҳам айтган: *“Ҳамма нарса бир-бирига чапишиб кетган. Ҳамма ерда илоҳий узвийлик мавжуд. Барча нарсалар умумий тартиб-қоидалар асосида бирлашиб, айнан бир оламни безашга хизмат қилади”*[88]. Бу икки аллома фикрларидан бутун дунё чексиз кўп, ўзаро узвий боғлиқ бўлган бутунлик, яъни мажмулардан ташкил топганини англаса бўлади. Бироқ, оламни ихтиёрий, гоҳо нотўғри англашимиз натижасида, табиатдан берилган мажму ёндашув тафаккуридан ажралиб қолганмиз. Ўзлгимизга, яъни табиий моҳиятимизга қайтиш учун мажмулар назариясини ўрганишимиз шарт.

3-§. Таълим-тарбия соҳасида мажму ёндашув тамойилини қўллаш

Юқоридаги фикрлардан маълум булдики, муайян фаннинг тараққий этганлиги ва ҳар бир маълумотли кишининг етуклик даражаси уларнинг мажмулар назариясидан нақадар унумли фойдалана олишлиги билан белгиланар экан. Шундай бўлгач, педагогика фанининг илғор илм-фанлар каторидан ўрин олиши ва малакамизни замон талаби даражасига етказиш учун, бутун борлик ва уни ташкил қилувчи унсурларга мажму сифатида ёндашиш тамойилини билиб олиб, уни педагогик амалиётга моҳирона қўллашни ўрганайлик.

Синергетика ва ундан келиб чиқувчи мажмулар назариясининг асосий тамойилларидан бири, ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларга ўзаро функционал боғлиқда бўлган қисмлардан ташкил топган **бир бутунлик** сифатида ёндашишдир.

Шу тамойилдан келиб чиққан ҳолда, расмий таълим-тарбияни, боғчадан бошлаб то малака оширишгача бўлган жараёнини йирик бир бутунлик, яъни мажму деб қарашимиз тўғри бўлади. У қуйидаги ўзаро функционал боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топган: мактабгача таълим, умум ўрта таълим, махсус таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим ва малака ошириш. Қўриб турганимиздек бу тизимли, очик типдаги, ривожланиб борувчи, тикланувчи, тартибли, кўп поғонали, марказлашган имманент ва мураккаб мажмудир.

Тизимли ёки чизикли деганда, узлуксиз таълим мажмуининг қисмлари муайян бир кетма-кетликда жойлашган бўлиб бир томонга йўналтирилган. Очик деганда, таълим-тарбия мажмуига доимо ўзгартириш киритилади. Бу билан у ўз фаолиятини тўхтатмайди. У тинмай ривожланиб боради, котиб қолган догма эмас. Ҳар бир дарсни ёки бутун фанни қайтадан ўтса бўлади, шунинг учун у тикланувчан. Паст поғонадан юқоригача, муайян бир тартибда мураккаблашиб боради, шунинг учун у тартибли ва кўпоғонали. Мажму марказида доим талаба туради, шу нуктаи назардан у марказлашган. Унинг имманент деб аталиши, бу мажмуни ижтимоий борликдаги бошқа мажмулар билан алоқада бўлиши билан изоҳланади. Мураккаблигига далил, сўзсиз у мураккаб, чунки барча ижтимоий мажмулар жуда мураккаб, таълим-тарбия мажмуи эса, унинг таркибий қисми бўлгани учун ҳам мураккаб.

Мажмулар назариясининг навбатдаги тамойили “поғонадорлик” ёки иерархиялилиқ (иерархичность) тамойили дейилади. Уни қуйидагича тушунтирса бўлади. Ҳар қандай мажму, уни ташкил қилувчи ва ўзаро функционал алоқадорликда бўлган бир поғона пастда турган мажму (қисм)лардан ташкил топган бўла туриб, ўз навбатида, у бу мажмудан бир поғона юқори турган мажмуга қисм бўлиб хизмат қилади. Узлуксиз таълим-тарбия жараёни бир бутун, яъни муайян поғонадаги мажму бўла туриб, ўзи ўз поғонасидан бир поғона юқори турган “Шахсни шакллантириш” деган мажмуга элемент бўлиб қиради. Шу билан бирга узи, унга элемент бўлиб ҳисобланувчи – “мактабгача таълим”, “умум ўрта таълим”, “махсус таълим”, “олий таълим”, “олий таълимдан кейинги таълим” ва “малака ошириш” деган мажмулардан ташкил топган. Булар, ўз навбатида, мажму ҳисобланиб, ўзларидан бир поғона пастда турган мажмулардан иборат. Жумладан: мактабгача таълим-ясли, кичик, ўрта ва катта гуруҳга деган қисмлардан иборат, ва ҳоказо, бошқа поғонадагилар ҳам шундай.

Мажмулар назариясининг кейинги тамойили, мажмуни ташкил қилувчи қисмларининг ҳар бири ўз поғонасидаги мажму қисмлари билан баробар бошқа поғонадаги мажму қисмлари билан ҳам алоқала бўла олади. У ҳолда у, бир вақтнинг ўзида, ўзининг мажмуи билан бир қаторда, бошқа мажмуларни ташкил қилишда иштирок этган бўлади.

Узлуксиз расмий таълим-тарбия мажмуидан мисол келтирадиган бўлсак, таълим-тарбиянинг асосий элементи бўлган педагог бир вақтнинг ўзида таълим-тарбия мажмуни шакллантиришда иштирок этиб, шу вақтнинг ўзида оила деган мажмунинг элементи бўла олади ва ҳоказо. Талабалар ҳам шундай, бир вақтнинг ўзида талаба оила ва спорт клубнинг ёки бошқа ижтимоий уюшманинг аъзоси бўла олади.

Мажмулар назариясида тамойил ва қонун қоидалар жуда кўп бўлиб, уни махсус ўрганиш лозим. Бу ерда биз энг асосийларини қайд қилиб ўтдик, ҳолас. Мажмулар назарияси билан батафсил таънишмоқчи бўлганлар шу мавзуга бағишланган адабиётларни топиб ўқишлари мумкин.

Юқорида биз фақат узлуксиз расмий таълим-тарбиянинг энг юқори ташкилий шаклини мажму сифатида кўриб чиқдик. Узлуксиз расмий таълим-тарбия жараёнининг ҳар бир босқичини, унинг

ҳар бир элементини ҳам мажму сифатида кўриш мумкин. Ундан ташқари, таълим-тарбия жараёнининг мазмунини ҳам энг умумий (давлат стандартларини) ҳар бир босқичда (ўқув режасини), ҳар бир фанни (ўқув дастурини) мажму сифатида кўриб, уларни ташкил қилувчи, ўзаро функционал боғлиқ бўлган элементларни ҳам мажму сифатида таҳлил қилишимиз мумкин.

Шу билан бирга узлуксиз расмий таълим-тарбия деб аталган мажмунинг фаолияти якунида эришилиши лозим бўлган талабаларнинг ижтимоий сифатларини ҳам мажмуга келтириб ўрганишимиз мақсадга тўғри келади. Қисқаси, ижтимоий борлиқнинг, яъни ижтимоий ҳаёт деган мажмунинг асосий элементларидан бўлган узлуксиз расмий таълим-тарбия мажмуи ичида, қўйилган мақсадга биноан чексиз кўп мажмуларни аниқлаб, улар устида тадқиқод олиб борса бўлади. Тадқиқод жараёнида шуни унутмаслигимиз лозимки, мажмуни ташкил қилувчи бирдан-бир омил, бу мажму элементлари орасидаги функционал боғлиқликдир. Илм, шу алоқадорликларни аниқлаши лозим, чунки, ҳар қандай мажмуда функционал боғлиқликда бўлмаган алоқадорликлар ҳам кўп. Эслатиб ўтамиз, функционал алоқадорлик деб, мажмуни ташкил қилувчи қисмларининг тадрижий ривожига жараёнида уларнинг ички заруриятдан келиб чиққан боғлиқликларга айтилади.

4-§. Педагогик жараёни мажму сифатида кўриш

Таълим-тарбияда синергетиканинг мажму ёндашув тамойилидан ва қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, жуда кўп мажмуларни аниқлаш мумкин экан. Чинончи, бутун узлуксиз расмий таълим-тарбия тизимига мажму сифатида қараш зарурлигини юқорида кўрдик. Шу билан бир қаторда узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг ҳар бир босқичини алоҳида мажму сифатида кўрса ҳам бўлади. Ўқитувчининг бутун фаолиятини, уни алоҳида дарсларга тайёргарлик кўриш жараёнини, дарс ўтишини ва ҳоказоларни алоҳида-алоҳида мажмулар сифатида ўрганса ҳам бўлади.

Шу ерда узлуксиз расмий таълим-тарбия жараёнини ва унинг алоҳида босқичларининг асосини, шунингдек, ўқитувчи ва педагоглар фаолиятининг ҳар бир мақсадини амалга ошириш жойини нима деса бўлади? деган савол пайдо бўлиши табиий. Унга нима деб жавоб бериш мумкин? Унга жавобан, бутун таълим-тарбия

соҳасининг биринчи ғишти **дарс** ҳисобланади, десак ҳато қилмаган бўламиз.

Ҳозирги пайтда педагогикада замонавий дарс тушунчаси тез-тез тилга олинмоқда. Замонавий дарс, ўзи қандай дарс? деган савол туғилиши табиий. “Замонавий дарс шундай дарски, унда ўқитувчи ўқувчининг мавжуд имкониятларидан усталик билан фойдаланиб, унинг ақлий потенциалини ишга солиб, ривожланишини таъминлайди, ўқувчи эса ўз навбатида билимларни чуқур ўзлаштиради ва маънавий баркамоллик сари одимлайди”, деб ёзади педагогика фанлари доктори, профессор Ж.Ф.Йўлдошев[43].

Дарс – таълимнинг асосий ташкилий шакли, у муайян миқдордаги доимий ўқувчилар таркиби билан қатъий тартибда уюштириладиган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дидактик тадбир. Дарсга мажму нуктаи назаридан ёндашадиган бўлсак, унда олдимизга қўйган мақсаддан келиб чиққан ҳолда, бир дарснинг ўзида бир неча турдаги мажмуларни ажратса бўлади. Биринчиси - дарснинг дарс деб аталаши учун унда иштирок этадиган унсурларни ўзаро функционал боғлиқликда кўриб, кўп томонли, статик мажмуни аниқлаймиз.

Дарс расмий таълим-тарбия соҳасининг бирламчи асоси, узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг ташкил қилувчи ғишти, ўқитувчи ва педагогларнинг фаолият кўрсатиш жойи экан, у қандай қисмлардан ташкил топган? Жавоб: Дарснинг амалга ошиши учун, аввало, **ўқувчи ёки талабалар** бўлиши шарт. Тўғрими? Тўғри, бу дарснинг таркибий қисмларидан бири. Иккинчиси, дарсни олиб бориш учун **ўқитувчи ёки педагог** бўлиши шартми? Албатта, бу дарснинг навбатдаги таркибий қисми ҳисобланади. Шу билан бирга, дарсни амалга ошириш учун синф хонаси ёки аудитория унинг ичидаги жиҳозлар – доска, стол ва ҳоказо, шу жумладан ахборот узатиш мосламалари, яъни **техник воситалар** зарурми? Зарур, бу дарсни учинчи қисми. Ўқитувчи ва педагогларнинг дарс ўтишлари учун режа, дастур, дарслик ва бошқа бир қатор **меъёрий хужжатлар** керак бўлиши ҳам баҳс қилинмайдиган ҳақиқат. Хар қандай таълимий жараён дарс бўлиб ҳисобланиши, у суҳбат ёки одийгина мулоқот бўлиб қолмаслиги учун ўқитувчилар педагогик **усул ва услублар** билан қуролланган бўлишлари шарт. Бу дарс деган бир бутунликнинг ажралмас бешинчи бўлаги ҳисобланади (1 расмга қаранг).

Куйида, дарснинг таркибий қисмларининг ҳар бирини таснифлаб, улар орасидаги алоқадорликларни кўрсатиб беришга ҳаракат қиламиз.

Кўриб турганимиздек, мажмунинг марказида “**Ўқувчи ва талаба**” деган ҳалқа жойлашган. Бунинг боиси шундаки, бутун таълим-тарбия гизими ва унда иштирок этувчи моддий ва маънавий унсурларнинг ягона мақсади таълим олаётган инсонларда замон талабига жавоб берадиган ижтимоий сифатларни шакллантиришдир.



1-расм. Дарс мажмуи

Ўз навбатида, талабаларнинг дарс жараёнида қатнашишлари ва бир бутун деб номланган дарснинг таркибий қисми бўлишликлари учун, улар куйидаги сифатларга эга бўлишлари керак. Биринчидан, дарсда қатнашиш учун келган кишилар ўзларига билим олишликни мақсад қилиб олишлари шарт. Шу билан бир қаторда дарсда қатнашувчи ўқувчи ва талабалар сараланган бўлиши лозим. Бу

Ўзбекистонда қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да қайд қилинган. Бошқа барча хорижий мамлакатларда у аллақачон амалда. Бу дегани, синфда ва аудиторияда йиғилганлар ёши жиҳатидан, фан турларига қизиқиши ва ишчи тили ҳамда иқтидорлари томонидан бир бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Ундан ташқари, тарбияланувчиларнинг жисмоний, руҳий ва ақлий ривожланиш даражаси ҳам бир-бирига яқин бўлиши дарснинг самарадорлигини янада оширади.

Дарснинг иккинчи таркибий қисмларидан бири, бу **ўқитувчи ва педагог**. Бу узлуксиз таълим-тарбия тизимидаги билим берувчилар ва тарбияни амалга оширувчиларнинг умумий номи бўлиб, аслида узлуксиз расмий таълим-тарбия тизимининг турли босқичларида улар турлича номланадилар. Мактабгача таълим муассаларида мураббий, бошланғич таълимда – устоз, умум ўрта мактабда – ўқитувчи, лицей ва коллежларда – педагог, олий ўқув юртларида – илмий даражасига қараб – ассистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор, олий таълимдан кейинги таълимда - профессор ва малака оширишда маърузачи деб юритилади.

Буларнинг вазифаси давлат томонидан тасдиқланган дастур асосида дарс ўтиш учун дарсни ташкил этиш ва шахсий ишчи режасида кўрсатилган билимларни таълим олувчиларга дидактиканинг барча тамойилларига мос равишда, бир қатор педагогик усуллардан ва ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб етказиб беришдир.

Дарснинг навбатдаги таркибий қисми – **дарсда керак бўладиган меъёрий ҳужжатлар**. Уларга мутасадди ташкилотларда тасдиқланган намунавий дастур, ишчи дастур, ўқув режаси, тақвимий режа, дарслик, ўқув – методик қўлланмалар, маърузанинг матни ёки дарс лойиҳаси ва бошқа дидактик материаллар қиради. Буларнинг ҳаммаси дидактика тамойилларига асосан тузилган бўлиб, ўзаро бир-бирига мос тушиши шарт. Узок хорижий мамлакатларнинг ҳаммасида буларни бир сўз билан **куруюклубум** дейилади.

Ўқитишнинг техник воситалари. Буларсиз дарсни амалга ошириш мумкин эмас. Ўқитишнинг техник воситалари таркибига: аудитория ёки синф хонаси, ичидаги жиҳозлар – парта ёки стол-стул, ўқитувчининг курсиси ва ишчи столи, маъруза учун минбар, доска ва ахборот узатиш техникалари қиради. Ахборот узатиш техник воситаларга – кодоскоп, эпидоскоп, монитор-компьютер,

овоз узатиш техникаси ва бошқа техник востилар киради. Баъзилар ўқитиш жараёнига ахборот технологияларини қўллашни педагогик технология демоқдалар. Бу янглиш, ахборот технологиялар, педагогик технологиянинг таркибий бир қисми ҳолос.

Усул ва услублар. Бизга маълумки, инсон муаяйн мақсадга эришиши учун бир қатор усуллардан фойдаланади. Услуб эса – мақсадга эришишда қўлланиладиган тадбир ва чораларга айтилади. Инсон бу усулларни маълум бир тартибда қўллайди. Усуллар қўлланиш тартибини турлича номлар билан – методика, услуб, йўл, тариқат каби атамалар билан номлайдилар.

Педагогикада бу тушунчалар ўрин алмашиб қолган. Яъни, дарс олиб бориш йўлини усул, бу йўлда қўлланиладиган тадбир ва чораларни услуб дейилиб кетилган. Бу деган сўз, фалсафа ва бошқа фаолиятларда қабул қилинган усул тушунчасини, педагогикада анъанавий равишда услуб (стиль) маъносида қўлланиб келинмоқда.

Дарснинг бу беш бўлаги ўзаро функционал боғлиқликда бўлиб, бир бутунликни, яъни дарс деган мажмуни ташкил қилади. Бирининг мавжудлиги бошқасининг мавжудлигини тақзо этиб, бирининг йўқ бўлиши бошқа барча қисмларнинг фаолиятини йўққа чиқаради. Дарҳақиқат, ўқитувчи бўлмаса, дарс бўлмайди. Ҳаммаси бўлса-ю, ўқувчилар бўлмаса ҳам дарс, ўтиб бўлмайди. Ҳамма қисмлари мужассамланиб, дарс ўтишнинг дастур ва дарслиги бўлмаса, дарс бўлмайди. Бўлган тақдирда ҳам дарс дейилмайди ва хоказо.

Демак, дарс – аниқ мақсадни кўзлаб, ажратилган вақтда бир хил ёшдаги ўқувчилар билан ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган машғулот экан. Дарснинг мақсади, мазмуни ва ҳажми таълим стандартлари асосида белгиланади.

Дарс – таълимнинг асосий шакли экан, у илмий, тизимли, тушунарли, онгли ва фаол бўлиши, билимлар мустаҳкам ўзлаштирилиши, ўқувчи – талабаларнинг шахсий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ташкил этилиши шарт. Бу дидактиканинг асосий принципларидир.

Ҳозирги кунда узлуксиз расмий таълим тизимида таълим-тарбия синф-дарс шаклида олиб борилади. Инсоният тарихий ривожланишига назар ташлайдиган бўлсак, таълимни ташкил этиш шакллари жамиятнинг тараққиёт босқичларига мос равишда амалга ошганини кўраемиз.

Дастлабки даврларда таълим бериш фақат одамларнинг меҳнат фаолияти, кундалик турмуш билан узвий боғланган ҳамда билим бериш, ўргатиш якка тартибда олиб борилган.

Давр ўтиши билан кўпчиликка билим бериш эҳтиёжи пайдо бўла бошлаган. Таълимнинг мазмуни, билимларнинг мураккаблашуви, болаларни гуруҳ-гуруҳ қилиб ўқитишни тақозо этгани ҳолда, таълим-тарбия билан шуғулланувчи мутахассислар, яъни ўқитувчиларни тайёрлаш зарурияти келиб чиқди.

Ўрта Осиё тарихига назар солар эканмиз, эрамиздан илгариги мингтинчи йилларда Зардуштийлик оташхона ибодатхоналарида кохинлар ёшларни тўплаб, уларга зарурий билим бериш билан шуғулланганлиги “Авесто” ва бошқа тарихий манбалардан бизга маълум. Тахминан шу вақтнинг ўзида болаларни бир жойга йиғиб ўқитиш Мисрда ҳам ташкил қилинганлиги тарих саҳифаларидан бизга етиб келган. Мисрликлардан ўрганиб, болаларни тўплаб ўқитиш одати қадимги Юнонистонда ҳам олиб борилганлиги, уларда Спарта ва Афина мактаблари бўлганлиги ҳаммага маълум. Аммо қадимда таълим-тарбияни қатъий чегараланган вақтда, бир хил ёшдаги болалар билан олиб бориш, таълим мазмунини босқичма-босқич бериш масаласига аниқлик киритилмаган эди.

Таълимнинг ташкилий масалалари Ал-Форобийнинг “Фан ва ақл-заковат” асарида ўқув фанларини гуруҳларга бўлиб ўқитиш, уларнинг тарбиявий моҳиятини очиш масалаларига эътибор берилган. Бу масалалар Улуғбек даврида ҳам кўтарилиб, маълум даражада амалга оширилган.

Педагогика тарихида, таълим-тарбияни ташкил этишнинг асосий шакли дарс ҳисобланган синф дарс тизимини, юқорида айтганимиздек, биринчи бор буюк чех файласуф олими ва педагоги Ян Амос Коменский (1592 - 1670) ишлаб чиққан ва амалиётда жорий этган.

Бугунга келиб синф-дарс тизими ривожланиб, давр уни яхлит бир бутунлик-мажму сифатида идрок қилишликни тақозо этмоқда..

5-§. Педагогик технологиянинг замонавий таърифи

Айни вақтда таълим тизими инсон фаоллигини белгилайдиган муҳим бир тармоққа айланмоқда. Илмий-техник жараён ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда таълим назариясини қайта яратиш, яъни фаннинг жамият ишлаб чиқариш кучига айланишини таъминлаш,

амалий кўрсаткичларни ривожлантириш орқали таълим самарадорлигига эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ ўзгаришлар ўзида таълим тизимини тубдан ўзгартириш, унинг мазмунига миллий руҳ сингдириш, самарали анъанавий услубларни сақлаб қолган ҳолда илғор услубларни яратиш ва уларни амалиётда қўллаш каби масалаларни акс эттиради. Бу йўналиш ҳам кўлам, ҳам мазмун жиҳатидан кенгайиб, у таълим жараёнида ўқитишнинг техник воситаларини қўллаш, таълимни ва ўқув жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил этиш асосида мазкур жараённи индивидуаллаштиришни назарда тутади.

Замонавий педагогик технологияни таълим жараёнига қўллаш бўйича Республикамизнинг кўзга кўринган олимлари томонидан ривожланган мамлакатларда муваффақият билан қўлланиб келаётган педагогик технологияни илмий асосда қиёсий таҳлил қилиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг **миллий педагогик технологияси яратилди**[26] ва уни амалиётга сингдириш соҳада кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда. Бу соҳада ижобий ишлар амалга оширилди дейсак хато қилмаган бўламиз[65], таълим тизимида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларимизнинг бугунги кундаги асосий вазифаси бу технологияни яхшилаб ўрганиб, ўзининг кундалик педагогик амалиётида қўллашдир.

Педагогик технология деганда нимани тушунамыз?

"Технология" тушунчаси юнонча "Технос" (techne) ва "логос" (Logos) сўзларидан ташкил топган бўлиб, "Хунар фани"ни ўрганиш деган маънони англатади. Бу тушунча техник тараққиёт мазмунини ифодалашга хизмат қилувчи тушунча сифатида илк марта 1872 йилда қўлланилган. «Технология» тушунчаси бугунги кунда мазмун ва моҳиятига кўра қуйидаги ҳолатларни ифодалаш мақсадида қўлланилмоқда:

Технология – санъат, маҳорат, кўникма, методлар йиғиндиси, муайян ҳолатни ўзгартиришга хизмат қилувчи жараён; инсон фаолияти ва тафаккури билан боғлиқ бўлган маданий тушунча; техник жиҳатдан аҳамиятли сифат ва қобилятнинг интеллектуал қайта ишланиши; қандайдир жараённи амалга ошириш методлари ҳақи-

даги билимлар йиғиндиси; амалиётга жорий қилиниши талаб этилаётган маълум бир педагогик тизим лойиҳаси.

«Замонавий технологик жараён» деганда зарур восита ва шароитлардан фойдаланилган ҳолда маълум операцияларни муайян кетма-кетликда бажаришга йўналтирилган фаолият тушунилади. Аниқроқ қилиб айтганда, меҳнат қуроллари ва предметлари воситасида босқичма-босқич таъсир этиш орқали тайёр маҳсулот яратишга йўналтирилган фаолият тушунилади.

Ана шу таърифни тадқиқот мавзусига кўчирадиган бўлсак, педагогик технология – ўқитувчи(педагог)нинг таълим-тарбия воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга муайян шароитларда тизимли таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодисадир, деган ғоя ифода этилади.

Юқорида келтирилган таърифдан кўриниб турибдики, педагогик технология тушунчасини изоҳлашда технология жараёни асос қилиб олинди. Аслини олганда, педагогик адабиётларда бу тушунчага кўплаб таърифлар берилган. Шунингдек, педагогик адабиётларда "технология" атамасининг хилма-хил кўринишларини учратиш мумкин; чунончи, "ўқитиш технологияси", "таълимли технология", "маълумот технологияси", "ўқитиш жараёни технологияси" ва ҳоказо.

«Ўқитиш технологияси» педагогик технологияга яқин тушунча бўлса-да, айнан ўхшаш маънони англатмайди, чунки у маълум предмет, мавзу ва саволлар доирасидаги аниқ ўқув материалининг ўзлаштириш йўлини муайян технология ёрдамида амалга оширилишини ифода этади. Шу жиҳатга кўра у кўпроқ хусусий методикага яқин қаторда туради.

«Педагогик технология» тушунчаси эса маълумот технологиясининг жорий этиш тактикасини ифодалайди ва "ўқитувчи – педагогик жараён – таҳсил олувчи" функционал мажму қонуниятларига тегишли билимлар асосига қурилади.

Ҳозирги кунда педагогларнинг аксарияти методика фанини кўп ҳолларда технологиядан ажарата олмаяптилар. Шу боис, ушбу ёндошувга аниқлик киритиш талаб этилади. Усул ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуидан иборат бўлса, педагогик технология ўқитувчининг касбий фаолиятини

янгиловчи ва таълимда яқуний натижани кафолатловчи тадбирлар мажмуи, йигиндиси ҳисобланади.

Узоқ йиллар давомида педагогик технология олимлар орасида ўқув жараёнини техник воситалар ёрдамида амалга ошириш сифатида қараб келинди. 70-йилларга келиб педагогик адабиётларда бу тушунчанинг моҳияти янгирақ талқин этила бошланди. Юқорида қайд этилганидек, педагогик технология назарияси ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб асосланиб келинаётган бўлсада, айнан "педагогик технология" тушунчасига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд.

Охириги йилларда Россия билан Ўзбекистонда ҳам педагогик технологияни ўрганиш йўлида анча ишлар қилинди. Педагогик технологиянинг ҳудудга мос вариантини яратишга қўл урган Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ)нинг пешқадам педагог олимларига тасаннолар айтиш билан биргаликда, улар йўл кўяётган баъзи камчиликларни айтиб ўтиш лозим. Чунки бу камчиликлар педагогик технологиянинг мазмун ва моҳиятини тўғри тушунишга ҳалакит бермоқда. Бунинг учун МДХда шу йўналишда фаолият кўрсатаётган педагог олимларнинг "педагогик технология" тушунчасига берган таърифларини ҳамда улар педагогик технология асосида тузиб чиққан дарс лойиҳаларини таҳлил қилиб чиққилиши қўйидаги ҳолатни кўрсатди.

Ривожланган мамлакатларда бу масалаларни ечиш учун маҳсус ташкилотлар барпо этилди. Чунончи, АҚШда, Таълим Коммуникацияси Ассоциацияси; Англияда, Педагогик таълим Миллий кенгаши; Японияда 4 номли илмий жамоалар фаолият олиб бормоқдалар.

Ўзбекистонга бу ғоялар Россиядан 15 – 20 йил кечикиб келган. Республикаимизнинг таълим муассалари фаолияти жараёнига янги педагогик технологияни олиб киришга қаратилган ҳаракатлар, юртимиз мустақилликка эришганидан кейин бошланди.

Ривожланган мамлакатларда таълим технологияси борасида анча билимлар тўпланган бўлиб, айни вақтда улардан самарали фойдаланиб келинмоқда. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида, шу жумладан, Республикаимизда ҳам, бу йўналишда муайян тажриба тўпланган бўлишига қарамай, ҳар бир ҳудуднинг педагогик шароитидан ҳалқининг менталитети ҳамда ўқитувчи ва педагогларнинг интеллектуал салоҳиятидан келиб чиқиб, ҳар

бир мустақил далаатнинг миллий педагогик технология модели хали яратилмади. Лекин, Республикамизда бу соҳада ижобий ишлар амалга оширилди. МДХга кирувчи мамлакатларнинг мустақил давлат миллий педагогик технология модели яратилмаганлигининг сабабларидан асосийси, аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, МДХга кирувчи мамлакатларнинг педагог олимлари синергетик дунёкараш ва мажмулар назариясидан келиб чиқувчи, мажму ёндошув тамойилини тўла англаб етмаганликларидандир. Бу ҳолни, педагогик технологияга берилган таърифлардан англаса бўлади.

Педагогик технологияни ўқув жараёнига олиб кириш зарурлигини МДХга кирувчи мамлакатлар ичида биринчилар қаторида ҳар томонлама илмий асослаб берган россиялик олим В.П. Беспальконинг фикрича, “ПТ – бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик мувафакқиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёни лойихасидир”[30].

Россия олимларидан В.М. Монахов: “ПТ – аввалдан режалаштирилган натижаларга олиб боровчи ва бажарилиши шарт бўлган тартибли амаллар тизимидир”[50], - деган қисқача таърифни бера туриб, унинг асосий хусусиятларига эътиборни қаратади.

“ПТ – ўқув жараёнини технологиялаштириб, унинг қайта тикланувчанлигини ҳамда педагогик жараён турғунлигини ошириб, бу жараён ижрочисининг субъектив хусусиятларидан уни озод қилади”, – дейди.

М.В.Кларин фикрича, ПТ – ўқув жараёнига технологик ёндошган ҳолда, олдиндан белгилаб олинган мақсад кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ўқув жараёнини лойихалашдир[45].

И.Я.Лернернинг фикрига кўра, ПТ – ўқувчилар ҳаракатларида акс этган ўқитиш натижалари орқали ишончли англаб олинадиган аниқланадиган мақсадни ифодалайди[47].

В.П.Беспальконинг ўзбекистонлик шогирдларидан Нурали Сайдахмедов ва Абдурахмон Очиловларнинг фикрича, ПТ – бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида улардан олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир[71].

Ў.Толиповнинг фикрича, Педагогик технология – вақт тақсимотига мувофиқ дастурланиб, илмий жиҳатдан асосланган ҳамда қутилган натижага эришишни таъминловчи педагогик жараённинг барча босқич ва қисмларининг вазифалари аниқ белгиланган тизим [66].

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан шакллантирилган “Ўқитиш методлари ва педагогик технологияларни такомиллаштириш” ижодий гуруҳнинг таърифи бўйича, Педагогик технология – таълим олувчи шахсга йўналтирилган, демократик ҳамда такрорланувчан ўқиш натижаларини кафолатлайдиган таълим жараёнини лойиҳалаш, амалга ошириш ва баҳолашнинг тизимий методидир”.

Бу таърифларни узоқ хорижда берилган таърифлар билан солиштириб кўриш учун япон педагог олими Т.Сакомото берган таърифни келтирамиз. “ПТ, - дейди Сакомото, - бу мажмули фикр юритиш усулини педагогикага сингдириш, бошқача қилиб айтганда, педагогик жараёни муайян бир мажмуга келтиришдир”[81].

Бирлашган миллатлар ташкилотининг нуфузли идораларидан ЮНЕСКОнинг таърифи бўйича, “ПТ – бу билим бериш ва уни эгаллашда техника ва инсон ресурсларини ўзаро узвий боғлиқ ҳолда кўриб, бутун таълим жараёнини лойиҳалашда ва амалда қўллашда мажму ёндашув тамойилидан фойдаланишдир”[80]. АҚШ ва Германия олимларининг педагогик технологияга берган таърифи ЮНЕСКО берган таърифга яқин келади.

Келтирилган таърифларни илмий – фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қиладиган бўлсак, узоқ хорижда берилган таърифлар билан МДХ мамлакатлари олимларининг берган таърифлари бир – бирига яқин келсалар-да, фарқи ҳам анчалигини кўрамиз. Жумладан, Сакомото, ЮНЕСКО ва бошқа узоқ хорижий мамлакатларда берилган таърифларда мажму ёндашув тамойилига алоҳида урғу берилган. МДХ олимларининг ПТга берган таърифларида мажму ёндошув эслатиб ўтилмайди ҳам. Бунга изоҳнинг хожаги бўлмаса керак. Ҳақиқатда эса, объектив борлиққа мажму ёндашув тамойилини яхши билган кишига, Сакомото айтганидек, “ПТ – ўқув жараёнини муайян бир мажмуга келтиришдир”, деган тушунча кифоя қилади. Бу тушунча орқали педагогик технологиянинг бошқа ҳамма хусусиятларини, яъни мақсадга йўналтирилганлигини, бир неча

ўзаро узвий боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топганлигини ва бошқаларни англаб олса бўлади. Чунки бу хусусиятларнинг ҳаммаси, мажмулар назариясига биноан, мажму деб ном олган нарса ва ҳодисаларнинг ажралмас сифатларидир.

Педагогик технологиянинг юқорида қайд этилган хусусиятларидан ва мажмулар назариясининг қонуниятларидан келиб чиқиб, унга қуйидаги кенгайтирилган таърифни берамиз.

Профессор Б.Зиёмухаммадовнинг фикрича, ПТ – бу жамият эҳтиёжидан келиб чиқувчи олдиндан белгиланган киши ижтимоий сифатларини самарали шакллантирадиган ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини мажму сифатида кўриб, уни ташкил қилувчи қисмлари бўлган ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда ва маълум бир педагогик усуллардан фойдаланиб, кўрсатган таъсирини назоратда тутувчи ва таълим натижасини баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир[26].

Бизнинг фикримизча, Педагогик технология – бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини мажму сифатида қараб, ушбу мақсаднинг натижаларини кафолатловчи таълим жараёнига технологик ёндошадиган таълимий тадбирдир[26].

Педагогик технология тушунчасини ойдинлаштиришга қаратилган таърифларнинг хилма-хиллиги, бир томондан, ривожланган мамлакатларда бу мавзунинг у ёки бу даражада ўрганилаётганини кўрсатса, иккинчи томондан, педагогик технологияни педагогик амалиётга жорий этишга бўлган уринишларнинг маълум натижасини ифодалайди.

6-§. Педагогик технология тамойиллари ва улар асосида тузилган замонавий педагогик технологиянинг ўзбек миллий модели

Педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига жорий этиш учун, педагогик фаолиятимизни педагогик технология моҳиятини ифода этувчи тамойиллари асосида амалга оширишимиз лозим.

Эслагиб ўтамизки, ҳар қандай тамойил (принцип) заминида, бизга боғлиқ бўлмаган, қандайдир қонуният, яъний зарурий алоқадорлик ётади. Зарурий ёки функционал алоқадорлик деганда,

муайян нарса ёки ҳодисани бутун қилиб турган қисмлари орасидаги, уларнинг тадрижий ривожидан келиб чиқучи боғлиқликларга айтилади. Бу боғлиқликлар шу нарса тадрижий ривожининг ички заруриятидан пайдо бўлиб, инсон ихтиёридан ташқаридаги нарсасидир. Шунинг учун уни тамойил сифатида қабул қилиб, фаолиятимизни шу асосда олиб боришимиз тўғри бўлади.

Педагогик технологиянинг биринчи тамойили, бу “мажму ёндошувга доимо амал қилиш”дир. Бу дегани, дарс лойиҳасини тузишда ва уни амалиётда қўллашда, доимо мажму ёндошув тамойилининг қонун-қоидаларидан келиб чиқишлиқдир. Мажму ёндошув тамойилининг қонун-қоидалари, китобимизнинг 1.5. қисмида батафсил ёритиб берилган. Бу ерда, уларнинг баъзиларини эслатиб ўтамиз ҳолос. **Биринчидан,** ўрганилаётган ҳар қандай нарса ва ҳодисага бир бутунлик (мажму) сифатида қараш. Бу мажму ёндошув тамойилининг асосидир. Ҳар қандай бутунлик бир неча қисм (элемент)лардан ташкил топган бўлиб, улар ўзаро функционал боғлиқликда бўладилар. **Иккинчидан,** ҳар қандай бутунлик (мажму)нинг қисмлари ҳам бутунлик бўлиб, ўз навбатида бир неча бутунлик (қисм)лардан ташкил топган бўладилар. Бу деган сўз, ҳар қандай бутунлик ўзидан бир поғона пасдаги бутунликлардан ташкил топа туриб, ўзи ўзидан бир поғона юқоридаги бутунликка элемент бўлиб киради ва ҳоказо. Бу мажму ёндошувнинг **поғонадорлик тамойилидир.** Буларни батафсилроқ мазмуни [26]да ва монографиянинг II бобида ёритилган.

Таълим-тарбия соҳасини ва унинг асосий қисми ҳисоблаган педагогик жараёни мажму сифатида кўришни [26]да ва монографиянинг II бобида етарлича ёритилган.

Педагогик тахнологиянинг иккинчи тамойили – “ўқув фанини табақалашган модулларга ажратиш”. Мажму ёндошув тамойилидан келиб чиқиб, дарс жараёнига педагогик технологияни жорий қилмоқчи бўлсак, биринчи навбатда, бутун ўқув фанини бир бутунлик деб билиб, бу фан ичидаги билимларнинг турига ва ички боғлиқлигига қараб, бир поғона пастда турган, бир неча бутунликларга ажратиб чиқамиз. Буни шартли равишда катта модуллар деб номладик. Аслида, ҳар қандай ўқув дастур ва дарсликларда билимларнинг тури ва ўзаро боғлиқликликларига қараб, боб – бобларга ажратилган. Уларни, яна бир маротаба мажмулар назариясининг тамойилиларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиб, катта

модуллар деб номласа бўлади. Модулларга ажратиш жараёнининг иккинчи босқичи, катта модуллар ичида ўрта модулларни ажратишдир. Бу жараёнда ҳам, катта модул ичидаги билимларнинг ўхшашлиги, мазмунининг нисбатан тугалланганлиги ва бир дарс мобайнида бериладиган билимларнинг ҳажмидан келиб чиқиб, ўрта модулларга бўлиб чиқамиз. Ҳар бир ўрта модулдаги билимлар ҳажми, вақт жиҳатидан бир дарсда бериб улгурилишини кўзда тутиш керак. Яъний битта ўрта модулдаги билимларни, битта дарс жараёнида бериб улгуриш лозим. Одатда, анаънавий дарсликларда, битта дарс мобайнида ўтиладиган билимларни алоҳида параграфлар қилиб ажратиб берилган. Умуман олганда ҳар бир параграфни бир ўрта модул деса бўлади. Бироқ, баъзи фанларда, мазмун жиҳатидан билимларни гуруҳлаштириб ажратилган параграфлар катта бўлиб, уларни бир дарс мобайнида ўтиб бўлмайди. Шунда бир параграфдаги жамланган билимларни икки ўрта модул (дарс), гоҳида учта ўрта модул мобайнида ўтилади. Шунинг учун, бир параграф битта ўрта модул бўлади деб туриб олмай, бир параграфда иккита гоҳида учта ўрта модулга бўлишилик, модулларга ажратиш тамойилини бузмайди. Модулларга ажратишнинг кейинги босқичи, ўрта модул (битта дарс) ичида кичик модулларни ажратишдир. Тажриба шуни кўрсатдики ҳар бир ўрта модулда бешта ёки олтита кичик модулни ажратса бўлади. Шулардан биринчиси, ўтган дарсни мустаҳкамлаш модули бўлса, иккита ё учтаси (билимлар мазмуни ва ҳажмига кўра) янги билимларни беришга ажратилади, тўрт ва бешинчи модуллар ўтган дарсни мустаҳкамлаш ва самародорлигини текшириш ҳамда ўйга вазифа бериш модулларидан ташкил топкан бўлади булар [26], [64] ларда да етарлича ёритилган.

Учинчи тамойили – “берилган билимни талабалар англашлари, хотирасида сақлашлари ва амалиётда қўллашларини биргаликда олиб боришликни таъминлаш”. Берилган билимни ўқувчи ва талабалар тўлиқ англаб ўзлаштириб олишлари учун, дарсда албатта муаммоли вазиятни шакиллантирилиши шарт. Талабаларга берилиши кўзда тутилган билимга қизиқиш уйғотиб, сўнгра бериладиган билимни бера бошласангиз, самараси юқори бўлади. Муаммоли вазиятни шакиллантириш учун ҳаётдан мисол келтириб туриб, талабаларга савол берилади. Бу саволга жавобни, талабалар беришини бир оз бўлсада кутилади. Кўп кутилса дарсга бўлган қизиқиш сусайиб кетади ҳамда ажратилган вақтдан унумли

фойдаланолмай колинади. Шунинг учун, тўғри ёки нотўғри бўлишидан катий назар, бир, икки талабани жавобини эшитганингиздан сўнг, уларни жавобига улаб, тўғри жавоб айтилади. Шунда, дарсда бериладиган билимни талабалар яхши англаб етадилар. Берилган билимни талабалар ўз тафаккурларида сақлашлари учун, бу билимни ҳар турли қилиб, камида 4-5 маротаба қайтарилади. Шунда дарсда эгалланган билим хотира сандиғига кириб улгуради. Бу педагогика ва психология илмларининг бир қатор тадқиқодлар олиб бориб аниқлаган қонунияти. Яъни миқдор сифатга ўтиши учун, уни бир неча бор 4-5, гоҳида 6-7 маротаба қайтаришга тўғри келади. Англаб етилиб, тафаккурда сақланиб қолинган билим асосида, кўникма ҳосил қилиш учун, билимни, албатта амалиётда қўллаб кўрилиши шарт. Машғулотингиз амалий ишлар билан боғлиқ бўлса, талабаларга билимни улар англайдиган қилиб берганингиздан сўнг, шу билим асосида бажариладиган ишни, талабалардан амалда бажариб беришларини талаб қиласиз. Агар машғулотингиз назарий билимларни эгаллаш билан боғлиқ бўлса, англайдиган қилиб берган барча билимларни, талабалардан қайтариб, айтиб беришларини ва албатта, бу билимларни уйда, бир қатор машқлар орқали мустаҳкамлаб қўйишларини талаб қилинг. Шунда бериладиган билимни талабалар англашлари, тафаккурида сақлашлари ва амалиётда қўллашларини бир вақтнинг ўзида олиб борган бўласиз. талабалар эса, бу билимни англаб етиб, ўзлаштириб олган бўладилар. Булар [26], [64] ларда етарлича ёритилган.

Тўртинчи тамойил – “мақсадларнинг нагижалари феъл (амал)лар шаклида бўлишлик”.

Бу тамойил аввалги тамойилнинг давоми бўлиб, педагоглардан, талабаларга берилган билимни албатта уларнинг кўникмасига айлантириб беришни, талаб қилади. Берилган билимнинг якуний натижаси кўникма шаклида бўлишлик деганда, талабалар эгаллаган билими асосида қандайдир амалий фаолиятларни бажара олишлари тушунилади. Бу ҳаракатлар иш, амал шаклида бўлиб, иш ҳаракатни бажарилганлигини билдиради. Берилган назарий билим асосида қандайдир иш ҳаракатни бажариш деганда, талабалар берилган билимни, камида, мустақил равишда айтиб бера олишликларини ҳам англонади. Агар берилган билим қандайдир амалий фаолият билан боғлиқ бўлса, талабалар албатта, берилган билим асосида муайян бир амалий ишни бажаришлари шарт. Бу педагогик

технологияни асосий талаби ва тамойилларидан биридир. Шунинг учун, дарс якунида эришилиши лозим бўлган амалий ҳаракатлар лойиҳасини аввалдан тузишда, амаллардан фойдаланилади. Булар [26], [64] ларда етарлича ёритилган.

Бешинчи тамойили – “**таянч тушунчаларни белгилаш**”. Педагогик технология асосида дарс лойиҳасини тузишда, шу дарс модуллари ичидаги таянч тушунчаларни белгилаб олишлик зарур. Таянч тушунчалар деганда, дарсда бериладиган ҳар бир билимнинг ички моҳияти алоҳида бир тушунчада ифода этилишига айтилади. Масалан, битта дарсда талабаларга янги ахборот бериш учун иккита модул ажратилган. Ҳар бир модулда, қандайдир иккита ёки учта янги билим берилиши кўзда тутилмоқда. Бу билимларни сиз тушунчалар орқали талабаларга билдирасиз. Бу тушунчаларнинг ичида битта, иккита ёки учтаси, шу билимнинг моҳиятини очиб беради. Дарс ўтишдан олдин, шу таянч тушунчаларни аниқлаб олишлик лозим ва дарс жараёнида, уларни доимо кузда тутиш керак. Булар [26], [64] ларда етарлича ёритилган.

Педагогик технологиянинг олтинчи тамойили – “**назорат саволларини ва талабалар билим ва кўникмаларини баҳолаш тур ва мезонини аниқлаш**”. Назорат саволлари таянч тушунчалар асосида тузилиб, таянч тушунчалар оз бўлса, шундоққина, уларнинг ўзларидан текшириш учун саволларни тузиб қўйса бўлади. Таянч тушунчалар кўп бўлса, ичидан муҳим муҳимларини танлаб олиб, савол шаклига келтириб, назорат саволлари тузилади.

Билимларни назорат қилишда қўйиладиган балл ва баҳолар ўқувчи ва талабада қандай таасурот қолдирганини, ўртоқларининг ўқишидаги ютуқ ва камчиликларига қандай муносабатда бўлишларини доим кузатиб бориш учун керак. Ўқувчи ва талабалар билимини назорат қилиш ҳамда баҳолаш ўқув йили давомида ҳар доим ва мунтазам амалга оширилиши учун рейтинг тизими жорий қилиниб, тартибли ва доимий баҳолаш учун имкониятлар очиб берилди.

Педагогика фани билимларни ўз вақтида назорат қилиш ва баҳолашнинг учта вазифаси борлигини кўрсатади:

1. Ўзлаштиришни назорат қилиш ва баҳолаш натижаларига караб Давлат таълим стандартлари қандай бажарилаётганини назорат қилиб, таҳлил этиш ва вазифаларни белгилаш.

2. Билимларни назорат қилиш ва баҳолаш натижасида ўқувчи ва талабаларда билимлар янада кенгайди. Бу билан ўқув юртлири олдида турган таълимий мақсад бажарилади.

3. Таълим соҳасидаги яхши натижалар ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Уларда кўтаринки рух, ўз кучига бўлган ишонч ва қизиқишни пайдо қилади. Шунинг учун ҳам ўзлаштиришни назорат қилиш таълим тизимининг ажралмас қисмидир. Назорат жараёнида ёзма, оғзаки ва амалий усуллардан фойдаланилади.

Бу жараёнда оғзаки сўраш орқали ўзлаштиришни назорат қилиш, айниқса, мактабларда кенг тарқалган. Бу асосан савол-жавоблар орқали олиб борилади. Бунда яқка сўраш, фронтал сўраш каби турлардан фойдаланилади.

Бу турдаги назорат усули жуда кўп вақт талаб қилганлиги сабабли, назорат жараёнини фаоллаштиришда кам вақт ичида кўп сонли талабаларни назорат қилиш мақсадида бир қанча рационал услублар, жумладан, техник воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чет эл тажрибалари ва ўзимиздаги кўпжаб тажрибалар натижасида **рейтинг услуби** бугунги куннинг назорат мезони деб қабул қилинган.

Рейтинг – баҳолаш, тартибга келтириш, таснифлаш, бирор ҳодисани олдиндан белгиланган шкала бўйича баҳолаш. Рейтинг ёрдамида ўқувчи-талабаларни, улар учун умумий бўлган хусусиятларнинг ёрқин даражасига қараб дастлабки таснифлаш амалга оширилади.

Шкалалаш – аниқ жараёнларни рақамлар тизими ёрдамида моделлаштириш. Уларнинг турли услублари – сифат, тавсиф миқдорий услубларидан иборат. Рейтинг назоратида тест ҳам самарали қўлланилади.

Тест деганда, аниқ вазифани такомиллашганлик даражасини аниқлашда сифат ва миқдорий ўлчамларини белгилаш имконини берадиган, фаолликнинг бирон шаклини, бирон аниқ топшириқ шаклидаги синов қуроли тушунилади.

Тестнинг афзаллиги куйидагилардан иборат:

- назорат учун кам вақт сарфланади;
- назарий ва амалий билимлар даражасини объектив шароитда аниқлаш имконини беради;

- кўп сонли талабалар билан бир вақтнинг ўзида назорат олиб бориш мумкин;

- билим натижалари ўқитувчи томонидан тезкорлик билан текширилади;

- барча талабаларга бир хил кийинликдаги саволлар берилиб, бир хил синов ўтказилади.

Ҳозирги кунда узлуксиз таълимнинг умумий таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим босқичларида ўқувчи-талабалар билими рейтинг тизимида баҳоланади. Баҳолашнинг бундай шакли ўқувчи-талабаларнинг бутун ўқиш давомида ўз билимларини ошириш учун мунтазам ишлашни ҳамда ўз ижодий фаолиятини такомиллаштиришни рағбатлантириш ғоясига асосланади.

Рейтинг назорат тизими асосида ўқув режасига киритилган ҳар бир фан бўйича талаба ўзлаштиришнинг сифат кўрсаткичларини баллар билан баҳолаш ётади.

Ҳар бир чорак ва семестрдаги фанлардан тўпланган баллар йиғиндиси талабанинг курс рейтингини ташкил этади.

Ҳар бир фан бўйича ўқувчи ва талабанинг ўзлаштиришини баҳолаш чорак ва семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги назорат турлари орқали баҳоланади: жорий назорат, оралик назорат ва якуний назорат.

Жорий назорат – бу ўрганилаётган мавзуларни ўқувчи ва талабалар томонидан қандай ўзлаштирилаётганлигини мунтазам равишда дарс жараёнида назорат қилишдан иборат. Бу назорат ўқитувчи томонидан ўтказилиб, талабанинг билим даражасини шу фаннинг ҳар бир ўрта модул бўйича аниқлаиб боришини кўзда тутади. Бу эса ўқувчининг узлуксиз билим олиши ва натижасини муттасил назорат қилиб боришни назарда тутади.

Оралик назорат – бу мазкур фан бўйича ўтилган бир неча мавзуларни ўз ичига олган **катта модул бўйича** талабанинг билимини аниқлаш демак. Оралик назорат дарсдан ташқари вақтда ўтказилади ва талабаларга ўзлаштириш кўрсаткичларини ошириш имконини беради.

Якуний назорат – бу назорат семестр учун белгиланган мавзулар тўлиқ ўқитилиб бўлингач, **ўтилган мавзулар бўйича** олинади. Семестрдаги рейтинг баҳоси жорий, оралик ва якуний назоратларда тўпланган баллар бўйича аниқланади.

Ёттинчи тамойили – “дарс тури ва типини аниқлаш”.

Амалга оширмоқчи бўлаётган педагогик жараёнимиз қандай дарс тури ва типига таалукли? деган саволга жавоб бериш учун дарснинг турлари ва типлари тўғрисидаги маълумотга эга бўлишимиз шарт.

Дарснинг мантиқий тузилиши ва билиш жараёнининг характерига қараб дарслар, кириш дарси; эгалланадиган билимлар билан бирламчи танишиш дарси; янги билимларни эгаллаш дарси; эгалланган билимларни амалиётда қўллаш дарси; кўникмалар ҳосил қилиш дарси; умумлаштириш, қайтариш ва мустаҳкамлаш дарси; текширув дарслари; аралаш дарс, деган турларга ажраладилар[41].

Назариётчи ва амалиётчи педагоглар орасидаги кенг қўлланилаётган дарс таснифларидан бири М.А.Данилов билан Б.П.Есипов ишлаб чиққан тасниф ҳисобланади[34]. Улар, ўз таснифларига икки дидактик мақсадлар ва дарснинг узлуксиз тизимдаги ўрнини асос қилиб олганлар. Улар қуйидагилардир: 1) аралаш дарслар; 2) янги материал билан танишиш; 3) олинган билимни мустаҳкамлаш; 4) ўрганилган нарсани тартибга келтириш ва умумлаштириш; 5) билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш; 6) билимларни текшириш.

Яна дарслар уларни ўтиш асосига қараб, қуйидаги турларга ажралади:

1. а) дарс-лекция; б) дарс-сухбат; в) кино дарси; г) назарий ёки мустақил ишлар дарси; д) аралаш дарс.

2. а) мустақил ишлар дарси; б) дарс – лаборатория; в) амалий ишлар дарси; г) дарс – экскурсия .

3. а) оғзаки сўраш; б) ёзма синов; в) синов; г) синов амалий назорат; д) назорат ниши е) аралаш дарс.

Дарслар ички тузилишига қараб ҳам типларга бўлинади. Коменский ва Гербартлардан бошлаб, шу кунгача дарснинг тўрт бўлақдан иборат бўлган типни ҳукм суриб келмоқда. Буларга: янги билимларни эгаллаш учун тайёрланиш; янги билимларни эгаллаш; янги билимларни мустаҳкамлаш ва тизимга келтириш; эгалланган билимларни амалиётда қўллаш. Биз буларни кичик модуллар демоқдамиз. Бу типдаги дарс аралаш дейилади.

Унинг шу кунгача сақланиб келишининг сабабларидан бири, аралаш дарсдаги тўрт унсур истаган кетма-кетликда қўлланиши мумкин. Шу билан бир қаторда бу типдаги дарс жараёнида

дидактиканинг деярли барча талабларига эришиш осон. Шунинг учун ҳам, тадқиқотчиларнинг айтишларича, 80% дарслар шу типда олиб борилар экан.

Бу турдаги дарсларнинг афзаллиги яна шундаки, у дарс жараёнида ҳукм сурувчи қонуниятларга мос келади. Бу дарсларда ўқитувчи ва педагоглар, ўз шароитларидан келиб чиқиб, таълим олувчиларнинг қабул қилиш имкони, тайёргарлик даражаси ва бошқа бир қатор омилларни ҳисобга олган ҳолда, дарсга ажратилган вақтни дарс ичидаги тўрт унсурга ихтиёрий равишда таксимлай оладилар.

Аралаш дарсларнинг юқорида айтилган ютуқлари билан бир қаторда, камчиликлари ҳам оз эмас. Чунончи, аралаш дарсларда, ундаги тўрт унсурнинг ҳаммасига вақт етишмайди. Дарс олиб борувчиларнинг ихтиёридан ташқари, аввалги дарсни яхши қайтариб чиқаман деган муаллимга албатта янги билим бериш учун кам вақт қолади. Янги берилган билимни ва уйга вазифа беришни қоидали қилиб амалга оширишни айтмай қўяқолайлик. Шунинг учун кейинги вақтда, педагогик амалиётда **бир турдаги фаолият** билан шуғулланувчи дарслар пайдо бўла бошлади. Буларга: **янги билимларни эгаллаш дарслари; янги қўникмаларни ҳосил қилиш дарслари; билимларни умумлаштириш ва тизимга келтириш дарслари; билим ва қўникмаларни текшириш ҳамда хатоларни тузатиш дарслари; билим ва қўникмаларни амалиётда синаб кўриш дарслари.** Бу дарс типлари шундай номлангани билан, дарс ичидаги аралаш дарсларнинг тўрт унсурининг бири узайтирилиб, қолганлари қисқартирилган бўлади. Масалан, дарсларга ажратилган 45 дақиқани, янги билимларни эгаллаш дарс типда, дарсни ташкил қилиш ва ўтган дарсни қайтариш қисмига 2 – 3 дақиқа берилади. Бу вақтда ўқитувчи ўтган дарсни қайтармай, қисқача эслатиб ўтади, ҳолос ва ҳоказо. Қуйида бу типдаги дарсларнинг ички тузилишини кўриб чиқамиз.

Янги билимларни эгаллаш дарси ёки уни тушунтириш дарси ҳам деб юритилади. Бу типдаги дарс қисмларининг тахминий жойлашуви қуйидагича.

1. Илгари ўтилган билимларни эшлаш.
2. Янги билимлар бериш.
3. Янги билимнинг ўзлаштирилганлигини текшириш.
4. Назарияни қўллаш намунасини кўрсатиш.

5. Уйга вазифа бериб, дарсни якунлаш.

Эгалланган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш дарси. куйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. Назарий билимларни эслаш.

2. Эгаллаган билимлар бўйича машқлар қилиб, кўникма ҳосил қилиш.

3. Дарсни якунлаш.

4. Уйга вазифа бериш.

Такрорлаш дарси. Эгалланган билимларни мустаҳкамлаш билан такрорлаш дарслари орасида анча умумийлик мавжуд. Бу умумийлик, энг аввало, мазкур дарсларнинг вазифалари ва дарснинг ички тузилишига тааллуқлидир. Шу билан бирга бу дарсларнинг орасида такрорланаётган аввалги дарсларда материал тўлиқ берилмаган, баъзи жойлари такрорланади. Билган нарсасини ҳадеб такрорлайвермайди. Такрорлаш дарсларида авваллари билмай қолган жойлари такрорланади.

Эгаллаган билимларни умумлаштириш ва билим ҳамда кўникмаларни такомиллаштириш дарси.

Бу дарснинг элементлари куйидагича:

1. Умумлаштирувчи билимга доир билимларни эслаш.

2. Билимларни умумлаштириш ва улар орасидаги функционал алоқадорликни кўрсатиш.

3. Назарий билимларни ўзлаштирилганлигини текшириш.

4. Билимларни умлаштирган қоида билан таништириш.

5. Мавзу бўйича эгалланган билимларни ҳосил қилинган кўникмалар билан такомиллаштириб, малака даражасига етказиш.

6. Дарснинг натижаларини якунлаш.

7. Уйга вазифа бериш..

Эгалланган билим ва кўникмаларни текшириш (контроль) дарси. Назорат иши ўтказиладиган дарснинг тузилиши мураккаб эмас. Ўқитувчи топшириқларни эълон қилади, ўқувчи ва талабалар уларни бажарадилар ва дарс охирида ишлар йиғиб олинади. Назорат ишининг саволлари ва топшириқлари шундай ифодаланиши керакки, ўқувчиларнинг жавобларидан улар билимларни шунчаки эслаб қолгани эмас, балки ишнинг моҳиятини тушунгани ҳам кўриниб туриши лозим.

Сакизинчи тамойили – “ педагогик жараёни амалга ошириш усул ва услубларини белгилаш”. Педагогикада ўқитиш усу-

ли деб, таълимий мақсадларга эришишда қўлланиладиган педагогик чора – тадбирлар, яъни услублар йиғиндисига айтилади. Ваҳоланки, юқорида айтганимиздек, бошқа фаолият соҳаларида буни услуб – методика деб номлайдилар.

Педагогикада ҳам **методика** деган тушунча мавжуд. Бу тушунча, таълимий мақсадга эришишда қўлланиладиган педагогик усул ёки чора, ва тадбирларни қўллаш йўриқномаси сифатида тушунилади.

Педагогикада усул атамаси устида бошқа тушунчалар ҳам мавжуд. Чунончи, усулларни педагог қўллайдиган бўлса – ўқитиш усули, талаба қўллайдиган бўлса, ўрганиш усули дейилади. Ўқитувчи ва талабаларнинг билим эгаллаш мақсадида биргаликда қўллайдиган усулларни маърифий ёки педагогик усуллар дейилади. Усул ва услублар юзасидан бошқача фикрлар ҳам бор.

Ҳар бир таълимий усулни бир бутунлик (мажму) деб билиб, уни ташкил қилувчи унсурларни таҳлил қилиб чиққанда, уларнинг ҳар бири услуб (приём) бўлиб чиқмоқда. Этибор беринг, услубнинг фалсафий талқинида, мақсадга етишишда қўлланиладиган усуллар тизими услуб деб айтилган. Педагогикада унинг акси бўлиб чиқмоқда. Яъни педагогик мақсадга эришишда қўлланиладиган усулнинг бир унсури педагогик услуб бўлмоқда. Бу тушунчалар педагогика илм-фанида анъанавий қўлланиб келинганлиги учун, биз ҳам шунга бўйсуниб, педагогикада қабул қилинган тушунчалардан фойдаланамиз.

Таълимий усул – мураккаб, кўп поғонали, кўп қиррали диссептив, очик, қайтарилувчан марказлашган ижтимоий мажму бўлиб, дарс жараёнини амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Педагогик усулларда, таълим жараёнида объектив мавжуд бўлган қонуниятлар, таълим мақсади, мазмуни, тамойиллари ва таълим беришнинг шакллари ўз ифодасини топган бўлади. Таълим-тарбия усуларида дидактиканинг барча тамойиллари (принциплари) ўз ифодасини топган экан, улар ўзаро функционал боғлиқ бўлиб, таълим усуллари ўзгариши билан дидактика принциплари ҳам такомиллаша боради ва бутун узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг тақомилига ўз таъсирини ўтказади.

Педагогик усуллар таркибида **объектив ва субъектив** услублар деган қисмлар мавжуд. Педагогик усулнинг таркибидаги объектив услубларга, ҳамма усулларда истисносиз ва доимий ра-

вишда ҳукм сурадиган қонуниятлар қонун ва қоидалардан ҳамда таълимий мақсад, мазмун ва шаклидан келиб чиқувчи услублар киради. Субъективларига ўқитувчи ва педагогнинг шахсий сифатларидан, ўқувчи ва талабаларнинг ҳамда ўқув жараёнининг ўзига хос хусусияти ва шароитидан келиб чиқувчи услублар киради.

Ҳар қандай педагогик усулни шакллантиришда, албатта, объектив услубларга суянилади. Ҳеч қачон субъектив услубларга кенг ўрин берилмаслиги керак. Объектив услублар билан субъективларининг орасидаги муносабатларни оптималлаштириш устида доимий тортушувлар бўлган ва бўлиб келмоқда. Педагогик усулларни ривожлантириш учун, албатта, субъектив услублар билан улар бойитиб борилиши керак, аммо бу ҳаракат меъеридан ошиб кетмаслиги лозим. Айнан, субъектив услубларни яратиш ва улардан педагогик амалиётда фойдаланиш педагогнинг ўз касбининг моҳир устаси бўлиб етишганининг белгиси ҳисобланади.

Объектив услублар билан субъективлари орасидаги нисбатни мувозанатда ушлаш жуда қийин. Чунки педагогик усул ўқитувчи ва педагогларнинг дарс беришдаги асосий қуроли бўлиб, ўқитувчи режалаштирган мақсадни, мақсадга эришиш чора – тадбирларини, қўйилган мақсаддан келиб чиқувчи ва ечилиши шарт бўлган масалалар тизимини, таълим-тарбия жараёнининг мантиғини, ахборот манбаларини, ўқитувчининг маҳоратини ва бошқа кўплаб нарсаларни ўзида ифодалаш керак.

Кўриб турганимиздек, педагогик усул кўп қиррали ижтимоий борлиқ бўлиб, унга таъриф берганда, унинг ҳамма томонларини ифодалаш қийин. Шунинг учун унга қуйидагича қисқа таъриф бериш мумкин.

Педагогик усул – бу таълимий мақсадга эришиш йўлидаги ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликда, муайян режа асосида қиладиган ҳаракатларининг тартиби.

Педагогик усул кўп томонли бўлгани учун ҳам, уни гуруҳлаштириганда истаган жабҳасини асос қилиб олса бўлади. Шунинг учун ҳам педагогик усулларнинг таснифи жуда кўп. Педагог ва ўқитувчилар учун усулларни турларга ажратганда, албатта, педагогик амалиёт талабларидан келиб чиқишлик тўғри бўлади.

Қуйида педагогик усуллар таснифларининг баъзи бирларига эътиборингизни қаратамиз.

1. Анъанавий тасниф ўзининг илдизи билан қадимий фалсафий ва таълимий тизимларга бориб тақалади. Шу кунда бу таснифнинг замон талабидан келиб чиқиб, такомиллашган варианты мавжуд. Бу типдаги тасниф ўзига асос қилиб билим манбаларини олган. Билим манбаларига қуйидагилар киритилган: амалиёт ва кўргазмалар (эмпирик билимлар манбаи); оғзаки сўз ва китоб (назарий билимлар манбаи), ахборот технологиялари – видео, телевизор, компьютер ва интернет тармоқлари (ҳам кўргазмали, ҳам назарий, ҳам эмперик билимлар манбаи). Бу тасниф орқали усуллар беш тоифага ажратилган: амалий, кўргазмали, оғзаки, китоб билан ишлаш ва виртуал (видео, компьютер, интернет).

Бу усулларнинг ҳар бирининг ўзини намоён этиш услублари бор (1 жадвалга қаранг).

2. Белгиланган мақсадга қараб таснифлаш. Бунда, дарс босқичларининг кетма-кетлиги умумий асос қилиб олинган. Уларда қуйидаги усуллар ажратилган: билим эгаллаш; кўникма ва малакалар ҳосил қилиш; билимни амалиётда қўллаш; ижодий фаолият; мустаҳкамлаш; билим, кўникма ва малакаларни текшириш.

1 жадвал.

Амалий	Кўргазмали	Оғзаки (жонли суҳбат)	Китоб билан ишлаш	Виртуал (хотирада сақловчи)
Таъриба, амалий машқ, ўқув-ишлаб чиқариш меҳнати	Иллюстрация, намойиш, кузатиш	Айтиб бериш, тушунтириш, ҳикоя, суҳбат, кўрсатма бериш, маъруза, баҳс, мунозора	Ўқиш, ўрганиш, реферат ёзиш, кўриб чиқиш, баён қилиш, режа тузиш, конспект тузиш	Кўриш, таълим олиш, машқ қилиш, назорат.

3. Билиш фаолиятининг типига қараб усуллар қуйидагиларга ажралади: ахборотли – рецептив ёки иллюстратив – тушунтириш; репродуктив; муаммоли баён; эвристик ёки ярим тадқиқот ва гадқиқот. Бу типдаги усуллар билиш фаолиятининг кучланишига қараб гуруҳлаштирилган. Бунда усул, ўқувчи ўқитувчи ҳамкорлигида билим олиш жараёнидаги фаолиятида тафаккурини қанчалик ишлатиши билан изоҳланади.

Агар ўқитувчи томонидан ташкил қилинган билиш фаолияти, унинг берган билимларини эслаб қолиш ва уларни қайта айтиб бериш билан боғлиқ бўлса, унда ўқувчилар ақлини фаол ишлатмай, хотирасини ишга солиб ёд олиш билан чекланидилар. Бундай усул репродуктив усул дейилади. Агар ўқитувчи талабалар тафаккурини юкори куч билан ишлашга мажбур қиладиган усулларни қўлласса, улар ярим тадқиқот ва тадқиқот усуллари дейилади.

Ахборотли – рецептив усуллар куйидаги белгилар билан изоҳланади:

- 1) ўқувчи ва талабаларга билимлар тайёр ҳолда берилади;
- 2) ўқитувчи турли услублар билан бу билимларни талабалар қабул қилиб олишини таъминлайди;
- 3) талабалар бу билимларни ўзлаштириб (рецепция), уларни тафаккуридан ўтказиб, хотирасида сақлайди.

Бундай усулларни қўллаганда барча ахборот манбаларидан фойдаланилади (сўз, кўргазмалилик ва ҳоказо). Баён қилиш жараёнида мантиқнинг индуктив йўли билан бир қаторда дедуктив йўлидан ҳам фойдаланилади.

Репродуктив усулнинг куйидаги белгилари мавжуд:

- 1) ўқувчи ва талабаларга билим тайёр ҳолда берилади;
- 2) ўқитувчи билимни берибгина қолмайди тушунтириб беради;
- 3) ўқувчи ва талабалар тушунган ҳолда билимларни ўзлаштирадилар ва хотираларида сақлайдилар. Уларнинг ўзлаштирганлик даражаси, берилган маълумотларни тўғри айтиб бериши репродуктив билан изоҳланади;

4) Пухта ўзлаштиришига кўп мартаба қайтариш йўли билан эришилади.

Бу ва бундан олдинги айтилган ахборотли-рецептив усулларнинг афзаллиги ва кенг қўлланишининг сабаби, уларнинг тежамкорлиги билан белгиланади. Бу усуллар орқали кам вақт ичида кам куч сарфлаб, кўп билимни ошириб берса бўлади.

Инсон фаолияти ё репродуктив (билган йўлдан оғишмай уни айнан қайтариш), ёки ижодий (мақсадга етиш йўлини ўзи излаб топади) бўлиши мумкин. Бу ерда шунини айтиб ўтиш жоизки, ҳар қандай ижодий ҳаракатдан олдин репродуктив ҳаракатлар бўлади. Шунинг учун бу усулни менсимаслик жоиз эмас. Аммо, уни қўллашга ҳам қаттиқ берилиб кетмаслик лозим. Энг яхшиси,

репродуктив усул билан бир қаторда бошқа усуллардан ҳам бирдай фойдаланиш яхши самара беради.

Муаммони баён усули оралиқ усул ҳисобланиб, кўр қорилардек ёд олиш ва уни айтиб беришдан, мустақил фикр юритишга ўтиш учун хизмат қилади. Болалар, ривожланишнинг маълум бир босқичида, мустақил фикр юрита олмайдилар. Ўқитувчи ва педагог талаба ёшлар олдига муаммони қўйиб, уни ечиш йўлларини ўзи баён қилиб беради. Шунда талабалар муаммони ечишда иштирок этмасалар ҳам, ўқитувчининг синф олдига қўйилган муаммони моҳирона ечишини кузатиб, илҳомланадилар ва муаммони ўзлари ечишни истаб қоладилар.

Эвристик ёки ярим тадқиқот усул қуйидаги белгилари билан характерланади:

1) ўқувчиларга билим тайёр ҳолда берилмай, у мустақил равишда топилади;

2) ўқитувчи турли воситалар ёрдамида, мустақил равишда билим олишни ташкил қилади;

3) ўқувчи ва талабалар ўқитувчи ёки педагог ёрдамида мустақил фикр юритишга ва шу орқали янги билимларни топишга ўрганадилар. Улар мустақил равишда муаммоларни ечиш йўлларини излайдилар. Топилган натижаларни таҳлил қиладилар, таққослайдилар, умумлаштирадилар ва яқун ясайдилар.

Бу усулнинг ярим тадқиқот деб ном олганлигининг сабаби, ўқувчи ва талабалар аввал ҳеч қачон мустақил равишда билим олишмаган бўлишса, бу вазифани бажаришга қийналадилар. Шунинг учун ўқитувчи ва педагоглар уларга ёрдам берадилар. Бу усул қўлланганда ўқитувчи – ўқувчи – ўқитувчи – ўқувчи схемаси бўйича амалга оширилади. Шунда билимнинг бир қисмини педагог айтиб, қолганини топишни талабаларга қўйиб берилади.

Тадқиқот усулининг моҳияти эса қуйидагича:

1) педагог талабалар билан бирга муаммони шакллантиради ва уни ҳал қилиш учун талабаларга муддат берилади;

2) ўқувчи ва талабаларга билим айтилмайди. Уни талабаларнинг ўзлари мустақил равишда излаб топадилар. Шунда, бу билимнинг топиш чора ва тадбирларини ҳам ўқувчиларнинг ўзлари белгилайдилар.

3) ўқитувчи ва педагогнинг фаолияти талабалар изланишини бошқаришдан иборат бўлади;

4) бу усулда ўқув жараёни ўта жадал ва юкори кизиқиш орқали кечиши билан, олинган билимлар чуқур, таъсирчан ва инчунин болалар хотирасида узоқ сақланиши билан бошқа усуллардан ажралиб туради. Бу усулнинг камчилиги, унга кўп вақт ҳамда ўқувчи ва ўқитувчилардан анчагина куч сарфланишини талаб қилади.

4. Дидактик мақсадларга кўра усуллар икки гуруҳга ажралади: биринчиси – билимларнинг бирламчи ўзлаштирилишига хизмат қилувчи усуллар; **иккинчиси** – эгалланган билимларни мустақамлашга ва такомиллаштиришга йўналтирилган усуллар.

Биринчи гуруҳга: ахборот – ривожлантирувчи усуллар (оғзаки баён, суҳбат, китоб билан ишлаш), эврестик (изланувчан) усуллар (эврестик суҳбат, мунозара, лаборатория ишлари); тадқиқот усуллари қиради.

Иккинчи гуруҳга: машқ (нусхага қараб кўчириш, шарҳланган машқлар, вариантли машқлар ва ҳоказо) ва амалий машғулотлар қиради.

5. Бир неча бор, бинар ва ярим бинар усулларни яратишга уриниб кўрилган. Бунда усуллар икки ва ундан ортиқ белгиларига қараб гуруҳлаштирилади. Масалан, билим бериш усуллари билан билим олиш усуллари бириктириш ва ҳоказо.

Усуллар назарияси тинимсиз таракқий этиб барча ўқитувчи ва педагоглар талабига бирдай жавоб берувчи усуллар изланмоқда. Шу изланишлар натижаси сифатида ўқув жараёнининг технологияланган усули вужудга келади.

Тўқизинчи тамойил – “ахборот технологиялар ва дидактик материалларнинг қўлланиш ўрнини белгилаш”. Бунинг учун ўқув муассасида бор бўлган ахборот узатиш техникалар, ва кўргазма куроллар ҳамда бошқа дидактик материаллар ичидан мавзуга мосларини топиб ўрнини белгилаб чиқиш зарур бўлади.

Замонавий педагогик технологиянинг Ўзбек миллий модели асосида магистратура мутахассислигида “Педагогик технология ва педагогик маҳорат” фанини ва “Ўзбекистон ёшлар интеллектуал салоҳиятни юксалтириш” бўйича ўқув ва тарбия машғулоти лойиҳасининг моделлари монографиянинг II боби 7-§ ва III боби 1-§ ларида берилган.

7-§. Замонавий педагогик технологиянинг Ўзбек миллий модели асосида магистратура мутахассислигида “Педагогик технология ва педагогик маҳорат” фанини ўқитиш тажрибаси

7.1. “Педагогик технология ва педагогик маҳорат” фанининг биринчи катта модули, улардан қўзланган мақсадлари ва таркибидаги ўрта модуллар сони

Катта модулнинг номи	Модулдан қўзланган мақсад	Ўрта модуллар сони
<p>Педагогик технологиялар назарий асослари. Замонавий педагогик технологиялар таснифи (12 соат).</p>	<p>Талабаларга ҳар қандай соҳада ҳам замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассисни тайёрлашда таълимга янги-ча ёндашиш зарурлиги тушунтирилади. Уларнинг онгида “таълимга инновацион ёндашув” тушунчасини шакллантириш.</p> <p>Педагогик фаолиятни технологиялаштириш - ижтимоий зарурият эканлиги ва Ўзбекистонда педагогик технологияни таълим амалиётига жорий этишнинг долзарблигини талабалар онги-шуурига етказиш.</p> <p>Педагогик технологияни таълим жараёнига қўллашда квантлар назарияси ва синергетика ҳамда мажмулар назарияси ва ундан келиб чиқувчи объектив борликка мажму ёндашув тамойилларининг ўрни ва аҳамиятини талабаларга тушунтириш.</p> <p>Педагогик технология тамойиллари ва улар асосида тузилган замонавий педагогик технологиянинг ўзбек миллий модели технология асосида лойиҳалаш андозасини талабалар онгига етказиш</p> <p>Ўзбекистонда ёш авлод учун зарур бўлган баркамоллик фазилатлари ва уларни шакллантиришда педагогик технологиянинг ўрни ва аҳамиятини талабалар тафаккурига сингди-риш.</p>	<p>3 та маъруза, 1 та лаборатория, 2 та мустақил таълим</p>

Изоҳ. Монографиянинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, фақат биринчи катта модулнинг мазмуни берилди. Тулиқ мазмуни [92] да берилган

7.2. Биринчи катта модул таркибидаги ўрта модуллар номлари ва мақсадлари

Ўрта модуллар номи	Модулларда кўзланган мақсадлар
<p>1. Таълимни модернизация қилиш масаласининг долзарблиги.</p> <p>Педагогик технология фанининг вужудга келиши. Квантлар назарияси ва синергетика, мажмулар назарияси.</p> <p>Таълим-тарбия соҳасида мажмуий ёндашув</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг бош мақсади комил инсон ва етук малакали мутахассис етиштириш ва шахсга янгича қарашнинг туб моҳиятини талабалар онгига синдириш.</p> <p>Ўзбекистоннинг замонавий миллий педагогик технология моделини яратиш заруриятини, бунинг учун талабаларда фаннинг ҳозирги ривожланиш босқичини синергетика ғоялари, мажмуий ёндашув ғоялари белгилаб бераётганлиги ва бунинг барча фанлар ривожланишига, шу жумладан педагогика фанига ҳам, кўрсатаётган таъсирини тушунтириш.</p> <p>Жамият ва иқтисодиётнинг бугунги ривожланиш босқичида таълим олдига янгича талабаларнинг қўйилиши ва бунинг натижасида янгича концепция, янгича ёндашувларнинг вужудга келишини ва педагогик технология фанининг вужудга келиши омилларини ҳамда ушбу омилларнинг тарихан ва мантиқан боғлиқлигини талабаларга тушунтириш.</p>
<p>2. Таълимга технологик ёндашув моҳияти. Ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш хусусиятлари.</p> <p>“Технология” сўзининг маъноси.</p> <p>Педагогик технология замонавий таърифи, педагогик технология моҳияти</p>	<p>Талабалар томонидан моддий ишлаб чиқаришдаги технология ҳамда ижтимоий ишлаб чиқариш технологияси ўртасидаги фарқ ва умумийликни ва моддий ишлаб чиқариш технологиясининг таълим жараёнига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган қонуниятларини тушунтириш.</p> <p>Талабаларнинг таълимга мажмуий ёндаша олишига, педагогик жараённинг таркибий қисмлари ва улар ўртасидаги боғлиқликларни аниқ кўра олишига эришиш.</p> <p>Талабаларга ўзаро боғлиқ ҳодисаларни мажму сифатида кўра олишни ўргатиш орқали уларнинг синтез қилиш қобилиятини ривожлантириш ва битта феноменни бошқа феномен билан ўзаро қиёслаш, битта феноменга ҳос бўлган хусусиятни бошқа феноменга нисбатан қўллашга ўргатиш</p>

	<p>орқали талабаларда умумлаштириш қобилияти ҳамда моддий ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришдаги лойиҳалаш билан таништириш орқали талабаларда лойиҳавий тафаккурни ривожлантириш.</p> <p>Меҳнат жараёнини тўғри, самарали лойиҳалаштириш ғоялари билан таништириш орқали талабаларда тартиблилик, ўз фаолияти, вақтини тўғри ташкиллаштириш сифатларини шакллантириш.</p> <p>Педагогик технологиянинг мавжуд таърифлари таҳлил қилиниши асосида мажму тамойилга асосланган замонавий таърифни ўргатиш.</p>
<p>3. Педагогик технология тамойиллари ва уларнинг изоҳлари.</p> <p>Педагогик мақсадларни белгилаш технологияси.</p> <p>Педагогик мақсадлар таксономияси.</p> <p>Педагогик технологиялар турлари</p>	<p>Талабаларда таълим-тарбия жараёнини мажмуий, технологик ёндашув асосида самарали ташкиллаш учун ўқитувчи амал қилиши шарт бўлган тамойиллар, таълим мақсадлари ва уларни шакллантириш йўллари, мақсадга эришганлик даражасини аниқлаш йўллари, таълим жараёнига тузагишлар киритиш, таълим жараёни натижаларини баҳолаш ҳақидаги билимлар ва педагогик жараёни технологик ёндашув асосида лойиҳалаштириш учун зарур бўлган бошланғич кўникмаларни шакллантириш.</p> <p>Талабаларда аввало педагогик технологияларнинг ҳар хил турлари мавжудлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, уларни Г.К.Селевко ишлаб чиққан педагогик технологиялар таснифи билан таништириш, талабаларда педагогик технологиялар гуруҳлари ва уларга кирувчи технологиялар турлари, уларнинг аҳамиятли хусусиялари ҳақида билимларни шакллантириш.</p> <p>Таълим жараёнини лойиҳалаштиришга ўргатиш орқали талабаларда лойиҳавий, мантikiй, ижодий тафаккур ва ҳодисаларга ҳар тарафлама ёндашиш хусусиятини ривожлантириш.</p> <p>Педагогик технологиялар таснифини ўрганиш орқали талабаларда қиёслаш, гуруҳлаш, умумлаштириш қобилиятларини ривожлантирилади ва лойиҳалаштирилган педагогик жараёни объектив, илмий баҳолашга ўргатиш орқали талабаларда, ўз фаолиятини баҳолаш сифатлари тарбиялаш; анъанавий таълим жиҳатларини объектив таҳлил қилиш воситасида инсонлар томонидан қатъий қонуният сифатида қабул қилинадиган ғоя, фикрларни таҳлил қилиш, уларнинг камчи-</p>

	<p>ликларини кўра олиш ҳамда ижодий ёндашишга ўргатиш ва шу орқали уларда илмий жасоратни тарбиялаш.</p> <p>Талабаларни турли педагогик технологиялар асосида бўлган ўзаро фарқланувчи таълимий концепциялар, ёндашувлар билан таништириш орқали уларда ишга пухта, оқилона ёндашиш, чуқур фикрлаб, ўзгалар фикри, позициясини қабул қила олиш, толерантлик сифатларини тарбиялаш.</p>
<p>4. Педагогик технологиянинг назарий асослари. Замонавий педагогик технология таснифи мавзулари лаборатория ўқув машғулотли</p>	<p>Талабаларда биринчи катта модул бўйича шаклланган билимларни чуқурлаштириш, мустақамлаш ва жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантириш ҳамда педагогик жараёнга мажмуий ёндашувни шакллантириш.</p>

Изох. Монографиянинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, фақат биринчи катта модулнинг биринчи ўрта модули мазмуни берилди.

7.3. Биринчи ўрта модулнинг кичик модуллари номлари ва мақсадлари

Т/р	Кичик модуллар номи	Кичик модулларнинг мақсади
1.	<p>Жамият тараққиёти ва эркин фикрловчи шахс.</p> <p>Педагогик фаолиятни технологиялаштириш – ижтимоий зарурият.</p> <p>Таълим технологияси назариясининг шаклланиш босқичлари.</p>	<p>“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган Ўзбекистон таълим тизимидаги ислохотлар стратегиясини ва “Кадрлар тайёрлаш миллий модели”нинг туб моҳиятини ва шахсга янгича қарашни талабалар онгига яна бир бор сингдириш.</p> <p>Таълим тизимидаги ислохотларда педагогик технологиянинг ўрнини тўғри кўрсата олиш, педагогик технология фанининг вужудга келиши омилларини билиш, педагогик фаолиятни технологиялаштириш моҳиятини тушуниш, ҳозирда таълим соҳаси олдига қўйилаётган вазифаларни тушунтириш, таълим технологияси назариясининг вужудга келиши босқичларини ўргатиш.</p>
2.	<p>Таълим тизимида педагогик технологияни самарали жорий</p>	<p>Талабаларга Ўзбекистоннинг ижтимоий – педагогик шароитига мослашган Ўзбек миллий педагогик технологияни яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллаш зарур-</p>

	<p>этиш йўлидаги муаммолар. Жаҳондаги дидактик тизимлар. Педагогик технология фанининг вужудга келиши.</p>	<p>лигини билиш, педагогик технология бешта сабабий шартларнинг барча талабларига жавоб берадиган таълимий жараён эканлигини ва педагогик технологияни бошқа таълим усулларида ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятларини тушинтириш ва таълим тизимига педагогик технологияни самарали жорий этиш йўлидаги муаммоларни тушинтириш.</p> <p>Педагогик технология фанининг вужудга келишида жаҳондаги дидактик тизимлар аҳамиятини, педагогик технология таълим-тарбия соҳасидаги навбатдаги расм (мода) эмаслигини ва педагогик жараёни амалга оширишнинг бу усули заруриятдан келиб чикқанлигини ҳамда уни эгаллаб олмасдан туриб Республика таълим тизимини ва илм-фани ривожлантириб бўлмаслигини талабалар онгига сингдириш.</p>
3.	<p>Квантлар назарияси ва синергетика, мажмулар назарияси. Таълим-тарбия соҳасида мажмуий ёндашув</p>	<p>Талабаларга квант назарияси ва синергетика ғояларига оид билимларни намоиш қилиш, мажмуи тушунчасини таърифлаб бериш, унга хос белгиларни айтиб бериш, турларини, тамойилларини санаб бериш “мажму” тушунчасини таълим жараёнига боғлай олиши ва дарсни мажму сифатида таърифлай олиши ҳамда барча турдаги фаолиятга, умуман борликка мажмуий ёндашувнинг аҳамиятини туғри тушунтириш.</p>

1.4. Кичик модулларнинг таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари

Т/р	Таянч тушунчалар	Нazorat саволлари
1.	<p>Таълим модернизацияси, шахс, баркамол шахс, кадрлар сифати, педагогик техника</p>	<p>1. Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади нима? 2. Шахсга йўналтирилган педагогик технологиянинг асосий ғоясини тахмин қилиб кўринг. 3. Замонавий малакали мутахассис сифатларини айтиб беринг. 4. Шахсда замонавий малакали мутахассис эга бўлиши керак бўлган сифатларни шакллантириш учун қандай ишларни амалга ошириш зарур?</p>

		<p>5. Таълим жараёнида шахс қандай ролларни ижро этади?</p> <p>6. Ўзбекистонда амлга оширилаётган таълимий ислохотларда педагогик технологиянинг тугган ўрнини баҳолаб беринг.</p> <p>7. Таълим технологияси назариясини вужудга келиши босқичларини санаб беринг, уларни шарҳлаб беринг.</p>
2.	Дидактик тизим, технологик жараён, педагогик жараён, субъект, усул, услуб.	<p>1. Жаҳондаги дидактик тизимларни таҳлил қилиб беринг.</p> <p>2. Технологик жараён деб қандай жараёнга айтилади?</p> <p>3. Ишлаб чиқаришдаги технологик жараённинг қайси жиҳатларини таълим жараёнига қўллаш мумкин, деб ўйлайсиз?</p> <p>4. Ишлаб чиқаришда технологик жараён нима мақсадда қўлланилади?</p> <p>5. “Таҳсил олувчи таълим жараёни субъектига айланиши керак” деган фикрни қандай тушунасиз?</p> <p>6. Таҳсил олувчини таълим жараёни субъектига айлантириш учун нима қилиш керак?</p> <p>7. Таҳсил олувчини таълим жараёни субъектига айлантириш нима беради?</p>
3	Назария, системалар назарияси, мажмуа, квант назарияси, синергетика, замонавий дарс.	<p>1. Системалар назариясини тушинтириб беринг?</p> <p>2. “Мажмуа” ва “Мажму” тушунчалари фарқини айтиб беринг.</p> <p>3. Мажму турлари, тамойилларини санаб беринг, уларни шарҳланг.</p> <p>4. Мажму тушунчасини таълим жараёнига нисбатан қўлланг.</p> <p>5. “Квант назарияси” ва “Синергетика”нинг моҳиятини айтиб беринг.</p> <p>6. Ҳар бир ишда мажмулар назариясидан келиб чиқиш қандай натижа беради? Таълим жараёнида дарснинг ўрнини изоҳланг.</p> <p>7. Замонавий дарсга қандай талаблар қўйилади?</p>

Изоҳ. Кичик модуллардаги назорат саволлари назорат шаклларига ва тестларга айланади, улардан талабалар мустақил таълимида ҳам фойдаланилади.

1.5. Кичик модуларнинг назорат саволлари асосида тузилган тест

Т/р	Саволлар	Мумкин бўлган жавоблар
1.	<p>Мустақил Ўзбекистонда таълим соҳасида ислохотларни бошлаб юборилганлигининг асосий сабаби нима?</p>	1 Ривожланган мамлакатлардан андоза олингани.
		2 Техник тараққиёт натижасида ўқув воситаларни такомиллаштирилгани.
		3 Кадрлар сифатига қўйиладиган талабларнинг ўзгарганлиги.
		4 Давлат таълим стандартлари қабул қилингани.
2.	<p>Кадрлар сифатига қўйиладиган талабларнинг ўзгарганлиги, энг аввало, таълимнинг қайси таркибий қисмини узгаришини келтириб чиқарди?</p>	1 Таълим шакли
		2 Таълим тизими
		3 Таълим мазмуни
		4 Таълим мақсади
3.	<p>Нима сабабдан “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да таълимга педагогик технологияни жорий қилишга муҳим аҳамият ажратилган?</p>	1 Педагогик технологияни жорий қилиш - замон талабига айланганлиги
		2 Таълимда компьютер технологияларни қўллаш зарурияти тузилгани
		3 Ўзгарган таълим мақсади таълим жараёнига бўлган ёндашувни тубдан ўзгартиришни талаб қилади.
		4 Дунё мамлакатларига интеграциялашув учун Ўзбекистон таълим тизими ривожланган мамлакатлар таълим тизими каби ташкилланиши зарур эканлиги.
4.	<p>Нима сабабдан хозирда мутахассисдан мустақил таълим олиш, ўз малакасини мустақил ошириб бориш</p>	1 Барча соҳаларда рақобатнинг кучайганлиги
		2 Ахборотларни тезкор суръатда кўпайиб бориши, янгиланиши
		3 Глобаллашув жараёни мутахассисга турли мамлакатларга қарашли корхоналарда ишлаш имкониятини бераётганлиги
		4 Мутахассисларнинг таълимга бўлган мотивациясини тобора кучайиб бораётганлиги

	кўникмаси шаклланган бўлиши талаб қилинмоқда?		
5.	Аънавий таълимга асосланган педагогик жараёнда шахсда қайси сифатларни шакллантириш айниқса кийин?	1	Мустақил гафаккур, ижодкорлик
		2	Мустаҳкам билим, кўникма
		3	Мутаҳкам хотира, масъулият
		4	Касбий билимлар, интизом
6.	Таҳсил олувчининг таълим жарёни субъектига айланиши нимани ангалатди?	1	Ўқувчининг ўқитувчига айланишини
		2	Ўқувчининг мустақил таълим олишини.
		3	Ўқувчи таълим жараёнининг тенг ҳуқуқли, фаол қатнашчисига айланишини.
		4	Ўқувчилар ўз-ўзини назорат қилишини
7.	“Технологик жараён” таърифи қайси жавобда тўғри берилган?	1	Энг замонавий техник жиҳозлар қулланиладиган мураккаб жараён
		2	Замон талабаларига жавоб бера оладиган, замонавий техникада самарали ишлай оладиган мутахассислар қатнашадиган жараён
		3	Мухандис-технологлар томонидан лойиҳалаштирилган, техник жиҳозлар воситасида амалга ошириладиган жараён
		4	Муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида хомашни танлашдан маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган даврни ўз ичига олган жараён
9.	“Таълим технологияси” назарияси ривожланишининг қайси босқичида у “усул ва воситалар йиғиндиси” (педагогик техника) маъносини англатар эди?	1	XX асрнинг 30-йиллари
		2	XX асрнинг 50-йиллари
		3	XX асрнинг 60-йиллари
		4	XX асрнинг 80-йиллари
10	“Мажму”ни	1	Таркибий қисмларининг ўзаро функционал

	“мажмуа”дан фарқловчи асосий жиҳат.		алоқадорликда эканлиги
		2	Таркибий қисмлари тизимли жойлашгани
		3	Таркибий қисмлари ўртасида ҳеч қандай алоқаларнинг йўқлиги
		4	Таркибий қисмлари ўртасида кўп тармоқли боғланишларнинг мавжудлиги
11	Таълим – тарбия тизимига мажмуий ёндашиб, унинг сифатларини аниқланг	1	Тартибли, тезликка эга, икки қарама-қарши, тизимли, марказалшмаган
		2	Тизимли, очиқ типдаги, ривожланиб боровчи, тикланувчи, тартибли, кўп поғонали, марказлашган, имманент, мураккаб
		3	Вариатив, очиқ типдаги, ривожланиб боровчи, тизимли, турғун, мураккаб, тикланувчи, кўп поғонали, марказлашган, имманент,
		4	Тизимлашган, ёшиқ типдаги, тугалланган, мураккаб, минимал, имманент, кадрли, тулик, кўп поғонали
12	Синергетиканинг асосий тамойиллари қайси жавобда туғри кўрсатилган?	1	Поғонадорлик, бир бутунлик, мажмуий қисмларининг ўз поғонасидаги қисмлар билан баробар, бошқа поғонадаги қисмлар билан ҳам алоқада бўла олиши
		2	Муҳимлик, поғонадорлик, бир бутунлик, мажмуий қисмларининг ўз поғонасидаги қисмлар билан баробар, бошқа поғонадаги қисмлар билан ҳам алоқада бўла олиши
		3	Нисбийлик, бир бутунлик, мажмуий қисмларининг ўз поғонасидаги қисмлар билан баробар, бошқа поғонадаги қисмлар билан ҳам алоқада бўла олиши
		4	Кафолатланганлик, мажмуий қисмларининг ўз поғонасидаги қисмлар билан баробар, бошқа поғонадаги қисмлар билан ҳам алоқада бўла олиши, поғонадорлик

1.6. Кичик модулларнинг ўқув машғулотини тури ва типини ҳамда унда қўлланиладиган педагогик усул ва услублар

Ўқув машғулотининг шакли	Кириш, диалогли, кўргазмали, муаммоли маъруза
Ўқув машғулотининг тури ва типини	Аралаш дарс; эгалланган билимни кўникмага айлантириш

Қўлланиладиган усул ва услублар	Тушунтириш; айтиб бериш; иллюстрация; ФСМУ; муаммоли мунозара; кўргазмали, муаммоли маъруза, тест.
Таълим воситалари	PowerPoint дастурида ишланган тақдимот, ФЁТВ (фикрларни ёзиш ва тақдим этиш учун воситалар).
Таълим шакллари	Якка холда, жамоавий, оммавий.
Ўқитиш шароитлари	Мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	ФСМУ усули бўйича ёзма ишлар, кузатиш, мунозаралар давомида бериладиган жавоблар, тест.

1.7. Кичик модулларнинг педагогик жараёнида фойдаланиладиган ахборот технологиялари ва дидактик материаллар ҳамда фаолият мазмуни

Ўқитишнинг техник воситалари		Дидактик материаллар	
Биринчи, иккинчи ва учинчи кичик модуллар давомида мавзуга мос слайдлар намойиш қилинади. Шунингдек, назорат саволлари ва шу саволлар асосида тузилган тест слайдлар орқали намойиш қилинади.		Педагогик технологияга оид дарсликлар, услубий қўлланмалар ва кўрсатмалӣ қуро́лар	
Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни		
	Таълим берувчи		Таълим олувчилар
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 дақиқа)	1.1. Фаннинг талабаларнинг бўлажак касби учун бўлган аҳамияти, бошқа фанлар орасида тутган ўрнини ёритиб беради. Ўқув курсининг ташкилланиш жиҳатларини талабаларга етказлади. 1.2. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказлади. Машғулот муаммоли таълим технологияси асосида ташкилланишини, унинг босқичларини маълум қилади, талабалар билимларини баҳолаш тартибини тушунтириб беради.		Тинглайдилар, аниқлаштирувчи саволлар беришлари мумкин.
2-босқич. Асосий (60 дақиқа)	1.1. Муаммоли савол бериш орқали муаммоли вазиятни шакллантиради “Нима учун Ўзбекистонда амалга ошириладиган таълим ислохотла-		2.2. Муаммоли саволни тинглайдилар, унга жавоб

	<p>рида ўқув-тарбия соҳасига педагогик технологияни жорий этишга катта аҳамият берилмоқда?";</p> <p>Асосий муаммони ечиш учун кичик муаммоларни шакл-лантириш фаолиятини бошқаради:</p> <p>- <i>Мамлакатимизда амалга оширилётган таълим ислоҳотларида педагогик технология қандай ўрин эгаллайди?</i></p> <p>- <i>“Технология” тушунчасини педагогикага қўллаш нимага асосланган?</i></p> <p>- <i>Таълим самарадорлигини оширишда педагогик технологиянинг аҳамияти илмий асосланганми?</i></p>	<p>топишга ҳаракат қилиб, турли фикрлар билдирадилар.</p> <p>Кичик муаммоларни шакллантиришда қатнашадилар.</p>
	<p>1.2. Биринчи ва иккинчи муаммоли саволлар ечимини излашга қаратилган фаолиятни ташкиллайди:</p> <p>Биринчи кичик модул бўйича слайдлар намойиш қилиб, ахборот беради. (1-катта модулнинг биринчи ўрта модули 7-§- слайдлар);</p> <p>Маърузанинг иккинчи кичик модули бўйича билимларни умумлаштириш ва мустақамлаш ва назоратни амалга ошириш мақсадида тест ўтказди (1-9 тест) ва тест калитини тақдим қилиб, талабаларга ўз билимларини текшириши учун шароит яратади.</p> <p>Йўл қўйилган хатоларни аниқлаштиради ва уларни тўғрилаш бўйича фаолиятни ташкиллайди: тестни тўғри ечган талабаларга сўз беради, зарур ҳолатда ўзи қайтадан маълумотни тушунтиради.</p> <p>- <i>Мамлакатимизда амалга оширилётган таълим ислоҳотларида педагогик технологиялар қандай ўрин эгаллайди?</i></p> <p>- <i>“Технология” тушунчасини педагогикага қўллаш нимага асосланган?-</i></p>	<p>2.3. Ахборотни тинглайдилар, муҳим маълумотларни ёзиб борадилар.</p> <p>Тест ечадилар, тест калити ёрдамида ўзларини назорат қиладилар, хатолар устида ишлаш жараёнида қатнашадилар.</p> <p>Муаммоли савол ечимини топишга қаратилган мунозарада катнашадилар.</p>

	<p>муаммоли саволлар ечимини топишга қаратилган мунозарани ташкиллайди ва жавобларни умумлаштиради.</p>	
	<p>1.3. Иккинчи кичик модул бўйича слайдлар намойиш қилиб, ахборот беради. (1-катта модулнинг иккинчи ўрта модули 7-§-слайдлар); Маърузанинг иккинчи кичик модули бўйича билимларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида суҳбат ўтказади: - Маърузанинг биринчи кичик модули бўйича билимларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш ва назоратни амалга ошириш мақсадида тест ўткази (10-12 тест) ва тест калитини тақдим қилиб, талабаларга ўз билимларини текшириши учун шароит яратади; Йул қўйилган хатоларни аниқлаштиради ва уларни тўғрилаш бўйича фаолиятни ташкиллайди: тестни тўғри ечган талабаларга сўз беради, зарур ҳолатда ўзи қайтадан маълумотни тушунтиради. - <i>Таълим самарадорлигини оширишда педагогик технологиянинг аҳамияти илмий асосланганми?</i> - муаммоли саволлар ечимини топишга қаратилган мунозарани ташкиллайди ва жавобларни умумлаштиради?</p>	<p>2.3. Ахборотни тинглайдилар, муҳим маълумотларни ёзиб борадилар.</p> <p>- Тест ечадилар, тест калити ёрдамида ўз-ўзларини назорат қиладилар, хатолар устида ишлаш жараёнида қатнашадилар.</p> <p>Муаммоли савол ечимини топишга қаратилган мунозарада қатнашадилар.</p>

3 - босқич. Яқуний (10 дақиқа)	3.1. Рефлексия фаолиятини ташкил-лайди – талабаларни машғулот натижасида ўрганилган мавзу бўйича ўзларида шаклланган билим, тасаввур, муносабатларни таҳлил қилишга ундайди; шу юзасидан 5-6 талабанинг фикрини сўрайди.	3.1.Рефлексияни амалга оширадилар [92].
--------------------------------------	---	---

1.8. Таълимни модернизация қилиш масаласининг долзарблиги. Педагогик технология фанининг вужудга келиши. Квантлар назарияси ва синергетика, мажмулар назарияси. Таълим-тарбия соҳасида мажмуий ёндашув мавзулари мазмунини ифода этувчи матн I, II бобларда берилган

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА МИЛЛИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ЎРНИ

1-§. Миллий педагогик технологияни тарбия жараёнига тағбиғи — Ўзбекистон ёшлари интеллектуал салоҳиятини юксалтириш бўйича тарбиявий машғулоти лойиҳасининг модели

1. Жараёни лойиҳалаш алгоритми

Т/р	Лойиҳа тузиш босқичлари ва бажариладиган амаллар
1.	Тарбия ўқув машғулоти бир бутун деб қараб, мазмун ва ҳажми жиҳатидан катта ва ўрта модушларга ажратиш ҳамда катта модушлар мақсадларини белгилаш.
2.	Катта модул таркибидаги ўрта модушларнинг мавзулари ва мақсадларини белгилаш.
3.	Ўрта модушларнинг мақсадларни амалга ошишидан пайдо бўладиган кўникмаларнинг феъллар шаклидаги мажмуини тузиб чиқиш.
4.	Ўрта модул таркибида кичик модушларни ажратиш, мақсадларини аниқлаш ва уларга ажратилган вақтни белгилаш.
5.	Кичик модушлардаги таянч тушунчалар ва назорат саволларини аниқлаш.
6.	Баҳолаш мезонларини белгилаш.
7.	Кичик модушларда қўланиладиган машғулоти тури, типи ҳамда қўланиладиган тарбия усули ва услубларни аниқлаб, ишлатадиган жойларини белгилаш.
8.	Тарбия жараёнида фойдаланиладиган ахборот технологиялари, кўргазмалар куруллар ва бошқа дидактик материаллар захираси ичидан муайян кичик модушларда фойдаланиладиганларини топиб, қўлланиш жойларини аниқлаш.
9.	Ўрта модуш мазмуни ва тарбия жараёнининг боришини ифода этувчи йўналтирилган матнни ёзиш.

2. Ўзбекистон ёшлари интеллектуал салоҳиятини юксалтириш бўйича ўқув машғулотни катта модуллари, улардан кўзланган мақсадлар

Т/р	Катта модуллар номи	Модуллардан кўзланган мақсадлар
1.	Ўзбекистон ёшлари интеллектуал салоҳиятини юксалтириш сифатлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги	<p>Ўзбекистон ёшларига энг зарур бўлган ижтимоий сифатлар: иймон ва эътиқодли, ақлли, одоб ва ахлоқли, билимли, меҳнатсевар, соғлом, миллий ғурури бор, ватанпарвар, байналмилал, инсонпарвар, жасур, сабр-қаноатли ва саховатли каби Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш сифатларини талабаларнинг онги-шуурига етказиш.</p> <p>Баркамол инсоннинг ўн уч сифати, яъни фазилятлари ўзаро чамбарчас боғлиқлигини, бири пайдо бўлган кишида бошқасини ҳам етаклашини. Яъни иймони мустаҳкам одам, бировларга кўр-кўрона эргашишни хохламай, мустақил фикр юритиши, шундай фикр юритиши натижасида унда бирталай билимлар йиғилиб, у билимли бўлишини, билимнинг ўзига яраша кучи бўлгани учун, шу куч таъсирида, у одобга ўргана бошлашини, имони мукамал, ақлли, билимли ва одобли киши, албатта, меҳнатни севиб, меҳнатсевар бўлиши, меҳнатсевар ва ақлли одам, албатта, ҳам жисмонан, ҳам руҳан, ҳам ижтимоий саломат одам бўлиши, соғлом одам ақлини ишлатиши натижасида ва бир қатор билимларга эга бўлганидан сўнг, албатта, миллий ғурури пайдо бўлиши ва миллий ғурури эса, ўз навбатида, ватанпарварликни, байналмилалликни ва инсонпарварликни етаклаб келиши тушунчасини талабалар тафаккурига сингдириш.</p>
2.	Иймон ва эътиқодни мустаҳкамлаш йўллари	<p>Иймон, бу кишининг бирор-бир нарсага астойдил ишониши ва эътиқод қилиши эканлиги, инсон астойдил ишонса, ўзида шунга нисбатан иймон (ишонч) ҳосил қилишligини талабаларга билдириш.</p> <p>Киши ўз тақомили устида ишлаб, баркамол бўлишга жазм қилган экан, унинг ўзлигини таниши, жисмини ривожлантириши баробарида ақл ва руҳини ҳам баб-баровар тарбия қилиб тақомиллаштириши шарт эканини талабаларга</p>

		<p>англаштириш.</p> <p>Руҳи кучли одамнинг иймон-ишончи ҳам юқори бўлишлигини ва иймонни тарбиялашнинг асосий йўлларида бири, руҳни чиништириш эканлигини. Руҳни чиништириш ва уни баркамол ҳолатга келтириш учун, авваламбор, шу нарсани ният қилиш кераклигини талабалар онгига синдириш.</p>
3.	Ақл ва руҳ тарбияси	<p>Ақл – инсон миясининг дунёни ақс эттириш ва шахснинг воқеликка бўлган муносабатларини бошқариб турадиган фаолияти эканлигини талабаларга билдириш.</p> <p>Ақл ва руҳ инсонни бошқа мавжудотлардан фарқловчи сифат эканлиги, таълим-тарбия жараёнида ривожланиши ва такомиллашиб боришини, бирор фан билимларини эгаллаш бўйича зарур бўлган махсус кўникмаларни шакллантиришини, яъни одамларга олам илмий манзараси, табиат ва жамият тараққиётининг асосий қонуниятларини тушунтиришини талабалар онгига етказиш.</p> <p>Талаба-ёшларнинг ақлини тарбиялаш учун, аввал, тана ва руҳини поклаши лозимлигини, шу нарсани астойдил ният қилиши, сўнг фикр юритишнинг барча босқичларига амал қилиши, шунингдек, амалларни бир умр давом эттириши лозим эканлигини тушунтириш.</p>
4.	Одобли бўлиш сирлари	<p>Одоб ва ахлоқийлик ижтимоий сифат бўлиб, инсон фазилатлари эканлигини, одоб ва ахлоқ жамиятда эътироф этилган хулқ нормаси ва шахс маънавий ҳаётининг мазмунари, моҳиятини ифода қиладиган ва ўзгалар билан муносабатда намोён бўлишини талабаларга тушунтириш</p> <p>Одоб – кишининг жамият орасида ўзини қандай тутиши, одамлар билан қай йўсинда муомала қилиши, ўз турмуши, бўш вақтини қандай ташкил этиши, ташқи қиёфаси қандай бўлиши лозимлигига тегишли қоидаларни ўз ичига олишини билдириш.</p> <p>Одоб қоидаларига – тўғри сўзлик, шарм-ҳаё, андиша, дилкашлик, камтарлик, хушмуомалалик, озода ва саромжонлик ҳамда бошқа кўпгина ижобий ижтимоий сифатлар киришини ҳамда одоб ва ахлоқ таълим-тарбия ва амалий тажриба жа-</p>

		раёнида шаклланишини талабаларга тушунтириш.
5.	Билим эгаллаш усуллари	<p>Инсон камолотида билимли бўлиш энг яхши фазилатлардан бири эканлигини, чунки киши билим орқали оламни танигзи, яхши-ёмонни ажрата олиши, одобга, саломатликка ва энг асосийси, ижтимоий қувватга эга бўлиб, эл-юрт ичида ҳурматга сазовор бўлишини талабаларга тушунтириш.</p> <p>Билимли бўлиш ҳар бир шахсга ва бутун жамиятга етказадиган нафини талабалар онгига сингдириш ва билим йиғиш сирлари билан таништириш.</p>
6	Меҳнатсеварлик – энг гузал фазилат	<p>Меҳнат кишилик ҳаётининг асосий шarti эканлиги, у туфайли инсониятнинг яшаши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар келишини талабаларга аңлатиш.</p> <p>Меҳнат туфайли инсон табиатдаги нарсаларни ўзгартирибгина қолмай, балки ўзи ҳам баркамоллашиб боришини, унинг ақлий ва жисмоний қобилиятлари ўсиши ва меҳнат жараёнида инсон табиат кучларидан мақсадли фойдаланишини талабалар онгига сингдириш.</p> <p>Меҳнат ўзининг мазмуни ва характери жиҳатидан ақлий, жисмоний, малакали (мураккаб) ва малакасиз(оддий) турларга бўлинишини кўрсатиб бериш.</p> <p>Меҳнатсеварлик тамойилларини ўргатиш.</p>
7.	Соғлом бўлиш учун нима қилмоқ керак?	<p>Соғлиқни шакллантиришда вужуд билан бир қаторда кишининг руҳи ва ақли фаол иштирок этиши, чин саломат одамнинг руҳи баққуват, ақли расо, организми эса яхши ривожланган бўлишини талабалар маънавиятига сингдириш.</p> <p>Соғлом бўлишни ўзига мақсад қилиб қўйган одам, авваламбор, шу ишни чин дилдан ният қилишини, ўзининг руҳи ва танасини тоза тутишини талабаларга билдириш.</p>
8.	Миллий ғурурни шакллантириш	<p>Миллий ғурурни ўзида ва ёш авлодда пайдо қилиш сирларини билиб олиб, биринчи навбатда, инсонда инсоний орият мавжуд бўлиши зарурлигини талабаларга тушунтириб бериш.</p> <p>Кишининг миллий ғурури бор деганда, ўзидаги инсоний ғурур заминида, яшаб келаётган ҳудуди туб халқининг урф-одатлари, анъаналари ҳамда</p>

		маданий ва маънавий меросини яхши билган ҳолда, шу миллатга мансуб эканлигидан мамнун бўлиб, шу ҳолатидан фахрланадиган кишига нисбатан айтилишини талабаларга билдириш.
9.	Ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш	<p>Ватанпарварлик – кишиларнинг она юртига, ўз ватанига муҳаббати ва садоқатини ифодаладиган тушунча эканлигини, ватанпарварлик барча кишилар, халқлар ва миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий кадриятларнинг бири эканлигини талабаларга тушунтириш.</p> <p>Тарихий жиҳатдан ватанпарварлик кишиларнинг ўз ватанлари тақдири билан боғлиқ ижтимоий ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаётган ҳудуднинг дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида такомиллашиб келган ҳис-туйғулар эканлигини ва бу - ватаннинг ўтмиши ва ҳозирги билан фахрланишда, унинг манфаатларини ҳиямоя қилишда намоён бўлишини талабаларга билдириш.</p>
10.	Толерантлик одобини пайдо қилиш, бағрикенглик иймон-эътиқодга зид келмаслиги, барча халқларни ҳурматлаш зарурлиги	<p>Толерантлик фазилати – кишининг ижобий ижтимоий сифатларидан эканини, жаҳонда ҳақиқий тинчлик ва тотувликни ўрнатиш, умумжаҳон иқтисодиётини тараққий эттириш, пировардида Ер юзида фаровон ҳаёт ўрнатилишининг асосий омили ва гарови бўлиб қилишини талабаларнинг онгига сингдириш.</p> <p>Толерантлик – жаҳондаги турли миллат ва ирқларга мансуб кишиларнинг диндан, турор жойидан каттий назар ўзаро бирдамлиги, уларнинг бир-бирларини тушунишлари ва ўзаро ишончининг заминида ҳосил бўлиши ва жаҳондаги барча миллат ва элатларнинг маданиятлари, кадриятлари, билим ва технологияларининг ўзаро сингиб боришини талабаларга тўлиқ тушунтириб бериш.</p>
11.	Инсонпарварликни шакллантириш	Инсонпарварлик – яхши одамларга меҳр-муҳаббат билан қараш, уларни ҳурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишиларда юксак маънавий фазилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш эканлиги ва бу тушунча, инсоннинг кадри, эркинлиги, бахт-саодати, тенг ҳуқуқлилиги тўғрисида, инсонийликнинг барча тамойилларини юзага чиқариш учун

		шарт-шароитлар яратиб бериш ҳақида ғамхўрлик қилишни ифодалаши ҳамда унга кўра, дунёда энг қадрли нарса инсондир, бутун мавжудот, борлик инсонга, унинг бахт-саодатига хизмат қилиши лозимлиги ва инсон тақдири, халқ манфаатлари, мамлакат кишилари ҳақида ғамхўрлик инсонпарварликнинг асосий ғояси эканлигини талабаларга билдириш.
12.	Мард, жасур ва шижоатли ёшларни вояга етказиш	Инсоннинг энг жозибадор ва ижобий ижтимоий сифатларидан бири, бу мардлик, жасурлик ва сабот-матонат эканлиги, бу сифатлар асосан Пайғамбарлар, буюк саркардалар ва халқ қаҳрамонларига хос эканлиги ва оддий халқ ичида ҳам, гарчи жуда юқори даражада бўлмаса-да, бундай фазилатга эга бўлганлар анчагина топилиши, фақат улар ўта камтарин бўлиб, уларга бу сифатларни очиқдан-очиқ намоён этиш шароити бўлмай келган бўлиши мумкинлиги ва ҳар ҳолда бу фазилат ноёб фазилатлардан ҳисобланиши ва одамлар орасида у ёки бу кўринишда намоён бўлиб туришини талабаларнинг тафаккурига сингдириш.
13.	Сабр-қаноатли бўлиш сирлари	Фазилат ноёб бўлиб, жуда кам одамларда учрашини, бунинг боиси, инсон бир нарсани мақсад қилдими, унга тез етишишни исташини, ниятга етиб бориш жараёнининг тадрижий ривож тезлиги бўлишлигини талабаларга билдириш.
14.	Саховатли бўлиш учун бажариладиган амаллар	Саховатли дегани ижтимоий сифат, юқорида тавсифланган ўн икки фазилатни бирлаштирувчи ва ўзида шу фазилатларнинг барча хусусиятларини мужассамлаштирувчи олий даражадаги ўн учинчи ижтимоий сифат эканлигини, бундай фазилатни тўла эгаллаган одам, инсон такомил босқичининг энг юқори даражаси бўлган баркамолликка эришган деб ҳисобланишини ва бундай фазилатнинг баъзи бир кўринишлари барча одамларда ҳам мавжудлигини талабаларга тушунтириб бериш.

I. БИРИНЧИ КАТТА МОДУЛ НОМИ: “ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ СИФАТЛАРИ”

1. БИРИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ БИРИНЧИ ЎРТА МОДУЛИ МАВЗУСИ: “Ўзбекистон ёшлари интеллектуал салоҳиятини юксалтириш сифатлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги”

1.1. Биринчи катта модулдаги ўрта модулнинг мақсади

Инсонга энг зарур бўлган ижтимоий сифатлар: иймон ва эътиқодли, ақли, одоб ва ахлоқли, билимли, меҳнатсевар, соғлом, миллий ғурури бор, ватанпарвар, байналмилал, инсонпарвар, жасур, сабр-қаноатли ва саховатли каби Ўзбекистон халқига хос баркамоллик фазилатларини ва улар орасидаги ўзаро алоқадорлик борлигини талабаларнинг онги-шуурига етказиш.

Изох. Монографиянинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, фақат биринчи катта модулнинг биринчи ўрта модули мазмуни берилди.

1.2. Кичик модуллар номлари ва мақсадлари

№/р	Кичик модуллар номи	Кичик модулларнинг мақсади
1.	Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг баркамол авлод фазилатлари ҳақидаги фикрлари	Ўзбекистонда 2010 йил – “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниб, энг эзгу ва энг улуғ мақсадимиз йўлида яна бир шахдам қадам ташланганлиги ва бундан қўзланган мақсад, мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратишга қаратилгани талабалар онг-шуурига етказиш. Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг баркамол авлод фазилатлари ҳақидаги фикр ва қарашларини талабаларга билдириш.

2.	<p>Шарқ мутафаккирлари ва фалсафа ҳамда педагогикада баркамол шахс ҳақидаги қарашлар</p>	<p>Ёзув пайдо бўлиши билан инсоннинг хатти-ҳаракат қондалари жамланиб, муқаддас китоблар саҳифаларидан ўрин олганлиги ва жаҳоннинг илк муқаддас китобларидан “Авесто”да, Куръони каримда, Ҳадисларда, шунингдек, буюк алломаларимиз Абу Наср Форобий, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғонийлар, Закариё ар-Розий, Ибн Сино, Журжоний, Абу Райҳон Берунийларнинг асарларида инсоннинг маънавий камолот мезони, унинг тафаккур доираси, дунёқарашининг кенглиги, билимларнинг қай даражада эгалланганлиги кўрсатилганлигини ва динни таълимот нуқтаи назардан тушуниш кераклигини талабалар онгига сингдириш.</p> <p>Иккинчи йўналиш – ижтимоий-фалсафий йўналиш, бунда фалсафа, тарих, мантик, фикҳ, руҳшунослик, нотиклик ва шунга ўхшаш бошқа фанлар бўлиб, бу соҳада комусий олимлар Ал-Киндий, Абу Мансур ас-Саолибий, Абу Бакр Хоразмий, Ибн Сино, Абул-Фазл Байҳақай, Абул Ҳасан Заҳириддин Байҳақий, Муҳаммад Наршахий, Абул-Қосим Замахшарий ва бошқалар фаолияти билан талабаларни таништириш.</p>
3.	<p>Ўзбекистон халқига хос баркамоллик фазилатлари (менталитет)</p>	<p>Инсонга энг зарур бўлган ижтимоий сифатлар: иймон ва эътиқодли, ақлли, одоб ва ахлоқли, билимли, меҳнатсевар, соғлом, миллий ғурури бор, ватанпарвар, байналмилал, инсонпарвар, жасур, сабр-қаноатли ва саховатли каби фазилатлар эканлиги ва қолган кўндан - кўп инсоний сифатлар, буларнинг унсурлари ҳисобланиши ҳамда инсоннинг ижобий ижтимоий сифатлари шарҳини талабалар онги-шуурига етказиш.</p>
4.	<p>Баркамол авлод фазилатларини шакллантиришда педагогик технологиянинг ўрни</p>	<p>Ўзбекистон халқига хос баркамоллик фазилатлари бўйича тарбиявий ўқув машғулотли лойиҳасини шакллантириш йўллари тупинтириш.</p>

1.3. Кичик модулларда таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари

Т/р	Таянч тушунчалар	Назорат саволлари
1.	Шахс, ижтимоий моҳият, баркамол шахс, баркамол авлод тарбияси, юксак маънавият, ҳазрати инсон, комил инсон,	<p>1. Баркамол шахс деганда нимани тушунасиз?</p> <p>2. Таълим жараёнида шахс қандай камол топади?</p> <p>3. Кишининг ижтимоий моҳияти деганда нимани тушунасиз?</p> <p>4. Президентимиз асарларида маънавият тўғрисида қандай фикрлар борлигини айтиб беринг.</p> <p>5. ХХІ асрда Ўзбекистонга мос бўлган баркамол авлоднинг ижтимоий сифатлари ҳақидаги Президент И.Каримов фикрларини айтиб беринг.</p> <p>6. “Биоижтимоий мавжудот” ҳақидаги фикрингизни шарҳланг.</p> <p>7. Комил инсон ҳақидаги Президент И.Каримов таърифини айтиб беринг.</p>
2.	“Авесто”, Ҳадис, “Сунан”, “Фозил одамлар шаҳри”, “Қобуснома”, “Бўстон”, “Тасаввуф”,	<p>1. Жаҳоннинг илк муқаддас китобларидан “Авесто”да ҳақида нималарни биласиз?</p> <p>2. Ҳадис ёзувчилар сони кўп бўлишига қарамай ҳадисчилар ичида энг кучлилари қимлар бўлган?</p> <p>3. Имом ат-Термизийнинг “Сунан” китобида нималар ёритилган?</p> <p>4. Илм-фан ривожланишининг нечта йўналиши бўлган?</p> <p>5. Ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти, мутафаккир Абу Наср Форобий ҳақида нималарни биласиз?</p> <p>6. Абу Али ибн Сино баркамолликка эришнинг биринчи мезони деб нимани назарда тутган?</p> <p>7. “Темур тузуклари”нинг комил инсонни тарбиялашдаги аҳамиятини айтиб беринг?</p>
3	Иймон, эътиқод, ақл, одоб, ахлоқ, билим, меҳнатсевар, соғлом, миллий ғурур, ватанпарвар, байналмилал,	<p>1. Ҳар бир инсон ақлли, ахлоқли, билимдон, оқил, доно, софдил, саховатли, сабр-қаноатли, адолатли, мурувватли, камтар, мард ва жасур бўлмоғи лозимлигини қайси аллома шарҳлаб берган?</p> <p>2. Ҳикмат ва ваҳдат аҳиллари қимлар?</p>

	инсонларвар, жасур, сабр-каноатли ва саховатли	3. Иймони мукамал одам деганда кимни тушунаси? 4. Ислом дини фақат шариатми, уни таълимот сифатида қабул қилиш мумкинми? 5. Ақл ва билим деганда нимани тушунаси? 6. Муғлақо соғ киши деб кимларни ҳисоблаш мумкин? 7. Миллат деганда нимани тушунаси?
4.	Назария, системалар назарияси, мажмуа, мажму, квант назарияси, синергетика, замонавий дарс, лойиҳа	1. Системалар назариясини тушунтириб беринг? 2. “Мажмуа” ва “Мажму” тушунчалари фарқини айтиб беринг. 3. Мажму турлари, тамойилларини санаб беринг, уларни шарҳланг. 4. Мажму тушунчасини таълим жараёнига нисбатан қўлланг. 5. “Квант назарияси” ва “Синергетика”нинг моҳиятини айтиб беринг. 6. Ҳар бир ишда мажмулар назариясидан келиб чиқиш қандай натижа беради? Таълим жараёнида дарснинг ўрнини изоҳланг. 7. Замонавий дарсга қандай талаблар қўйилади?

Изоҳ. Кичик модуллардаги назорат саволларидан талабалар мустақил таълимида ҳам фойдаланадилар.

1.4. Назорат саволлари асосида тузилган тест

Т/р	Саволлар	Мумкин бўлган жавоблар	
1.	Мустақил Ўзбекистон таълим соҳасида ислохотларни бошлаб юборилганлигининг асосий сабаби нима?	1	Ривожланган мамлакатлардан андоза олингани.
		2	Техник тараққиёт натижасида ўқув воситаларининг такомиллаштирилгани.
		3	Кадрлар сифатига қўйиладиган талабларнинг ўзгарганлиги.
		4	Давлат таълим стандартлари қабул қилингани.
2.	Таълим миллий моделининг асосий таркибий қисми?	1.	Давлат ва жамият
		2	Таълим тизими
		3	Шахс
		4	Узлуксиз таълим
3.	Педагогик технологияда шахс таълим	1.	Таълим жараёнининг объекти
		2.	Таълим жараёнининг объекти ва субъекти
		3.	Таълим жараёнининг субъекти

	жараёнида нимага айланади?	4.	Таълим жараёнининг субъекти ва объекти
4.	Кишининг ижтимоий моҳияти деганда нимани тушунасиз?	1	Инсонга ато этилган ақл ва дилнинг коинот – оламга боғлиқлиги, унинг шахсий ҳаёти давомида орттирган маънавиятининг мураккаб мажмуи тушунилади.
		2	Инсонга ато этилган ақл ва дилнинг (олами суғро-кичик оламнинг) космос, коинот – оламга боғлиқлиги, унинг шахсий ҳаёти давомида орттирган билими, кўникма, малака ва маънавиятининг мураккаб мажмаси тушунилади.
		3	Инсонга ато этилган ақл ва дилнинг (олами суғро-кичик оламнинг) космос, коинот – оламга боғлиқлиги, унинг шахсий ҳаёти давомида орттирган билими, кўникма, малака ва маънавиятининг мураккаб мажмуи тушунилади.
		4	Инсонга ато этилган ақл ва дилнинг коинот – оламга боғлиқлиги, унинг шахсий ҳаёти давомида орттирган маънавиятининг мураккаб мажмаси тушунилади.
5.	Инсоннинг илмий атамаси қандай айтилади?	1	Биоижтимоий мавжудот
		2	“Биосоциум”
		3	“Ҳомо-сапиенс” - “Ақлли жонзот”
		4	“ Биосоциум ” - “Ақлли жонзот
6.	Президентимиз ўз асарларида маънавиятни қандай таърифлайди?	1	“...маънавият – инсонни иймон-эътиқодини бутун қиладиган, руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, иродасини бакувват, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”
		2	“...маънавият – инсон ҳаёти давомида орттирган фойдали билимларини амалда қўллайвериши натижасида, унда ҳосил бўлган кўникма ва малакалар такомиллаша бориб, унинг руҳига сингиб ҳаёт тарзига айланишидир”.
		3	“...маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бакувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини

		уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”
		4 “...маънавият – инсон ҳаёти ҳосил бўлган кўникма ва малакалар такомиллаша бориб, унинг руҳига сингиб, орттирган фойдали билимларини амалда қўллайвериши натижасида ва унда ҳаёт тарзига айланишидир”.
7.	Баркамол шахс деганда нимани тушунаси?	1 Фойдали билимларни маълум даражада эгаллаб, маънавиятига айлантириб улгурган кишилар баркамол
		2 Тангри таолонинг одамни яратишдан қўзлаган мақсадига тўлиқ жавоб берадиган ҳамда одамлар доимо орзу қилиб келаётган идеал шахсга нисбатан ишлатилади.
		3 Баркамол шахс деганда, ҳар томонлама ривожланган, бир қатор гўзал фазилатлари бўлган ҳамда муайян замон талабларига жавоб берувчи инсон сиймоси тушунилади.
		4 Баркамол шахс деганда, ўз билимларини ҳаётда қўллайвериши натижасида, мақсадга йўналтирилган ҳаракатлари учун ортикча куч ва вақт сарфламай, раво амалга оширадиган инсон сиймоси тушунилади.
8.	“Фозил одамлар шахри” асари ким томонидан ёзилган?	1. Ал-Хоразмий
		2. Абу Райҳон Муҳаммад Беруний
		3. Абу Наср Муҳаммад Форобий
		4. Абу Али ибн Сино
9.	“Инсонпарварлик ва мардликни Аллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди”, деган ҳикматли сўзни такрорлашни хуш кўрган ва ҳаётда ўзи бунга амал қилишга интиланган аллома	1. Алишер Навоий
		2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур
		3. Амир Темур
		4. Маҳмудхўжа Бехбудий
10	Амур Темур нечта сифатларга ҳамма вақт риоя қилган	1. 12 та
		2. 7 та
		3. 11 та
		4. 3 та
11	“Тасаввуф”	1. “Тасаввуф – нафс манзилларини босиб

тушунчасига берилган таъриф.	Ўтишди
	2. “Тасаввуф – Худо йўлида нафсан кечмоқдир”.
	3. Учтаси ҳам тўғри
	4. “Тасаввуф – нафс лаззатларидан воз кечишди”.

1.5. Кичик модулларнинг машғулоти тури ва тури ҳамда унда қўлланиладиган педагогик усул ва услублар

Ўқув машғулоти шакли	Кириш, диалогли, кўргазмали, муаммоли маъруза
Ўқув машғулоти тури ва тури	Аралаш дарс; эгалланган билимни кўникмага айлантириш
Қўлланиладиган усул ва услублар	Тупунтириш; айтиб бериш; иллюстрация; ФСМУ; муаммоли мунозара; кўргазмали, муаммоли маъруза, тест.
Таълим воситалари	PowerPoint дастурида ишланган тақдимот, ФЭТВ (фикрларни ёзиш ва тақдим этиш учун воситалар).
Таълим шакллари	Якка ҳолда, жамоавий, оммавий.
Ўқитиш шароитлари	Мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	ФСМУ усули бўйича ёзма ишлар, кузатиш, мунозаралар давомида бериладиган жавоблар, тест.

1.6. Кичик модулларнинг педагогик жараёнида фойдаланиладиган ахборот технологиялар ва дидактик материаллар ҳамда фаолият мазмуни

Ўқитишнинг техник воситалари	Дидактик материаллар
Биринчи, иккинчи ва учинчи кичик модуллар давомида мавзуга мос слайдлар намойиш қилинади. Шунингдек, назорат саволлари ва шу саволлар асосида тузилган тест слайдлар орқали намойиш қилинади.	Педагогик технологияга оид дарсликлар, услубий қўланмалар ва кўрсатмали қуроллар

1.7. Ўзбекистон ёшлари интеллектуал салоҳиятини юксалтириш сифатлари мавзулари мазмунини ифода этувчи МАТН

(Матн III бобнинг 2-15-§ ларида берилган).

2-§. Ўзбекистон ёшлари интеллектуал салоҳиятини юксалтириш сифатлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги

Ўзбекистон ёшлари интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга энг зарур бўлган ижтимоий сифатлари қуйидагилардир: иймон ва эътиқодли, ақлли, одоб ва аҳдоқли, билимли, меҳнатсевар, соғлом, миллий ғурури бор, ватанпарвар, байналмилал, инсонпарвар, жасур, сабр-каноатли ва саховатли каби фазилатлардир. Қолган кўпдан - кўп инсоний сифатлар, буларнинг унсурлари ҳисобланади.

Иймон деганда, фақат шариат аҳллариининг фикридан келиб чиқиб, Аллоҳнинг яқкалигини, Унинг китоблари, пайғамбарлари ҳамда фаришталарини тан олган ва ўлганидан кейин қайта тирилиш ҳақ эканига ишонган, шунингдек, ислом шариати буюрган беш вақт намоз ўқиб, 30 кун рўза тутган, закотни вақтида тўлаб, доимо эҳсонлар қилиб юрган ва ҳаж амалини кўнглига тугиб ёки буни бажарган одам тушунлади. Гарчи булар ҳақ фарзлар бўлиб, ислом динини қабул қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлса ҳам, бу **Ислом шариати тушунчасидаги фақат иймон эшигидан кириш, холос. Шариатда ҳам, иймонга киргандан кейин уни тақомилига етказишнинг шартлари анча.**

Исломнинг аҳқому арқонларидан келиб чиқиб, имом ва уламолар ишлаб чиққан шариат қоидаларига риоя қилиб юрувчи мусулмонлар билан бир қаторда, исломни таълимот деб тушунган мўмин - мусулмонлар ҳам борки, улар Куръони карим ва Ҳадиси шарифларнинг маъносига чуқур тушуниб етган ҳикмат ва ваҳдат аҳллари дир. Улар шариат йўлини инкор қилмаганлари ҳолда, Каломуллоҳдаги оятлар шарҳини, абадий қотиб қолган бир ақида деб билмай, гоҳо шариат аҳли фикрига зид ҳолда ҳам талқин қилдилар. Чунончи, Имоми Аъзам мазҳабидаги шариат аҳллари инсон бу дунёга келишида бажарадиган амаллари, яъни нималар қилиши, қанча еб ва қанча ичиши, нималар дейиши, қандай ҳаракатлар қилиши ва ҳоказолар аввалдан маълум дейишса, ҳикмат ва ваҳдат ахиллари буни **ўта нотўғри деб билиб**, агар одам бу дунёга келишда барча ҳаракатлари олдиндан аниқ белгили бўлса, бу дунёга

келишнинг ҳам, барча саъй - ҳаракатларнинг ҳам, Худога бўлган ибодатнинг ҳам маъноси қолмаган бўлур эди, дейдилар. Инсон бу дунёга келганида эркин бўлиб, қиладиган ишларининг чегараси йўқ, киши қанчалик поклик ва ҳалоллик билан саъй ҳаркат кўрсатса шунча имкон топади ва бу дунё-ю, у дунёда турли мартабаларга эришади. Ёлғончи ва ғирром бўлиб, сусткашлик ва лоқайдлик қилса, шунчалик гуноҳга ботиб, бу дунё ва охирадда эришадиган мартабалари паст бўлади, деб таъкидлайдилар.

Бу гаплардаги мантиққа эътироз билдиришимиз қийин, албатта. Ундан ташқари, уламоларнинг баъзида кесиб гапирган фикрларига Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларда ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Булар, фақат уламоларнинг ўз замонасидан келиб чиққан шахсий фикрларига асосланиб берилган фатволар, холос.

Бундай зиддиятли ҳолатлар бошқа турли масалалар бўйича, шу жумладан, Аллоҳни таниш, Муҳаммад мустафо(сав)ни таърифлаш ва иймон масаларида ҳам бор.

Жумладан, шарият аҳли Худого ишониб, ундан кўркиш ва унинг жаннатига эришиш учун Унинг буйруқларини, У буюрган ибодатлар (намоз, рўза, эҳсон, закот ва ҳаж)ни бажариш шарт дейишса, ҳикмат аҳли билан ваҳдат аҳллари, аввалам бор, бу фарзларни Худо эмас набийлар яратган дейишиб, Худога ибодатни Ундан кўрқиб ва Унинг жаннатига эришиш учун қилишликни тамаъ деб билишган. Ҳар қандай ибодатни Худога ёқиш учун ёки ундан кўрқиб, ёки жаннатга эришиш мақсадида эмас, балки Тангрини чин дилдан севгандан бажариш лозим. Илоҳ бизни меҳр нури билан яратган, шундоқ ҳам Унга севиклимиз, У, ўз навбатида, биздан бизнинг муҳаббатимизни кутади, холос. Бажарадиган намозу рўзаларимиз, закоту эҳсонларимиз Унга эмас ўзимизга, бу дунёдаги тани сихатлигимиз ва руҳимиз тинчлигига ҳамда иймонда маҳкам туриб, Қуръони карим чизиб берган рисола чегарасидан чиқиб кетмаслигимиз учун керак. Худони эса севиш керак, севгандан кейин эса, Унинг кўрсаткан йўлидан юришимиз лозим.

Бунинг учун, аввал Уни таниш шарт дейдилар ваҳдат аҳллари. Яратганни танимаган ҳолатда, Унга ибодат қилиб, Унга илтижо қилишганда, одамлар ким ва нимани кўз олдига келтирадилар? Кўрмаган, билмаган, танимаган ва ҳис қилмаган нарчасига одам ибодат қилолмаслиги туфайли, улар ибодат қила туриб Худо

деганда, истаган нарсани кўз олдига келтиришлари мумкин. Бу эса бутпарастликнинг ўзи-ку, дейди тасаввуф аҳли.

Бизнинг фикримизча, иймони мукамал одам деганда, энг аввало, оламнинг ижодкори бўлган ягона Худога ишониб, ёруғ дунёга келганидан мамнун ҳолатда, ўз камолоти устида тинмай меҳнат қиладиган, келажакка ва яхши одамларга ишонч билан қарайдиган, уларга ихлос қўя олиш қобилиятига эга, шариат талабини иложи борича бажарувчи, уйининг эшиги ва кўнглини ҳаммага очиқ, ростгўй, мард, диёнатли, ҳақгўй, ширинсўз, сабр ва қаноатли, саховатли ва меҳнатқаш, жасур ва шижоатли ҳамда дили пок одамни тушуниш керак.

Бизнинг бу фикримизни туркиялик диншунос, онколог олим, тиббиёт фанлари доктори, профессор Холуқ Нурбоқий ҳам тасдиқлайди. Жумладан: “Иймон нақадар кучли бўлса, Қуръоннинг юрак орқали тушунилиши, ундаги маъноларнинг қамраб олинishi ҳам шунчалик тўқис бўлади, яъни идеал маънодаги мўминларда Қуръонни ҳис қилиш ва англаш кучли бўлади, идеал мўмин деганда, ҳеч бир Қуръон ва дин таълими бўлмаса ҳам, хатти-ҳаракатлари ва ахлоқи тамомила Қуръон оятлари йўналишида бўлган кишиларни назарда тутамиз”[56].

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, дин (туридан қатъий назар) талабларини бажариш инсон руҳи, маънавияти ва жисмоний саломатлигини мустаҳкамлайди. Бинобарин, Авесто, Таврот, Забур, Инжил ва Қуръони каримда ёлғон гапирманглар, ялқов бўлманглар, манманликка, қиморбозликка ҳамда нафсга берилманглар. Разолат деб ҳисобланган ғийбат, ҳасад, очкўзлик, судхўрлик, зино ва шунга ўхшаш гуноҳ ишлардан йироқда бўлинглар, дейилган.

Бундай китобларнинг одамларга буюрган амалларидан – тавба, ибодат, дуо, нажот, умидворлик, ахлоқ, сабр, қаноат, эҳсон, афв, садақат, ўзаро ёрдам, олижаноблик, ширин сўзлик ва бошқа яхши амаллардир. Булар умуминсоний қадриятлар бўлиб, шахс ва жамият ривожига ҳамда ижтимоий муҳит мусаффолигига, шунингдек, шу муҳитда яшовчи инсон руҳи, инчунун, иймонига ижобий таъсир кўрсатади.

Шу яхши амалларни, одам диннинг мажбуриятисиз, ихтиёрий равишда бажарса, ёмон амаллардан четланса, ўз устида ишласа,

руҳи ва танасининг саломатлигини сақласа, нур устига аъло нур бўлиб, бундай одам **иймони бут ва баркамол шахс ҳисобланади.**

Ақллилик – баркамолликка эришиш учун зарур бўлган кейинги ижтимоий сифатдир. Дарҳақиқат, инсоннинг бошқа махлуқотлардан асосий фарқи, унинг ақлидир. Ақлнинг луғавий маъноси – фикр юритмок, билмок деган мазмунни билдиради. Шундай экан, киши қанчалик кўп фикр юритиб, кўп билимга эга бўлса, шунча кўп ақлли ҳисобланади.

Лекин одам чуқур фикр юритмай, бошқалардан кўрган-эшитганларини, китоблардан ўқиганларини ҳамда устоз-муаллимлар айтганини эсда сақлаб қолиб, шу йўллар билан олинган билимларга амал қилиб юриши ҳам мумкин. Бунда ҳам ақл иштирок этади, аммо бу ҳолда ақл фаол бўлмай, ёрдамчи вазифани бажаради. У ҳолда киши кўп ҳам интеллектуал кучини сарфламайди. Доимо шундай ҳаёт кечириб юрган одамни ақлли деб бўлмайди. Бироқ, аксарият одамларнинг шундай ҳаёт кечиришга мойиллиги кўпроқ. Чунки бу йўл онсонрок бўлиб, киши унча кўп ақлий қувват сарфламай, кўзлаган мақсадига, бошқаларнинг аниқлаб унга ўргатган билими орқали ета оладилар. Шунда, бошқалар аниқлаган билимлар тўғри ёки нотўғри бўлиши ҳам мумкин, деган мулоҳазага бормайдилар ҳам.

Лекин баъзи кишилар, ўқитувчи ва домлаларнинг айтганига ва китобларда ёзилганлигига қаноат қилмай, ҳар бир нарсанинг негизига ўзлари етиб боришни истайдилар ва тайёр андозалар турганда, уларга амал қилмай, ҳар бир нарсага ўзи мустақил фикр юритиб етишга ҳаракат қиладилар. Аслида бундай ҳислат ҳар қандай инсонда табиатан мавжуд бўлиб, кимдир уни ўзида ривожлантирган, кимдир бу ҳислатини ривожлантирмай, уни сундириш йўлидан кетган бўлади. Кимда бундай интилиш кучли бўлса, унинг ақли яхши ишлашидан далолатдир. **Бундай кишилар ақлли ҳисобланади.** Фаробий фикрича, ақлни ёвуз ишларга эмас, яхши, эзгу ишларга сарфлайдиган одамларни ақили дейдилар.

Ақлли киши деб ўз зиммасига анча қийинчиликларни олиб, ҳар бир нарса устида мустақил фикр юритиб, шу жумладан, билимга ҳам илм “кетмонларини” чопиб, яъни тадқиқотлар олиб бориб эришган одамни тушуниш лозим. Фақат шундай одам энг юқори мақсад ҳисобланган баркамолликка

эриша олади. Шунинг учун ҳам, баркамол инсон бўлишликнинг асосий шартларидан қилиб ақллиликни олдик.

Онадан киши ақли бўлиб туғилмайди, албатта. Ҳамма одамлар бирдай, ақлини ишлатишга мойиллиги бор бўлиб туғилади, холос. Бир кишида бу мойиллик юкори, бошқа бировда у кам бўлиши мумкин, бу ҳам табиий. Туғилганидан сўнг эса, ақлини қанчалик кўп ёки кам ишлатиши, даставвал, унинг ота-онаси, ака-опалари, қариндош-уруғлари, сўнг мураббий ва ўқитувчиларининг саъй-ҳаракатига боғлиқ. Улғайганидан кейин эса, ақлини ишлатиш ёки ишлатмаслик юз фоиз ўзига боғлиқ бўлиб қолади.

Одоблилик деган ижтимоий сифат ҳам, инсон фазилатларидан бири ҳисобланади. Одобли киши умуминсоний кадриятлар билан бирга миллий кадриятларни яхши билган ва уларни эъзозлаган ҳамда жамият ичида қабул қилинган ахлоқ ва одоб нормаларига риоя қиладиган одамдир.

Ҳақиқатан ҳам, умуминсоний кадриятлар ҳисобланган меҳнат қилиш, бахтли ҳаёт кечириш, севиш ва севилиш, билим эгаллаш, катталарни ҳурмат қилиш, кичиклар ва аёлларга иззат кўрсатиб уларни ардоқлаш, рост сўзлаш ва шунга ўхшаш ҳамма инсонлар учун ҳаётий зарур ва кадрли бўлган маънавиятларга ҳурмат нуқтаи назаридан қараш, уларни кадрлаш, **умуминсоний одоб ҳисобланади.** Шунга ўхшаш, асрлар давомида, муайян бир халқнинг миллий кадрияти бўлиб келган маънавият турлари, масалан, байрам ва тўйларни ҳамда турли ўйин ва анъаналарни ўтказиш, қуда-анда ҳамда бошқа меҳмонларни кутиш, рўзғор тутиш, кийиниш каби урф-одатларни тан олиб, уларга риоя қилиш **миллий одоб** қиёфасининг белгисидир. Шунингдек, саломлашиш, овқатланиш, сўзлашиш, кийиниш, жамоа жойларида ўзини тута билиш каби бир қатор ижтимоий ҳаётда мавжуд ҳаракат нормаларига амал қилишлик ҳам **одоб** категориясига киради.

Баъзи ўринда миллий кадриятлар ёки урф-одатлар умуминсоний кадриятларга зид қилиб қолиши мумкин. Масалан, мусулмон мамалакатларида хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришда катнашмай, уй бекаси бўлиб ўтириши урф бўлган. Бу муайян бир халқнинг миллий кадрияти бўлгани билан, умуминсоний кадриятга зиддир. Бу ҳолда ўша ҳудудда яшовчи одам танлов эркинлигидан фойдаланиб, ё ҳудуд кадриятини ушлайди, ёки умуминсоний кадриятга амал қилади. Баркамолликка интилган киши, албатта, умумин-

соний қадриятни устун қўйиши лозим, гарчи ўз худудида бу, маълум даражада, одобсизлик бўлиб ҳисобланса ҳам. Баркамол инсон бўламан деганларга текис ва равон йўл йўқ, албатта. Улар ўзи танлаган камолот йўлида талай кийинчиликларни-ю, хўрликларни енгиб ўтишларига, тўғри келади.

Чунончи, баъзи ёшлар билимга интилиб, саъй ҳаракат кўрсатиши натижасида, баркамоллик зинапояларидан юкорига кўтарилиб, муайян бир манзилга етганида, тенқурлари ва маҳалладошлари – сен маҳаллага қўшилмайсан, тўй-ҳашамга кам борасан, гап-гаптакларга қатнашмайсан, одамгарчиликдан чикиб кетдинг-ку, ўқиганинг кимга керак деб, унга дашном берадилар. Баркамолликни ўзига мақсад қилиб олган одам, унга ноҳақ отилган бундай “тошларга” чидашига тўғри келади. Дўсту маҳалладошларининг, ҳиссиётга берилиб, айтган бу сўзлари умуминсоний қадриятларга зид бўлиб, кишининг ижтимоий тараққиётига ғов бўлиб хизмат қилади. Умуминсоний қадриятлар минг йиллар давомида бутун инсониятнинг танқид элагидан ўтиб келган маънавиятнинг бир кўриниши эканини унутманг. Ўша ошна-оғайни-ю, маҳалладошларингиз сўзларининг тагида, аслида, алам ётади. Улар сиз етишган мартабага эриша олмаганликлари туфайли, аччиғи чикиб, шундай дейди. Аслида, ўзи ўқимаганлигига ич-ичидан ачинади ва сизга ҳаваси келади. Билинг, ҳавас билан ҳасад орасида фарқ бир қадам, холос.

Севги масаласида ҳам шундай. Баъзи, тор доирага қамалиб қолган халқларда, икки ёшнинг севишиб, чақчақлашиб юриши айб, умум инсоний нуқтаи назардан эса, бу жуда юкори қадриятдир. Бу ҳолда ҳам, худудий қадрият умуминсоний қадриятга ўрнини бўша тади. Билим олишда ҳам шунини айтиш мумкин. Гарчи, билим олишга қаршилиқ кўрсатувчи одамнинг ўзи ер юзида қолмаган бўлса ҳамки, оз бўлса-да (баъзида бизнинг худудда ҳам), “Қиз боланинг ўқигани қаёққа борар эди, бўлди ўқимайсан, сени турмушга узатиб юбораман” ёки “ўқиганда Афлотун бўлармидинг, ўқиганлар нима қилиб бераяпти, бўлди ўқимайсан, ишга кириб ишлайсан” деган гапларни ҳам эшитиш мумкин. Бу ўта одобсизлик ҳисобланиб, нафақат умуминсониятга, исломга, балки инсон ҳуқуқларига ҳам очикдан-очик қарши чиқишлиқдир. Бу нафақат одобсизлик ҳисобланади, балки инсоният билган энг кучли гуноҳлардан бири бўлиб, миллатни тубанликка тортади. Бундайлар билан муросасиз ва аёвсиз кураш олиб боришлиқ лозим. Кураш деганда том маънода уру-

пишни тушунмай, уларга тарбиявий таъсир ўқазилни тушунмок лозим.

Билимлилик деган фазилат инсоний сифатларнинг навбатдагисидир. Аввалги бўлимларда бир неча бор таъкидлаб, исботлаб берганимиздек, инсоннинг бошқа махлуқотлардан асосий фарқи унинг билими борлигидадир. Билимни, киши ақлини ишлатиш йўли билан эгаллайди. Бу ерда “билимли” тушунчаси “ақлли” категорияси билан ҳамоҳанг. Аммо, киши ақлини ишлатиб, бирон бир нарса ёки ходисани билиб олиб, сўнг уни унутиб кетавериши ҳам мумкин.

Билимли деганда, нарса ва ходисаларнинг том маъно ва мазмунига тушуниб етиб, уларни ташкил қилувчи қонуниятларини билиб олиб, ўз тафаккури ва тахайюлидан ўтказиб, уларни ҳаётда бир неча бор синаб кўриб, сўнг, маълум бир тартибда хотирасида сақлаган кишига нисбатан айтилади.

Юқорида айтганимиздек, билимли бўлиш учун, билимларни ёд олиб, уларни эслаб қолишдан кўра, ақлини ишлатиб эгалланган билим юқори самара беради. Ақлини ишлатиб бир нарсани билиб олганидан сўнг, уни бир неча бор синаб кўриб, илмда қабул қилинган тартибда хотирада сақлаши, мантқан тўғри ва ақлли одамнинг иши бўлади.

Билим, киши ижтимоий моҳиятининг асосини ташкил қилар экан, билимнинг туридан қатъи назар, ўзингиздаги билим хажмини кўпайтиришга ҳаракат қилинг азизлар!

Одам ўзига билим йиғганида уни маълум бир тартибда йиғишлик, катта аҳамияга эга. Чунки, тартибсиз йиғилган билимнинг фойдаси бўлмай, инсон ижтимоий моҳиятини оширмай, пасайтириши муқаррар. Эгалланган узук-юлук билимлар, инсон хотира сандиғи, яъни нейрон найчаларидан ўрин тополмай мияда айланиб юриб, мия қобиғидаги босимнинг ошишига олиб келади. Бу эса, бош оғриғининг сабабларидан биридир.

Меҳнатсеварлик баркамол инсон сифатларининг асосийларидан биридир. Меҳнатсеварлик деганда, меҳнатнинг туридан – оғир меҳнатми, энгилми, ақлий меҳнатми, жисмонийми – қатъи назар, киши уни бажаришга жон-жаҳди билан ҳаракат қилишдир. **Меҳнат - мақсадга йўналтирилган фаолият эканини эслатиб ўтамиз.** Инсон дунёда ҳаёт кечирishi жараёнида, унда бир қатор моддий ва маънавий эҳтиёжлар пайдо бўлиши табиий ҳол. Бу эҳтиёжларни

қондириш учун киши шунга мос равишда, ўз олдига мақсадлар қўяди ва шу мақсадларига эришиш учун, маълум бир тартибда ҳаракат қилади. Шунда у анчагина жисмоний ва ақлий куч сарфлайди. Бунини меҳнат дейилади. Киши олдига билим олишни мақсад қилиб қўйган бўлса, унга эришиш учун, асосан ақлини ишлатиб, жуда кўп интеллектуал қувват сарфлайди. Кўпчилик билим олиш жараёнининг машаққатларини билмай туриб, китоб ўқиш, билим эгаллаш ҳам меҳнатми деб ўйлайдилар.

Олимларнинг тадқиқотларига қараганда, маъруза ўқиётган ёки илмий тадқиқот олиб бораётган киши, энг оғир меҳнат ҳисобланган қурилишдаги бетон билан ишлаш ёки ер остидан кўмир қазиб олишда сарфланаётган қувватга нисбатан ўн баробар кўп қувват сарфлар экан. Аслида ақлий меҳнат, жуда оғир иш. Халқимиз “Дехконлар кудукни кетмон билан, чеварлар игна билан қазилса, олимлар кудукни киприги билан қазийди” деб, бекорга айтмаган.

Соғлиқ ҳам, инсон ижтимоий моҳиятининг ажралмас қисми бўлиб, ижобий сифатларининг биридир. **Мутлақо соғ киши деб, ҳам жисмоний, ҳам руҳий, ҳам ижтимоий саломат бўлган кишига нисбатан айтилади.**

Жисмоний саломат деганда, фақат бақуват, мушаклари бўлиқ ва кучи кўп одамни тушуниб қолманг. Жисмоний саломат одам, ўз танасининг эгаси бўлади. Яъни, жисмоний соғлом одам, барча аъзоларини ўзига бўйсундириб, истаган жисмоний иш ва машқларни осонликча бажара олади. Жисмоний саломатликнинг биринчи белгиси, киши эрта билан турганда, ўзида ланжликни сезмай, унда жисмоний ҳаракат қилиш эҳтиёжи мавжуд бўлади.

Руҳий саломатлик кишининг ҳаёт-мамотида етакчи ўрин эгаллайди. Маълумки, оламни ёритувчи ва иситувчи куч – қуёш нури бўлганидек, инсон қалби, тафаккури ва бутун вужудини равшан қилувчи куч – бу руҳдир. Кишининг руҳи саломат бўлса, ҳар қандай қиладиган эзгу ишини поёнига етказди. Руҳий саломатлик, кишининг қилган ниятлари ва олдига қўйган мақсадлари билан белгиланади. Инсон яхши ниятлар қилиб, яъни бировга яхшилик қилишни мақсад қилиб, шу қиладиган яхшилигини амалга ошириш режасини тузиб қўйганининг ўзида дили яйраб, руҳи таскин топиб, қиладиган ишининг ҳам унуми бўлади. Агар шу қилган яхши ниятини киши амалга оширса, унда дил байрами содир бўлади

ҳамда меҳнат унумдорлиги бир неча бор ошиб, бошқаларга қилган яхшилигига сарфланган куч ва маблағ, бир неча бор ортиги билан унга қайтиб келади. “Берганга бераман” деган оятнинг мазмуни ҳам шунда.

Ижтимоий соғлом бўлмоқчи бўлган инсон, тинмай ўз устида ишлаб, сурункасига ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлмоғи лозим. Барча ижтимоий касалликлар – ўғрилиқ, фирибгарлик, судхўрлик, арокхўрлик, нашавандлик, гиёҳвандлик ва бошқа разолатларнинг бош сабабчиси дангасалиқ билан нафсдир. Дангасалиқдан холи бўлган ва нафсини тия олган киши ижтимоий саломат, инчунун, жисмонан ҳам соғ бўлади.

Баркамол бўлишни ўзига ният қилиб олган одам ҳам жисмоний, ҳам руҳий, ҳам ижтимоий саломатлиги устида қайғуриши лозим.

Миллий ғурур – инсониятнинг ҳар қандай фаолият жараёнига рағбат вазифасини ўтайдиган ижтимоий сифатдир. Миллий ғурури йўқ одам, ҳар бир ишда лоқайд бўлиб, унинг қилган ишининг унуми ҳам бўлмайди. Миллий ғурурга эга инсон эса, мақсад қўядими, бутун вужуди билан уни амалга ошириш учун ғайратшижоат билан киришади ва тезликда мақсадига етади.

“Миллий ғурур” тушунчасини шарҳлашдан олдин, “миллат” деган тушунчани изоҳлаб бериш зарурияти мавжуд. Чунки, “миллат” сўзига, биздаги файласуфлар турли мазмун киритмоқдалар. Бу тушунча тўғрисидаги музокарага кўп ҳам берилмай, жаҳон ҳамжамияти ва бизнинг тасаввуримиздаги “миллат” деган тушунчанинг таърифини бериш билан чекланамиз.

Миллат деганда – бошқа мамлакатлардан чегараланган ўзининг ҳудудига, ўз қомуси, рамзи, қонун-қоида, урф-одат ва анъаналарига ҳамда умумий хўжаликка, шу билан бирга, ҳудуд ичидаги халқлар орасидаги муносабатларни амалга ошириш учун, умумий бир ёки бир неча тил бирликларига эга бўлган халқлар уюшмасига айтилади. Демак, чегараланган бир ҳудудда бир неча ўнлаб, юзлаб халқлар биргаликда, узок йиллар давомида меҳнат қилиб, меҳнатидан чиққан даромадни бирга баҳам кўриб, байрам ва бошқа анъаналарни бирга ўтказиб ҳамда бир қонун ва қоидаларга бўйсуниб юрган одамлар уюшмаси миллат ҳисобланар экан. Миллатнинг номи, ерли халқнинг номи билан аталлипи ёки бошқа бўлиши мумкин. Масалан, ўзбек, қозоқ, туркман

деган миллатлар худуддаги туб халқнинг номи билан аталган. Америка, Франция, Германия ва бошқа миллатлар туб ерли халқнинг номидан келиб чиқмаган.

Миллий ғурур деб, яшаб турган мамалакатининг тарихини, маънавият ва маданиятини яхши билиб, унинг олиму фозиллари ва қахрамонлари билан ич-ичилан мағрурланувчи ҳамда шу мамлакат равнақига ўз хиссасини фаол қўшиб келаятган киши қалбидаги умуминсоний ғурур негизда пайдо бўлган руҳий кайфиятга айтилади.

Аммо, миллий ғурурни миллий мактанчоқликдан фарқлаш лозим. Миллий мактанчоқ деб, бошқа миллатларни камситиш мақсадида ўз миллат тарихини, олиму қахрамонларини билиб олиб, мана биз қандай мамлакатда яшаймиз, деб мақтаниб, ўзи бу миллат равнақига ҳеч қандай улуш қўшмайдиган, сафсатабоз кишига нисбатан айтилади. Уни миллатчи деб ҳам юритилади. Миллий ғурур ижобий ижтимоий сифат бўлса, миллатчилик ижтимоий кусурдир.

Ватанпарварлик хислати, миллий ғурурнинг тараққий этган варианты бўлиб, ватан равнақи ва инсон камолоти учун рағбат пайдо қилувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Миллий ғурур негизда одамларда ватанини севишлик кайфияти пайдо бўлиб, уни ошириб бораверилганда, инсон ватанини шунчалик сева бошлайдики, миллати учун, юрти учун, яъни ватани учун фидойиларча меҳнат қилиб, зарур бўлганда жонини ҳам фидо қилишгача тайёр бўлади. Буни ҳақиқий ватанпарварлик дейилади.

Одамларда ватанпарварлик руҳини шакллантириш учун, даставвал, уларда миллий ғурурни пайдо қилиш керак. Миллий ғурур бўлмаган кишида ватанпарварлик туйғусини пайдо қилиб бўлмайди. Бу исбот талаб қилмайдиган аксиоматик ҳақиқатдир. Аммо, яқин ўтмишимизда, миллий ғурурни миллатчиликка йўйиб, болаларда миллий ғурурни пайдо қилмай туриб, ватанпарварлик туйғусини шакллантирмоқчи бўлганлар. Охир-окибатда, одамларда ватанпарварлик туйғуси йўқ бўлиб кетиб, мамлакатда кичик бир ижтимоий силкиниш бўлган эди, мамлакат парчаланиб, бир қатор майда мустақил давлатларга бўлиниб кетди. Шу кунда бу давлатларда, ўз миллий маънавият ва қадриятларини ҳамда урф-одатларини ўрганиб, уларни ривож топтириб, аҳолида миллий ғурурни таркиб топтирилмоқда. Бу тўғри. Кейинчалик, миллий ғурур кучая бориб, ватанпарварлик туйғуси пайдо бўлиши муқаррар.

Ватанпарварлик деган ижтимоий сифат, жуда ноёб бўлган “миллий ғурур” деган ҳис-туйғудан пайдо бўлиб, жуда ҳам виждонли ва ўта имонли ҳамда меҳнатни яхши кўрадиган ва умуман барча яхши сифатларга эга одамда вужудга келади. Бу ижтимоий сифатга эга кишини, инсоний баркамолликка етиб колган деса бўлади.

Толерантлик деган ижтимоий сифат ватанпарварлик руҳи асосида шаклланиб, энг юқори ижтимоий сифатлардан ҳисобланади. Одам миллатини ва ватанини севиб, унга гўёки муҳолиф бўлган бошқа миллатни танқид қилиш мақсадида унинг тарихини, маънавият ва қадриятларини ўргана бошлайди. Чунки, билмаган нарсасини киши танқид қилолмайди-да, билар-билмас танқид қила бошлаши билан муҳолиф томон уни сўз билан уриб ташлайди. Киши бошқа халқларнинг маданиятини ўрганиш жараёнида, уларда ҳам жаҳонга арзигулик жуда кўп қадриятлари, адабиёт ва маданиятлари бор эканини билиб олади. Шундан кейин яқин ва узок хориждаги халқлар маънавияти ва маданиятини чуқурроқ ўргана бошлайди. Ўрганиш жараёнида, уларга меҳри ошиб, секин-аста уларни ҳам, ўз миллати қатори яхши кўрадиган бўлади. **Байналмилал туйғуга** эга одамни **баркамол инсон** деса бўлади. Чунки, дунёдаги барча халқлар Худонинг бандаларидир ва барча миллатлар ҳуқуқда тенгдирлар.

Инсонпарварлик (гуманизм). Бу ижтимоий сифатга эга одам ҳам баркамолликка эришган бўлиб, умуминсоний қадриятларни тан олибгина қолмай, уларни бор кучи билан муҳофаза қилади. Умуминсоний қадриятларга: ҳар бир инсонни шахс сифатида тан олишлик, унга яшаш, меҳнат қилиш, севиш, севилиш, ўз иқтидорларини истаганича намоён қилиш ҳуқуқлари киради. Инсонпарвар киши, одамнинг ушбу инсоний ҳуқуқларини тан олиб, уларнинг бузилишига йўл қўймайди.

Инсонпарвар одам бутун инсониятни, шу билан бирга, яхши инсонларни, унинг ирки, миллати, ёши ва келиб чиқишидан қатъи назар, чин дилидан севади, унга фақат эзгу ниятда бўлиб, яхшиликлар қилишга шошилади.

Мардлик, жасурлик ва шижоатлилик. Кишида юкорида санаб ўтилган барча фазилатлар бўлсаю, мардлик ва жасурлик бўлмаса, бу фазилатлардан ҳеч кимга наф тегмайди. Чунки киши қанчалик аклини ишлатмасин, қанчалик одобли, билимли, меҳнат-

севар, соғлом, ватанпарвар ва бошқа ижобий ижтимоий сифатларга эга бўлмасин, сусткашлиги ва қўрқоклиги туфайли уларни ҳаётда ишлагаолмайди. Ишлаган тақдирда ҳам, қўрқиб, эҳтиёткорлик билан қилган ижобий ишларининг самараси бўлмайди.

Инсон ҳар бир ишни бажаришда, унга мардонавор ва қўрқмай киришса, қилган ҳаракати яхши самара беради. Шунинг учун мардлик, жасурлик ва шижоатлилиқ, инсоннинг барча ижобий ижтимоий сифатлари учун ҳаракатлантирувчи омил вазифасини ўтайди.

Ақлингизни ишлатиб, муайян бир мақсадга етиш режасини туздингизми, қўркмасдан, мардонавор ва шахд билан амалга оширишга ҳаракат қилинг!

Мардлик жасурлик билан ҳамоҳанг бўлиб, ўзаро кам фаркланади. Аммо, шижоатлилиқ тушунчаси мардлик ва жасурлик тушунчаларидан бироз фарқ қилиб, кишини бир иш бошласа, унга ғайрат ва шиддат билан киришиб, суръатини бошлаган ишининг охирига еткунга қадар саклаб туришликка айтилади. Одамда барча ижобий ижтимоий сифатлар, шу жумладан, мардлик ва жасурлик бўлса-ю, ғайрати етмаса, бошлаган иши ўлда-жўлда қолиб, иш бажарилмай қолиши мумкин. Битмаган ишнинг ҳеч кимга фойдаси йўқ. *“Битган ишга бек етмас”*, деган халқ мақоли ҳам бор. Аҳоли ичида бунга ўхшаш кишилар ҳам анчагина топилади. Баъзилар ақлли ва билими кўплиги натижасида одоб нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ватанига хизмат қилиш мақсадида, меҳнатдан қочмасдан, миллий ғурури жўш уриб, мардлик билан, қўркмасдан бир ишни бошлайдилар-да, ишни ярмига етганда ёки охирлаб қолганда, кейин бўлар деб, шижоатлари етмасдан ташлаб қўядилар. Сўнг, бу ишни эсдан ҳам чиқариб юборадилар. Ҳаётда бундай кишиларни ҳам кўрганмиз. Оз бўлса-да, афсуски бундай одамлар ҳам бор.

Азиз китобхон, бир ишни бошладингизми, сусткашлиқ қилмасдан, ҳаракат суръатини ишни охиригача саклаб туришга жазм қилинг, шунда бажараётган ишингизнинг самараси юқори бўлади.

Сабр - қаноат инсоннинг яхши ижтимоий сифатларидан бири бўлиб, инсон руҳининг юқори даражага эришганидан далолат беради. Одамнинг ҳаёт-мамоти равон кечиши учун бошпанали бўлмоғи, ёмоқ-ичмоғи, кийинмоғи, бола-чақа боқмоғи керак бўлади. Ҳаётини зарур бу нарсаларнинг тури ва саноғи жуда кўп бўлиб, одам ўзининг эҳтиёж тизгинини қўйиб юборса, бу нарсаларнинг

хаммасига тўлалигича ҳеч қачон эришолмайди. Шунинг учун ақли расо ва одобли инсон бу нарсаларнинг энг камига қаноат қилиб юради. Бундай одамни қаноатли инсон дейилади ва унинг халқ ичида обрўи юқори бўлади.

Ундан ташқари, ҳаёт мураккаб нарса бўлиб, киши ҳаёти давомида етишмовчиликлар, кутилмаган қийинчиликлар ёки ундан ҳам ёмони, турли фалокатлар рўй бериб туриши муқаррар. Шунда инсон фақат сабр-тоқат ва чидам билан, *“қуннинг ярми қоронгу бўлса ярми ёруғ бўлади”* деб, бу қийинчиликларни енгиши мумкин. Бундай инсонни сабр-тоқатли дейилади. Бу ижтимоий сифат мақсадга омон-эсон олиб борувчи бирдан-бир омилдир. Кўпчилик сабр-тоқат қилмай, кўзлаган эзгу мақсадига етолмай йўлда қолиб кетадилар.

Ҳар қандай қийинчиликларга сабр қилиб, энг оз миқдорга қаноат қилиб юришни, ўзининг ҳаёт тарзи қилиб олган одам бахтлидир. Бунинг учун нафсни жиловлаш керак бўлади. Нафс балосига учраган одамнинг олдига бутун дунё бойлик ва ноз-неъматларини тўкиб солсангиз ҳам, қаноати бўлмаганидан кейин, қаноат ҳосил қилмай ўзини бахтсиз ҳис қилаверади.

Сабр - қаноатли бўлинг, азизлар!

Саховатлилик. Бу хислат, инсоният эришган энг юқори ижтимоий сифат бўлиб, у юқорида қайд қилиб ўтилган барча фазилатларга эришган одамда намоён бўлади. Саховатли киши ҳамма одамларни миллатидан, ёши, ирқи ва келиб чикиппидан катъи назар, чин дилидан севиб, яхшиликлар қилиш мақсадида, уларни тўғри йўлга етаклайди, ўзидаги билимларни ва топган молу дунёсини тинмай улашади. Бу эса инсоннинг ўта ақллилик ва одоб белгиси бўлибгина қолмай, унинг билими кўп, тани-жони соғ ва мард одам эканлигидан далолат беради. Бундай одамнинг имони мукаммал бўлиб, Азизиддин Насафийнинг айтишича, ориф даражасидан ўтиб, валийликка етиб қолган бўлади.

Юқорида кўриб чиқилган баркамол инсоннинг ўн уч сифати, яъни фазилатлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бири пайдо бўлган кишида бошқасини ҳам етаклайди. Яъни имони мустақкам одам, бировларга кўр-кўрона эргашишни хохламай, мустақил фикр юритади. Мустақил фикр юритиши натижасида унда бирталай билимлар йиғилиб, у билимли бўлади. Билимнинг ўзига яраша кучи бўлгани учун, шу куч таъсирида, у одобга ўргана бошлайди. Иймони мукаммал, ақлли, билимли ва одобли киши, албатта,

меҳнатни севиб, меҳнатсевар бўлади. Меҳнатсевар ва акли одам, албатта, ҳам жисмонан, ҳам руҳан, ҳам ижтимоий саломат одам бўлади. Соғлом одам аклини ишлатиши натижасида ва бир қатор билимларга эга бўлганидан сўнг, албатта, миллий ғурури пайдо бўлади. Миллий ғурур эса, ўз навбатида, ватанпарварликни, байналмилалликни ва инсонпарварликни етаклаб келади.

3-§. Иймон ва эътиқодни мустаҳкамлаш йўллари

Юқорида кўрдикки, иймон, бу кишининг бирор-бир нарсага астойдил ишониши ва эътиқод қилиши экан. У Тангри таологами, қандайдир бир шахсгами ёки воқеликками, барибир, инсон шу нарсага астойдил ишонса, ўзида шунга нисбатан иймон (ишонч) ҳосил қилган бўлади. Бу сўз гоҳида виждон маъносида келади.

Ҳамма нарсага эмас, ҳақиқатга шубҳа билан қарамай, уларга рўйи-рост ишонса, яъни киши ишонувчан бўлса, бу унинг иймони юқори эканлигидан дарак беради ва аксинча. Ҳадисларда ҳам “Ишончсизлик имонсизлик белгисидир” дейилган.

“Эътиқод” тушунчаси луғатларда ишонч, яъни иймон тушунчаси билан маънодош қилиб кўрсатилгани билан, бу синоним сўзларнинг орасида фарқ ҳам бор. Иймон – ишониш ёки астойдил ишониш бўлса, эътиқод – шу нарсага ишонган ҳолда унга тўлиқ амал қилишликни билдиради. Демак, “эътиқод” тушунчаси, қуруқ ишонибгина қолмай, ишонган нарсасига оғишмай амал қилишлиқдир. Бунда, киши ишонаётган нарсасига, ростдан ҳам ишонишини амалий ҳаракатлар билан тасдиқлайди, натижада унда шу нарсага иймон билан баробар эътиқод ҳосил бўлади.

“Авесто”дан бошлаб, барча муқаддас китобларда ишонган нарсасига доимо амал (эътиқод) қилишликка катта эътибор берилган. Шундагина дил, тил ва амал бирлигига эришилади, дейилган.

Кўриб турганимиздек, иймон-эътиқод дегани, бирон нарсага чин дилдан ишониш ва унга доимо амал қилиб юришлик экан. Бу ерда “дил” ибораси етакчилик қилмоқда. “Дил”, “қалб”, “руҳ”, “жон” тушунчалари бир-бири билан маънодош бўлиб, инсон ботинидаги сирли бир нарсани англатади. Киши ҳар бир ҳаракатининг самарали бўлиши ва поёнига етиши учун, шу ишга чин қалбдан киришиб, руҳини шу ишнинг бажарилишига йўналтириши ва бутун вужудини шу йўналишга сафарбар қилиши керак. Шу ерда, “руҳ”, “дил”, “жон” тўғрисида батафсилроқ фикр юритишга тўғри келади.

Куръони каримнинг Ал-Исро сурасининг 85-оятнда, “Эй Муҳаммад, сиздан рух – жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: Рух ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир”. Бу ояти каримадан руҳни одам ақл-тафаккури ва бошқа имкониятлари билан тушуниб ҳам, тушунтириб ҳам бўлмайдиган нарса эканини англаш мумкин. Зеро, руҳнинг субстанцияси, яъни бирламчи асоси инсон билган нарсаларга ўхшамаган бўлиб, уни ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. Маълумки, инсон бирон-бир нарсани билиши, унинг мазмун ва моҳиятига етиши учун, уни сезиб туриб, ақлини ишлатиб, маъносига тушуниб, сўнгра тассавурига келтириб, таҳайюли (хаёли)дан ўтказиши, ундан кейин ҳофиза (хотира)сида ушлаб туриб, уни аввал билган нарсалари билан қиёслаши шарт. Бу билиш жараёнининг боқий қонуниятидир.

Рухни сезиб, тафаккуримиз ёрдамида унинг маъносига етганимиз билан, уни на тасавурумизга келтира оламиз, на таҳайюлдан ўтказа оламиз ва на қиёслай оламиз. Чунки унинг қиёси йўқ, у кўринмас. Шунинг учун ҳам баъзилар рух йўқ нарса, афсона, тўқима гап деб уқтирмоқчи бўладилар. Агар, у кишининг кўзига кўринмаса, уни ташқи сезги аъзоларимиз билан ҳис қила олмасак, у мавжуд эмас, деган сўз эмас, албатта. Дунёда кўзга кўринмайдиган ва бизга маълум бўлмаган нарсаларнинг сон-саногии йўқ. Масалан, микроорганизмлар бизнинг кўзимизга кўринмайди. Бу, улар мавжуд эмас, деган гап эмас, албатта. Бир микро-биолог дўстимиздан, “Биология ҳаёт тўғрисидаги илм-фан эканини биламиз, аммо микробиология нимани ўрганadi?” десак. “Микро ўсимликлар ва микро жониворларни”, деб жавоб берган. “Микро ўсимликлар қаерда ўсади?” деган саволимизга. “Ҳамма ерда, масалан, топ-тоза қилиб артилган дераза ойнасида 30 дан ортик ўсимлик бемалол ўсаверади”, деб жавоб берган. Энг оддийси, муҳаббатни бошидан кечирмай, унинг дарду аламлари билан биргаликда дил байрамини ҳис қилмай, муҳаббат йўқ нарса, дейдиганлар ҳам оз эмас-да. Бундан муҳаббат мавжуд эмас, деган хулоса чиқазмаймиз-ку. Тўғри, у моддий эмас, у руҳий нарса. Аниқроғи, рух фаолиятининг бир кўринишидир. Аслида йўқ нарсанинг номи ҳам бўлмайди. Тарих мавжуд бўлмаган нарса ва ҳодисаларни вақт ўтиши билан, у тўғридаги тушунчани ҳам, атамани ҳам жамият муомаласидан чиқариб ташлайди. Тарихда бунга мисоллар жуда кўп. Рух тушунчаси, Аллоҳ ёки муҳаббат тушунчалари каби, кишилиқ жамияти пайдо

бўлганидан буён бор бўлиб, инсонлар унинг туб моҳиятига етиш учун тинмай ҳаракат қиладилар. Инсоният руҳнинг сирини очиб арафасида турибди. Америка олимлари уни махсус аппаратлар билан расмга тушириб, вазнини ҳам тортиб кўришганга уринган. Бу беҳуда уриниш, чунки руҳда моддага хос вазн, ранг, ҳажм бўлмайди(М. Ғаззолий).

Худованд инсонга руҳ тўғрисида ўй юритишни тавсия қилмаса ҳам, уни билишликни ман ҳам қилмаган. Аллоҳ инсонга ақл-заковат инъом этган экан, у тинмай изланади, билмаганини билгиси келади. Ўз вақтида шундай инсонлардан бири Шайх Азизиддин Насафий[19] бўлган. У XIII аср бошларида туғилиб, XIV аср бошларида вафот этган, деб тахмин қилинади.

Азизиддин Насафий ўзининг “Зубдат ул-ҳақойиқ”, яъни “Ҳақиқатлар қаймоғи”[19] асарида руҳ тўғрисида қуйидагиларни баён этади: “Олам ўзининг аввалида икки қисмдан иборат: биринчи қисмини – олами шуҳуд (кўринадиган олам), иккинчи қисмини олами ғойиб (яширин олам) деб атайдилар. Бу ҳар икки оламини миқдорий (жузвий) ва куллий (умумий) маъноларда турли номлар билан тилга оладилар. Масалан, холиқият олами ва амр олами, мулк олами ва малакут олами, жисм олами ва руҳ олами, ҳислар олами ва шуур олами, нур олами ва зулмат олами ва шу қабилар. Бу номлар ҳар икки олам – олами шуҳуд ва олами ғойибга ишорадир”[19].

Бу сатрлардан руҳ амр, яъни малакут оламидан, олами ғойибдан эканлиги кўриниб турибди.

Ўша замонларда бирон-бир нарса ёки ҳодисани таърифламок учун олиму уламолар уч тоифадаги одамлар фикрини бирдай келтириб, эшитувчи ёки ўқувчига бу уч хил аниқламалар устида фикр юритиб, мустақил равишда ўзига тушунча ҳосил қилиши учун имкон яратганлар. Бу ҳол нарса ва ҳодисалар сир-асрорини тушунтиришдаги ҳақиқий демократик ёндашувдир.

Азизиддин Насафий ўзининг юқорида эслатилган асарида руҳга батафсил таъриф беришда уч тоифадаги кишилар, яъни шарият аҳли (диндорлар), ҳикмат аҳли (файласуфлар) ва ваҳдат аҳли (тасаввуфчилар) фикрларини бирдай келтиради.

Рух тўғрисида XIII асрдаги шарият аҳлининг фикрлари қуйидагича: “Рух жавҳардир, у жисмни ҳаракатга келтиради ва такомиллаштиради. Соддарок айтганда, руҳ латиф жавҳар, у майдаланмайди ва аъзоларга бўлинмайди. Чунки руҳ амр оламидандир

ва ҳатто ўзи амрдир.... Рухлар бу оламга келадилар, (аммо) ўз сўзлари ва ишларида ўзгаришсиз қоладилар. Уларнинг ҳар бирида аввалдан маълум меъёр бор, бу дунёга келган ҳар бир рух муайян чегарага эга бўлади ва аввалги маълум мақоми бўйича унинг жисм ичида қанча бўлиши, қанча нафас олиши, қанча еб-ичиши, қанча сўзлаши, нималарни ўрганиши, ўйлаши ва ҳоказолар олдиндан белгили бўлади” [19].

Азизиддин Насафий бу фикрни иштибоҳли билиб, унга алтернатив тариқасида ҳикмат аҳли фикрларини куйидаги сатрлар орқали ёзиб қолдирган: “Аҳли ҳикмат, яъни файласуфлар фикрига кўра, билим маълумига (билиб олганга) бўйсунди. Бинобарин, одамларнинг сўзлари ва фаолияти – ишлари учун олдиндан белгиланган ўлчовлар йўқ. Билим ва бойликка эга бўлиш одамнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ: одам қанча кўп ғайрат қилса, билими ва даражаси шунча ортади. Яхшилик ёки ёмонлик қилиш, кам ейиш ёки кўп ейиш – инсон ихтиёридаги иш, у қанча маҳнат ва куч сарфласа, шунча имкон топади...” [19].

Рух тўғрисидаги ҳикмат аҳлининг фикрлари: “Ҳикмат аҳли фикрича, Тангри таоло – Халлоқи Оламдан фақат Ақли аввал пайдо бўлган, қолганлар ақли аввал маҳсули. Ақли аввал Худонинг олами, қолган барчаси – ақли аввал оламидир. Бошқача айтганда, ақли аввал Тангри таолодан – натижа сифатида ажралиб чиққан, қолган жами нарсалар ақли аввалдан натижа сифатидир. Ақли аввалнинг муаллими – Тангри таоло, ақли аввал Тангри таолодан олганларини бошқа махлуқотга беради. Ҳар бир ақл ўзидан баланд ақлдан олиб, ўзидан наслга узатади” [19].

Азизиддин Насафий фикрини давом эттириб, “Билгилки, ақли аввал – воҳид бир жавҳардир, бироқ миқдорий ва сифатий маъноларда ул жавҳарни турли исмлар ила зикр этадилар. У ҳамма нарсани идрок этувчидир. Ушбу жавҳарни тирик ва тирилтирувчи рух деб, номладилар, зеро, у тирик ва ҳаёт бағишловчидир..., демоқчи-манки, ғойиб оламининг ақллари ва жонлари латиф ва олийҳиммат, билимли ва софдирлар. Қай бир киши қанчалик билимда баланд, у шунчалик ақли аввалга яқиндир, ҳам фазилатли ва қимматли, латиф, билими ва мусаффолиги ҳам юқоридир” [19]. Фикрининг давомида Насафий – “Билгилки, шарият аҳли жузъ ва қулни идрок этадиган, ўзини ва парвардигорини танийдиган, биладиган инсо-

ний ҳақиқатни инсон руҳи дейдилар. Ҳикмат аҳли эса бу ҳақиқатни жон деб атайдилар”[19].

Ваҳдат ахлининг рух тўғрисидаги фикрлари: “Билгилки, ваҳдат аҳли фикрига кўра вужуд (борлиқ) фақат битта ва Субҳонаху таоло вужудидан бошқа вужуд йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, Яна улар дейдиларки, гарчи вужуд битта бўлса ҳам, лекин бу вужуд ўз-ўзича зоҳирӣй ва ботинӣй борлиққа эга.

Буни билдинг, энди билгилки, ваҳдат аҳли фикрига кўра, ботинӣй вужуд нурдир ва бу нур ўша олам жонидир, олам бу нур билан тўлиқдир, бу нурнинг худуди ва адоғи йўқ. Унинг худуди бепоён денгизга ўхшайди. Ҳаёт, билим ҳаракат ва ашёлар қудрати ҳамда табиат, ашёларнинг хоссаси ва ҳаракати шу нурдан, кўриш, эшитиш, гапириш ва юриш қуввати шу нурда жам. Гарчи нарсаларнинг сифати, фаолияти ва номлари шу нурдан бўлса-да, бироқ бу нурдан ташқарида ўзга нарса йўқдир. Оламдаги бирлик(мажму – бизнинг изоҳ)ларнинг ҳаммаси ушбу нур кўринишининг моҳиятидир”[19].

Бу ерда ваҳдат аҳли руҳни нурга киёслаб, бутун борлиқнинг ботинӣй асосини нур (руҳ) ташкил қилади деган фикрни билдирмоқдалар. Бу фикрни ҳозирги замон олимлари ҳам илмӣй асослаб берганлар. Азизиддин Насафӣй уларга кўшимча қилиб, “Улар тўғри мушоҳада этадилар, аммо улар борлиқнинг асл асослари, қайсики, соф ваҳдатни идрок этмаганлар. Ва уларнинг нигоҳи нарсалар ҳақиқатига етмайди, яъни улар мулк ва малакутни илғаб, лекин жабарутни илғамаганлар. Ҳолбуки, мулк билан малакут жабарут олдида уммондан катра мисолдир. **Жабарут – бу мусаффо ваҳдат, жисм ва руҳнинг манбаи, китоб ва қаломнинг боши, мулк ва малакутнинг асоси, борлиқ ва одамнинг манбаидир**”[19]. “...Жабарут оламининг исмлари ва аломатлари йўқ, у шакл ва суратга ҳам эга эмас, чегараси ва тизим тартиби ҳам кўринмайди. Уни хис билан идрок этолмайсан, ақл уни билишга қодир эмас, идроклар унинг олдида хайрон, тасаввур ва хаёллар қошида лол”[19].

Бу уч тоифа одамларнинг руҳ тўғрисидаги фикрларининг таҳлили шуни кўрсатиб турибдики, учала тоифадаги кишилар бир овоздан руҳни бор, аммо у кўзга кўринмайдиган латиф бир жавҳар демоқдалар. Яна улар руҳ яширин, яъни амр – малакут оламиданлигини ҳам қайд қилмоқдалар. Шу билан бирга руҳни жон билан киёслаб, моддий оламнинг ажралмас қисми эканини уқтир-

моқдалар. Шунингдек, улар руҳ оламнинг Яратувчиси билан мулк – жисм оламини боғлаб турган нарса эканини ҳам айтмоқдалар. Ундан ташқари, шариат аҳли руҳ амр оламидан, ҳатто амрни ўзи дейишса, ҳикмат аҳли руҳни ақли аввал сифатида кўриб, уни Тангри таолонинг биринчи маҳсули, бошқа бутун борлиқ ақли аввалнинг маҳсули деб билмоқдалар. Ваҳдат аҳли руҳни нур деб билиб, уни Субҳонаху таолонинг ботиний вужуди дейдилар.

Шариат, ҳикмат ва ваҳдат аҳлларининг руҳ тўғрисидаги фикрларининг зиддиятли томонлари ҳам бор. Масалан, шариат аҳли, руҳлар бу оламга келганларидан кейин ўзгаришсиз қоладилар дейишса, ҳикмат ва ваҳдат аҳли бунга эътироз билдириб, руҳ танага кирганидан кейин такомиллашади. Руҳнинг қайси мақомга, қайси даражага эга бўлиши руҳ жойлашган тананинг саъй-ҳаракатига боғлиқ: одам қанча кўп ғайрат қилса, руҳ даражаси шунча ортади, у қанча куч сарфлаб меҳнат қилса, шунча имкон топади дейдилар. Аслида жон ва руҳ бир эмас, жон йўқолса-да, руҳ йўқолмайди.

Бу уч тоифадаги одамлар фикрини келтирганидан кейин Азизиддин Насафий одам руҳи тўғрисида ўз фикрини ҳам айтади. **“Инсон руҳи тирикдир, билгувчи, хирсли, истеъдодлидир, эшитувчи, кўрувчи ва сўзловчидир. Бошқаларга у кўринмайди ва эшитилмайди ва нутқи билинмайди. Жисм бўлакларга бўлиниб, майдалангани, руҳ эса бўлакларга бўлинмай, майдаланмаганидай инсон руҳи билишда – яхлит билагон, эшитишда – яхлит гапирувчи, кўришда – яхлит кўрувчи. . . .**

Билгилки, баъзиларнинг фикрича, айрим одамларда тўртта руҳ мавжуд яъни: ўсимлик руҳи, ҳайвон руҳи, жон(қалб) руҳи ва инсон руҳи. Яна бошқа бир хил одамлар инсонда бешта руҳ бор дейдилар, яъни: ўсимлик руҳи, ҳайвон руҳи, қалб руҳи, инсон руҳи ва муқаддас руҳ. Ва яна дейдиларки, инсон руҳи ва муқаддас руҳ юкори оламдандир, яъни ғайб оламидандир – осмоний фаришталар жинсидан. Ўсимлик руҳи, ҳайвон руҳи ва қалб руҳи – қуйи оламдан. Беш руҳнинг ҳар бири бир жавҳардир. Улар бир-биридан ажратилган ва ўзаро фарқланади. Тана гўё шам бўлиб, ўсимлик руҳи мисли шамдон, ҳайвон руҳи гўё пилик, қалб руҳи бамисоли ёғ бўлса, инсон руҳини нурга қиёслаш мумкин. **Муқаддас руҳ эса – “Нур ала-н-нур” – нур устига нурдир (М.Ҳаззалий.)**

Бошқа баъзилар ҳар бир одамда фақат битта руҳ бор дейдилар, ammo бу руҳнинг даражалари бор ва ҳар бир даражанинг номи

мавжуд. Номлар кўп бўлганлиги сабабли одамлар рух кўп деб ўйлайдилар. Бирок бундай эмас. Рух битта ва жисм ҳам биттадир, лекин жисмнинг даражалари бор ва ҳар бир даражанинг қандайдир номи бор. Рухнинг ҳам даражалари бор ва даражалар номларга эга. Жисм рухга муҳтож ва рух жисмга муҳтож эмас. Мулк малакутсиз ва малакут мулксиз бўлмайди, уларнинг ҳар иккаласи биргаликда (мавжуд) бўлиб, бир-биридан ажралмайдилар. Жисм ҳам, рух ҳам иккаласи бирга ривожланади ва комилликка эришгунча камолот зинапояларидан кўтарилиб бораверадилар ва даражаларни эгаллайдилар. Уларнинг зуваласи ҳар канча кўпроқ пишитилса, тарбияланса, улар моҳиятида яширинган сифатлар кўрина бошлайди. Бу жараён ўз нуктасига етгунча давом этади”[19].

Айтилганлардан маълум бўладики, рух ва жисм алоҳида-алоҳида нарсалар эмас, балки инсон вужудининг барча белги ва сифатлари нутфа – уруғда яширингандир. Ҳомилада жон ва рух бирга ўсиб, инсон қиёфасига киради, инсон туғилганидан кейин улар биргаликда тараққий этади. Ул зот шу тариқа инсон фарзандининг она корнидаёқ бир талай ҳолат – босқичлар, хусусан, оддий жисмдан – ўсимлик ҳолатига, ўсимлик ҳолатидан – ҳайвонлик ҳолатига, ҳайвонлик ҳолатидан – инсонлик ҳолатига ўсиб боришини исботлайди. Ҳозирги замон олимлари ҳам бу фикрнинг тўғри эканини тасдиқлашган. Она ҳомиласида, балки ота уруғида инсоннинг кейинги тараққиётига асос бўладиган жамики зарур имкониятлар бор, дейди Насафий. Зотан, ул зотнинг уқтиришича, олами кубро ва олами суғро (катта олам ва кичик олам) таълимоти шуни тақозо этади. Негаки, кичик олам – инсон катта оламнинг кичрайтирилган нусхаси (бу фикрни XX аср олимлари илмий нуктаи назардан исботлаганларини пастдаги сатрларда кўриб чиқамиз), катта оламнинг хусусиятлари унинг яна ҳам кичрайтирилган нусхаси – нутфада мавжуд. **Одам – илоҳий оламнинг ажралмас қисми бўлиши билан бирга, унинг кичрайтирилган нусхаси. Илоҳий оламдаги билимлар унда ҳам бор. Инсонни Илоҳ олами билан боғлайдиган жавҳар рухдир.** Агар Илоҳ оламини билмоқчи бўлсанг, инсонни, яъни ўзингни ўрган, ўзингни тани. Тангри таоло сифатлари-ю – мўъжиза кароматлари, билими ва ҳатто зотини ҳам таниш мумкин. **“Кимки ўзини таниса, Раббини танийди”**, деган ҳадиснинг маъноси ҳам шу.

Аммо ўзликни англаш, ўзини танишга рух ва қалбни поклаш, ақл-шуурни тоблаш, тавба ва такво йўли орқали борилади. Факат шу тариқа рух Аслига қайтади, яъни покланиб, юқорига уруж этади. Зотан, инсон руҳи Илоҳий оламдан нузул этиб (пастга тушиб), инсонга келар экан, шу нуктадан яна юқорига қайтиш учун қураш бошланади. Рух жисм билан олишиб, охири уни тарк этади ва ўз мақомига қайтади.

Туркиялик мутафаккир олим врач-онколог ўзининг «Қуръони каримнинг илмий мўъжизалари» деган китобида рух тўғрисида қуйидаги фикрларни айтган: “Яна, рух тўғрисида офоқда ёзилган, яъни масаланинг устки томонини кўрсатувчи кўпдан-кўп ғариб таърифлар, китоблар, мақолалар бор. Қуръон руҳнинг сирларини билдираркан: “Аллоҳдан эди – Аллоҳга қайтди” деган таърифни берганки, рухга оид барча ғавғоли тушунчалар тинди-қўйди, рух ўз билинмаслигида қолиб, ҳақиқатга етишди» [19].

Бу мулоҳазалар шуни маълум қиладики, инсон ўз камолотида чексиз имкониятга эга. Ва ҳар бир кишининг камолоти унинг ўзига боғлиқ. Аммо, бу фикрлардан Азизиддин Насафий ва унинг маслакдошлари тақдири азални тан олмаган экан, деган хулосани чиқармаслик керак. Ул зот тақдири азални тан олган. Бу масалани валий сифатида теран таҳлил этган. Шайхнинг талқинига кўра, тақдир билан бирга тадбир ҳам бор.

Тақдир – Худодан, тадбир – инсондан. Худованд тақдирни белгилаб қўйган бўлса-да, инсонга ривожланиш, билим ва маърифат (билим) эгаси бўлиш имконини ҳам берган. Агар шундай бўлмаса эди, Худони таниш ва севиш ҳамда ҳаёт кечиришнинг иложи ҳам, маъноси ҳам бўлмаган бўлур эди.

Шундай қилиб, рух такомилнинг охири йўқ, чунки Парварди-горнинг билими чегарасиздир. “Агар қобилиятли одамнинг умри минг йил бўлса ва минг йил умрининг барчасини такво ва тоатда ўтказса, у ҳар куни илгари билмаган бирон нарсани билиб олади”, дейди Азизиддин Насафий. Насафий қарашларининг яна бир жиҳати диққатни тортади: унинг фикрига кўра, факат рух такомиллашув хислатига эга бўлиб қолмай, балки рух ва жисм бирга тараккий этади, мукаммаллашади.

Юқорида биз, инсоннинг биологик моҳияти билан бир қаторда ижтимоий моҳияти ривожланиш, такомиллашиш ва паст поғонадан юқори поғонага кўтарилиш имконига эга, деган фикрни илмий

асослаб берган эдик. Насафий бу фикрни башорат килиб, 700 йил аввал айтиб кетган.

Алломанинг замондошлари Ибн Арабий, Фаридиддин Аттор, Жалолоиддин Румий, Ибн Рушд ва бошқалар асосан ва фақат рух тараккиёти ҳақида гапириб ўтганлар. Насафий эса бундай ёзади: **“Жисм ҳам, рух ҳам бирга ривожланади ҳамда комилликка эришгунча, зинапоялардан бирга кўтарилиб бораверади ва даражаларни эгаллайди”**[19]. Рух – жавҳар, Жавҳари Зотнинг бўлаги, у жисмни ҳаракатга келтиради ва такомиллаштиради ҳамда ўзи у билан бирга такомиллашади. Жонсиз моддаларнинг жонли шаклларга кириши, ҳаёт, тириклик оламининг вужудга келиши, унинг беҳисоб кўринишлари – буларнинг барчаси рух мўъжизаси, унинг қуввати ва қудратининг намоишидир.

Минг йиллар муқаддам идрок этилган бундай тадрижий ривожланиш назарияси, бир томондан, одам боласи билан оламнинг, одам билан Мутлақ рухнинг боғлиқлиги, Мутлақ рухнинг бирламчи асос эканлигини англатса, иккинчи томондан, буюк оламнинг кичик нусхаси бўлмиш одамнинг тараккиёт диалектикасини ҳам англатиб туради.

Азизиддин Насафий айтадики: “Инсоннинг вазифаси – узлуксиз маърифат (*билим – бизнинг изоҳ*)га интилиш, нур билан тўлишиш ва билим тошиб, мусаффолик сари талпинишидир”. Яна айтадики: “Одам нақадар маърифат (*билим – бизнинг изоҳ*)ли ва покиза бўлса, унинг жаннатдаги жойи ҳам шунча юксак бўлади”. Фикрини давом эттириб Азизиддин Насафий ўқувчига мурожаат килиб: “Лекин сен жисмнинг манбаи нима, у нимадан пайдо бўлганини ва рухнинг манбаи нима, у нимадан пайдо бўлганини билганингдигина бу сўзлар сенга равшан бўлади”[19], дейди.

“Рух (жон) Худованд оламдан келади ва у мақсад қилинган ишларни амалга оширгач, яна қайтиб, Худованди олам ҳузурига йўл олади **“Ундан бошланади ва Унга қайтади”**, дейилишининг маъноси шундай”[19].

Инсон руҳи тўғрисида тасаввуфнинг машҳур шайхларидан бири, кубравия тариқатининг асосчиси Нажмиддин Кубро (1145 – 1221) қуйидаги фикрларни айтиб ўтган. “Нажмиддин Кубро руҳий кечинмалар, нозик ҳолатларни пухта билганидан, шунга мувофиқ “латоиф” назариясини ишлаб чиқади. Бу назарияга биноан, инсон руҳи кўзга кўринмас бир латиф марказлардан иборат. Бу онг ва

туйғу ҳамда жисм орасидаги бир нарса. У шундай нозикки, уни илғаб олиш ҳам мушкул. Аммо инсон ҳаётида бу “латиф” марказларнинг аҳамияти катта”[55], – дейди аллома.

Ибн Синонинг фикрича, рух инсон танасида томир ва асаблари орқали айланиб юрувчи эфирсимон бир жисм. Ибн Сино назарида рух, ақл, ишқ каби тушунчалар яхлит фалсафий таълимотнинг турли мавҳумлари ўларок, ўзаро вобастадирлар. Шунинг учун Шарк мутафаккирлари бу тушунчаларнинг бири ҳақида гапира туриб, албатта, иккинчисини ҳам тилга олиб ўтганлар. Сабаби, ақл рухнинг интилиши, ҳаракатлантиришини англаувчи қувватдир.

“Бизнинг руҳимиз, – деб ёзади Ибн Сино[38] “Китоб уш-шифо” рисоласида, – гўёки, икки юзlidir. У бир юзи билан пастга – жасадга қараган бўлиб, жисмоний табиатига кўра, жинсий ҳаракатдан ўзгани қабул этмайди; юқорига – олий сабабиятга қараган иккинчи юз эса ана шу олий сабабиятга хос ва унинг таъсиридаги фазилатларнигина қабул қилади.

Рух шу икки олам билан алоқадорликдадир. Куйи оламга уни соф идрокий ақл боғласа, юқори оламга Фаол ақл боғлаб туради”. Ердаги ижобий ходисаларни осмондаги Фаол ақл бошқариб туради (М.Форобий)

Мазкур фикрлар алломанинг “Рисола фи-ишқ” асарида янада кенгрок ҳамда ёрқинрок баён этилган. Ибн Сино ёзадики, агар рух ўзининг моддий жисмларга йўналтирилган томони таъсирига берилса, кишини маънавий қаппоклик, бахтсизлик сари етаклайди. Рухнинг фароғати ҳам чинакам комил – ёвузликдан қутулиб, моддий оламдан ажралиши, уни ато этган ақллар олами томон парвози билан амалга ошади”[38].

Ибн Сино айтадики, барча жонли ва жонсиз мавжудотда ишқ мавжуд, уларнинг ҳар бири, ўз даражаларига кўра ўзгаришда, кўпайиш ва янгиланишда, яъни камолотга томон интилишдадирлар. Чунки кулли ашё (бўлак) табиий равишда Биринчи сабабиятга қараб интилади. Унинг рисоласи куйидаги сўзлар билан бошланади: “Бошқариладиган ҳар бир алоҳида жавҳар табиатига кўра, соф хайрнинг ягона жавҳаридан яралган жузъий хайр ўз тақомилига интилади... барча мавжуд ашёлар табиий истакка – туғма ишққа эгадирлар. Бундан чиқадиган мантикий хулоса - **ишқ барча мавжудотларнинг яшаш сабабидир.** (Бу фикрни, одамзод мисолида, Австрия мутафаккир олими Зигмунд Фрейд илмий асослаб берган.

У ботиний, яъни онгости оламини кашф этган. Муфассал билиш учун Стефан Цвейгнинг “Фрейд” бадеасига каранг).

Ибн Сино муҳаббатни умумжаҳоний ҳодиса, оламий (космик) кувват деб билади. Унинг наздида инсонни камолотга етиштирувчи бирдан-бир куч ана шу муҳаббатдир. У инсон руҳини маҳлиё этиб, эзгуликка, мусаффо хайрга етаклайди. Эзгулик эса Ибн Сино асарларида жуда кўп маъноларда қўлланилади: Эзгулик бу – Мутлак ҳақиқат; бу – Ақли кулл; бу – коинот, табиат ва инсон хақидаги билим; бу – маънавий етуклик; олижаноб ҳиссиётлар тантанаси; ниҳоят, бу – инсоний бурч, яхшилик, хайрият, доимий руҳий покликдир.

Модомики, ишқ-муҳаббат кишининг истак-хоҳиши, саъй-ҳаракатини ифодалар экан, бу ҳаракат пастга йўналса, ҳирсий, ҳайвоний кувватлар ғолиб келиб, руҳ емирилади. Натижада, инсон бахтсизликка учраб, тубанлашади. Бунга йўл қўймаслик учун ҳайвоний кувватларни инсоний кувватларга бўйсундириб, нафси окилага тўла итоат эттириш лозим. Шундагина ақл ва ишқ ривож топиб, руҳ мусаффолашади.

Ўтган алломаларнинг руҳ тўғрисидаги фикрларини чексиз давом эттириш мумкин. Бундай фикрлар деярли барча тасаввуф олимлари ва пирлари, шу жумладан, Умар Хайём, Алишер Навоий, Бедил, Машраб ва бошқа мутафаккирлар ижодида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Уларнинг фикрларини умумий маҳражга келтирадиган бўлсак, у тахминан юкорида руҳ тўғрисида айтилган фикрларни тасдиқлайди.

Ҳинд мутафаккирларининг фикрига кўра эса, руҳ кўзга кўринмайдиган борлик бўлиб, у унинг манбаи Тангри таоло сингари, абадийдир. Уларнинг таълимоти бўйича, руҳ бир танадан бошқасига кўчиб юради. Ҳатто одам руҳи, бу дунёда тарбия кўриб такомиллашмаса, дунёга кейинги келишида ҳайвон жисмига ва ҳатто ўсимликка ўтиши мумкин. Ва аксинча, бу галда ўсимлик ёки ҳайвон руҳи бўлиб келган бўлса, кейинги гал дунёга келганида одам руҳи бўлиб келиши мумкин, дейишади.

Америкалик психотерапевт олим Вернон Вульфнинг руҳ тўғрисидаги фикрлари куйидагича: Сизнинг танангиз ва руҳингиз бир бутунликни ташкил қилиб, бир-биридан ажралмасдир. Руҳ тана фаолиятининг маҳсулидир. Жисмоний танангиз эса, яъни бўйбастингиз, қўл-оёғингизнинг шакл-шамойили ва бошқа жисмоний

кўрсаткичларингиз, сизни ташкил қилувчи фикр шакллари дидир. Ўз жисмоний такомилингиз устида қандай фикр юритсангиз, танангиз шу шаклга аста-секин киради. Тана ва фикр, яъни жисм ва рух ўзаро узвий боғлиқ бўлган бир бутунлик дидир.

Сизнинг жисмоний шаклингиз сиздаги устун фикрлардан келиб чиққани каби, руҳингиз такомилни сизнинг танангиз такомилни орқали амалга ошади. Афлотун, Арасту ва Форобий бунинг тескарасини айтадилар. Аксинча, руҳ такомилни танага ҳам оқилона қуч-қувват беради.

Сизнинг жисмоний такомилингиз ва руҳий камолотингиз ичингизда яшириниб ётган “Мен”ингиз – нутфа уруғга боғлиқ. “Мен”ингиз сиз яратилмасингиздан олдин тузилган сизнинг дастурингиз дидир. Она қорнидан бошлаб, сўнг бу ёруғ дунёдаги тараққиётингиз сиз учун тузилган ана шу дастурга боғлиқ. Дастурга қўшимча киритмоқчи бўлсангиз, ўз “Мен”ингизни танинг”[83] деб, Вернон Вульф, киши ўзининг “Мен”ини топиб, таниши ва уни такомиллаштиришнинг йўл-йўриқларини тузиб берган. (Ғаззолий ва Аттор, Румий фикрлари кўп асрлар аввал айтилган).

Рух тўғрисидаги фикрларни яқунлаб, шуни уқиб олишимиз жоизки, рух ўзи бор нарса, аммо уни кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлмайди, у малакут оламидан. Ахир қадимги замонлардан бошлаб, шу кундаги минг-минг аллома-ю олимлар бу масала билан шуғулланиб, ўз фикрларини айтмоқдалар. Шундай экан, кундалик ҳаётимизда ўрганиб қолган жузъий нарсалардан юқорироққа, авомий тафаккурдан фалсафий тафаккурга кўтарилиб туриб, бир фикр юритайлик. Астойдил ҳаракат қилган киши, рух ва руҳий олам вакилларини кўрмаган тақдирда ҳам, уларнинг мавжудлигини ҳар дақиқада сезиши, улар билан мулоқотда бўлиши мумкин. Аммо бунинг учун киши, алломалар айтганидек, ҳам жисмонан, ҳам маънан пок бўлиши керак. Рух бу покиза ва латиф нарса. Дарвоқе, “Менинг одамларим бор” деб, улар билан мулоқотда бўлувчи ва уларга маълум бир кўрсатмалар берувчи одамлар ҳам учрайди.

Ундан ташқари, ҳар қандай одам умрида лоақал бир маротаба қаттиқ уялиб, изгироб чеккан. Ана шунда одамнинг қалби – “руҳи” ёниб, ўзини кўярга жой тополмай қолганда, нима учун азоб чекаётгани устида бир ўйлаб кўринг-а. Бу жисмоний азоб эмас, албатта. У рух эканини англаймиз. Жисмсиз мавжудотлар руҳларини

нинг жисмга хос ранги, шакли, оғирлиги, таркибий қисмлари бўлмайди. Булар шу сабабли кудратлидир.

Руҳ масаласига шунчалик тўхталиб, у тўғрисида етарли даражада тушунча ва тасаввурга эга бўлишга интилишдан мақсад – инсон, ўзаро узвий боғлиқ бўлган, учта борлиқ – жисм, ақл ва руҳ мажмуидан ташкил топганлигини пухта эгаллаб олишлиқдир. Чунки, киши ўз такомил устида ишлаб, баркамол бўлишликни жазм қилган экан, унинг ўзлигини таниши, жисмини ривожлантириши баробарида ақл ва руҳини ҳам баб-баровар тарбия қилиб такомиллаштириши шарт эканини англаши лозим. Акс ҳолда қилган ҳаракатлари зое кетади.

Руҳ тўғрисида етарли маълумотга эга бўлганимиздан кейин, иймон ва эътиқодни мустаҳкамлаш йўллари билан сизни таништирамиз. Чунки руҳ ва иймон ўзаро узвий боғлиқдир. **Руҳи кучли одамнинг иймон-ишончи ҳам юқори бўлади.** Абдулҳай Абдурахмонов “Руҳ сирлари” китобида Куръон оятларига ўзгартиш киритиб, янгилаши залолат ва куфрдир.

Ҳар қандай одамда маълум даражада иймон, яъни виждон бўлади, албатта. Мутлақо иймонсиз одамлар ҳам бор. Иймон, бировда юқори, бировда эса паст бўлиши ҳам табиий ҳол. Иймонни мустаҳкамлаш учун, уни тинмай тарбиялаб турилмаса, виждони сусайиб кетиши ҳам аниқ.

Иймонни тарбиялашнинг асосий йўлларидан бири, руҳни чиниктириш. Руҳни, иймонни чиниктириш ва уни баркамол ҳолатга келтириш учун, авваламбор, шу нарсани ният қилиш керак.

Ният қилиш, шу жумладан, иймонини мустаҳкамлашни ҳам мақсад қилиш учун, киши шу нарсани дилдан ўтказиб, хаёлига келтириши керак. Масалан, иймонни мустаҳкамлашни тил билан мақсад қилдингизми, “иймонимни мустаҳкамлайман” деб хаёлингизга келтириб, дилингиздан ўтказинг, буни дил билан тасдиқласангиз, нур устига аъло нур бўлади. Аммо, ният қилиш учун, шу фикрни дилингизга албатта келтиришингиз шарт.

Ният қилиб, уни дилингиз билан тасдиқлаганингиздан кейин, иймонни мустаҳкамлайдиган амаллар билан шуғулланиш шарт бўлади. Иймонни мустаҳкамловчи амаллардан энг оддийси ва ҳамма учун муҳими – бу виждонни соф сақлаш, виждонсиз ишларни қилмаслиқдир.

Рухни чиниктириш йўлидаги дин талаблари анча жўн бўлгани билан, унинг учун маълум даражада ақлий қувват ва анчагина вақт талаб қилинади. Инсониятнинг шу кундаги тараққиёт босқичи вақтдан жуда ҳам унумли фойдаланишни тақозо қилмоқда. Болалар олти ёшга тўлиши билан мактабга борадилар. Мактабдаги билим олиш жараёни ва мактабдан кейинги уй вазифаларни бажариш, болалардан вақтдан ниҳоятда тежамкорлик билан фойдаланишни талаб қилади.

Мактабни тугатгандан сўнг академик лицей, коллеж ва олий ўқув юрти ҳамда улардан кейинги меҳнат жараёни ҳам инсондан вақтдан тўғри фойдаланишни тақозо қилади.

Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз (сав), кишилик жамиятининг ривожланиш истикболини олдиндан кўра билган ҳолда, “билим эгаллаш ибодатнинг энг юқориси”, “меҳнат эса ибодатнинг яхши тури” деб, бизларга айтиб кетганлар.

Шу нуқтаи назардан келиб чиққанда, одамлар интенсив равишда билим олиш ёки фидокорона меҳнат қилиш жараёнида бўлганларида, намоз ва рўза амалларини бажаришга мажбур қилинмайдилар. Гарчи улар таътилда ёки нафақада бўлиб, бўш вақtlари бўлса ёинки уларнинг меҳнат жараёни кўп куч ва вақт сарфлашни талаб қилмаса, у ҳолда, иложи борича намоз ўқишлари ва рўза тутганлари маъқул. Чунки, руҳни фойдали машқларсиз қолдириб бўлмайди. Рух машқлантириб турилмаса, дарров унга шайтоний нафслар хуруж қила бошлайди. Натижада, рух ҳасталанади. Шунинг учун, рухга озуқа берувчи ва уни чиниктирувчи машқларни тўхтатмаслик лозим.

Рухга озуқа берувчи ва уни машқлантирувчи амаллардан улурги **билим олишлиқдир**. Билим олиш, ибодатнинг энг юксаги эканлигини, Пайғамбаримиз (сав) ҳадисларидан билдик. Энди билим олишнинг ўз сир-асрори борлигини ҳам билиб қўйишимиз лозим. Чунки, билим олиш қоидаларига риоя қилмай, бу амални бошласак, билимга ҳам эга бўлмаймиз, вақтни ҳам бекорга ўтказамиз. Билим олиш сирларини, монографиянинг “Билим йиғиш усуллари” деган бандидан билиб оласиз.

Касб-ҳунар коллежи ёки қайсидир устанинг қўлида таҳсил олиб, ҳунарга эга бўлиб чиққанингиздан сўнг, эгаллаган билимларни амалиётда ишлатишингиз учун меҳнат жараёнига ўтасиз. Меҳнат ҳам, ибодатнинг яхшиларидан бири эканини унутманг.

Меҳнат қилишнинг ҳам ўз конун-қоидалари бор, улар тўғри-сида ҳам монографиянинг кейинги бандида сўз юритамиз. Меҳнат қилишнинг барча қоидаларига риоя қилиб, меҳнат фаолиятингизни амалга оширсангиз, руҳингиз озука олади ва чиникади.

Имонли бўлишликнинг шартларидан бири, садака деб қўйилганлиги сабаби, **садақа** руҳга жуда ҳам яхши озука бериши баробарида, дилни яйратади. Шунинг учун садақа бериш йўли билан руҳни озиклантириб, уни чиниктириб туриш лозим. Садақа деганда, фақат тиламчи гадоларга бериладиган эҳсонни тушуниб қолманг. Шайх Ат-Термизий пирымиз айтганларидек, бировга тўғри йўлни кўрсатиш ҳам садақа, ўздан кичикларга салом бериш ҳам садақа, пакирдан бировга сув қуйиб бериш ҳам садақа, садаканинг энг эзгуси бошқаларга билим бериш. Садаканинг тури кўп, уларнинг барчасидан унумли фойдаланиб, руҳингизни яйратинг ва уни чиниктиринг.

Умуман, инсоннинг барча қиладиган эзгу ишлари руҳга озука бериб, уни чиниктиради. Эзгу ишнинг энг олижаноби – **муҳаббат**.

Севги – муҳаббат, инсон табиатининг завқланган **нарса**-сига майл қўйишдир, деб қисқача таъриф берса бўлади. Инсоннинг муҳаббати дунёдаги ҳар қандай нарсага тушиши мумкин. У табиат гўшаси, маълум бир ўсимлик тури ёки жонивор, ё сув ҳавзаси, тоғ, дала, боғ ёки мусиқа, расм, иншоот ё бирон-бир ишлаб чиқарилган буюм ёки инсоннинг ўзи бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Шу ерда, ёшлигимизда, бир журнал саҳифасида ўқиган бир мақолани, мисол тариқасида келтириш жоиз бўлиб қолди. Европанинг бир мамлакатада, бир киши уй сотиб олади. Уй эгаси калитни топширганидан кейин, уйни сотиб олган киши, уни тозалаб, саранжом қилиш мақсадида, уй ичини қараб чиқиши жараёнида, деворга ўрнатилган шкаф ичидан билакдек йўғонликдаги соч ўрамини топиб олади. Бу соч ўрамининг ранги, узунлиги ва ўрамларининг жозибadorлиги, уйни сотиб олган кишини мафтун қилиб, у соч эгасини кўрмасдан туриб севиб қолади. Аммо қанча изламасин, соч эгасини тополмайди. Шунда у, соч ўрамига хар куни бир қараб қўйиш билан ўзини овутади. Аммо, соч ўрамига муҳаббат фетишга, ширкка айланмасин.

Кишининг назари тушган бирон-бир нарса ёки ҳодисани беихтиёр яна кўргиси, уни ҳис қилгиси келиб, унга илҳақ

бўлиб интилса, демак, унинг шу нарса ёки ходисага меҳри тушган.

Муҳаббат руҳий ҳодиса бўлиб, муҳаббатнинг тоза ва ҳақиқийлиги, инсондаги мавжуд руҳнинг такомили билан узвий боғлиқ. Одам дили пок, ширин сўз, меҳнатни севувчи, сахий ва жасур бўлса, ундай кишининг муҳаббати чин ва покиза бўлади. Руҳи айниган, қўпол сўз ва дангаса одамнинг муҳаббатига ишонманг, ундаги муҳаббат – шаҳвоний майлдир.

Муҳаббатнинг энг олийси Тангри таолога йўналганидир. Аммо у ҳаммага насиб этавермайди, ҳамма унга эришавермайди. Чунки, кўрган нарсасини яна кўришга интилиш учун, аввал уни бир кўриши керак бўлади. Аммо Аллоҳ кўзга кўринмайди. Уни ақл ва дил кўзи билан кўриш лозим. Руҳи ва ақли ниҳоятда ривож топган инсонларда Илоҳий муҳаббат пайдо бўлади.

Муҳаббатга илмий нуқтаи назардан карасак, эстетик, руҳий ва шаҳвоний муҳаббат билан бирга, комилликка яқинлашган баркамол одамларда сўз билан таърифлаб бўлмайдиган, Олий муҳаббат пайдо бўлади. Бу бутун борликка, уни вужудга келтирган Худога бўлган муҳаббатдир. Ана шунда инсон мутлак бахтга эришади. Қолган ишқ-муҳаббат ўтқинчи бўлиб, Олий муҳаббат боқийдир. Бунда муҳаббатга, инчинун абадий бахтга эришиш учун киши ўз руҳияти устида тинмай ишлаши лозим.

Тангридан кейин севгининг энг кучлиси одамнинг бошқа кишига бўлган меҳридир. Бундай муҳаббат ота-онага, оға-инига ёки бошқа оила аъзоларига, қариндошларига, дўстига, устозига ёки қарама-қарши жинсдаги инсонга нисбатан бўлиши мумкин.

Табиат гўшалари ва унинг унсурлари бўлган дарахт, ўтлоқ, хайвонларнинг бир тури ёки инсон яратган чиройли нарсалар ҳамда инсоннинг хусни, одамда эстетик севгини пайдо қилади ва гўзалликни яратганга таҳсин, тасанно айтади.

Инсоннинг инсонга бўлган муҳаббати эстетик севгига қўшимча, руҳий ёки шаҳвоний бўлиши мумкин. Бир кишининг руҳи бошқа бир кишининг руҳи билан мос тушса, улар бир-бирларига беихтиёр интиладилар. Рух бирлиги кўпроқ яқин кишилар орасида бўлгани туфайли, оила аъзолари ва қариндош-уруғлар бири-бирини кўпроқ руҳий яхши кўрадилар..

Қарама-қарши жинсдаги одамга, яъни маҳбубига бўлган эстетик ва руҳий муҳаббатга яна шаҳвоний муҳаббат ҳам қўшилиши

мумкин. Одатда, қарама-қарши жинсдаги одамга бўлган ҳис-туйғулар кишида якка-якка ёки ҳар турли уйғунликда учрайди. Масалан, бола қизни (ёки аксинча) чиройига учган бўлиши мумкин ёки қизнинг унча чиройи йўқ, боланинг унга шахвоний ингилиши ҳам йўқ, аммо рухий бирлиги туфайли унга беихтиёр тортилиши мумкин. Одам бу туйғуларнинг ўзида қайси тури ё қайси уйғунликда мавжуд эканини билавермайди. Шахвоний туйғу билан бир қаторда эстетик ва рухий туйғулар ҳам киши дилини тўлқинлантириб, жасорат кўрсатишга даъват этади”[38].

Севги-муҳаббатнинг Тангрига бўлганидан кейинги даражадаги энг кучлиси, қарама-қарши жинсдаги одамга бўлган уч турдаги муҳаббатнинг уйғунлигидир. Балки Афлотун муҳаббатни таърифлаётганида айнан шу севгини кўзда тутгандир. Афлотун муҳаббат ҳақида шундай деганди: “Менимча, одамлар муҳаббатнинг асл қудратини англаб етмаганлар. Агар улар буни тушунганларида эди, севгига атаб улугвор ибодатхоналар ва меҳроблар қуриб, қурбонлик келтирган бўлардилар. Лекин биринчи галда бажарилиши лозим бўлган бу вазифани ҳозиргача ҳеч ким адо этмади. Ахир, Эрос – энг инсонпарвар маъбуда. У одамларга ёрдам беради, шунингдек, инсониятни дарду аламлардан фориғ этиб, буюк саодатга нойил этади”[88].

Рухни тарбиялайдиган амаллардан яна бири, ўзининг **одобини намойён қилиш**. Одамларга хушмуомалада бўлиб, уларга кулиб бокиб, уларнинг хизматига тайёр турсангиз, руҳингиз яйраб қувватланади. Кийиниш одоби ҳам, рух тарбиясининг самарали турларидан бири. Озода ва ўзингизга ярашган кийимни кийганда, руҳингиз яйраб, ўзингизни бахтли ҳис қиласиз. Бу нарса руҳингизни машқлантириб, уни чиниктиради.

Рухни чиниктиришнинг навбатдаги усули, сизни ноҳақ ҳақоратлаганларида ёки бошқа нохуш воқеалар рўй берганда, ўз “полвонлигингиз”ни кўрсатиш амалидир. “Полвонлик” деганда, сизга нисбатан қилинган барча адолатсизликларни кўтариш, рўй бериб турадиган фалокатларга чидаш, **бардош бериш** демакдир. Бундай “полвонлик”ни ҳамма ҳам уддасидан чиқа олмайди. Бунинг учун рух ниҳоятда бақувват бўлиши баробарида ақл ҳам фаол иштирок қилиши лозим.

Рух озукасининг ва дил байрамининг энг ноёбларидан бири, **саховатдир**. Одамларга саховат кўрсатсангиз, биринчи навбатда,

Ўзингининг дилингиз яйрайди, руҳингиз озукланиб, иймонингиз мустаҳкамланади, саховатли бўлинг азизлар!

4-§. Ақл ва руҳ тарбияси

Инсон бошқа махлуқотлардан ўзининг билими билан фаркланишини айтдик. Одам билимни, фақат ақлини ишлатиб туриб эгаллаши мумкинлиги ҳам юкорида айтилди. Ақлли киши деган фазилатга эга бўлиши учун, муайян шахс тинмай ақлини ишлатиши лозимлиги ҳам исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат. Шу ерда, “ақл” тушунчасини шарҳлаб ўтишнинг ўрни келди.

Ақл – инсон миясининг дунёни ақс эттириш ва шахснинг воқеликка бўлган муносабатларини бошқариб турадиган фаолияти. Ақл – объектив дунё – нарса-ҳодисаларнинг муҳим қонуний алоқаларини, яъни билимларини ақс эттириши натижасида, шу воқеликни ижодий ўзгартириш имконини беради. Фикрнинг теранлиги, танқидийлиги, уйғунлиги, кенглиги ва тезлиги ақлнинг муҳим сифатлари ҳисобланади. Ақл яшаш шароити таъсирида фаолият, айниқса, таълим-тарбия жараёнида ривожланади ва такомиллашиб боради. Ақл тарбияси билимларни тўплаш, бирор нарсани таҳлил ва синтез қилиш, нарса ва ҳодисаларни таққослаш ҳамда таснифлаш, уларни бир тизимга солишни назарда тутати. Ақлий тарбиянинг вазифаси, кишида интеллектуал кўникмалар, яъни ҳар қандай фан билимларини ўрганишда қўлланиладиган умумий ўқув кўникмалари – ўқиш, тинглаш, ўз фикрини оғзаки баён этиш, ёзиш, манба билан ишлаш, мустақил ишлаш малакаларини, шунингдек, бирор фан билимларини эгаллаш бўйича зарур бўлган махсус кўникмаларни эгаллашдан иборат.

Илмий дунёқарашни шакллантириш, яъни одамларга олам илмий манзараси, табиат ва жамият тараққиётининг асосий қонуниятларини тушунтириш ҳам ақлнинг муҳим вазифаларидан биридир. Таълим ва тарбия, ўйин ва меҳнат жараёнида, ҳаётий вазифаларни ҳал этиш ва одамлар билан мулоқотда, оммавий ахборот воситалари орқали олинмайдиган ахборотларни қабул қилиш ва ўзлаштиришда ақл фаолияти интеллекция рўй беради [54].

Киши маънавияти ва бутун ижтимоий моҳиятининг бирламчи асоси ва ақл фаолиятининг маҳсули билим эканлигини билдик. Бу ерда, билим ўзи нима? – деган савол пайдо бўлиши табиий. Бу саволга синергетика ва мажмулар назариясидан келиб чиқиб,

билим – бу бир бутунликни, яъни мажмуни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги зарурий алоқадорликдир, деб жавоб берса бўлади. Бу алоқадорлик, мажмунинг тадрижий ривожига жараёнида, уни ташкил қилувчи қисмлар таракқиётининг ички заруриятидан келиб чиқади. У нарса ва ҳодисаларнинг табиатидан пайдо бўлиб, бизнинг ихтиёримиздан ташқарида мавжуд. Шунинг учун ҳам, уни қонуният (гоҳо қонун) деб юритилади. Бу ерда бир **бутунлик**, яъни мажму деганда, алоҳида олинган квантдан тортиб, Ер шари ёки бутун Коинотни ҳам тушуниш мумкин. Инсон вужуди ёки унинг бир аъзоси – юз, кўз, кулок, оёк ва бошқаларни; бирон-бир машина ёки унинг қисмлари гайка, шайба, дўнгалак, дудкарнай ҳам бир бутунлик – мажму бўлиши мумкин эканини ҳам биламиз. Унга ижтимоий ҳодиса – муҳаббат, нафрат, ғазаб, шафқат ва ҳоказолар ҳам мисол бўла олади. Ҳар қандай бутунлик, албатта, бир неча қисмлардан ташкил топган бўлади. Буни бутун борликка мажму ёндашув тамойилидан билса бўлади.

Мана шу бутунликни бутун қилиб турган, унинг қисмлари орасидаги функционал(зарурий) алоқадорликдир. Бу алоқадорлик бўлмаса ўша нарса ёки ҳодиса бутун бўлиб туролмайди. Зеро, мавжуд бўлмайди. Уқитувчи, домла ёки бошқа бир киши сизга билим бераётганида ёки бирон бир нарса ва ҳодисани тушунтираётганида уни бутун қилиб турган алоқадорликларни сизга тушунтириб, кўрсатиб беради.

Билим – нарса ва ҳодисаларнинг ички заруриятидан келиб чиқиб, бизга қонуният, қонун, қоида, хусусият, тушунча, таъриф деган номлар билан ўзини намоён қилади.

Нарса ва ҳодисаларда қонуният, қонун, хусусият ва ҳоказолар сифатида намоён бўлувчи, бутунликларнинг қисмлари орасидаги зарурий алоқадорликнинг киши тафаккуридаги инъикоси билим дейилади.

Билиш жараёни ақлий сафарбарлик орқали тафаккур фаолияти натижасида содир бўлади. Ҳар қандай амалий ҳаракатни бошламасдан олдин, бу ҳаракатнинг кечиш қонунияти, яъни билимини эгаллаб олиш шарт. Акс ҳолда киши ўйлаган мақсадига ета олмайди. Тафаккур фаолияти фикр юритиш жараёни натижасида амалга ошади.

Фикрий жараённинг икки асосий тури мавжуд. Бири рационал тафаккур фаолияти; иккинчиси – мураккаб (ички

туйғулар) ёрдамида фикр юритиш. Биринчиси объектив борлиқнинг хусусий томонини ҳис қилса, иккинчиси тўлқин жабҳаси билан боғлиқ.

Рационал тафаккур миянинг чап ярим шарида амалга ошири- либ, нарса ва ҳодисларнинг хусусиятларини ифода этади. Кундалик ҳаётимизнинг кўп қисмида, биз айнан шундай тафаккурдан фойда- ланамиз. Бундай тафаккур ёрдамида биз илмий китоб ўқиймиз, телевизор кўрамиз, уй юмушларини бажарамиз, тижорат билан шу- ғулланамиз. Бунда киши нарса ва ҳодисаларнинг хусусий томон- ларини қисмма-қисм ҳис қилиб, уларни бир-бирига рационал боғ- лаб туриб англайди. Тасаввуф таълимотида бундай билишни **сунна ёки ибрат босқичи** деб юритилади. Бу босқичда киши сезги аъзо- лари орқали ҳис қилган нарса ва ҳодисаларни тафаккурда акс этти- риб, билим эгаллайди. Бу билимларни у ҳаётга **тақлид** қилиш орқали қўллайди. Бундай жараён кишининг эгаллаб олган билим- ларини эслаб қолиб, уларни механик равишда бажариш, яъни – бу **ибрат** орқали амалга ошади. Бу йўл билан эгалланган билим **асотир билим** дейилади.

Муроқаба ёрдамида фикр юритиш асосан миянинг ўнг ярим шарида амалга оширилиб, объектив борлиқ тўлқинини ҳис қилади. Бундай тафаккур орқали инсон тасаввур қила олади, ҳиссиётга берилади, ният ва ижод қилади, завқланади, бадиий адабиётларни ўқийди, илм билан шуғулланади. Бу турдаги тафаккур ёрдамида инсон объектив борлиқни бир бутунлик – мажму сифатида ҳис қилиб, шу бутунликни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги зарурий алоқадорликни ҳис қила олади. Бунда инсоннинг мантиқий тафак- кури билан бирга абстрак тасаввури ҳам фаол қатнашиб, унда ҳис қилган билимларини бошқаларга маълум қилиш иштиёқи пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам тасаввуфда бундай билимлар илмий **билим, бу босқич эса маърифат** босқичи дейилади.

Шундай қилиб, энг оддий нарсалар устида фикр юритганимиз- да ҳам, миянинг иккала ярим шари ишга тушади ҳамда ҳар бир нарса ва ҳодисани аввал рационал тафаккуримиз билан ҳис этиб, сўнг тасаввур орқали унинг моҳиятига етиб борамиз. Нарса ва ҳо- дисаларнинг моҳиятини тушуниб етиш учун анчагина аклий қувват сарфланиб, муайян вақт зарур бўлади.

Миянинг қоқ ўртасида диагональ бўйлаб жойлашган текисликда рационал ва муроқаб

ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, барча ўй - фикрлар ана шу текисликда кечади.

Миянинг чап ярим шари тананинг ўнг томонини назорат қилиб турса, ўнг ярим шари чап томон фаолиятини кузатиб туради. Шунинг учун ҳам энг кучли ҳис-туйғулардан ҳисобланган севги миянинг ўнг ярим шарида пайдо бўлиб, чап томондаги юракни безовта қилади. Шу боис ҳам биз ўнг кўл билан ёзамиз, чунки бу рационал ҳаракат бўлиб, миянинг чап ярим шари томонидан бошқарилади. Юқорида айтилганлар шу замон руҳиятшунослик илм-фанининг тадқиқот натижаларидир.

Қадимги юнон файласуфи Демокрит (мил.авв. 460 – 360) куйидаги фикрни башорат қилиб айтиб кетган: **“Билишнинг икки кўриниши мавжуд. Уларнинг бири туйғулар воситасида билиш, иккинчиси тафаккур ила билишдир”**[88]. Буни ҳозир ҳиссий билиш ва ақлий билиш дейдилар.

Юқорида келтирилган тафаккурнинг икки тури орқали билим эгаллашнинг биринчиси, яъни туйғулар орқали билишни тасаввуфда **ирфон ёки тасаввуф босқичи** дейилиб, унда **билим топиш учун рух сафарбар** этилади. Яъни ички ҳиссиётни ишга солиб, илҳом орқали билим аниқланади. Бундай билим **ботиний билим** дейилади.

Тасаввиф таълимотининг таъкидлашича, инсон Коинот хожаси бўлган Ҳақ таолонинг фаолият маҳсули бўлиб, вужудида табиат ва жамиятдаги бор бўлган жами билимлар мужассамланган. Нимаики билмоқчи бўлсанг, ўзингга, яъни руҳингга мурожаат қил, дейилади тасаввуфда. Мутасаввиф шоир айтганидек:

Бир сават ширмой нон турар бошингда,
Тилайсан бировдан бурда нон нечун?
Кишилар эшигин тақиллатгунча,
Қоқсанг-чи, эй нодон, дилинг эшигин!

Бу босқичда билимни эгаллаш усуллари рух фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, махсус руҳий машқларни, шу жумладан, илохий китобларнинг оятларини қайта-қайта такрорлаш (зикр қилиш) йўли билан руҳни мақсад сари сафарбар қилинади.

Ҳозирги замон илмий жамоатчилиги ҳам бундай билим топиш тури бор эканлигини эътироф этмоқдалар. Аммо унинг замонавий усул ва услубларини, яъни усуллари (методикаси)ни ҳали ишлаб чиқишгани йўқ. Урта асрда Марказий Осиёда сўфийлар бунинг бир

катор тариқатларини ишлаб чиққанлар. Сўфий шайх ва валийлар ботиний билимдан башорат қилиб, ва табиат кучларидан халқ манфаатлари йўлида унумли фойдаланиб келганлар. Буларга: Бобо Фараж, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Мотурудий, Маҳдуми Аъзам Даҳбедий ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Кишининг маълум бир мақсад сари қилган харакати фаолият дейилса, ҳар қандай фаолиятнинг пировард мақсади ё шахсий ёки жамоа, ёхуд бутун жамиятнинг қандайдир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган бўлади. **Жамиятнинг турли-туман эҳтиёжларидан энг асосийларидан бири билимга бўлган эҳтиёждир.** Бунинг боиси қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, соғлом инсон мияси табиий ҳолатда тинмай билим олиш эҳтиёжини сезиб туради. У мия ҳаёти мавжудлигининг шароитидир. Тирик жон қимирлаши шарт бўлгани каби, тирик миянинг ҳам, фикр юритмай иложи йўқ. “Билим инсон онги ва руҳининг озукасидир”, деган гап бор. Гегелнинг айтишича, энг жиддий эҳтиёж ҳақиқатни билишга бўлган эҳтиёж саналади[33]. Атрофимизни ўраб турган табиат ва ижтимоий ҳаёт жумбоқлар билан тўла. Бу жумбоқларни ечишга интилиш, яъни уларнинг сирасорига етиб бориш, уларни бир бутун қилиб турган қисмлари орасидаги зарурий алоқадорликни – ҳақиқатни англаш, инсон зотининг зарурий эҳтиёжларидан биридир. “Ҳақиқат олий шарофатдир”, дейилган “Авестода”. Зотан ҳақиқат – билим буюк мўъжиза. У асрлар мобайнида инсониятнинг олий мақсади, инсон қадр қимматининг мислсиз ўлчови бўлиб келган. Одамлар ҳар дақиқада ҳақиқатга интилганлар, ундан нажот излаганлар. Ҳақиқат адолатга, шарофатга элтадиган буюк қудрат. Ана шу қудратга эришиш одамнинг доимий эҳтиёждир.

“Ашаҳ (тўғрилиқ) – ҳақиқат энг гўзал ва фаровонлиқ моясидир. Дуруст амалли, энг яхши хоҳиш – бу Ашаҳ – Ҳақиқат” – дейилган Авестода[11].

Иккинчидан, ҳар қандай одам руҳий хотиржамлиги тўғрисида қайғуради. Руҳий хотиржамликни эса фақат билим бера олади. Бехуда хавотирланиш ва руҳ нотинчлиги кишининг билимсизлигидан ёки қилиб қўйган гуноҳлари ҳисобига бўлиши мумкин. Билими ошган сайин инсон тафаккури кенгайди. Кенгайган тафаккурда дунё кенг туюлади, тор тафаккурда, у тор бўлиб, руҳнинг безовта

бўлишига сабаб бўлади. Дунё кўзингга тор бўлиб туюлгандан ортиқ бахтсизлик бўлмаса керак.

“Авесто”да таъкидланганидек, одамлар калбидаги эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик туйғуларининг ўзаро курашида яхшилик тантанаси ҳамда эзгулик голиблигини таъминлашга одамларда маънавий кудрат, ижобий рағбат ва рухий даъваткорлик вазифасини ўтайдиган нарса – бу билим, яъни ҳақиқатдир.

Янги юз йиллик ва янги минг йилликнинг дастлабки пайтларида яшаётган бир вақтимизда ҳаёт, келажак биздан баркамолликни, инсон сифатидаги етукликни, одамий фазилатларнинг барчасини эгаллашни талаб этмоқда.

Танангизга бир ўйлаб кўринг-а, Қуръони каримда яхшилик мақсадида қайд қилинган оятларни, ўзининг тор тафаккури билан, муайян бир шароитдан келиб чиқиб, чаласавод домлалар томонидан берилган талқинларга ёки фатволарга ақида сифатида ёпишиб олиб, қанчадан-қанча одамларнинг, шу жумладан, ўзининг ҳам ҳаётига хавф солаётган террорчилар ҳаракатининг асосида, уларнинг билим даражаси ниҳоятда паст эканлиги эмасми? Албатта, шундай! Чунки, Ислом таълимоти тамойилларини яхши билган киши, ҳеч қачон бошқаларга ва ўзига зиён тегадиган ҳаракатлар қилмайди. Қуръони каримда бундай амаллар гуноҳи азим ҳисобланиб, ҳеч қачон кечирилмайди.

Янги юз йиллик тараққиётида бутун инсоният тарихида янги давр, янги эра бошланган бир пайтда цивилизациянинг муҳим омили сифатида ақл-идрок, бой тафаккур, теран фикр, маънавий-ахлоқий поклик ва рухий хотиржамлик катта аҳамият касб этаётганлиги ҳаммага аён бўлиши лозим.

Ҳақ таоло биринчи бор ўз Расулига мурожаат қилиб, - (“Эй Мухаммад, барча мавжудотни) яратган зот бўлмиш Парвардигорингиз номи билан (бошлаб) ўқинг”[78] – дейди. Бу сурада Аллоҳ яна шундай марҳамат қилади: “Ўқинг! Сизнинг Парвардигорингиз (инсониятга) қаламни (яъни ёзишни), ўргатган ўта қарамли зотдир. У зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди”[78]. Демак, Яратганнинг каромати билимдан, ўқиш ва ўрганишдан бошланган.

Учинчидан, фақат билими зиёда инсонгина руҳан тетик бўлиб, иймони мустаҳкам бўлади. Иймони мустаҳкам одам бахтли ҳисобланади. Бахтга эса, ҳамма интилади.

Аллоҳ таоло ояти калимасини: “Билгил, Аллоҳ якка-ю ягонадир”, - деган сўзни ҳам “бил” деган сўз билан бошлаган. “Кимки билим истаб кадам қўйса, Аллоҳ таоло унга жаннат йўлини осой қилгайдир”, - дейилган ҳадисларда. Аллоҳ таоло ояти калимасида: “Аллоҳдан унинг олим бандалари ҳақиқатан ҳам қўрқадилар”, - дейилган. Иккинчи бир оятда: “Бу сўзларни фақат олимлар тушунгайдир”, - дейилган бўлса, бошқасида: “Дўзахийлар: “Агар тинглаб, фикр юритганимизда эди, дўзах аҳлидан бўлмаган бўлур эдик”, - дейдилар” деб марҳамат қилинган.

Юқорида билим эгаллашнинг аҳамияти ташкилий нуктаи назардан таҳлил қилиб чиқилди. Энди билим эгаллаш жараёнини инсон онги, амалий ҳаракати ва руҳида содир қиладиган ўзгаришлар нуктаи назардан ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Инсон мақсадга етиш учун қиладиган ҳаракатини мулоҳаза юритишдан бошлайди. Яъни эҳтиёжни мақсадга айлантириш тўғрисида фикр юритади. Инсонда не-не эҳтиёжлар пайдо бўлмайди, дейсиз. Уларнинг кўпи яхши ният, яъни эҳтиёж босқичида қолиб кетади. Аммо баъзи бир эҳтиёжлар одам руҳида ўзини тинмай намоён қилавериши натижасида киши бу эҳтиёжни қондириш ёки қондирмаслик устида ўйлаб қолади. Кейин бу эҳтиёжни қондириш шарт ёки шарт эмаслиги тўғрисида бир фикрга келади. Қондиришга қарор қилса, демак, эҳтиёж мақсадга айланади ва амалий ҳаракат томон силжиш пайдо бўлади. Қондирмасликка қарор қилинса, эҳтиёж аввалги босқичида қолиб кетади.

Инсон фаолиятидаги мулоҳаза босқичи деб, тафаккурнинг киши руҳида пайдо бўладиган табиий ва ижтимоий эҳтиёжлар устида фикр юритиб, уларни қондириш ёки қондирмаслик тўғрисида ҳукм чиқариб, эҳтиёжни мақсадга айлантириб берадиган фаолиятга айтилади.

Эҳтиёж мақсадга айланганидан кейин киши бу мақсадга етиш йўлларини излайди ва тасавури ёрдамида бунни ижро этишнинг тахминий режасини тузади.

Нарса ёки ҳодисага етишиш бўйича инсон томонидан мақсад қилиб қўйилган, аммо ҳали илмий асосланмаган бўлса-да, мантиқан боғлиқ чора ва тадбирларнинг хомаки режаси тахмин (гипотеза) дейилади.

Тахминий режа тузилганидан кейин, уни илмий асослашга ўтилади. Яъни, мақсадга етишишда қўлланадиган ҳар бир чора -

тадбир шу соҳа илм-фани ва амалиётида мавжуд бўлган боқий қонуниятлар билан исботланади. Исботлаш жараёнида кўп тахминий тадбирлар исботланмай чиқариб юборилади ҳамда ўрнига янгилари киритилади ва ҳоказо. Тахминий режани илмий асослаш жараёнида барча қонуниятлар ва омилларни ҳисобга олиш зарур. Акс ҳолда киши мақсадига ета олмайди.

Мақсадга етишишнинг хомаки режаси мазкур соҳада мавжуд қонуниятлар билан асослаб берилган босқич концепция ёки илмий асосланган тахмин дейилади.

Тахмин илмий асосланиб, концепцияга айланаётганда ўз босқичида қолиб кетиши ёки хомаки тахминнинг баъзи ўринлари тасдиқ толиб, баъзи ўринлари инкор қилиниш йўли билан концепцияга айланади. Хомаки тахминнинг ҳамма ўринлари юз фоиз концепция босқичига ўтмайди.

Илмий асосланиб, маромига етказилган тахмин концепцияга айланди, дейлик. Ҳар қандай илмий асосланган тахмин тўғри эканини билиш учун уни амалда синаб кўриш талаб қилинади. **Мақсадга етишнинг илмий асосланган тахминий режа (концепция)сининг амалда синаб кўрилишини т а ж р и б а** дейилади.

Режа қанчалик илмий асосланган бўлишига қарамай, тажрибадан ўтмаслиги мумкин. Бундай ҳолда ҳамма жараён бошидан қайтарилади. Яна бошқача тахмин қилинади ва ҳоказо. Кейинги фикрлар ҳам тажрибада ўз тасдиғини топмаса, жараён яна қайтарилади ёки мулоҳаза босқичига қайтиб, мақсаддан воз кечилади. Чунки тажриба ҳақиқат мезонидир. Фақат тажриба синовидан ўтган ва таърифи маромига етган билим ёки билимлар мажмуи тўғри деб ҳисобланади ва шу соҳа фани ёки амалиёти назариясини бойитади.

Тафаккур юритишнинг барча босқичларидан ўтган ва амалиётда синаб кўрилиб, таърифлари маромига етган билимлар мажмуи н а з а р и я дейилади.

Инсон ақлли бўлиб ҳисобланиши учун ақлий фаолиятини, шу жараённинг кечиш қонуниятларининг барчасига бўйсунган ҳолда, амалга ошириши шарт.

Биринчи қонуният, киши, ақлини ишлатиб туриб ё ўзини, ёки бошқаларни тарбиялаши учун, аввал тана ва руҳини поклаб олиши шарт бўлади. Чунки билим олишда ақл билан бир қаторда, инсоннинг руҳи ҳам иштирок этади. Руҳ эса нопокликни кўтармайди.

Аклим тўғри, янглишмай ишласин десангиз, аввал жисмонан ва рухан покланиб олинг. Жисмонан покланишга чўмилиб, бошдан оёк - чайиниб олиш билан бирга таҳорат қилиб олиш ҳам киради. Руҳни поклаш усулларига ҳайр-эҳсон, садака, намоз, Қуръон сураларини зикр қилиш ва бошқалар киради.

Иккинчи қонуният, билим олишни **ният қилиш**. Яъни, “аклимни машқлантириб, уни тарбияламасам, аҳмоқ бўлиб қолиш хавфи борга ўхшайди” деб, билим олишга астойдил ният қилиб туриб киришиш лозим. Чунки ақл фаолиятининг маҳсули қандайдир билим бўлади. Билим бўлганда ҳам, фойдали билим – ҳикматлар бўлиши шарт. Ният қилиш жараёни қандай кечишини монографиянинг юқоридаги сатрларидан билиб олган бўлишингиз керак.

Учинчи қонуниятни юқорида кўрдик. Инсонлар ҳар қандай ҳаракатни бошлашдан олдин, аввал мулоҳаза юритиши, сўнг таҳмин қилиши ва шундан кейин мақсадга етишнинг илмий асосланган режаси(концепцияси)ни тузиб олиб, ўз ҳаракатини бошлаши керак. Бу, нафақат инсоннинг ақллилигини билдиради, балки бу унинг юқори маданият эгаси эканлигидан ҳам нишонандир.

Тўртинчиси, киши ақлини куни бўйи ва йил мобайнида, пешма-пеш ишлатиб, уни тинмай машқлантириб туриши шарт. Ақлини бир ишлатиб, бир ишлатмай юрган ҳолда, одамнинг мияси ғовлаб кетиб, кишининг ақлий фаолият юритиш қобилияти сусайиб кетади. Ақлий фаолиятдан дам олганда, бундай дам узокка чўзилмаслиги лозим, акс ҳолда, дарров дангасалик касалига учраб ақл юритишни хоҳламай қолади киши. Бу ҳолларда одам, бироз ўзини мажбурлаши ҳам шарт бўлади.

Бешинчи қонуният. Инсон ақлий фаолият юритиши натижа-сида чарчаб қолмаслиги учун ақлий фаолиятини жисмоний ёки бошқа ақлий фаолият турлари билан тинмай алмаштириб туриши лозим. Масалан, илмий - тадқиқот ёки илмий китобларни ўқиш билан шугулланиб, ўзида чарчоқ сезган одам, дарров жисмоний машқлар ёки фикр юритиш талаб қилмайдиган уй юмушларини бажариб, мияга дам бериши керак. Мияга дам беришнинг усуллари-дан яна бошқа тури, бадий адабиёт ўқиш ёки шахмат - шашка ўйнаб туришдир. Баъзилар, миямга дам бераман деб, сигарет чекадилар ёки ичкилик ичадилар. Сигарет ҳамда ақлни заифлаштирадиган ичкилик, сизга бироз ақлий фаолиятингиздан чалғитиб дам берса-да, охир - оқибатда, ёмон натижаларга олиб келади. Чунки,

сигарет ва маст қиладиган ичимликлар ақл фаолиятини вақтинча тормозлаштириб, дам берса - да, бу жараён узок давом этаверса, ақл фаолияти сусайиб, охир - оқибатда кишининг ақлсиз бўлиб қолишига олиб келади. Бу – илмий томондан исботланган нарса.

Олтинчи қонуният, ақл юритишни умр давомида тўхтатмаслик лозим. Ақлий фаолият тўхтадим, мия аввал секин, сўнг тезроқ ақл юритиш кўникмасидан маҳрум бўла бошлайди. Кўп ўтмай, одам ақл юритиш тажрибасидан айрилиб қолади. Баъзи кишилар ёшлигида жадаллик билан ақл юритиб, анчагина билимлар эгаси бўлиб оладилар-да, бўлди ақлли бўлдим, жуда кўп ақлли бўлиб кетсам ҳам бўлмас деб, маишатга берилиб, гап - гаштаклар билан банд бўладилар, ўз ақли устида ишламай қўядилар. Бу хол кишини ижтимоий заволикка олиб келиб, ёшлигида туппа-тузук ақлли бўлиб юрган одам, улғайганида ақл юрита олмайдиган бўлиб қолади. Шунинг учун ақлий фаолиятни ҳеч қачон тўхтатмаслик керак. Киши қаримаслигининг асосий сирларидан бири ҳам, ақлий фаолият билан доимо шуғулланишликдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, доимий ақлий фаолият билан шуғулланиб юрганлар узок ва баракали умр кўрар эканлар.

Еттинчи қонуният, ақлингизни фаол ишлагишингиз учун, овқатланиш тартибига ҳам риоя қилишингиз лозим. Ақлий фаолият билан шуғулланганда қорин жуда тўк бўлмаслиги керак. Тўк қорин дангасалик касалини келтириб чиқаради. Шу билан бир каторда, қорингиз жуда ҳам оч бўлмаслиги лозим. Оч қоринда мия яхши ишламайди, демак, оч қоринга ақл тарбияси билан шуғулланиш бефойда.

Монографиянинг “Ақл тарбияси ҳақида” деган бандини тугатар эканмиз, қуйидаги хулосага келиш мумкин. Киши ақлини тарбиялаши учун, аввал, тана ва руҳини поклаши, шу нарсани астойдил ният қилиши, сўнг фикр юритишнинг барча босқичларига амал қилиши, шунингдек, ақл юритишни узлуксиз амалга ошириши ҳамда ақлини чарчатиб қўймаслик учун фаолиятини алмаштириб туриши ва шу амалларни бир умр давом эттириши лозим экан.

5-§. Одоби бўлиш сирлари

Одоб ва ахлоқийлик ижтимоий сифат бўлиб, инсон фазилатларидан ҳисобланади. Одоб ва ахлоқ жамиятда эътироф этилган ҳуқуқ нормаси бўлиб, шахс маънавий ҳаётининг муҳим жиҳатини ифодалайди ва ўзгалар билан муносабатда намоён бўлади. Одоб – кишининг жамият орасида ўзини қандай тутиши, одамлар билан қай йўсинда муомала қилиши, ўз турмуши, бўш вақтини қандай ташкил этиши, ташқи қиёфаси қандай бўлиши лозимлигига тегишли қоидаларни ўз ичига олади. Одоб қоидаларига – тўғри сўзлик, шарм-ҳаё, софдиллик, камтарлик, хушмуомалалик, озода ва саромжонлик ҳамда бошқа кўпгина ижобий ижтимоий сифатлар қиради. Одоб ва ахлоқ таълим-тарбия ва амалий тажриба жараёнида шаклланади ва ривожланади.

Одоб муайян жамият ва даврда ўзгаришларга учраши, ривожланиши ёки сўниши мумкин. Масалан, ўзбекларнинг паранжи ёпиниши 60-70 йил аввал энг яхши одоб нормаларидан ҳисобланган. Ўша вақтда паранжисиз аёлни кўрганлар, одобсиз деб, уларни қўйиб, улардан нафратланар эдилар. Биз бунинг гувоҳимиз, бу воқеани юзлаб маротаба кўрганмиз. Баъзида, ўша одатга маҳкам ёпишиб олган эркаклар, аёлини паранжисиз кўриб қолиб, уни қалталаганлар ва қўйиб юборган ҳоллар ҳам бўлган. Вақт ўтиши билан, бу одоб нормалари ўзгариб, шу кунда паранжи ёпинган аёлни кўрган одам, албатта, уни одобсиз аёл экан, ҳеч ким қилмаган қилиқни қилиб юрибти, деб ажабланади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ўша даврларда, эркаклар учун бош кийим қийиб юриш одоб нормаси ҳисобланган. Бош кийимсиз одамни кўрганлар, уни одобсизликда айблаб, кофир бўлибсан, деб қойишганлар.

Ҳар бир халқнинг ёки миллатнинг ўзига хос ахлоқи билан бир қаторда, умумбашарий одоб меъёрлари ҳам бор. Бундай одоб меъёрлари жамиятнинг умумий таракқиётига самарали таъсир кўрсатади.

Марказий Осиё халқлари одобшунослик соҳасида бой анъанага эга. Одобга оид фикрлар “Авесто” диний ахлоқий китоби, қадимги турк битиклари ва бошқа ёзма манбаларда ўз ифодасини топган. Булардан ташқари, ўзбек халқи ўртасида кенг тарқалган мақол ва маталлар, ўғитлар ва одобномаларда, халқ педагогикасида, диний-фалсафий рисоаларда, алломалар меросида ахлоқ ва одобга кенг ўрин берилган.

Одобнинг шаклланишида ва унинг ижтимоий ўрнида диннинг аҳамияти катта. Диннинг асосий мақсадларидан бири, инсонга ёмонликнинг зарарларини баён қилиш ҳамда ёмон йўлга кириб кетганларни тўғри йўлга даъват этишдир. Динларда тўғри йўлга чорлаш, умуман яхшилик ва ёмонлик тушунчаси турлича бўлиши, ҳатто бир-бирига зид келиши ҳам мумкин. Бу муайян диннинг келиб чиққан ҳудудининг ўша замондаги урф-одатлари, анъаналари ва табиий шароитига боғлиқ бўлган. Аммо, барибир, уларнинг ҳаммасининг мақсади бир, юртда тинчлик ва фаровонлик, аҳоли ўртасида тотувликни барпо қилишликдир. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да яхшилик ва эзгулик худоси Ахурамазда билан ёмонлик ва ёвузлик “худоси” Анхрамайну ўртасидаги кураш абадий давом этади деб, одоб ва ахлоқ бу курашнинг ифодасидир, деган ғоя илгари сурилади. Христианлик, яхудийлик, буддавийлик ва бошқа динларда ҳам яхшилик ва ёмонликнинг ўз ифодаси бор.

Исломда, унинг муқаддас китоби Қуръони каримда одоб масаласига алоҳида эътибор берилган. Инсонлар Қуръони карим бажаришга буюрган яхши хулқларга амал қилишса, ўзлари учун катта бахтга сазовор бўладилар. Қуръони каримда тўғри йўлда юришлик ўзини ўзи ислоҳ қилиш тушунчасида ифодаланган. Қуръонда ўз ўзини ислоҳ қилганларга катта ваъдалар берилган: **“Ким бундай жабру зулмдан кейин тавба қилиб, ўзини тузатса, албатта, Аллох унинг тавбасини қабул қилур”**[78]. Ўзини ўзи ислоҳ қилиш гуноҳ ишларни қилиб қўйганлар учун руҳини поклаш сари умид бағишлайди ва уларни ноумидликдан қутқариб, янги саодатли ҳаётга чорлайди.

Исломда олижаноб одобнинг энг муҳим тушунчалари таърифланиб, инсониятни уларга амал қилиш сари ундайди. Булар – эҳсон (туридан қатъий назар), кечиримли бўлиш, сабр-қаноат, ростгўйлик, ширин сўзлик, ота-онани, ўзидан катта ёшларни хурмат қилиш, ор-номус, садоқат, саховат ва бошқалардир. Айни вақтда ёмон хулқ-атвор тушунчаларининг моҳияти ҳам кўрсатилиб, улардан сақланишга ундалади. Булар – бахиллик, ҳасад, тамаъ, ёлғончилик, такаббурлик, ғийбат, зино ва шу қабилардир. Шу тарзда инсониятнинг бутун амалий фаолияти яхшилик ва ёмонликка ажратилади. Мусулмонлар бир-бирларини яхшилик ва олижаноб ахлоққа чақиритилари, ножўя ишлардан қайтаришлари Аллох тарафидан фарз қилинган. Ислом одобининг асосида ҳалоллик ва тақво

ётади. Кимки жисмоний ва маънавий пок, такводор бўлса, ундай кимса одобсизлик йўлига кирмайди.

Исломга амал қиладиган халқлар одоблари, баъзи бир жиҳатлари билан фаркланса-да, шу дин туфайли уларда умумийлик бор. Бу умумийлик Шарқ ахлоқи деган ном билан бирлашган. Шарқ одоби ва ахлоқи Куръон ва Ҳадисдан ташқари жуда кўплаб мутафаккирлар, файласуф, шоирлар асарларида таърифу ташвиқ этилган.

Масалан, Абу Наср Форобий инсон ахлоқи ҳақида гапирар экан, унинг хислатларини қуйидагича таърифлайди:

1. Бундай одамнинг барча аъзолари шу даражада мукамал тараққий этган бўлиши зарурки, у бу аъзолари билан бажармоқчи бўлган барча ишларни осонлик билан амалга ошира олсин.

2. Барча масалани муҳокама ва мулоҳазани тездан ва тўғри тушуна оладиган, унинг маъносини ангай оладиган, сўзловчининг мақсади, айтилган фикрининг чинлигини тезда пайқай оладиган бўлсин.

3. Хотираси жуда бақувват бўлсин, кўрган-эшитган, сезган нарсаларининг биронтасини ҳам эсдан чиқармай, ёдида сақлаб қоладиган бўлсин.

4. Зеҳни шу даражада тез ва ўткир бўлсинки, бирор нарсанинг аломатини сезиши билан, бу аломат нимани билдиришлигини тездан билиб олсин.

5. Сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини раvon ва равшан баён эта олсин.

6. Билиш ва ўқишга муҳаббати бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билиминини чарчашни сезмасдан осонлик билан ўзлаштира олсин.

7. Овқатланишда, ичимлик истеъмол этишда очкўз бўлмасин, табиати кимор ўйинларини ўйнашдан узоқ бўлсин ва улар келтирадиган хурсандчиликдан жирканадиган бўлсин.

8. Ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин.

9. Руҳини, гурури ва виждонини кадрлайдиган бўлсин, унинг руҳи ўз табиати билан паст ишлардан юкори ва олижаноб ишларга ишлатиладиган бўлсин.

10. Дирҳам, динор ва шу каби турмуш буюмларига жирканиш билан қарасин. (яъни, бойликка сажда қилмасин.)

11. Ўз табиати билан адолатни севадиган ва адолат учун қурашувчиларга, адолатсизликка жабр-зулм ўтказувчиларга нафрат

билан карайдиган бўлсин, ўз одамлари ва бошқаларга адолатли бўлсин, гўзал ва яхши ҳисобланган нарсаларни барчага тақдим этган ҳолда одамларни адолатга тарғиб этадиган, адолатсизлик оқибатларини йўқотадиган, уларга йўл қўймайдиган бўлсин.

12. Адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, адолат олдида қайсарлик қилиб, ўзбилармонликка берилмасин, лекин ҳар қандай адолатсизлик, пасткашлик олдида лафзи бўлсин, ўзи зарур деб билган нарсасини амалга оширишда қатъийлик кўрсатсин, кўркмас, жасур бўлсин"[12].

Мир Алишер Навоийнинг сафдоши ва шогирди Ҳусайн Воиз Кошифий “Ижтимоий ахлоқий фазилатларни юзага чиқаришнинг асосий воситаси деб илм-маърифат билан ахлоқий тарбияни тушунади. У ном олишни, айникса, Қуръон ва Ҳадиси шарифлардан, нужум, ал-кимё, математика, мусикадан огоҳ бўлиш, дунёни билиш, оламни таниш яхши-ёмонни тўғри англашдир, деса, ахлоқ, инсонийликни ҳаёт кечиринидаги энг зарур, ҳаво каби керакли восита деб тушунади. Воиз Кошифий инсоннинг қадр-қиймати, унинг мол-мулки ёки ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки унинг маънавий кифёси, ахлоқий сифатлари билан ўлчанади”, - дейди[53].

Мир Алишер Навоий замондошларидан бири машҳур мутафаккир Ҳусайн Воиз Кошифий «Футуввати султония» асарида баркамол, етук инсон – жавонмард бўлишнинг 12 устун ва 48 шартини келтиради.

Жавонмардликнинг 12 устун бор. 6 таси – зоҳирий:

1. Бўхтон, ғийбат, ёмон, беҳуда сўзлардан тилни тийиш.
2. Ножўя, номақбул сўзлар, бўхтон, ғийбатдан кулоқни беркитиш (яъни эшитмаслик).
3. Кўриш ножоиз ҳисобланган нарсалардан кўзни юмиш (яъни, номаҳрам ва нопок одамларга карамаслик).
4. Ҳаром нарсалардан (порахўрлик, текинхўрликдан), халққа озор беришдан қўлни тортиш.
5. Бориш манъ этилган ношойиста жойлардан оёқни тортиш. Ҳақорат ва гуноҳга сабаб бўладиган ғаммозлик (чақимчилик), гап-ташиш, (одамларга, табиатга, жониворларга) зиён-заҳмат етказмаслик.
6. Харом овқатлардан оғизни, зинодан – аъзони асраш. Зино (никоҳсиз яқинлик) – футувват аҳдини бузиш, ҳаромхўрлик эса футувват арконини узишдур.

Футувват – жавонмардликнинг ботиний устунлари:

1. Саҳийлик (муҳтожлар сўрамасидан аввал ёрдам бериш, эҳсон қилиш).

2. Тавозуъ, камтаринлик (Бошқалардан ўзини баланд қўймаслик).

3. Қаноат... Бошга тушадиган азоб-изтироблар, фалокатлар қаноатсизликдан, очқўзликдандир. Мавлоно Румий айтганлар:

Ҳарис кўзи тўярми ҳеч дунёдан,

Қаноат бўлмаса садафда дур бўлгайму?

4. Афв ва марҳамат. Халққа меҳр-шафқатли, мурувватли (кечиримли) бўлиш. (Амир Темур, Шохрух, Заҳириддин М. Бобур бағрикенг, кечиримли эдилар).

5. Кибр (такаббурлик) ва ғурурни (манманлик, каттачиликни) тарк этиш. Ҳар қанча кўп яхши ишлар қилганда ҳам мағрурланмаслик. (Миллий ғурур бунга кирмайди).

6. Қурб ва вуслат мақомига (Халқ таолога яқин, содиқ кул бўлишга) интилиш. Яъни, кўнгил уйини риёзат супургиси билан чангу ғубор, чиқиндилардан (ифлос, гуноҳ ишлардан тозалаб туриш, ... Модомики кўнгил бу дунёга тааллуқли ташвишлардан қутулмас экан, у Дўст муҳаббатининг маконига айланмайди).

Хусайн Воиз Кошифий ёзишича, футувват – жавонмардликнинг вужудий шартлари 48 тадир:

1. Ислом (динида бўлиш). 2. Иймон. 3. Ақл. 4. Илм. 5. Ҳилм (ҳалимлик). 6. Зуҳд (тақво, поклик). 7. Вараъ – парҳез. 8. Сидк (садоқат). 9. Карам. 10. Мурувват. 11. Шафқат. 12. Эҳсон. 13. Вафо. 14. Ҳаё. 15. Таваккул. 16. Шижоат. 17. Ғайрат. 18. Сабр. 19. Истиқомат (Камтарона яшаш). 20. Насихатларга қулоқ солиш. 21. Нафс тахорати (яъни, баднафслиқдан қутулиш). 22. Олийҳимматлик. 23. Сирни яшириш. 24. Раҳмдиллик. 25. Шариат риояси (Ношаръий ишларни қилмаслик). 26. Амри маъруфни бажариш. 27. Наҳй – мункарни бажариш (Аллоҳ қилма деган ёмон ишларни қилмаслик). 28. Ота-онани хурматлаш. 29. Устоз хизматида бўлиш. 30. Ҳамсоя (қўшни) ҳаққини адо этиш. 31. Савобли сўзларни тилга олиш. 32. Кўп билиш, оз гапириш, сукут сақлаш. 33. Ҳамма жойда, ҳалолни талаб қилиш. 34. Саломлашув одобини билиш. 35. Яхшилар ва поклар билан суҳбатлашиш. 36. Оқиллар билан суҳбатлашиш. 37. Шукур қилиш. 38. Мазлумларга (бечораларга) ёрдам бериш. 39. Етим-есирлар ва ёлғизлардан хабар олиш. 40. Фикр-

андиша ва ибрат. 41. (Илмига) ихлос билан амал қилиш. 42. Омонатга хиёнат қилмаслик. 43. Шайтоний нафсга қарши кураш. 44. Инсоф чизиғидан чикмаслик (яъни ноинсофликни тарк этиш). 45. Ризо (яъни Худонинг берган яхши-ёмон кунларига рози бўлиш). 46. Касалларни кўришга бориш. 47. Ножоя ва нокаслардан (тубан, пасткаш, жанжалкаш, такаббур одамлардан) узоқ туриш. 48. Зикр (Доимо Худони эслаб туриш)[90].

Бу шартлардан охиргиси муҳимлиги жиҳатидан биринчи ўринга қўйилса арзийди. Чунки, барча ишларида доимо Худони эсловчи одам бошқа шартларни ҳам бажаришга ўзида куч-қувват топа олади.

Зеро жавонмардлик тариқати тасаввуфий тариқатлардан инсонийлиги ва мардоналиги билан ажралиб туради. Ўрта асрларда Ғарбда рыцарьлик қоидалари бўлса, Шарқда жавонмардлик қоидалари бўлиб, фазилатлари, етуклиги жиҳатидан жавонмардлик рыцарьликдан ҳам афзалроқ, баландроқ туради. Чунки, жавонмардлик инсонларни баркамолликка олиб боради.

XX аср бошларида аллома Абдулла Авлоний ахлоқни шундай таърифлайди:

“Инсонларни яхшиликка чакирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдур. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурган китобни ахлоқ дейилур.

Ахлоқ илмини ўқиб, билуб амал қилган кишилар ўзининг ким эканин, жаноби Ҳақ на учун халқ қилганин, ер юзида нима иш қилмоқ учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг каддини, қимматини билмас, ўз айбини билуб, икром қилуб, тузатмакка саъй ва кўшиш қилган киши чин баҳодир ва паҳлавон кишидур”[15].

Буюк аллома фикрича, ахлоқда диёнат, исломият, ғайрат, қаноат, шижоат, билим, сабр, интизом, виждон, ватанини севмоқ, иффат, ҳаё, идрок, хайрихоҳлик, садоқат, муҳаббат каби инсоний хислатлар мужассамдир. Демак, ахлоқ кишининг хулқ-атворида, эътиқод-иймонида, юриш-туришида, кундалик турмушида, фикр-мулоҳазасида, мушоҳада ва мулоқотида намоён бўлади.

Ахлоқли инсон, тарбия кўрган киши ўзини ҳам, халқини ҳам ўйлайди, ҳурмат қилади, унда ички интизом кучли бўлади,

мусоҳиб кўнгилга қараб гапиради, унинг дилини оғритмайди, балки муомаласи билан унинг юрагини яшнатади, мулоқот одобига риоя қилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг миллий одоб муаммоларига катта эътибор берилди бошлади. Шахслараро муносабатда, ўзаро муомалада унутилиб кетган исломий қадриятлар, шарқона хулқ-одоб қоидалари, миллий урф-одатлар, маросимлар қайтадан расм бўла бошлади. Мамалакатимиз хусусий мулкчиликка ва бозор иқтисодиётига асосланган жамият барпо қилмоқда. Бундай шароитда аҳолининг турли табақа ва қатламлари пайдо бўлиши табиий. Улар ўртасида қандайдир зиддиятлар, келишмовчиликлар бўлиши мумкин. Улар Шарқ халқларига хос бўлган хулқ-одоб қоидалари ва исломий қадриятлар ёрдамида маълум даражада баргараф қилиниб, умуминсоний мазмун билан бойиб боради. Одоб ва маънавиятнинг илдизи бир бўлиб, **баркамол маънавият баркамол авлодни шакллантиради** десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Ўзбекистон келажакнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий вазифаларини ҳал этиш кўп жиҳатдан жамиятнинг ва ундаги ҳар бир инсоннинг ахлоқ даражасига боғлиқдир. Одоб шахс ижтимоий сифатларини ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Меҳр-оқибат, садоқат, самимийлик, иззат-ҳурмат, андишалик, муҳаббат, вафо, ҳалоллик, одамийлик, жасурлик, саҳийлик сингари яхши фазилатларни фарзандларга сингдириш шу куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Бу фазилатлар тарбия орқали шаклланади ва камол топади. Шунинг учун ҳам бу фазилатларни оиладан бошлаб шакллантириш ва уларни ўқув муассасаларида давом эттириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ҳар бир ота-она ўз фарзандларига ва ҳар бир ўқитувчи-муаллим ўз талабаларига тўғрилиқ, содиқлик, самимийлик, сабр-бардошлиқ, меҳрибонлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, жасурлик ва схийлик каби юксак ахлоқий фазилатларни ўргатишлари зарур. Ота-она ва ўқитувчилар, ўз қарамқларидаги болаларга ахлоқий баркамолликнинг ҳаётдаги ўрни ва фойдасини тушунтиришлари, айниқса, муҳимдир.

Болани ёшлигиданоқ тўғри фикрлаш, идрок қилиш ва англашга ўргатиш, фойдасиз ва зарарли билимлардан, фикрсиз, ғоясиз бўлишдан эҳтиёт қилиш; одамларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг дардларига малҳам бўлиш, ёшлиқданоқ жамиятга, Ватанига

хизмат қилиш руҳида тарбиялаш каби хислатлар инсон баркамоллигининг пойдеворидир.

Одоб ва ахлоқ тўғрисида етарли маълумотга эга бўлганимиздан кейин, одобни камол топтириш йўллари билан ҳам танишиб олайлик.

Одобга ўрганишнинг энг оддий усули, одобсиз одамга қараб, унинг қилган ишларини қилмаслик. Доно халқимиз бекорга айтмаган “Одобни одобсиздан ўрган” деб.

Одоб ва ахлоқни яхшилаш учун, даставвал, ўзидаги барча одат ва қилиқларни таҳлил қилиб чиқиш зарур. Бунинг учун, юқоридаги сатрларда қайд қилинган яхши ва ёмон одатларни синчиклаб ўрганилади ва одоб нима-ю, одобсизлик нима эканини билиб олинади. Сўнгра уларни ўзининг шахсий одатлари билан солиштириш орқали, ўз ахлоқига танқидий ёндошган ҳолда, ичидан яхши ва ёмонини ажратиб чиқилади. Эса тутиш лозимки, ўзидаги ёмон одатлар ҳар қандай кишига яхши бўлиб туюлади. Ўз одатларига холисона баҳо бериши учун, инсон ўзига четдан туриб қарашга ўрганиши лозим. Бу масала жуда оғир бўлиб, ҳамманинг ҳам қўлидан келвермайди. Ундай қилаолмагач, одамлар танбеҳидан фойдаланиш керакли самарани беради. Одамлар қилган танқидларига, киши салбий муносабатда бўлмай, кўпчилик мени шу одатимни ёмон демоқда деб, уларнинг танқидини бажонудил қабул қилиб, уни тузатишга киришилса яхши бўлади. Ана шундай йўл билан, инсон ёмон одатларни бирма-бир ўзидан йўқота боради.

Ўзининг одобини тузатмоқчи бўлган одам, биринчи навбатда, ўз одоб ва ахлоқига четдан туриб қараб ёки бошқа одамлар танбеҳидан фойдаланиб, улар ичидан номаъқулларини ажратиб олиши керак. Инсон ўз одобининг ёмон томонларини кўра олганидан сўнг, уларга тавба қилиши ва уларни тузатишга ният қилиши шарт. Ёмон одатларини тан олмай, уларга тавба қилмай ва тузатишни ният қилмай туриб, бу одатлардан қутулиб бўлмайди хулқатвордан қутулишни киши ният қилдими, демак шу йўналишдаги мақсад пайдо бўлди, дегани. Мақсадни амалга ошириш учун, яъни ёмон одатларни тузатиш учун, киши фақат ўзига маъқул бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни амалга ошириш йўлидаги ҳаракатни бошлаб юбориши лозим.

Номатлуб хулқлардан қутулиш чора-тадбирларидан бири, шу одатни қилишдан ўзини чеклаш. Ўзини ўзи чеклаш амали, осон иш

эмас. Бунинг учун, одам бор ақл-заковат ва иродасини ишга солиб, ярамас одатлардан воз кечади. Кишининг бу саъй - ҳаракатига оила аъзолари, дўсту биродарлари кўмаклашиши лозим. Кўпинча, ёмон бир одатдан воз кечиш учун, бошқа кўпгина нарсалардан ҳам кечишга тўғри келади. Масалан, ароқ ичишни ёки кимор ўйнашни тарк қилиш учун, одам, ичувчи ва киморбоз дўстларидан кечишига тўғри келади. Буни эса, амалга ошириш жуда қийин. Инсонни, ўз дўстлари билан фақат ароқ ёки кимор боғламайди, дўстлар орасида кўзга кўринмайдиган бошқа меҳр ришталари ҳам мавжуд. Ароқдан кечиш жараёнида, кишига қимматли бўлган бошқа ишларни ҳам узишга тўғри келади, бошқа илож йўқ. Буни амалга ошириш жуда қийин, аммо шу ишдан воз кечилмаса, киши ўз қусурларидан қутулолмайди. Бунда, ичмайдиган, бошқа дўст топ ан маъқул.

Баъзи бир номаъқул одатларни ташлаш учун, фақат кишининг тавбаси билан нияти ҳамда иродаси талаб қилинади, холос. Масалан, сигарет чекишни ёки ёлғон гапиришни ва ҳоказо разилликларни ташлаш, фақат кишининг ўзига боғлиқ. Бу ишларга уни ҳеч ким мажбурламайди. Айтилган бу тавсиялар, кишининг ижтимоий касаликка, яъни ёмон одатларга ўрганиб қолган бўлиб, бу хасталикни ўзи тан олган кишилар учундир.

Ёмон ахлоқдан қутулиш баробарида, одам ўзида яхши одатларни, яъни инсоний ахлоқларни шакллантириши ҳам лозим бўлади. Чунки инсон қалби бўш турмайди. Бўш қолган рухни албатта қандайдир маънавият билан тўлдириш керак. Акс ҳолда ўрнини яна қандайдир қусурлар эгаллаб олиши турган гап.

Ахлоқ ва одобни шакллантиришининг, яъни қалбни жамиятга фойдали одатлар билан тўлдиришнинг йўллари кўп. Шулардан бири бадий адабиёт ўқиш. Адабиёт – арабчада адаб сўзининг кўплигини билдиради. Авваллари адабиёт оғзаки бўлган, ёзув пайдо бўлгандан сўнг ёзма шаклга ўтган.

Адабиёт сўз орқали рухга таъсир этиб, инсоннинг хис-туйғуларини кенг ва чуқур акс эттириш имконига эга. Адабиётнинг асосан уч тури – эпос, лирика, драма мавжуд. Улар, ўз навбатида, бир неча турларга бўлинади. Эпос воқеликнинг ўзини инъикос этса, лирикада инсоннинг воқеликдан олган таассуротлари қўшиб тасвирланади. Шарқ бадий адабиётида, айниқса, лирика кенг ривожланган. Драма ҳаётни ҳаракатда ифодалаб, муаллиф ўз мақсадини нутқда акс эттиради. Адабиётда коришиқ турлар ҳам мавжуд.

Масалан, лирика ва эпос. Адабиётнинг лиро-эпик турига поэма, баллада, достон, масал кабилар киради. Бошқа уйғунликда ҳам адабий қоришмалар бор. Адабиётнинг бадиийлик мезони унинг ғоявий-бадиий жиҳатдан мукамал бўлишини тақозо қилади. Бу ҳол асар мавзуининг долзарблиги, ифода этадиган ғоясининг тўғрилиги, тасвир хақиқатининг чуқурлиги, бадиий шакл таркибий қисмларининг мукамаллигидан юзага келади. Адабиётнинг мақсади маълум бир ижтимоий воқеликни тўла ифодалаш ва айна вақтда индивидуаллашган образ яратишдир. Яратилган бундай образларни “тип” деб аталади. Масалан, Фарҳод образи. Ширин, Мажнун, Отелло образлари ва бошқа шунга ўхшашлар “тип” даражасидаги образлардир. Адабиёт воқеликни акс эттирар экан, унга гўзаллик қоидалари нуқтаи назаридан ёндашади. Асарнинг таъсирли чиқиши учун, бошқа кўп мезонлар асос қилиб олинади. Масалан, фикрнинг эмоционаллиги, кўтаринкилиги ва ҳоказо. Ва албатта, инсон руҳини, маънавиятини бойитиш, юксалтириш, адабиётнинг асосий вазифасидир.

Бадиий адабиётни, айниқса, классик асарларни ўқиганда, киши асар ичидаги қаҳрамонлар образига сингиб, уларнинг ижобийларига таҳсинлар ўқиб, салбийларидан нафратланади. Шу йўл билан, китобхон одамнинг яхши фазилатларга меҳр қўйиб, ёмон ижтимоий сифатларга салбий муносабати ошади. Натижада, ўзидаги номаъқул ижтимоий сифатларни кўра олади ва улардан қутулиш йўлларини излай бошлайди.

Арасту “Поэтика”сида кашф этилган санъат асарида тасвирланган қаҳрамон бошига тушган фожеа, қайғу ва аламларни кўриб, рухий покланиш катарсис назарияси 2400 йил давомида Лонгин, Плутарх, Буало, Ю.Скалигер. Шарль Монтескье, Гёте, Гегель, И.Хердер, П.Лессинг, Жан - Поль Рихтер, В.Г.Белинский, А.Ф.Лосев, А.Ф.Петровский, М.Л.Гаспаров, М.Маҳмудов ва бошқалар томонидан изоҳланиб ва шарҳланиб келмоқда. Китобхон, томошабин фожий воқеани кўрганида, ўқиганида ҳар қандай қаҳрамонга эмас, балки мард, олийжаноб, жасур ва софдил қаҳрамонларга ҳамдардлик ҳис этиши, ўша фожеага сабаб бўлган ёвуз, салбий кучларга нисбатан нафрат билдириш жараёнида руҳан покланади, сабот, матонатга ўрганади[52].

Шу вазифани сахна асарлари билан радио, телевидения ва кинолар ҳам бажаради.

Инсондаги ижобий ижтимоий сифатларни шакллантиришда мусика ва рақснинг ҳам ўрни бор. Мусика ва рақс – инсон ҳиссий кечинмалари, фикрлари, тасаввур доирасини мусикий товушлар ёки ҳаракатлар изчиллиги ёки мажмуи воситасида акс эттирувчи санъат тури. Унинг мазмуни ўзгарувчан руҳий ҳолатларни ифодаловчи муайян мусикий-бадий образлардан иборат. Мусика ва рақс инсоннинг турли кайфиятлари – кўтаринкилик, шодлик, завқланиш, мушоҳадалик, ғамгинлик, хавф-қўрқув ва бошқаларни ўзида мужассамлаштиради. Бундан ташқари, мусика билан рақс шахснинг иродавий сифатлари бўлган – катъиятлилик, интилувчанлик, ўйчанлик, вазминлик ва бошқаларни ҳамда эшитувчининг мижозини ҳам ёрқин акс эттиради. Мусиканинг бундай имкониятлари юнон олимлари – Пифагор, Афлотун, Арасту ва Шарқ мутафаккирлари – Форобий, Ибн Сино, Жомий, Навоий, Бобур, Кавкабий, тасаввуф пирлари – Имом Ғаззолий, Колободий, Бухорий ва бошқалар томонидан юқори баҳоланган, шарҳ ва илмий тадқиқ қилинган, мусика ва рақснинг одам онги ва руҳига таъсир этишининг ажойиб кучи унинг руҳий жараёнларга ҳамоҳанг бўлган муайян жараёнли табиати билан боғлиқдир. Мусикада асосий бадий восита – куйдир, рақсда эса ҳаракат.

Одобли деган тушунчанинг мазмун моҳиятига етиб, ёмон одатни яхшисидан ажрата олиб, улардан қутулиш ва ўзида яхши одатларни шакллантириш йўлларининг энг замонавийларини ҳам билиб қўйиш керак.

Одобни шакллантиришнинг икки йўли бор. Бири – ўзини ўзи тарбиялаш йўли билан, ўзида ахлоқни шакллантириш ва иккинчиси, четдан, устоз ва дўстларнинг тарбиявий таъсири остида яхши фазилатларни шакллантириш.

Тарбиянинг биринчи шаклини амалга ошириш учун, тарбияланувчи нихоятда ақли расо бўлмоғи даркор. Чунки, баркамол одобга анчагина ақлий, руҳий ва жисмоний куч сарфлаш орқали эришиш мумкин. Куйида, аввал ҳам эслатиб ўтилган, америкалик олим Вернон Вульфнинг “Холодинамика” китобидаги ўзини ўзи тарбиялашнинг энг замонавий усулидан ҳисобланган, киши ўзининг ички кучларидан қандай қилиб фойдалана олиш тўғрисидаги йўл-йўриқлар билан таништирамиз.

Вернон Вульфнинг холодинамикаси, киши ҳаётида пайдо бўлувчи турли муаммоларни, излаб топиш, уларни фаза-

лаштириш, ва реливлаш орқали, бартараф этувчи билим деб тавсифланади.

Вернон Вульф фикрича, одамлар ўзларига ўрганиш бўлиб қолган хатти-ҳаракатлар занжирига кишанлангандирлар. Вернон Вульфнинг билимини эгаллаган киши, ўзини бу кишанлардан озод қила олади.

Айрим олган бир кишида ёки бутун жамиятда шаклланиб қолган ёмон одат, хунук қилиқ ёки ҳаёт тарзи абадий ва ўзгармайдиган бир нарса эмас, дейди Вульф.

Дунёни янгича тушунишда, материя билан онгни бир бутун жараённинг турли жабҳалари деб тушунмоқ лозим. Барча моддий дунё тинмай шаклланиб нураб тургани каби, фикр ҳам доимо пайдо бўлиб, йўқ бўлиш жараёнидадир, дейди аллома.

Моддий нарсалар, квантларнинг муайян бир фикр зами-нида ғужунак бўлиб кристаллашиб, қотиб қолиш хусусиятига эга бўлгани каби, фикрлар ҳам кўп маротаба қайтарилавериши натижасида, кристаллашиб қотиб, “одат” тусига, Вульфнинг ибораси бўйича “фикр шакли” – холодайнга айланади.

Улар ўзидан-ўзи ўзгариб, бошқа ҳолатга ўта олмайди. Шунинг учун улар оилада, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётда тўғанок ва тикин вазифасини бажариб, оила ва жамиятда турли зўриқиш, муаммоли ҳамда инқироз ҳолатларини вужудга келтирадилар.

Вернон Вульфнинг таъкидлашича, бизлар ўзимизни бу фикр шакллари ичида абадий камаб қўймаслигимиз керак. Чунки улар мутлақ бўлмай, ўзларидан анча теран бўлган **“фикр оқимлари”**-нинг бир қисмидирлар. Гарчи биз, бу фикр шакллариинг кули бўлиб қолган эканмиз, демак биз уларга ўз кучимизни бераётган бўламиз. Биз ўзимизни кишанда ушлаш учун, кишан занжирларини ўзимиз ясаймиз, дейди Вульф. Бу кишанлардан қутулиш ва ҳаётда пайдо бўладиган муаммоларни бартараф қилиш учун, Вернон Вульф, муайян бир услуб ишлаб чиқиб, унинг номини **“излаб топиш”** деб қўйган. Бу деганимиз, ҳаётимизда пайдо бўладиган муаммолар заминида, муайян бир бирламчи **”фикр шакли”**, яъни бирламчи мақсад ётар экан, биз шу фикр шаклини излаб топишимиз керак бўлади. Уни излаб топиш учун, муаммонинг келиб чиқиш табиатини билишимиз керак бўлади.

Муаммоларнинг келиб чиқиш табиатини билиш учун **“тартиб ичидаги тартиблар”**ни, яъни қонуниятларини билиб олишимиз

керак. Бу дегани, мажму ёндашув тамойилини муаммони ечиш жараёнига қўллашдир. Тасодиф деб ўйлаган ҳар бир фикрни **фазалаштирсангиз**, ичида муайян бир тартибдаги фикрлар оқимини кўрамиз.

“Фазалаштриш”, муаммога четдан туриб қараш демакдир. Айтишлик, бир муаммо сизни қуршаб олиб, ҳаётингизга ҳалал бераётир, шу чоғда сиз ўзингизни гўёки “ип ўрами” ичида ҳис қилгандай бўласиз. Муаммони англаш ва унинг моҳиятига етиб бориш учун, сизни ўраб турган муаммо (ип ўрами)дан ташқарига чиқиб, муаммога ташқаридан қараш керак бўлади. Бу ҳолатни Вернон Вульф “фазалаш” деб номлаган.

“Излаб топиш” “тартиб ичидаги тартиб”ни аниқлаш орқали, ҳаётингизга ҳалал бераётган муаммо (холодайн)нинг келиб чиқиш табиатини билиб олдингиз дейлик, шундан кейин, ўз холодайнингиз билан сўзлашишингиз, у билан мулоқотга киришишингиз мумкин. Амалий ҳаётда ҳам кўпинча, ўз-ўзингиз билан маслаҳатлашасиз, сўзлашасиз. Бу дегани, сиз ўзингизнинг **нутфа уруғингиз** – **“фикр шакли”**нингиз, яъни асл **“холодайн”**нингиз, бошқача қилиб айтганда **“Олий потенциал”** ёки **“Юқори Мен”** ингиз билан сўзлашмоқдасиз.

Сизда бир муаммо пайдо бўлса, дарров уни фазалаштириб туриб, унинг бирламчи холодайнини, яъни бу муаммони пайдо қилган фикр шаклини аниқлаб оласиз-да, шундан сўнг, босқичма-босқич хом ёки бузук холодайнни пишириб ёки бошқа ижобий фикр шакли билан унга таъсир этиб, уни нуратасиз ва етук холодайн даражасигача олиб борасиз.

Муаммоли вазиятдан чиқиб кетишнинг кейинги босқичи **“релив”** дейилиб, унинг маъноси **“муаммо пайдо бўлиш жараёнини қайта тиклаш”**дир. Амалда у қуйидагича кечади: айтишлик, сизнинг ихтиёрингиздан ташқари, сизда шаклланиб одат тусига кириб, қотиб қолган бир муаммо бор, масалан, сигарет чекиш, сиз ундан қутулмоқчисиз. Ундан қутулиш учун, биринчи навбатда, уни **фазалаштирасиз**, сўнг муаммонинг пайдо бўлиш жараёнини хотирангизда қайта тиклайсиз ва шундан кейин ичидаги тартибни, биз уни қонуният демоқдамиз, англаб етасиз. Бу жараённи **реливлаш** дейилади.

Муаммони фазалаштириб, унинг ривожланишини кузатишнинг ягона усули – топологиядир. Шарқ халқлари бу муаммоларни

содда қилиб ёмон одатни ташлаш, ўзини ёмонликдан асраш деб айтайди.

Топология, ўрганилаётган объектнинг бажараётган функциясини ўзгартирмаган ҳолда, унинг шакл ва ўлчамларини ўзгатиришдир. Қуйида, квантлар назариясидан келиб чиқиб, тафаккурнинг топологияси тузилган. Яъни, тафаккурнинг бажараётган вазифасига дахлсиз равишда, унинг бизга қулай бўлган шакли тузилган.

Тафаккур шаклини шартли равишда диоганали бўйича иккига бўлинган **кубга** ўхшаган деб тасаввур қиламиз. Бу ҳол, икки фундаментал фикрлаш – рационал ва ички ҳиссиёт – мувоқабат турларига тўғри келади. Фикр юритишнинг биринчи тури – “нуқтавий”га, иккинчиси “тўлқин” жаҳасига мос келади.

Тафаккурнинг рационал ва мувоқабат фикр юритиш қисмлари орасида, куб диоганали бўйлаб, “**холодинамик текислик**” жойлашган. Бу кўп ўлчамли текислик бўлиб, унда барча фаол фикр шакллари ўзаро муносабатга киришиб, фаолият кўрсатадилар. Бу жойда рационал билан мувоқабат фикр юритишлар синтезлашади ва барча фикрий ўйинлар содир бўлади.

Ҳамма фаол фикр юритиш турлари сезгидан бошланишини биламиз. Шундай экан, барча сезгилар объектив борлиқни бир вақтнинг ўзида, ҳам “нуқтавий”сини, ҳам “тўлқинсимони”ни намоён қиладилар. Сезгининг “нуқтавий”си ўз ахборотларини миянинг чап томонига, “тўлқинсимони” эса ўнг томондагига берадилар деб олдин ҳам айтилган эди.

Сезгига келсак, инсон вужудидаги ҳар бир хужайра ўзидан тебранма зарралар шаклида кувват узатиб, ташқаридан турли кувватларни ўзига қабул қилиш хусусиятига эгадир.

Биз ўзликсиз, доимо кодлашган тебранма зарраларни ўзимизга қабул қиламиз. Миянинг негизида жойлашган **Лимбик марказ** бу нозик ахборот энергияларини қабул қилиб, уларни қайта ишлаб мияга узатади.

Лимбик марказ нерв толачалари орқали **гипоталамус** билан боғланган бўлиб, у ўз навбатида, тана реакцияларини бошқариб турувчи **гормонлар** фаолиятини назоратда ушлаб турадиган **гипофиз** билан узвий боғлиқдир.

Одамнинг холодинамик тафаккурини тушуниш калити, унинг оламни ҳиссий сезги – мувоқабат орқали билишида ётади.

Киши фазалаштириш орқали ўз хиссиётини тартиб ичидаги тартибга йўналтирганда мууроқабдан фойдаланади. Мууроқаба – ички хиссиётдан фойдаланиб ҳис қилишдир. *Бошқача қилиб айтганда, киши рационал тафаккур билан била олмайдиган нарсасини ички хиссиётдан фойдаланиб, сезгининг тўлқин фаолиятига қиради ва объектив борлиқни ўзига хос ички хиссиёти билан англайди.*

Кишининг мууроқаба орқали билиши, объектив борлиқни умуман бошқача ўлчамларда кўришга ҳамда унинг “тўлқин жабҳа”-сини ҳис қилишга ёрдам беради. Мууроқаба орқали билиш, ҳар қандай нарса ва ҳодисаларда мавжуд фикр шакллари ҳамда энергия майдонларига тўғридан-тўғри яқинлашишни ва манзарани бир бутунликда кўришни ҳамда унинг ҳаракатини ўзгартириш имконини беради. Уларнинг шакли ўзгартирилганда, бутун фикр оқими ҳам ўзгаради.

Одамнинг ҳаракат жараёнини бошқариб назоратда ушлаб турувчи фикр оқими қандай бўлишини айтиб турувчи тафаккур ичидаги тартибнинг “шакли” холодайн дейилади.

Холодайн, бу фикр шакли бўлиб, барча нарса ва ҳодисаларни пайдо қилиш қувватига эга. Холодайн, бу квант кучининг якка ҳолдаги мустақил мажмуидир. “Нуқтали” фикр юритишга биноан, холодайнлар – бу бизнинг хотира сандиғимизни ташкил қилувчи ва ҳаракат дастурларимизни шакллантирувчи махсус фикр шакллари-дир. **Карл Прибрамнинг** айтишича, марказий нерв системасидан ўтиб борган сезги аъзоларимиз узатган хабарларни миёда сақлаганда, улар бизга голограммаларга ўхшаб таъсир қилади. Голограммалар инсонга кўп ахборот бериши мумкин. Чунки, биз қандай фикр юритамиз, қандай англаймиз ва қандай хотирлаймиз? деган саволларга голограмма жавоб бера олади. Одам, уларни ифода этувчи фикр шаклларида билиб олади. **Голограммалар “голографик тамойил”** асосида шаклланади, яъни маълум бўлган бир қисм – бутун тўғрисидаги маълумотни ва бутун тўғрисидаги маълумот – қисм тўғрисидаги маълумотни беради.

Холодайнлар ўзига хос қувватга эга. Улар дунёда содир бўлаётган жамики нарсаларнинг бош сабабчисидир. **Роджер Сперри**, тафаккур ичидаги “сабабият имкониятлари”ни фикр шакллари қандай қилиб ривожлантиришини кўрсатиб бергани учун 1978 йили Нобель мукофотига сазовор бўлган эди, дейди Вульф.

Сперрининг тадқиқотларидан келиб чиқилса, тафаккурдаги “сабабият имкони”нинг келиб чиқиши, тафаккур ичига қурилган ва батарейкалардаги қувватга ўхшаган, биоэлектрик мажмудир. Батареякани қанчалик қувватлантирилса (заряд берилса), у шунчалик кўп қувват чиқара олади. Шу йўл билан, “фикр шакллари” ўз қувватларини ривожлантира олишларини тушунтирса бўлади.

Сатҳни фазалаштириш жараёнида, сизнинг “Мен”ингиз, яъни “нутфа уруғ”ингиз ҳукмронлик қилар экан, қачонки сиз фазалаштиришни ўрганиб олсангиз, холодайнларингизнинг ички дунёсини англаб етишга эришган бўласиз. Гарчи, сиз хоҳлаган нарсангиз сатҳини фазалаштиришни билиб олсангиз, “ип ўрами”га банди бўлмай, ўз тафаккурингизни квант тўлқинига йўналтира оласиз ҳамда бутун потенциал ўзининг бор камрови билан сизга истаган потенциални очиб беришга ва хоҳлаган нарсангизга эришишга ёрдам беради. Шунда сиз, истаган нарсага эришиш қалитига эга бўлиб, “Мен”ингизнинг тўлиқ потенциалда яширинганини англайсиз.

Аmmo, “Мен”ингизнинг **Тўлиқ Потенциали очилиб**, қанот ёзиши учун, тафаккурингиз каналларини кераксиз чиқиндилардан, яъни хом ва бузуқ холодайн (фикр шакли), бошқача қилиб айтганда одатларидан тозалаш керак бўлади. Бунинг учун, фикрингиз оқимини, ҳиссиёт ва барча амалиётларингизни назоратда ушлаб, уларни тўғри йўналишда ҳаракат қилишига ҳалакит бераётган тафаккурингиз ичидаги холодайнлар шаклларини ўзгартиришга тўғри келади. **Равон фикр юритишингиз ва потенциалингизнинг очилишига тўсиқ бўлаётган холодайнлар хом хисобланади.** Бундай холодайнлар яқинига бориб, уларни хом ҳолатидан етуклик ҳолатига айлантирганингизда, уларнинг тартибини, шу билан бирга тафаккурингиздаги барча тартибларни ўзгартирган бўласиз.

Сиздаги энг кучли, энг турғун ва сизни доимо тушқунликда ушлаб турувчи холодайнлар, тафаккурингизга оилангиздан ўтган холодайнлардир. Туғилган кунингиздан бошлаб, сиз хоҳлайсизми - йўқми, оилангиз ўз эътикод ва қадриятлар муҳрини тафаккурингизда қолдира бошлайди. Баъзи эътиқодлар сизга ирсий бирликларингиз орқали ҳам ўтади. Бу эътикод ва қадриятлар тафаккурингизда турли қиёфаларни шакллантириб, улар барча ҳиссий, фикр ва ҳаракатларингизни бошқариб туради.

Бу чекли фикр шакллари кундалик ҳаётингизни назоратда ушлаб, потенциалингиз, яъни ҳақиқий “Мен”ингиз билан курашиб ўсиш ва ривожланишингизнинг олдини тўсади. Сизнинг потенциалингиз эса, берк идишдаги сувга ўхшаб буркираб қайнаб, ташқарига чиқолмай ётади. Шунинг учун ҳам улар, баъзи одамларда асаб бузилиши, танасига тошмалар тошиши, қон босими ошиши ва бошқа турдаги хасталикларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Ҳаётингизга ўз таъсирини ўтказуви ҳолодайнлар фақат оилавийлари бўлибгина қолмай, улардан ташқари ўқиш-ўрганиш ва тажрибадан олинган холодайнлар ҳам инсон ижтимоий ҳаётига катта таъсир кўрсатади. Вернон Вульф оилавий холодайнлардан ташқаридагиларининг барчасини бир ном билан, “маданий холодайнлар” деб атаган.

Бизнинг тафаккуримиз барча оилавий ва маданий холодайнларни олиб, бири-бирининг устига ёпади. Оилавий ва маданий холодайнларнинг ўзаро бир-бирини ёпиб, мос тушган жойини Вернон Вульф “сокинлик ҳудуди” (комфортная зона) деб номлаган.

Гарчи, сокинлик ҳудудидаги холодайнларингиз ўта кучли ва турғун бўлиб, сизга чин бўлиб туюлган тақдирда ҳам, улар сиз англаб етган даражада ҳақиқий эмас. Сатҳни фазалаштириш, оилавий ҳамда маданий холодайнларни эътиқод ва қадриятлар томонидан тафаккуримизга сингдирилган мажозий фикрларнинг том маъносини англаб етишга ёрдам беради.

Эътибор берсангиз, сиз танлаб олган даражага биноан, фикр оқимингиз ё фаровонлик (Юқори тартиб)га қараб, ёки тартибсизлик, нураш (Пастки тартиб)га қараб йўналиб оқади. Ҳар бир босқичда, фикр оқимларингиз ичида “назоратчи” вазифасини ўтовчи, жуда нозик ҳамда ўзига жалб этувчи элементларга ўхшаб таъсир этувчи муайян “ментал шакллар”, яъни қадриятлар пайдо бўлади. Бу ҳал қилувчи алтернативлар, сизнинг ҳар бир тараққиёт босқичингизга ё ривожланиб илгарилаб кетаётганингни, ёки пастга томон кетиб, шахсингиз нураб бораётганини аниқлаб беради. **Пастки тартиб даражасини танлаб олишлик**, тафаккурингизни беихтиёр хом холодайн томон қаратиш, салбий тафаккур модулини фаоллаштириш ва шахсингизни нураш томон йўналтиришдир. **Юқори тартиб даражасини танлаб олишлик эса**, фикрингизнинг ривожланишига, олға қараб силжиш йўли билан шах-

сингизни такомиллаштиришга, “Мен”ингизни, яъни Олий салаҳия-тингизнинг тўлиқ очилишига ва баркамоллик даражасини эгаллашга йўналтиришдир.

“Юқори” ва “паст” даражадаги холодайнларни танлаб олиш кўз илғамайдиган ва арзимас нарса бўлиб кўрингани билан, натижаси жуда кучли бўлиши мумкин. Бироқ, пастки тартибдаги холадайинни танлаганингиздан кейин, юқори тартибдаги холодайнга ўтиш жуда кийин бўлади.

Хом холодайннинг тузоғига тушиб қолганингизда, “хиссий сезги орқали билиш” хусусиятингиздан фойдаланиб, у холодайнга етиб бориб, бундай паст тартибдаги фикр юритишга олиб келган ўзига хос танловингиз сабабини аниқлаб, уни юқори тартибдаги етук холодайн ҳолатига айлантиришни тушунган ҳолда амалга оширишга уриниб кўриш керак бўлади.

Агар сиз қизиқиш фокусингизни (*диққатингизни*) қизиққан нарсангизга уч дақиқа ушлаб тура олсангиз, сиз улуғ истеъдод соҳиби бўлиб, истаган муаммони еча оладиган бўлар эдингиз, деган Альберт Эйнштейн. Бунда истаган бир дақиқада тафаккурингизда мавжуд барча фаол холодайнлар йиғиндисини ифода этувчи қизиқиш фокуси ортиб ва пасайиб туриши алоҳида эътиборга сазовордир. Қизиқиш жараёнига квант назарияси нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам, бу шундай эканига имонингиз комил бўлади.

Қизиқиш тўлқини ўзини намоён қила олмаган квант тўлқинини физик дунёда ўзини билдиришининг бир усулидир. Холодайн қанчалик етук бўлса, у шунчалик квант тўлқинига таъсир кўрсатиб, квант кучининг ичига қира олади.

Ҳис этган ахборотларингиз, миянғиздаги холодинамик текисликда ўзаро муносабатга киришиб, миянинг прогейин толачалари ичиди холодайн деб номланувчи, кўп ўлчамли жонли киёфалар (голограммалар) шаклида сақланади.

Қачонки сиз “холодайн”, “хиссий ва рационал тафаккур”, “оилавий ва маданий эътиқодлар”, “холодинамик майдон”, “қизиқиш тўлқини”, “квант тўлқини” ва “ривожланиш босқичлари” деган тушунчаларнинг том маъно ва моҳиятига етиб бориб, уларни ўзлаштириб олсангиз, сиз потенциалингизни очиш учун энг янги ва жуда кучли қурол билан қуролланган бўласиз.

Барча тафаккурлар “Яширин тартиб” ривожига бўйсунди. Бирок, ҳамма ҳам ўзининг ривожига етук холодайнлардан фойдаланиш йўллари танимайди. Бундай танлов кучи бизни эркин қилади. Аммо, бу кучдан нотўғри фойдаланилса, у инсон шахсининг нурашига олиб боради.

Барча муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи холодайнларга қандай қилиб етиб бориш мумкин? – деган саволга, қуйидагича жавоб берса бўлади: Сиз ўзингизни “Ҳиссий сезгилар орқали билиш” имконингиздан фойдаланиб, барча тартибсиз ҳаракатларингиз ичига нигоҳингизни қаратасиз ва холодайнларингизга жисмоний шакл берасиз. Ўз холодайнларингизни ҳис қила бошлаганингизда, улар билан тўғридан-тўғри мулоқотга кириша оласиз ва уларнинг мақсадини билиб олиб, босқичма-босқич етук ҳолатига, яъни тўла потенциалига келтирасиз. Бу жараёни “**излаб топиш**” дейилади.

Қачонки сиз ривожланишнинг тўртинчи – “**ижтимоий**” босқичига етишганингизда, сизнинг “Мен”ингиз очилиб, тўлқин потенциал ўзини намоён қилади. Бу жараёни “**потенциаллаш**” дейилади. Бу, табиий таракқиётнинг икки жараёни биологик билан ижтимоий, шахсий билан механик модулларда бирдай универсал ҳолда ишлайди. Ҳар қандай муаммони ҳал қилиш учун аввал уни фикрлар оқими ичидан излаб топиш керак бўлади.

Излаб топиш – оддий, аммо жуда кучли жараён, унинг ёрдамида сизга керак бўлган холодайнга етиб бориб, уни табиий ривожланиш жараёни орқали изини йўқотмай етуклик ҳолатига, яъни тўлиқ потенциалига олиб борилади. В.Вульфнинг[85] назариясидан танқидий фойдаланиш мумкин.

Излаб топиш – бу сизнинг холодайнларингизни табиий ривожини яқунлаш учун ўз ўзанига қайтаришдир.

Излаб топиш – бу ҳиссий жараён бўлиб, керакли холодайннингизни ҳиссий тафаккур орқали англаб етиб, ҳар бир босқичга нигоҳингизни қадаган ҳолда, “ҳиссий сезги орқали билиш” кобилиятингиздан фойдаланиб, уни ўз ўзанида ушлаб туришлиқдир.

Излаб топиш ютказилмайдиган жараён: агар ушбу жараёнда рационал тафаккурингиз гирдобига тушиб қолсангиз, ҳаммасини бошқатдан бошлайсиз

Тафаккурингизнинг бир қисми муаммонинг ечилишини истаса, бошқа бир қисми, эриниб ёки муваффақиятга ишонмай, масала-

нинг ҳал бўлишига қаршилиқ кўрсатиши мумкин. Аммо ҳал қилувчи танлов эркинлиги сизнинг қўлингиздадир. Гарчи сиз муаммони ҳал қилишга аҳд қилган экансиз, излаб топишнинг олти босқичи сизга йўл кўрсатиб туради.

1-босқич. ХОЛОДАЙНГА ЕТИБ ОЛИШ

Сатҳни фазалаштириш учун:

1) сокин ҳудудни топиш керак;

2) сизда фақат яхши ҳиссиётни пайдо қилиб, сизга йўл кўрсатувчи(гид)ни топиб олишингиз лозим (у *бувангизми, отангизми, онангизми, устозингизми ёки бошқа бир сиз ишонган киши бўлиши мумкин*);

3) муаммо билан боғлиқ сезги-ҳиссиётингизни бошқатдан бошдан кечирингиз шарт;

4) холодайнга жисмоний шакл бериш, яъни муаммо заминада ётган холодайн(фикр шакли)нинг мазасини, иси ёки товушини сезиб, унинг мавжудлигини ҳис қилиш керак бўлади.

Бунда, танангизнинг бир жойида – ичак-чавок ёки белингизда, ёхуд бошқа бир жойингизда зўриқиш ёки санчиқ пайдо бўлганини сезасиз.

Фараз қилайлик, сизда бир муаммо пайдо бўлиб қолди. Бунинг учун биринчи навбатда, сиз уни фокусилаштирасиз. Фокусилаштириш деганда, муаммони тан олиш тушунилади. Ундан кейин, уни фазалаштиришингиз керак бўлади, яъни муаммо ичидан чиқиб туриб, унга четдан қарайсиз.

Холодайннинг шакли ва унинг мавжудлигини сезиш орқали ҳис қилиб унга етганингизда, ички тартиб ичидаги излаб топиш жараёнининг биринчи босқичини тугатган бўласиз.

2-босқич. ХОЛОДАЙН БИЛАН ДЎСТЛАШИШ

Холодайн холодинамик ҳолатда мавжуд бўлгани учун, у сиз ақлан ўзингиз тўғрингизда билган маълумотлардан кўра сиз тўғрингизда кўпроқ ахборотга эга. Шунинг учун ҳам уни лақишлата олмайсиз. Мақсадингизга етиш жараёнида, сизда қандайдир муаммо пайдо бўлдими, коинотда энг қудратли куч бўлиб ҳисобланган муҳаббатдан фойдаланиб, холодайннинг ижобий мақсадларини аниқланг. Билингки, ҳар қандай муаммони пайдо қилган ўй-фикр ва амалиёт негизда, албатта бир яхши мақсад ётган бўлади. Унинг эзгу мақсадини аниқлаганингиздан кейин, фикран унга ўз потенциалининг етук даражасига етишишига имкон беринг. Пайдо

бўлган муаммога кайфиятингиз бузилиб, уни ёмон кўрдингизми, албатта, ундан ҳам кучли муаммога дуч келасиз.

Хом холодайддаги асосий муаммо: улар яхшилиқни иста-салар ҳам, унга эришиш тадбир-чораларини танлашда хом ёки бу-зук холодайнлардан фойдаланадилар. Билингки, ҳар қандай эзгу ниятга ҳаром ва нотўғри йўллар билан етишиб бўлмайди, бу кону-ният. Киши, бирон-бир мақсадга эришиш жараёнида, истисносиз бир қатор тўсик ва муаммоларга учрайди. У бу тўсиқларни барта-раф этиш учун, бир қатор чора-тадбирларни қўллайди. Шунда у, қувлик, шумлик қилмай муаммони пайдо қилган фикр шаклини то-пиб олиб, уни фазалаштирса, олам гулистон бўлади ва у муаммони еча олади.

3-босқич. ХОМ ХОЛОДАЙНИ ЕТУК ҲОЛАТГА АЙЛАНТИРИШ.

Бу ишни амалга ошириш учун хом холодайннинг эзгу ниятини билиб олиб, "ҳиссий сезги орқали билиш" имконингиздан фойда-ланиб, бу холодайн етуклик ҳолатида қандай кўринишга эга бўли-шини аниқлайсиз.

Хом холодайннинг эзгу нияти, кишининг "Мен"ини, яъни яши-рин "тўлиқ потенциал"ини ифода этади. Хом холодайн етуклик ҳолатга айланишга ихтиёр билдирса, унга қаршилиқ қилманг. Бу табиий жараён. Шунда етук қиёфали холодайн ўзининг хом ҳолатини ўзига сингдириб олганини кўрасиз. Шу билан учинчи босқич тугайди.

4- босқич. ИЧКИ ТАРТИБНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ўзингизнинг тўлиқ потенциалингизга етишиш учун, сиз ўз тафаккурингизда ички бошқарув тизимини (ҳаракатингизнинг асосий тамойилларини) аниқлаб олишингиз керак бўлади. Ички бошқарув тизимини ўрнатиб олганингиздан кейин, сизнинг ташқи дунёдаги ва одамлар орасидаги ҳаётингиз, умуман бошқача, самарали кеча бошлайди.

Ички бошқарув жараёнини бошлашингизда холодайнлар орасида тотувлик, ишонч ва жамоа бўлиб ижод қилишдек ижтимоий тартибларни ўрнатиб олиш лозим бўлади. Шунда, сизнинг етук холодайнларингиз бир-бири билан ва "тўлиқ потенциал"ингиз билан мутаносибликка киришиб, квант кучини ўзига жалб этади.

5-босқич. ИСТИҚБОЛЛИ МАНЗАРА ТАМОЙИЛЛАРИНИ АНИҚЛАШ.

Гарчи, сиз меҳрибонлик, адолатлилик ва ҳамдардлик тамойиллари муҳтида яшамокчи экансиз, даставвал, ўзингиз барчага меҳрибон, адолатли ва ҳамдард бўлишингиз шарт. Шунда, етук холодайнларингиз ёрдамида резонанс берадиган энергия майдонини ҳосил қилиб, бу тамойилларнинг сизга нисбатан амалга оширилишига шароит яратган бўласиз.

Бу босқич, сизнинг тафаккурингиз ва бутун моҳиятингизда мутаносиблик туйғусини ҳосил қилади. Шунда сиз барча холодайнларингиз устидан ҳукмрон бўлиб, уларни ҳаётингизга қўрсатган таъсирини қўришингиз мумкин ва сиз ўз ҳаётингиз эгаси бўлиб, ҳар қандай вазиятнинг сабабчиси ўзингиз эканини англаб етасиз.

6-босқич. УНИВЕРСАЛ

Бу босқичда, “ҳиссий сезги орқали билиш” хусусиятингиздан фойдаланиб, етук холодайннингиз билан ҳар куни, камида икки маротаба учрашиб олишингиз лозим. У билан ўзингизнинг “соқинлик ҳудуд”ингиздаги даврада учрашасиз. Бу даврада “етук холодайн”ингиздан ташқари сиз англаб етган моҳиятингиз, “Мен”ингиз, ҳиссий йўл бошловчиларингиз ва бошқа етук холодайнларингиз учрашиб, тенг ҳуқуққа эга бўлган ҳолда суҳбат олиб борадилар. Холодайнлар барча воқеликларнинг бош сабабчиси бўлгани туфайли, улар билан тўғри муносабатда бўлинганди, улар барча эзгу амалларни рўёбга чиқаради.

Пайдо бўлган ҳар қандай муаммони ҳал қилиш йўлини холодайннингиздан илтимос қилиб суранг ва унга ёрдам учун нима қилишингиз кераклигини ҳам билиб олинг. Зарур бўлганда керакли жавоб беришини ундан илтимос қилинг. Бу ҳол, реал ахборотлар билан айирбошлашликни таъминлаб, ҳаммани ўз вазифасида ушлаб туришга хизмат қилади. Шу билан бирга, рационал тафаккурингизга ҳиссий жараёнларни очик англашга имкон бериб, барча турдаги стрессли вазиятлар ва ҳаётий тўсиқларни англашга ёрдам беради. Сиз ўзингиз севган холодайнга бемалол етишингиз мумкин ва бошқа барча нарсаларга эришиш йўли билан сиз ўз потенциалингизни такомиллаштириб, Олий потенциалингиз томон илгариласиз. Сиз бошқалар билан бир бутунликни ташкил этажаклигингизни ҳис этиб, чексиз **Холодинамик Коинот** билан ҳам бир

бутунликда эканингизни тушунишга яқинлашган бўласиз. Шунда сиз **универсаллашган** бўласиз.

Шу билан сиз, муаммо пайдо қилган холодайнни излаб топиш жараёнини тугатган бўласиз. Сиз уни яширин ва хом ҳолатидан етуклик ва очик ҳолатига, яъни Тўлик потенциалига олиб келган бўласиз. Шу ерда бир нарсани эслатиб ўтишлик жоиз. Доимо эсингизда турсинки, холодайнлар сиз билган вақт ўлчамидан бошқача вақт ўлчамида фаолият кўрсатадилар. Шу туфайли, сизнинг рационал тафаккурингиз ва чизикли фикр юритишингиз холодайнлардан сиз белгиллаган вақтда иш бажарилишини кутиши мумкин. Аммо, Холодинамик майдон – ривожланувчи майдон бўлиб, у ўзининг вақти, ўз қонуният ва тартиблари асосида ривожланади. Шуни билганингиздан кейин, рационал тафаккурингиз безовта бўлмаслиги учун, рационал тафаккурингиз талаблари билан холодинамик жараён орасини мутаносибликка келтириб туришингиз шарт.

Холодинамика назариясининг **салбий тарафи** шундаки, у оила, ота-она, фарзандлар, қариндошларга меҳр-оқибатни, яъни одамийликни ақлий ўсишга тўсик деб ҳисоблайди. Аммо бу назариядан билиб фойдалансангиз, фаровонликка олиб борувчи тинчлик, мўл-кўлчилик ва саломатликка эришасиз.

“Ҳиссий сезги орқали билиш” хусусиятингиздан фойдаланиб, ўз ҳис-туйғуларингизни бошқа бировларга ҳам йўналтиришингиз мумкин. Шунда уларда ҳам универсал фикр юритиш тафаккурининг пайдо бўлишига ва уларда ҳам ўзидаги очилмаган потенциалнинг очилишига кўмаклашган бўласиз. Бу эса, Космик муҳаббатнинг ўзини намоён этишининг бир кўринишидир.

Юқорида биз, фақат ўзини ўзи тарбиялаш, яъни ўзидаги қусурлардан ўзи қутулишининг ва ўзида ижобий фазилатларни шакллантиришининг энг замонавий усули билан таништирдик. Аммо, инсонни, унда шаклланиб қолган ёмон одатлардан халос этувчи ва унда ижобий ижтимоий сифатларни шакллантирувчи расмий таълим-тарбия соҳаси ҳам борки, унинг фаолиятидан баркамол инсон бўлишликнинг ўрни катта.

Таълим-тарбия соҳасининг вазифаси одамларни тарбиялаб, маънавий баркамолликка етказиш экан, буни педагогик фаолият ёки туркий тилда, маърифат дейилади. “Маърифат, бу тарбияланувчининг хоҳиш-иродасини керакли йўналишда бошқариш санъатидир”, деган эди Абу Наср Форобий. Педагогик фаолиятни

маҳорат билан тўғри амалга ошириш учун педагогика фанининг мазмун-моҳиятини ва меҳнат фаолиятининг объекти ҳисобланган инсон ўзи қандай мавжудот эканини яхши билиб олиши лозим.

Инсоннинг асл моҳиятини юқорида кўрдик. Энди таълим-тарбия билан шуғулланувчи педагогиканинг мазмун-моҳиятига етиб борайлик.

Аваламбор, шуни айтиш жоизки, таълим-тарбия фаолиятини кўл учида, амал-тақал қилиб бажаришлик ман қилинади. Уни фақат бутун вужуди билан, бор ақл-заковат ва билимини ишга солиб, маҳорат билан бажариш лозим бўлади. Бу фаолиятнинг бошқа турдаги фаолиятлардан фарқи ҳам шунда. Чунки бопқа турдаги меҳнат фаолиятларида йўл қўйилган камчилик ва хатолар ё кишининг ўзига, ё бошқа бировга, ёки меҳнат жамоасига моддий ёки маънавий зарар етказса, таълим-тарбияда йўл қўйилган хато ва камчиликлар одамларнинг айниқса ёш авлоднинг ривожига салбий таъсир этиб, бутун жамиятнинг бир неча ўн йиллик тараққиётига акс таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам бундай хатоликка йўл қўймасликка астойдил ҳаракат қилиш лозим.

Таълим-тарбия соҳасини ўзига меҳнат фаолияти этиб танлаган киши, **биринчидан**, педагогиканинг фалсафий жабҳаларини яхши эгаллаб, ўз маънавиятига айлантириб олган бўлиши лозим. Педагогиканинг фалсафий жабҳаларини эгаллаб олиш деганда, педагогикада ишлатиладиган фалсафа тушунчаларини ҳамда илм-фанда кейинги вақтда содир бўлган ўзгаришларни, янгитдан пайдо бўлган дунёқараш ва илмий оқимларни, шунингдек, ҳамма педагоглар билиши шарт бўлган фалсафанинг боқий қонун ва қонуниятларини билиб олиб, уларга ўзларида кўникма ҳосил қилганлик ҳолати тушунилади.

Иккинчидан, ҳар қандай ўқитувчи ва педагог маҳоратли дарс беришни ўзига мақсад қилиб олар экан, педагогиканинг назарий асослари ва дарс ўтишнинг усул ҳамда услублари билан тўла қуролланган бўлиши керак. Акс ҳолда, дарс ўтиш жараёнида қатор хато ва камчиликларга йўл қўйиб, кўзлаган мақсади йўлидан чиқиб кетаверади. Натижада, нафақат ўзини, балки тарбияланаётган болаларни ҳамда мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти раҳбарларини ҳам жуда-жуда қийнаб қўяди. Бу ҳолда меҳнат жараёни унга азоб-укубатга айланади. Энг асосийси, ўз фаолиятидан олаётган маблағини оқламай, бола-чақасини нопок

йўл билан боқаётганини ҳам билмай қолади. Бунинг оқбагида меҳрсиз ва ахлоқсиз болалар етишиб чиқади.

Учинчидан, назарий жихатдан ҳар қандай ўта кучли асосланган ва лойиҳаси яхши тузилган дарсни ҳаётда амалга ошираётганда, албатта, бир катор кийинчиликларга дуч келинади. Дарс ҳа деганда кўнгилдагидек бўлавермайди. Шунда педагог кийинчиликлардан кўркмай, тушкунликка тушмай, сабр-бардош билан, шу жараёнда учрайдиган тўсиқларни бартараф этиб, зарур бўлса, тузиб чиққан дарс лойиҳасига бир неча бор ўзгартиришлар киритиб, назарий асосланган дарсни амалиётда синовдан ўтказиб, ўзига мослаштириб олиши лозим.

Айтилган ишларни амалга ошириш осон эмас, албатта. Лекин, ушбу масъулиятли, аммо шарафли касбни ўзингизга меҳнат фаолияти қилиб танлаган экансиз, бир-икки йилги кийинчиликларни бўйнингизга олиб, ўз педагогик маҳоратингиз устида ишлашга эринманг. Педагогик маҳоратни ошириш сир-асрорлари билан, шу монография муаллифи ёзиб чоп эттирган, “Педагогик маҳорат асослари” [28] китоби орқали танишасиз.

Ўқув юрларида болаларни одобга ўргатиш учун, аввал уларда берилаётган тарбияни қабул қилишнинг мотивини пайдо қилдириш лозим. **Мотив – англашилган истак, ниятдир, кишининг хатти-ҳаракатини олжа йўналтирадиган, унга йўл-йўриқ кўрсатадиган кучдир.** Тегишли мотивлар бўлмаса, хатти-ҳаракатнинг зарур бўлган формалари мустаҳкамланмайди, талабаларнинг ахлокий хислатлари шаклланмайди.

Ҳис-туйғу ўқувчиларнинг феъл-атворига жуда катта таъсир кўрсатади. Тарбия ишида ҳис-туйғуга таяниш – тарбиянинг самарадорлигини оширади. Болаларнинг ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатиш жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, тарбия ишининг энг мураккаб соҳасидир. Ваҳоланки, кўп педагоглар болаларнинг онги тараққиёти учун қайғурганлари ҳолда, тарбия ишида талабаларнинг ҳис-туйғуларига қай тариқа таъсир кўрсатиш лозимлигини ҳаммиса ҳам тасаввур эта олмайдилар.

Талаба ва ўқувчиларнинг ҳис-туйғуларига таъсир этиш усуллари белгиланганда ҳис-туйғуларни, асосан, боладаги мавжуд туйғуларни ўзгартириш ва янада такомиллаштириш йўли билан содир бўлажagini назарда тутиш лозим. Ҳозирги замон фани ҳис-туйғуларни тарбиялашнинг аниқ ва бевосита йўллари кўрсатиб

беролмайди. Зарур ҳис-туйғунинг пайдо бўлиши учун болада бирор-бир кечинма туғдирадиган муносиб вазиятни вужудга келтириш муҳимдир.

Болаларнинг янги ҳис-туйғулари муайян кечинмалар натижа-сида пайдо бўлади. Кечинмалар таъсирида ҳис-туйғулар такомил-лашуви ўзгариши мумкин. Кечинмалар кўпинча бошқа кишилар-нинг хатти-ҳаракатини англаш ва уқиб олиш жараёнида вужудга келади.

Ахлокий тарбия ишининг таъсирчанлиги, мактаб маъмурияти-нинг, болаларда фойдали билим ва кўникмалар ҳамда ижобий одатларни таркиб топтириш тўғрисида нечоғлиқ ғамхўрлик килаёт-ганлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

6-§. Билим эгаллаш усуллари

Инсон камолотида билимли бўлиш энг яхши фазилатлардан бири ҳисобланади. Чунки киши билим орқали оламни танийди, яхши-ёмонни ажрата оладиган бўлади, одобга, саломатликка ва энг асосийси, ижтимоий кувватга эга бўлиб, эл-юрт ичида ҳурматга сазовор бўлади.

Шунинг учун ҳам Қурони каримнинг оятлари мусулмонларни билим олишга тарғиб қилади. Қуръоннинг нозил бўлиши ҳам “ўқи” деган калима билан бошланган.

Ҳадис китобларида мусулмонлар учун билимнинг нақадар зарурлиги кўп маротаба баён этилган. “Бешиқдан то кабрғача билим ўрган” деб, билим ҳар нарсадан юқори эканлиги, ҳеч нарса ундан юқори бўла олмаслиги кўрсатилган. Демак, ислом таъли-мотида билим энг олий мақсад – дунёни таниш учун зарур деб уқтирилади. Билим дунёни билиш билан кифояланмай, шахс маънавиятини шакллантиришда ҳам аҳамиятлидир.

Саҳобаларнинг ривоят қилишларича: Муҳаммад (сав) ўз ҳадисла-рида – “Билимга билим олмоқ йўли билан эришилгайдир, Илму хунарни Хитойдан бўлса ҳам ўрганинлар. Билим эгалланг! – Билим саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғиз дамларда йўлдош, бахтиёр дакикаларда раҳбар, кайғули онларда мадаткор, одамлар орасида – зебу зийнат, душманларга қарши курашда – қуролдир!” – деганлар.

“Билимларнинг фойдаси очкўзлик билан олтин-кумуш тўплаш учун бўлмай, балки у орқали инсон учун нарсалар(савоб)га эга бўлишдир”, дейилган ҳадисларда.

Шаркнинг буюк алломаси Абу Райҳон Беруний халқни билим олишга чақирганлар. Беруний билимнинг буюқлигини шундай таърифлаган:

“Билимлар кўпдир, улар замон икболи бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга кўшилиб борса кўпаяди. Одамларнинг билимларга рағбат қилиши, билимларни ва илм аҳллариани ҳурматлаши ўша икболнинг белгисидир”[89].

Юсуф Хос Ҳожиб ўз ижодида билимни юксак баҳолайди. Шоир билимни бойлик, қишан, кийим, емиш каби нарсаларга киёслайди. Билим ва билимдонликни ҳис эта олмоқ, уни туншунмоқ дарқорлиги, билимдон бўлиш тарбия билан чамбарчас боғлиқлиги, бола қанчалик эрта билим олишга ўрганса, шунча яхши эканлиги ҳақида ёзади. Аллома билимни қуйидаги шеърӣ мисраларда баён этади:

Агар кимда бўлса ақл, билим, зеҳн,
Уни мадҳ этиб сен, тугал эр дегин.
Зиёд бўлса кимда ўқув, уқув, ақл, билим,
Ёмон ва кичик бўлса ҳам мактагин.
Билимли билади билим ҳурматин,
Билимсиз не билгай билим қийматин[89].

Ўз замонасининг билимдон кишиларидан бўлган Абдурахмон Жомий бутун куч - ғайратини ўз шогирди ва ёрдамчиларига билим беришга бағишлаган. У:

Билимни дилга жо қилишга тириш,

Билиб ол-да, сўнгра чин ишга кириш[89]

дея ёшларга мурожаат қилиб, билим эгаллашга, одоб-ахлоқ эгаси бўлишга чорлайди.

Буюк саркарда Амир Темур ҳам билимни улуғлаб, шундай дейди:

“Илм ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар”[24].

Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Абу Райҳон Беруний, Абдурахмон Жомий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк алломалар, барча уламо-ю фузалолар, олиму фозиллар, шоиру ёзувчиларнинг барчаси ўз даврининг нуфузли, ҳурматли, эътиборли кишилари даражасига мукамал билим эгаллаш орқали эришганлар.

Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида билим оркали Фарҳоднинг ақл-идрокли, билимдон, хунарманд, камтар, инсонпарвар, иродали ва иймон-эътиқодли инсон бўлганлигини кўрсатади. Бу дostonни ўқиган китобхон инсоннинг етуқлигини кўрсатувчи сифатлардан бири - билим эгаллаш эканига ишонч ҳосил қилади.

Инсон ҳаёти учун муҳим бўлган билим ўрганишда ота-боболаримизнинг фаолияти ва уларнинг ёшларга кўрсатган ғамхўрликлари беқиёсдир. Шунинг учун ҳам Абу Лайс ас-Самарқандий ўз ҳикматларида “Эй ўғил, ёшлигингда отанг билим олмоқ учун яратган шароитдан кўз юмма! Билим бир чироқдурким, сени роҳат ва фароғат салтанатига ҳеч бир захматсиз етказди.

Эй фарзанд, билим олмоқнинг фазилатлари кўпдирким, ҳаётинг фароғатда, юриш-туришинг ҳурмат ва иззатда бўлур...!” деб ёшларга муурожаат этади.

Абдулла Авлониининг фикрича, ”Билим инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари, неъматидир. Билим ўрганмоқ, олим бўлмоқ учун мактабга кирмоқ, муаллимдан таълим олмоқ лозим”[15].

Билим эгаллашда тўппа-тўғри ва текис йўл бўлмайди. Фан билимларининг метин қояларига чарчашдан кўркмай чирмашиб чиққан кишиларгина унинг нузли чўққиларига етиши мумкин.

Билим энг юқори инсоний қадрият эканлиги ҳисобга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида ҳам қуйидагилар қайд қилинган: “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга”[1].

Билим маънавий бойлик манбаи бўлиб, ақлни ўстиради ва мустаҳкамлайди, иззатни оширади ва ҳар бир кишини баркамолликка етаклайди, умрини боқий қилади.

Билимли бўлиш ғоят олий ва муқаддас бир фазилат бўлиб, дунёнинг лаззати, охиратнинг шарофати ҳисобланади. Билим киши зеҳнини, фикрини қилич каби ўткир қилади. Билимсиз инсон мевасиз дарахтга ўхшайди. Билим дарахт мевалари каби ҳар бир инсонга озуқа бериб, маънавият, инсоният, маърифат дунёсига олиб қиради.

Билимли бўлишнинг ҳар бир шахсга ва бутун жамиятга етказадиган нафани билиб олганимиздан кейин, билим йиғиш сирлари билан танишиб чиқишлик мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир одам индивид, яъни кимса бўлиб туғилади ва ҳаёти давомида тафаккурини ишлатиб, билим йиғади ва бу билимларни

мушоҳада қилиб, ўзининг феъл-атворини шакллантиради ва маълум бир вақтдан сўнг шахсга айланади. Инсон шахс даражасига кўтарилиш учун куйидаги ижтимоий сифатларга эга бўлиши керак. Буларга: индивидуаллик, мижоз (темперамент), феъл-атвор, фаоллик, мақсадга интилувчанлик, йўналганлик ва ирода киради.

Индивидуаллик – фақат муайян кишига хос бўлган биологик ва ижтимоий сифатлар мажмуи.

Мижоз (темперамент) – одамнинг хусусий психологик таснифи. (Ғайратли, беғам, хаёлпараст-меланхолик)

Феъл-атвор (характер) – мижознинг ижтимоийлашувидан келиб чиқиб, кишининг атрофдагилар билан муносабатида намоён бўлувчи ижтимоий сифат.

Фаоллик – кишининг атроф-муҳит билан бўлган муносабатида намоён бўлиб, ички ва ташқи фаоллик деган турларга бўлинади.

Мақсадга интилувчанлик – кўйилган мақсадга етиш қобилияти орқали намоён бўлади.

Йўналганлик – шахсий ҳаётда олдига қўйган мақсади орқали ифодаланиб, кишининг дунёқарашида ва маънавий эҳтиёжларида намоён бўлади.

Ирода – мақсадга йўналтирилган ҳаракатлари жараёнида учрайдиган тўсиқларни бартараф этиш ва қийинчиликларга бардош бериши орқали ифодаланади.

Ҳақиқатан ҳам, одам дунёга келганида фикр юритиш қобилияти билан туғилади. Шунинг учун, у хоҳлайдими-йўқми тафаккури ишга тушгач, теварак-атрофни кузатиб, уни англай бошлайди. Аввал алоҳида-алоҳида нарсаларни англаса, кейинчалик бу нарсаларнинг орасидаги боғлиқликларга ҳам ақли ета бошлайди. Ана шу, атрофдаги чексиз нарсалар орасидаги алоқадорликларни англашни билиш дейилади, алоқадорликнинг ўзини эса билим дейилади деб, юқорида ҳам бир неча бор айтганмиз.

Шундай экан, соғлом туғилган бола атроф-муҳитни кузатиб, маълум вақтдан кейин уни қуршаб турган нарсалар орасидаги боғлиқликни англай бошлайди ва хотирасида саклайди. Демак, у билим йиға бошлаган бўлади. Унинг билим йиғишига, аниқроғи нарса ва ҳодисаларни англашига унга, аввало, онаси, сўнг отаси, онаси, акаси ва бошқа оила аъзолари ёрдам бера бошлайдилар. Натижада, бола оила тарбияси таъсирига ўта бошлайди. Бироқ чақалоқ-

лигида атроф - муҳитни кузатиб, билим йиғиш қобилиятини бола то умрининг охиригача сақлаб қолади. Фақат ота-она, ўқитувчи ва мураббийлар бунга халақит бермасалар бўлгани. Халақит қилмайин деб, бола тафаккурининг ривожини ўз холига ташлаб қўйиш ҳам тўғри эмас, унинг фикр юритишига ва билмаган нарсасини билиб олишига ёрдам бериш лозим.

Бола катта бўлгани сари ўқиш ва ёзишни ўрганиб, билимларни китоблар ва оммавий ахборот воситаларидан мустақил равишда ола бошлайди ва бир кун бориб шахсга айланади. Шахснинг ҳам оддийси (авом), ривожлангани (хос кишилар) ва улуғи (валий) бўлади. Кимда-ким саъй-ҳаракат қилиб, фаоллик билан, қийинчиликлар олдида довдирамай, мардонавор, қўйган мақсади сари ҳаракат қилиб билим эгаллаб бораверса, оддийдан мураккаб томон ривожлана бориб, боскичма-боскич валий даражасига эришиши мумкин.

Оиладаги таълим-тарбия орқали билим йиғиш. Оила тарбияси деганда, ота-она ва бошқа оила аъзоларининг, улар истаган ижтимоий сифатларни болада шакллантириш мақсадида унга кўрсатган таълимий таъсирлари тушунилади.

Оила бола учун, бир вақтнинг ўзида, ҳам ҳаёт кечириш макони, ҳам таълим (билим) олиш манбаи бўлиб хизмат қилади. Боланинг илк ижтимоий ривожланиши даврида оиланинг роли беҳисоб. Боланинг гўдақлик чоғида кўрган-кечирган ва тафаккурдан ўтказиб, хотирасига жойлашиб олган билимлари жуда турғун бўлади. Уни махсус психологик муолажалар орқали хотирасидан чиқариб ташланмаса, улар киши умрининг охиригача сақланиб қолади ва шахсий ҳаётига, шу жумладан, шахс сифатида шаклланишига катта таъсир ўтказиши мумкин. Шундан келиб чиқадиган бўлса, оила жамият талабига жавоб берадиган яхши оила бўлса, унда ўсиб-унган бола ҳам (уни бошқа таъсирлардан сақлаганда) яхши бўлиб шаклланади ва аксинча. Шунинг учун жамиятта мос кишиларни тарбиялаб берувчи расмий таълим-тарбия тизимидаги мутасадди кишилар оила билан алоқани мустаҳкамлашлари, дидактика тамойиллари ва психология қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, ота-оналарга тавсиялар ишлаб беришлари лозим.

Демак, оиладаги тарбия, кишининг бутун ҳаётига ва шахс сифатида, фуқаро сифатида шаклланишига ҳал қилувчи таъсир ўтказар экан, бутун жамоатчилик ҳамда барча давлат муассасалари

хар бир оиланинг соғ саломатлиги ва тинчлиги устида қайғуриши тўғри бўлади.

Кейинги пайтларда, жаҳон микёсида, бола тарбиясида оиланинг роли камайгани сезилмоқда, деган фикрлар, “оила кризиси” деган тушунчалар пайдо бўлмоқда. Жаҳон олимлари бунинг сабабларини аниқлашга киришганлар. Бунинг сабабларидан бири, бошқа билим манбаларининг ўта тараққий этиб кетганлигидан деб билмоқдалар. Жумладан, оммавий ахборот воситалари, айникса, телевидение, радио, уларга интернет тармоқлари қўшилиб, кишилар онгини чулғаб олган. Уларнинг таъсир кучи жуда кучли бўлиб, оила ва расмий таълим-тарбия тизими улар олдида ип эшолмай қолмоқда.

Оила кризисининг яна бир муҳим сабабларидан, ота-она ва бошқа оила аъзолари ўзларининг тобора ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида меҳнат жараёнида ўта фаоллашиб кетиб, бола тарбиясига вақт тополмаётганликларидир. Айтганларимизга бошқа қўпгина омиллар ҳам қўшилиб, бола тарбиясидаги оиланинг роли сусаймоқда.

Оила тарбиясида йўл қўйилаётган камчиликларни тузатиш мақсадида, бутун дунёда ижтимоий, яъни жамоатчиликнинг тарбиявий ролини оширишга интилмоқдалар. Наतिжада, жамоатчилик вакиллари ўз тарбиявий таъсирларини илмий асосда олиб боришлари учун **ижтимоий педагогика** деган фан ҳам пайдо бўлди.

Унинг асосий вазифаси, асосан, тарбияси қийин ёки умуман тарбиясиз қолган одамларнинг, биринчи навбатда, болаларнинг тарбияси билан шуғулланишдир. Уларга нафақат маънавий таъсир, балки моддий ёрдам кўрсатиш ва ҳоказо ишлар амалга оширилмоқда. Ундай кишилар фаолиятини, қўпгина мамлакатларда, ҳудуддаги расмий таълим-тарбия билан шуғулланувчи департаментлар ўз назоратларига олганлар. Аммо бу йўналишда муаммолар ҳали жуда кўп.

Узлуксиз расмий таълим-тарбия тизими орқали билим олиш. Инсоннинг замон талабига жавоб берадиган шахс бўлиб шаклланишида, сўзсиз, узлуксиз расмий таълим-тарбия етакчилик қилади. Унинг расмий деб аталишининг мазмуни куйидагилардан келиб чиқади. Аҳолининг ижтимоий сифатларини замонга мос равишда шакллантириш режаси, таълим-тарбия соҳасидаги етук олимлар томонидан жамиятнинг таълим-тарбияга қўяётган талаб ва

эхтиёжлари асосида миллий дастур кўринишида тузилади. Сўнг уни ижтимоий буюртма сифатида Олий Мажлисга тавсия қилинади. Халқ ноиблари ўзларининг шўъба йиғилишларида мутахассис экспертлар билан бирга бу дастурни кўриб чиқадилар. Уни жамиятнинг истикболли режалари билан солиштириб, таълим-тарбиянинг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қиладилар. Дастур маъқул бўлса, биринчи ўқишдаёқ тасдиқланади, камқўсти бўлса, таклифлар киритиб, қайта ишлаш учун қайтарилади. Маъромига етган таълим-тарбия дастури республиканинг икки палаталик Парламенти тасдиғидан ўтади. Шундан кейин у конун кучига эга бўлади. Бу дастур давлат томонидан молиявий кафолатланганидан кейин давлат буюртмаси деган ном олади. Шунда у расмий деган мақомга эга бўлиб, мутасадди кишилар уни бажариши шарт бўлади.

Ўз навбатида, инсон муаммоси билан шуғулланувчи файласуфлар, замона талабига жавоб берувчи киши фазилатларини яратиб берадилар. Улар яратган сиймо шу ҳудуднинг муаян вақти учун баркамол инсон фазилаглари ҳисобланади. Кўлингиздаги илмий тадқиқот ишининг учинчи боби, айнан шу масала ечимига қаратилган.

Замон талабига жавоб берувчи инсоннинг ижтимоий сифат кўрсаткичлари таълим-тарбия билан шуғулланувчилар учун умумий методологик асоснинг биринчи қисмини ташкил қилади.

Файласуфлар ишлаб берган баркамол инсон фазилатларини шакллантириш учун, фан соҳаларининг етакчи олимлари хусусий фанлардан босқичма-босқич амалга оширадиган намунавий фан дастурларини ишлаб чиқадилар. Бу дастурлар таълим-тарбия тизимининг ҳар бир босқичи ва ҳар бир тармоғи учун ишланган давлат стандартларига мос ҳамда болалар имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Намунавий фан дастурлари давлатнинг мутасадди органларида тасдиқдан ўтганидан кейин, таълим-тарбия соҳасининг амалиётчилари учун дастуруламал ҳисобланади. Шундан кейин ҳар бир ўқитувчи ва педагог, ўз ўқув муассасасининг йўналишидан, шу муассасанинг моддий базасининг имкониятидан ҳамда ўз касб маҳоратидан келиб чиқиб, ўзи учун ишчи фан дастур тузади ва уни тасдиқлашиб олади. Кўриб турганимиздек, давлат томонидан ташкил қилинган ва молиялаштирилган таълим-тарбия тизими жуда

кўп синовлардан ўтиб, амалга оширилади ва давлат томонидан назорат қилинади. Шунинг учун уни расмий дейилади. Инчунун, унинг самараси ҳам юқори бўлади.

Узлуксиз деган сифатдошга келсак, ҳақиқатан ҳам, таълим-тарбия, оиладан бошланиб то киши умрининг охиригача давом этади.

Куйида узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг ҳар бир босқичини алоҳида мажму сифатида кўриб, уларни батафсилроқ тавсифлаймиз

Ота, Она мактаби. Юқорида оилада олиб бориладиган таълим-тарбияни умумий тарзда кўриб чиккан эдик. Шунда оиладан олинган билим ва кўникмалар ўта турғун бўлиб, киши умрининг охиригача унинг хулқ-атворида сақланиб қолишиги ҳам қайд қилинган эди. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, болага оилада тўғри тарбия берилаяптими ёки бола ёмон тарбия олаяптими, жамият учун бефарқ эмас. Чунки оилада ёмон тарбия олган бола, эртага жамият аъзоси бўлиб, жамият ижтимоий ҳаётига кириб келади ва у ёмон тарбия олган бўлса, нафақат оила аъзоларини қийнайди, балки барча жамият аъзоларининг ҳам тинчлигини бузади. Шунинг учун ҳам узлуксиз расмий таълим-тарбия оиладан бошланиши тўғридир. Бунинг учун, шу муаммо билан шуғулланувчи мутасадди олимлар оила учун тавсиялар, зарурият бўлса, тарбиявий дастурлар тузиб беришса, мақсадга мувофиқ бўлади. Хорижий мамлакатларнинг баъзиларида бу амалга ошган.

Ота-она ва оиланинг бошқа катта ёшдаги аъзолари болага кўрсатадиган таъсири, унинг натижасини кўз олдиларига келтирган ҳолда, муаллимлар тавсиясидан келиб чикиб ўтказишлари лозим. Жамият шунчалар мураккаблашиб кетдики, жамият аъзолари орасидаги муносабатлар ўта зичлашиб, алоҳида бир одамнинг феъл-атвори бутун жамиятнинг ижтимоий ҳаётига таъсир ўтказмоқда. Маълумки, ёмон феъл-атвор таъсиридан кўра, яхши хулқнинг таъсиридаги жамият тинч ва фаровон ҳаёт кечиради. Шунинг учун ҳар бир оилада ўсаётган болага ҳаммамиз жавобгар бўлайлик. “Бир қизга етти кўшни эгалик қилади” деган халқ мақолини, оилада ўсаётган ҳар бир фарзандга уқтириб, унга бутун маҳалла қолаверса, жамият жавобгар эканини, унинг тарбияси учун ҳамма масъул эканини тушунтирмоғимиз лозим.

Мактабгача таълим. Бу таълим босқичи давлат томонидан ташкил қилинган мактабгача таълим муассасаларида олиб борилади. Бу таълим босқичини мажму деб қараганда куйидаги қисмлар

(босқичлар)дан иборат. Буларга ясли группаси, кичик, ўрта ва катта группа деган босқичлар киради.

Мактабгача таълим муассасалари ўз фаолиятларини давлат томонидан тасдиқланган режа ва дастур асосида олиб борадилар. Болалар бу босқичда эгаллаши керак бўлган билим ва кўникмалар стандартлаштирилган бўлиб, мактабгача таълим муассасаларида фаолият олиб бораётганлар учун бажарилиши мажбурий. Бу таълим босқичида берилган билимлар ундан бир поғона юқори бўлган умум ўрта таълимда билим бериш учун асос – пойдевор яратиб беради. Демак, бу таълим босқичида давлат стандартида кўрсатилган билим берилмаса, умум таълим мактабида болаларга билим берган кишилар жуда қийналадилар. Шунинг учун ҳаммамиз муайян жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлганимиз учун, жамият томонидан бизга юклатилган вазифани ҳамжиҳатликда бажарайлик.

Бу босқичда таълим-тарбия олаётган болалар – боғча боласи, уни тарбиялаётганлар эса тарбиячи-мураббий деб аталадилар. Тарбиячилардан ташқари уларга мусика ўқитувчилари ҳам сабоқ берадилар.

Умум ўрта таълим. Умум ўрта таълим мактаби, ўз навбатида, бошланғич таълим ва ўрта таълим деган босқичлардан иборат. Бошланғич таълим мактабига болалар 6–7 ёш оралиғида қабул қилиниб, у ерда 4-синфни битиргунча ўқийдилар. Бу босқичда болаларга ёзув ва ўқув амаллари ўргатилиб, улар малакали ўқиш ва ёзиш ҳамда она тилининг бошланғич қоидаларини яхши билиш даражасига етказилади. Шу билан бир қаторда математикадан бошланғич билимлар берилиб, санаш, кўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш ва шу каби амалларни бажариш юзасидан билим берилади. Ундан ташқари бошланғич синфларда расм, мусика, жисмоний тарбия, чет тили, табиатшунослик каби фанлардан ҳам бошланғич маълумот берилади.

Ўрта мактаб 5-синфдан бошланиб, 9-синфни битиргунча давом этади. Бу босқичда, болаларга гуманитар, ижтимоий, табиий ва аниқ фанлар асослари ўргатилади. Болалар бу фанларда мавжуд асосий қонун, қонуният ва қоидаларини эгаллаб, ўзларида уларга кўникма ҳосил қиладилар. Кўникма ҳосил қилиш деганда, киши назарий жиҳатдан эгаллаган билимини ўзининг тил бойлигини ишга солиб, уни эркин равишда айтиб беришликка ёки амалий

билимлар бўлса, эгаллаган билимлар асосида амалий машқларни мустақил равишда бажара олишликка айтилади.

Бошланғич мактабда таҳсил олаётганлар ўқувчи, уларга таълим бераётганлар устоз деб номланса, ўрта мактабда таълим олаётганлар ўқувчи, билим бераётганлар ўқитувчи ёки муаллим деб номланиши тўғри бўлади. Бу – Ўзбекистоннинг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да қабул қилинган тушунчалардир.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими. Умум таълим босқичини муваффақиятли битирган ёшлар махсус таълим босқичидаги ё академик лицей, ёки коллеж ўқув муассасаларида ўқий бошлайдилар.

Академик лицейларнинг мақсади бола танлаган ўқув фанлар гуруҳидан чуқурлаштирилган билимлар бериш. Миллий дастурда кўйилган мақсадга кўра, академик лицейлар ёшларнинг ўзи танлаган фанлари бўйича ихтисослашган олий ўқув юртига кириш учун тайёрлаши керак.

Коллежлар эса, ёшларни касб-хунарга ўргатиб, маълум бир йўналишдаги касбга ўрта маълумотли кишиларни тайёрлайдилар.

Академик лицей ва коллежларда 3 йил ўқиб, уларни тугатганлар, кўлларига диплом оладилар.

Махсус таълим босқичида ўқиганлар талаба, уларга дарс берадиганлар педагог деб номланади.

Олий таълим. Махсус таълим босқичидан ўтиб, кўлига диплом олган ёшларнинг бир қисми олий ўқув юртларига, бу босқич ўқув юртининг талабаси бўлиш учун синовдан ўтишга ҳужжат топширадилар. Бошқа бир қисми, коллеж дипломи бўлганлар, мутахассислиги бўйича ишга кирадилар.

Олий ўқув юртига кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган ёшлар, шу олий ўқув юртининг талабаси ҳисобланиб, уларга сабоқ берувчилар ассистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор деб номланадилар.

Олий таълим ҳам икки босқичдан иборат. Биринчиси бакалаврият, мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир[8].

Иккинчиси – магистратура. аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир[8].

Бакалавриятда ўқиган вақтида ўз касбига алоҳида қизиқиш, ўзининг шу йўналишда қандайдир бир янгилик ярата олишига умид билдирган ёшлар, олий таълимнинг иккинчи босқичида ўқийдилар. Шу билан бир қаторда, аввал ўқиб кетиб, ишлаётган ва меҳнат жараёнида ўзининг касбига қаттиқ қизиқиш қолиб, бирор янгилик ярата олишни ўйлаб қўйган бакалавр кириш имтихонидан ўтганидан сўнг магистратурага қабул қилинади. Магистратурани битираётган мутахассис шу соҳанинг бир муаммоси устида магистрлик диссертациясини ёзади ва муваффақиятли ёқлаганидан кейин магистр дипломига эга бўлади. Магистратурада ўқиганлар талаба эмас “магистр” деб номланади.

Олий таълимдан кейинги таълим. У ҳам икки босқичдан иборат. Олий таълимнинг иккала босқичида ўқиб, ижобий баҳолар олган ва шу соҳада ўз ечимини кутиб турган аниқ бир муаммони еча олиш салоҳияти борлигини кўрсатган магистрлар, кириш имтихонларини топшириб, стажёр-тадқиқотчи-изланувчиликка киридилар. Стажёр-тадқиқотчи-изланувчиликда бир қатор фанлардан сабоқ олиб, уларнинг минимум имтихонларини топширадилар. Барча минимум имтихонларни топшириб, танлаб олган муаммо ечимини исботловчи номзодлик диссертациясини ёзгач, уни бир қатор муҳокамалардан ўтказиб, охири ихтисослашган илмий кенгашда очик ҳимоялаб, Олий аттестация комиссияси тасдиғини олганларидан кейин фан номзоди илмий унвонига эга бўладилар.

Фан номзоди деган илмий унвонга эга бўлиб, фанда йирик бир ўзгариш ясай олиш қобилиятини намоён қилган фан номзоди катта илмий ходим-изланувчиликка қабул қилинади. Шунда у, мустақил равишда докторлик диссертациясини ёзиб, 20–30 дан ортиқ асарлар ёзиб, чоп эттирса, унга докторлик диссертациясини ҳимоялашга рухсат берилади. Докторлик ҳимоясини ошқора ҳимоядан ўтказса, унга Олий аттестация комиссияси тасдиғи билан фан доктори деган илмий унвон берилади.

Малака ошириш. Олий таълимнинг бакалавр босқичини битиргандан бошлаб магистр, фан номзоди, фан докторлари, истисносив, ҳар 3–5 йилда малака ошириш курсларидан ўтишлари шарт. Малака ошириш турли муддатли бўлиб, уларни битирганларга гувоҳнома берилади.

Кўриб турибсизки ўзини ҳақиқий инсон деб билган ва ўз устида тинмай ишлаб, доимо билим олишни мақсад қилиб қўйган

киши давлатнинг узлуксиз таълим-тарбия тизимидан чиқиб кетмасдан, унинг турли босқичларидан ўтиб, баркамол инсон даражасига эришиши аниқ.

Оммавий ахборот воситалари орқали билим эгаллаш. Билим олишнинг бу турдаги манбаи мажмуига даврий матбуот (газета ва журналлар), радиоэшиттириш ва телевидение ҳамда кўплаб нашриётлар киради. Уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, мажму бўла туриб, бир қатор унсурлардан ташкил топади. Масалан, даврий матбуот деган ахборот манбаининг мажмуи, ўзидан бир поғона пастдаги “газета” ҳамда “журнал” деган унсурлардан ташкил топган. Уларнинг ҳар бири ўз бошига мажму бўла туриб, ўзидан бир поғона пастдаги бир қанча қисм (унсур)лардан ташкил топган. Масалан, Ўзбекистонда “газета” деган ахборот мажмуи “Халқ сўзи”, “Мулкдор”, “Фидокор”, “Адолат”, “Ҳуқук”, “Хуррият”, “Моҳият” ва ҳоказо жами 100 дан ортиқ мажмулардан ташкил топган. Шунга ўхшаб, журналлар, нашриётлар, радио эшиттириш тўлкинлари ва телевидение каналлари ҳам жуда кўп унсурлардан ташкил топган бўлиб, биргаликда қудратли ахборот (билим) манбаини ташкил қиладилар. Улар ўзларининг кучли интеллектуал салоҳиятининг фаолияти билан аҳоли онгига, яъни уларнинг ижтимоий моҳиятига катта таъсир ўтказиб келмоқдалар.

Ижтимоий муҳитнинг шахс билимдонлигига кўрсатган таъсири. Юқорида келтирилган билим олиш манбаларининг ажралмас бир қисми бўлиб ҳисобланган ижтимоий муҳитни таҳлил қиладиган бўлсак, у кўча-кўйда транспорт воситаларида, тўй-ҳашам, маърака, байрам ва масжидларда киши онгига таъсир ўтказиб, унинг ижтимоий моҳиятининг яхши ёки ёмон томонга қараб ривожланишига хизмат қилади. Баъзи бир кишилар, оила тарбиясининг таъсирига берилиб, бошқа турдаги ахборот манбаларини билиб туриб рад қиладилар. Ватандошларимизнинг яна бир қисми расмий таълим-тарбия тизимига маҳкам ёпишиб олиб, фақат у орқали келган билимларни қабул қилиб бошқасини инкор этадилар. Шунга ўхшаш, бир қисм аҳоли телевизор ёки радиодан узилмайди. Уларнинг наздида энг тўғри билимни шулардан олиш мумкин ва ҳоказо.

Ўзбекистон шароитида, бизни ўраб турган ижтимоий муҳитдаги билимлар ҳозиргача аҳоли маънавиятининг шаклланишида муҳим роль ўйнаб келмоқда. Бунинг сабабларидан бири, кўча-кўй ва ижтимоий муҳитни шакллантирувчи жойларда билим узатиш ва

билим олиш эркин, яъни ихтиёрий равишда кечади. Бошқа билим манбалари, у оилами, оммавий ахборот воситаларими ёки расмий таълим-тарбиями одамларга билимларни асосан тикиштириб, кўп ҳоларда мажбурлаб берилади. Психология илмининг таъкидлашича, инсонга нимаики нарса мажбурланса, унда шу нарсага нисбатан қарши куч пайдо бўлади. Шунинг учун ижтимоий муҳитни ўрганиш замонамизнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ижтимоий муҳит табиий муҳит сингари бузилиши ёки тоза бўлиши мумкин. Инсоннинг жамият аъзолари билан биргаликда, ўзаро муносабатларида яратиладиган муҳит ижтимоий муҳит дейилади. Оилада, халқ таълими тизимида, меҳнат жамоаларида, жамоат жойларида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар, шунингдек, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати фаолиятидан қарор топган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муносабатлар мажмуи инсон ҳаёти фаолиятининг ижтимоий муҳитини юзага келтиради.

Инсон саломатлиги миллат бойлиги ҳисобланади. Шу боисдан ҳар бир киши ўзининг ва арофдагиларнинг жисмоний, рухий ва ижтимоий саломатлигини асраши керак. Аҳолининг соғлигини сақлаш табиий ва ижтимоий муҳитларнинг ҳолатига боғлиқ. Бу ерда ижтимоий муҳит этакчилик қилади. Чунки тоза ижтимоий муҳитда яхши маънавият шаклланади. Яхши маънавиятга эга бўлган инсон ҳам ижтимоий, ҳам табиий муҳитлар мусаффолигини таъминлай олади.

Илмий тадқиқот ишининг “Билим эгаллаш усуллари” деган бўлимидан тугатар эканмиз билим ўзи нима, уни қаёқдан ва қандай қилиб эгалланади, уни эгаллашда кимлар ва қандай муассасалар иштирок этади? деган саволларга жавоб олдик. Энди, билимли бўлиш учун, билим эгаллаш жараёнида баъзи бир қоидаларга риоя қилиш жоиз бўлади. Бу қоидалар қуйидагилардир:

Биринчидан, билимли бўлиш учун билим эгаллашни ўзингизга ҳаётий мақсадингиз қилиб олишингиз ва бу мақсадга жон-жаҳт билан киришингиз шарт.

Иккинчидан, билим олиш жараёнида енгил йўлни қидирмай, билим эгаллашнинг барча қийинчиликларига бардош беришингиз талаб қилинади.

Учинчидан, олган билимларингизни таҳайюлингиздан ўтказиб, уни бир неча бор такрорлаб, хотирада сақлашингиз лозим.

Тўртинчидан, олган билимингизни, албатта, амалиётда бир неча бор синаб кўришингиз шарт, акс ҳолда олган билимингиз кўникмангизга айланмай, хотирангиздан тезлик билан чиқиб кетади.

Бешинчидан, қачонлардир эгаллаган билимингизни, ўз маънавиятингизга, яъни одобингизга айлантириб олишингиз учун, бу билимларни ҳаётингизда тинмай такрорлаб, амалиётда ишлатиб туришингиз шарт, шунда бу билимлар ҳаёт тарзингизга айланади.

Шу шартларни бажарган ҳолда ҳамда билим эгаллаш усулларидан фойдаланиб, ўзингиздаги билим ҳажмини тинмай ошириб борган тақдирда бир неча йиллардан кейин “билимли” деган фазилатга эга бўласиз.

Яхшиликка ишонч билан қараб, ақлингизни тинмай ишлатиб, одобли ва ақлли бўлиб юриб, одамларга тинмай яхшиликлар қилиб, одамларга меҳр-муҳаббат кўрсатсангиз иймонингиз мустаҳкамланиб бораверади.

Бу сайъ-ҳаракатингизга куч-қувват тилаб қоламиз!

7-§. Меҳнатсеварлик – энг гўзал фазилат

Инсоннинг мақсадга мувофиқ жамиятга фойда келтирувчи ҳаракати натижасида табиат унсурларини ўзгартириб, уларни жамият эҳтиёжларига мослаштириш меҳнат дейилишини аввал ҳам айтган эдик. Меҳнат кишилик ҳаётининг асосий шарти, чунки у туфайли инсониятнинг яшаши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар яратилади.

Меҳнат одамни ҳайвондан фарқлантирадиган энг муҳим белгидир. Меҳнат туфайли инсон табиатдаги нарсаларни ўзгартирибгина қолмай, балки ўзи ҳам **баркамоллашиб боради**, унинг ақлий ва жисмоний қобилиятлари ўсади. Меҳнат жараёнида инсон табиат кучларини мақсадига бўйсундиради.

Меҳнат ўзининг мазмуни ва характери жиҳатидан **ақлий, жисмоний, малакали (мураккаб) ва малакасиз(оддий)** деган турларга бўлинади.

Ақлий меҳнат – инсоннинг тафаккур фаолияти. Бунга ўқитувчи, олим, муҳандис, врач, агроном ва бошқа ақлий меҳнат соҳибларининг меҳнат фаолияти мисол бўлади. Жисмоний меҳнат – инсоннинг жисмоний кучи натижасида бажарадиган иши. Бунга ишчи, деҳқон, косиб меҳнати мисол бўлади. Малакали меҳнат

махсус тайёргарликни талаб қилади. Малакасиз меҳнат масус тайёргарликни ва қобилиятни талаб этмайди, масалан, бунга юк ташувчи, фаррош, коровул меҳнатини мисол қилиб олсак бўлади.

Фан ва техника тараққиёти таъсирида меҳнат жараёни мураккаблашиб, меҳнат воситалари ҳам мукамаллашиб боради, меҳнатни амалга оширувчи ходимларнинг маҳорати, малакаси ошади. Иш жараёнини механизациялаш ва автоматлаштириш, ахборот технологиясини кенг жорий этиш ва уни ташкил этишни тубдан такомиллаштириш натижасида меҳнат мазмунининг мунтазам ўзгариши юз беради. Иш жараёнида ҳар бир ходимнинг узлуксиз таълим ва тарбия натижасида, маданий-техникавий савияси ҳамда малакаси орғиб бориб, натижада, ижтимоий ҳамда якка тартибдаги маҳнат самарадорлигининг узлуксиз ўсиб бориши асосида аҳолининг турмуш даражаси ошади.

Меҳнатсеварликка эришиш учун меҳнат тарбияси билан шуғулланиш талаб қилинади. Меҳнат тарбияси кишидан ижтимоий фойдали меҳнатга ички эҳтиёж, интизом, батартиблик, ташкилотчилик, ташаббускорлик, ишчанлик, ишни кўзини билиш сингари сифатларни қарор топтиришга хизмат қилади. Меҳнат инсон эҳтиёжларини қондиришнинг биринчи ва асосий воситаси бўлганлиги учун ҳам меҳнат тарбияси тарбиянинг бошқа ҳамма турларидан олдин пайдо бўлган.

Меҳнат тарбияси ғоят кенг фалсафий-педагогик категория бўлиб, “меҳнат таълими”, “касбга йўналтириш”, “политехник таълим” сингари тушунчаларни ўз ичига олади. Меҳнат тарбияси билан шуғулланиш ҳамма замонларда ҳам жамият тараққиётининг асоси, ёшларни ҳаётга тайёрлашнинг энг муҳим воситаси бўлиб келган. Шунинг учун ҳам барча илоҳий китоблар ва ҳамма мутафаккирлар томонидан яратилган битикларда меҳнат тарбиясига катта эътибор берилган.

Меҳнат тарбияси, аввало, оилада бола ўзини англай бошлаши биланоқ амалга ошириб борилади. Жумладан, чақалоқлар гўдаклик босқичига ўтишлари биланоқ, уларга дастлабки меҳнат тарбияси берила бошланади. Шундай қилинмаса, бола фақат истеъмолчига айланиб қолади ва натижада у ношуд ва ялқов бўлибгина эмас, маънавияти ҳам кемтик шахс бўлиб шаклланиши мумкин.

Боаларга меҳнат тарбиясини беришда боғча, мактаб сингари ижтимоий педагогик муассасалар катта ўрин тутати. Чунки бу

муассасаларда меҳнат тарбияси илмий асосда тегишли мутахассислар томонидан уюштирилади. Бу муассасаларда меҳнат тарбиясини ташкил этишдаги асосий жиҳат шундаки, у болаларнинг ёш хусусиятлари, руҳий, ақлий ва жисмоний имкониятларига мувофиқ бўлишини таъминлайди. Боланинг енгил меҳнат тарбияси, уларни зериктиргани каби, уларга оғир топшириқлар бериш, болаларни меҳнатдан бездириши мумкин. Меҳнат тарбиясини амалга оширишда тизимлилик ва интизом бўлишига қатъий риоя қилиниши лозим. Акс ҳолда, ҳар қандай қобилиятли бола ҳам етарлича меҳнат тарбиясини ололмаслиги мумкин. Меҳнат тарбияси учун мактаб даври энг қулай фурсатдир. Биринчи навбатда, ўқиш жараёнининг ўзи оғир ақлий-жисмоний ва эмоционал меҳнатдир. Мактабга ўз вақтида келиб-кетиш, ўқиш-ёзишни ўрганиш, берилган билимларни эгаллаш учун ўқувчиларга меҳнат тарбияси берилган бўлиши керак. Чунки ўқув топшириқларини бажариш, дарсни ўзлаштириш, ўтилганларни такрорлаш, ёзма ишлар бажариш, керакли матнларни ёзиш, кўчирмалар олиш, луғатлар билан ишлай олиш учун ўқувчи муайян интизомга риоя этиши, ташкилотчилик қобилияти ва ишчанлик хусусиятига эга бўлиши, ишнинг кўзини билиши керак. Меҳнат тарбиясида, аввал айтилганидек, меҳнат таълими ва касбга йўналтириш жараёнларининг ҳам ўрни катта. Чунки бу жараёнларда ўқувчилар бевосита тегишли меҳнат кўникмаларини эгаллаш ва уларни мустақил равишда қўллаш босқичини ўтайдилар. Шунингдек, улар бу аснода қайси бир меҳнат йўналиши ўзига мувофиқрок эканлигини билиб оладилар. Шунинг учун ҳам меҳнат таълими имкон қадар хилма-хил бўлиши ҳамда болаларнинг ақлий, жисмоний имкониятлари ва жинсий хусусиятларига мувофиқ келиши зарур.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (1997 йил 29 август)га мувофиқ, ўрта махсус таълим босқичининг мажбурий бўлганлиги ўзбек ўқувчиларига меҳнат таълимини беришда алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, бу босқич тўлиқ касбга йўналтирилган бўлиб, касб-хунар коллежлари талабалари бевосита ўзлари танлаган касбларга доир билим, кўникма ва малакалар шакллантирсалар, академик лицей талабалари келажакда эгаллайдиган касбларининг назарий асосларини ўзлаштирадилар. Олий таълимнинг бакалаврият ва магистратура босқичларида меҳнат тарбияси бевосита касб

таълими билан кўшиб амалга оширилади. Меҳнат таълимини беришда ўқувчи ва талабаларнинг бўш вақтидан тўғри фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Болаларнинг ўқув режасида кўзда тутилган меҳнат амалиётини ўташларини тўғри ташкил этиш, уларни болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари қошидаги тўғарақларга кўпроқ жалб қилиш ёш авлоднинг баркамол шахслар сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Тарихда, жамият тарақий этиши билан меҳнат жараёни такомиллаша борган, бир одам бир ёки бир неча ишни бир ўзи бажара олмай қолганлиги натижасида меҳнат тақсимоти юзага келган, борган сари бу жараён чуқурлашиб бормоқда. Меҳнатнинг янги турлари юзага келиб, улар мустақил вазифага эга бўладилар. Меҳнат фаолиятидаги ихтисослашув туфайли табиат сирлари чуқур ўрганилиб, табиий нарсалар тўларок ишлатиладиган, ҳатто, уларнинг хоссалари ўзгартириладиган бўлиб бормоқда. Меҳнат тақсимотининг даражаси жамиятдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг қай даражада эканлигини ифодалайди. Меҳнат турлари юзага келиши билан меҳнат фаолияти натижаларини айирбошлаш, ҳар хил меҳнатни бир-бирига мослаштириш эҳтиёжи туғилади. Бу эса меҳнатга ижтимоий тус беради, чунки маҳсулотлар ва хизматлар кўпчилик меҳнатининг натижасига айланади. Шундай шароитда меҳнатни, яъни меҳнат жараёнини ва жамоасини, бошқариш касби юзага келди.

Ҳар қандай меҳнат меҳнат воситалари ёрдамида амалга ошади. Меҳнат воситалари деганда, меҳнатни ижро этувчи киши томонидан меҳнат предметиға (киши меҳнатини йўналтирилган нарса) таъсир кўрсатишда фойдаланадиган восита. Меҳнат воситаларига ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўлган ҳамма моддий нарсалар – машина ва ускуналар, асбоб ва мосламалар, корхона биноси, шу бино жойлашган ер, алоқа юк ташиш воситалари ва ҳ.к. Меҳнат воситаларидан энг муҳими ишлаб чиқариш куроллари бўлиб, улар машиналар, станоклар, асбоб-ускуналар ва бошқалардан иборат.

Меҳнат инсон ҳаёти учун, унинг фаровон турмуш кечириши учун ҳамиша асос бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Отабоболаримиз асрлар давомида меҳнатни улуғлаб келишган, ўзлари сидқидилдан меҳнат қилишган. Бизга улардан мерос бўлиб қолган

барча моддий ва маънавий хазиналар – илмий-баддий китоблар, турли хилдаги санъат асарлари, меъморчилик обидалари ва бошқа нарсалар ана шу меҳнатнинг маҳсулидир. Жаҳон фан ва маданиятининг ривожига бабаҳо ҳисса қўшган Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Мухаммад Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур сингари бобокалонларимиз меҳнатсеварликлари туфайли улкан ютуқларни қўлга киритишган ва ёшларни ҳам меҳнатни севишга, меҳнатсевар бўлишга чақиритишган. Шу боисдан жаҳондаги барча халқларнинг мақолларида бўлгани каби ўзбек мақолларида ҳам меҳнат ва меҳнатсеварлик ғояси марказий ўринлардан бирини эгаллайди. “Сувсиз ҳаёт бўлмас, меҳнатсиз роҳат”, “Меҳнат қилсанг яшарсан, катта-катта ошарсан”, “Олтин ўтда чиниқар, одам – меҳнатда”, “Меҳнат билан қарисанг, раҳмат билан яшарсан”, “Меҳнатнинг таги-роҳат” каби мақоллар бежиз яратилмаган. Меҳнат билан чархланиб турмаган куч сусаяди. Ишламаслик ҳар доим ланжликни келтириб чиқаради, ланжликдан кейин эса ногиронлик келади. Бу мутлоқ ҳақиқат.

Меҳнат шахсни ҳар томонлама камол топтиришнинг асосий омили ҳисобланади. Шунинг учун болаларни жуда кичик ёшдан бошлаб меҳнатга ўргатиш зарур.

Меҳнат тарбияси масалалари Марказий Осиё мутафаккир олимлари ва шоирларининг бизга мерос бўлиб қолган маърифий асарларида катта ўрин олган.

Масалан, буюк ўзбек шоири Алишер Навоий меҳнатсеварликни чинакам инсоннинг энг асосий хусусияти деб билган. Меҳнат кишини безашини, уни ҳар томонлама камол топтиришини юксак кўтаринки руҳ билан мадҳ этган. Ёшларни сидқидилдан меҳнат қилишга, меҳнатни кадрлашга чақирган. Шарқ маданиятининг буюк намояндаси Мирзо Улуғбек ҳам ёш авлодга табиат ва уни муҳофаза қилиш, табиат яратган неъматларни тажаб-тергаб тасарруф қилиш тўғрисидаги билимлар бериш кераклигини таъкидлаган. Ёшлар билимларни онгини ишлатиб туриб, яъни меҳнат қилиб, ўзлаштиришлари, ўз фикр-мулоҳазаларининг тўғрилигига бевосита кузатиш орқали ишонч ҳосил қилишлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтган.

Умуман, маърифатпарварлар ёшларнинг меҳнат таълими ва тарбияси масалаларига алоҳида эътибор бериб, турли асарларида ёшлардаги қизиқувчанлик, тежамкорлик, дўстлик ва одамийлик

каби олижаноб фазилатлар меҳнат орқали вужудга келишини ғоят таъсирчан шаклларда ифодалаганлар. Улар ёшларни касб-хунар ўрганишга, ҳар ким ўзи қизиққан ва ўзига муносиб фаолият билан шуғулланишга даъват этганлар. Меҳнаткаш одам ҳеч вақт бировга қарам бўлиб қолмайди, деган фикрни илгари сурганлар. Шоир Фафур Гулом айтганларидек:

Меҳнатсиз умр ҳам бебако бўлур,
Чирик латга каби увада бадан.
Бир умр текинга яшаб қаримок
Ҳаёт қомусида олинмагай тан.

Ёшлар меҳнатсевар бўлиб тарбияланиш билан бир вақтда, инсон меҳнати билан яратилган нарсаларни қадрлашга, ардоқлашга ва уни увол қилмасликка чақирилган. Уволнинг оқибати гуноҳ бўлиши ажойиб ўғитларда, халқ оғзаки ижодида ҳам кенг ўрин олган.

Меҳнат фақат ҳаётий зарурат ва моддий фаровонлик манбаи бўлиб қолмай, ёшларда яхши хулқ ва бошқа ижобий ижтимоий сифатларни вужудга келтиради. Дангасалик, лоқайдлик ва бепарволик каби иллатларни бартараф этиб, кишида қувонч ва мамнунлик хисларини пайдо қилади.

Одам дунёдаги ҳамма яхши нарсаларга эга бўлса-ю, лекин ўзи меҳнат қилмаса, у бахтли бўла олмаслиги бадний асарларда баён этилган. Эзгу мақсадларга эришишнинг энг муҳим омили бўлган меҳнат туфайли мамлакатнинг гуллаб-яшнаши мумкинлиги қайд этилган.

Хуллас, меҳнат тарбияси масаласи маърифатпарварлар ижодида ҳамиша фахрли ўрин тутган. Улар ёшларни жамият манфаати учун ишлашга чақириш билан бирга, устозлар ва ота-оналарнинг меҳнат тарбияси соҳасидаги вазифалари нималардан иборат эканлигини ҳам кўрсатганлар.

Ўзбек маърифатпарварларининг таниқли намояндаларидан бири Абдулла Авлоний ёшларнинг бирор касб билан машғул бўлишини биринчи галдаги муҳим иш деб ҳисоблаган. У “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида дангасалик ва ялқовликни қоралаб, ҳаракатчанликни олқишлаб шундай ёзган” “Сиҳатимиз, саодатимиз, сарватимиз, қаноатимиз, сабримиз, фазилатимиз, бутун ҳаётимиз ҳаракатимизга боғлиқдир. Ҳарактсиз, яъни меҳнатсиз кишилар ҳар нарсадан маҳрум, доим бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бўлиб,

хорликда колурлар. Шунинг учун болаларни хунар ўргатишга чакириб, кишиларни бирор касб билан шуғулланишга ундаб, “ёшлар”... бу кўмирчилик, бу темирчилик менга муносиб иш эмас, деб дангасалик килиб ишсиз юрса, зўр айб”[15] ҳисобланишини уктирган.

Инсон болалик давридан бошлаб меҳнат килишга ўрганиб, ўзига ёққан бирор касбни эгаллаб бориши ва келажақда меҳнатсевар инсон бўлиб етишиш учун ҳаракат килиши керак. Эл-юрт орасида ўз касбининг моҳир устаси бўлган, қўлида гулдек хунари бўлган кишиларни одамлар эъзозлаб ҳурмат қиладилар.

Ишнинг оғир-енгили бўлади-ю, аммо яхши-ёмони бўлмайди. Баъзилар қора меҳнат деб жирқанган ишга сиз сидқидиллик билан қўл урсангиз, у иш сизни ўзига шу қадар тортадики, ҳаётингизни ўша ишсиз тасаввур этолмай қоласиз. Меҳр ва иштиёқ билан бажарилган ҳар қандай “қора” иш ҳам тоза, кўнгилли, жозибадор бўлиб туюлади.

Яхши инсон ҳақида ҳаёл қилганимизда, меҳнат ҳаётининг энг зарур эҳтиёжига айланган киши кўз олдимизга келади. Ҳар куни, ҳар дақиқа меҳнат бурчини камтарлик билан, керилмасдан, мақтанмасдан, вақтини бекор ўтказмасдан бажариб келган одам чинакам яхши инсондир.

Меҳнат билан суяги қотган, меҳнат туфайли иззату ҳурмат кўрган ҳар бир ота-она ўз фарзандларининг ҳам меҳнат билан яшашини, меҳнати билан эл-юрт олдида шараф топишини хоҳлайди, Ҳар қандай юмуш, жумладан, идиш-товоқ ювиш, уй-ҳовлиларни супуриш, мол-ҳолларга қараш, томорқа, қурилиш, таъмирлаш ишларида қатнашиш ҳам улкан меҳнатдир.

Ота-оналар болаларининг келажагини ўйлаб, уларни илк ёшларида меҳнатга солиб чиниқтириб борадилар. Тўғри тарбиянинг энг таъсирли, энг самарали усули ҳам шу меҳнатдир. Ота-оналар болаларининг меҳнатига ҳамма вақт ҳам мухтож бўлавермайдилар, лекин болани ёшлигидан ишга ўргатиш, меҳнатга кўниктириш зиммаларидаги бурч эканлигидан шундай йўл тутадилар.

Маълумки, ҳар бир оиланинг ўз хўжалиги бўлади ва у ўз хўжалигини соф, ҳалол меҳнати билан куради. Бу хўжалик даромади оила аъзоларининг иш ҳақининг ошуви ва оила харажатларидан орттириб, тежаш туфайли кўпаяди.

Ҳар бир оила ўз ҳўжалигини тузатиб олиш йўли билан ўз турмушини яхшилашга уринади. Оиланинг давлатманд бўлиши кўпроқ бутун мамлакат эришган муваффақиятларига, унинг икти-содий ва маданий соҳасидаги ютуқларига боғлиқ бўлади.

Ҳар бир бола оиланинг тенгҳуқуқли аъзосидир. Демак, у оила ҳўжалигининг иштирокчисидир. Шу билан бирга, биз болалари-мизни фақат оила ҳўжалигини юритишга қобилятли кишилар қилиб тарбиялабгина қолмай, бутун жамият ҳўжалигини ҳам тебратишга, уни тежаб юритадиган садоқатли фуқаролар қилиб тарбия қилмоғимиз лозим.

Барча ота-оналар бундай тарбия масалалари тўғрисида ўзла-рида равшан тушунча ҳосил қилиб, бу билан ўз тарбия йўсинла-рини доимий ишга солиб ва якунини текшириб боришлари зарур.

Кўпинча ота-оналар болаларининг ҳамма нарсаси муҳайё бў-лиши, яъни яхши еб-ичиши, яхши кийиниши, катта бўлганда уй-жойли бўлиши ҳақида ўйлайдилар. Буларнинг ҳаммасини фарзанд-ларига чексиз меҳрибонликларидан ва уларни беҳад севганликла-ридан қиладилар. Болаларини деб ўзларининг энг зарур эҳтиёж-ларини қондиришни ҳам четга суриб қўядилар, лекин буни бола эсига ҳам келтирмайди ва ҳатто секин-аста ўзини ҳаммадан ортиқ ҳис қилиб, менинг истагим ота-онам учун қонун, деб ўйлашга одатланади.

Бу тарбиянинг нотўғри ва зарарли йўли бўлиб, бундан ота-онанинг ўзлари кўпроқ захмат чекадилар. Бизнингча ота-оналар ўз фарзандларини меҳнатсевар ва тежамкор қилиб тарбиялаш учун қуйидагиларга амал қилишлари керак.

1. Бола ўз ота-онасининг қаерда ишлашини ва нима ишлаб чикаришини ёки нима вазифани бажаришини, бу фаолиятининг жамият учун қандай аҳамияти борлигини билиши керак.

Умуман, бола ота-онаси ишлаб, топиб келтирадиган даро-маднинг фойдали ижтимоий меҳнат эвазига олинадиган иш ҳақи эканини мумкин қадар эртароқ ва равшан тушуниши лозим.

2. Болани оила бюджети билан ҳам таништириш лозим, У отаси ва онасининг қанча маош олишини билиши керак. Бола ота ёки онасининг нимага муҳтож эканлигини, бу муҳтожликнинг қан-чалик зарурлигини билиши зарур. У оиланинг бошқа аъзолари эҳ-тиёжини яхшироқ билиши ва уларни қаноатлантириш учун ўзи-нинг баъзи эҳтиёжларидан вақтинча кечишга одатланиши керак.

Оиланинг умумий эҳтиёжига доир масалаларни муҳокама қилишга болани кўпроқ жалб қилиш лозим.

3. Агар оиланинг моддий шароити жуда яхши бўлса, бола ўз тенгдошлари олдида бундай яхши шароит билан ғурурланиши ва мактанишига одатлантирмаслик керак. Бола оиланинг бойлигидан ўзгалар олдида гердаишига ҳеч қандай асос йўқлигини тушуниши зарур.

4. Ота-оналар болаларининг ҳалол, ростгўй ва софдилликка одатланиб боришларини диққат билан кузатиб боришлари лозим. Улар ҳеч нарсани боладан атайин яширмасликлари ва шу билан бирга унинг кўз ўнгига ётган бўлса ҳам, сўроқсиз олмасликка ўргатишлари зарур. Бу айтганларимиз меҳнат тарбиясига тўғридан-тўғри алоқадор бўлибгина қолмай, болани одобга ҳам ўргатади. Ҳавас уйғотадиган ҳар хил нарсаларни атайин боланинг кўз ўнгига қўйиб, уни ана шу нарсаларга бепарволик билан, суклик қилмай қарашга ўргатиш керак.

5. Оилада тежамкорлик ва эҳтиёткорлик тарбиясини ташкил этиб, эскириб қолган нарсаларни яхшилаб таъмирлаб, янгисини сотиб олиш вақтини чўзиш орқали ота-оналар ёки оиланинг бошқа аъзолари топган маблағнинг маълум қисмини тежаб қолиш мумкин бўлади. Шунинг учун болани жуда кичик ёшлигидан бошлаб нарсаларни эҳтиёт қилишга одатлантириш лозим. Ўз оила ҳужалигини яхши юритмоқчи бўлган киши рўзғорда қайси нарсанинг эскира бошлаганини аввалроқ пайқашни, рўзғор буюмларининг жуда ҳам эскириб қолишига йўл қўймаслиги, уларни ўз вақтида тузаттириш, бозорда ёки дўконда тасодифан кўриб қолган нарсани сотиб олавермай, балки ҳақиқатан керак бўлган нарсани сотиб олиш мақсадга мувофиқдир. Болаларга ҳам шу одатни сингдириб бориш лозим.

6. Бола фақат ўз хонадонидagi буюмларнигина эҳтиёт қилиб қолмай, балки бошқа кишиларнинг буюмларини ва айникса, кўпчилик фойдаланадиган нарсаларни ҳам эҳтиёт қиладиган бўлиши лозим.

7. Тежаб-тергаб иш кўриш одатларини болада мумкин қадар эртароқ тарбияламоқ керак. Одат машқ қилиш билан ҳосил бўлишини унутманг. Шу йўл билан болада буюмларни тежаб тутиш истагини доимо рағбатлантириб туриш керак.

8. Пулни тежаб-тергаб сарфлаш айникса муҳимдир. Бундай харажатларнинг рўйхати боланинг ёшига ва оиланинг қурбига қараб турлича бўлиши мумкин.

9. Оилада ота-оналар ўз фарзандларининг меҳнатсевар, тежамкор ва эҳтиёткор кишилар бўлиб етишишларида ўзлари намуна бўлишлари керак. Бу тарбия иши учун жуда муҳим омиллардан саналади.

Болаларнинг меҳнат тарбияси дастлаб оилада, сўнг мактабда ҳамда таълим-тарбия тизимининг барча босқичларида, болаларнинг оммавий ташкилотлари фаолиятида, ишлаб чиқариш жамоалари меҳнатида иштирок этишлари орқали амалга ошади.

Болалар ёшлик чоғларидан бошлаб, теварак-атрофларидаги кишиларнинг турли-туман ишларига кизиқадилар, катталарга дастёрчилик қиладилар. Бу уларнинг табиатидан келиб чиққанлиги боис, бу ишни ҳар томонлама рағбатлантириб, қўллаб-қуватлаб туриш мақсадга мувофиқдир. Мактабда меҳнат тарбиясининг яхши бориши мактабгача тарбия ёшидан бошлаб кичкинтойларни меҳнатга ўргата боришга боғлиқдир.

Болалар қўлларидан келганича оиладаги рўзгор юмушларида ота-оналарига ёрдам бериб, дастёрчилик қиладилар, Чунончи, ҳовли-жойларни супуриб, саранжом-саришта қилиш, томорқадаги экин-тикин, мол-қолларга қараш, меҳмон кутиш, бозор-ўчар қилиш, ўзидан кичик укаларига қараш каби ишларда кўмаклашадилар.

Болаларда меҳнатга бўлган кизиқиш ва эҳтиёж анча барвақт пайдо бўлади, мактабга келган ўғил ва қизларда, муайян меҳнат кўникмалари анчагина таркиб топган бўлади. Бу кўникмалар мактабдаги таълим ва тарбия таъсирида янада мустаҳкамланади. Ўқувчиларда меҳнатнинг кўникма ва малакалари, тайёрланадиган маҳсулот сифати учун масъулият ҳисси, вақтдан самарали фойдаланиш, асбобларни эҳтиёткорлик билан ишлатиш ва хом ашёни тежамли сарфлаш орқали ҳосил бўла бошлайди. Мана шулар бошланғич мактаб ўқитувчиларидан алоҳида эътиборни, меҳнат тарбиясининг хилма-хил омилларидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Дарс ўқувчилар меҳнатининг асосий ва муҳим турларидан биридир. Бу меҳнат тури ўқувчидан қатъиятни, кунт ва аклий зўр беришни талаб қилади. Дарс жараёнида ўқитувчи ўқувчининг фикр-

лаш қобилиятини ўстириб боради, Баъзи ўқувчиларга ақлий меҳнат қилиш меҳнатнинг бошқа турларига нисбатан оғирдек туюлади. Аслида ҳам шундай. Шунинг учун, улар дарсда дарров чарчаб қолиб, зерикадилар ва фан билимларини ўзлаштиришда сусткашлик қиладилар.

Лекин, ўқитувчи ўқувчиларда пайдо бўлган ана шу ҳолатни дарров пайқаб олиши, дарсни қизиқарли мазмунда ва турли шаклда ҳамда услларда олиб бориши, бор билими ва маҳоратини ишга солиши зарур.

Бошланғич мактабдаги маҳнат машғулотлари ўқувчиларнинг ҳар томонлама уйғун ривожланишига хизмат қилиб, у ўқувчиларда ижодий қобилиятлари ҳамда, дидларини ўстиришда ва уларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда алоҳида ўрин эгаллайди.

Дарсларни ташкил қилишдан аввал мавзу ва мақсадни ҳамда ундан келиб чикувчи мақсадчаларни аниқ белгилаб олиш даркор. Дарс ўтиш учун зарур нарсалар етарли бўлсагина танланган мавзуни бажаришга киришиш лозим. Мавзуга ижодий ёндашиб, болалар яшаётган муҳитни, у ердаги мавжуд ишлаб чиқариш ва хунармандчиликларни ҳисобга олиш ҳам яхши смара беради.

Бошланғич синфларда ўзига ўзи хизмат қилиш ва жамоатчилик ишлари билан шуғулланиш, шу билан бир қаторда, бунга қўшимча тарзда, қуйидаги мавзуларда машғулотлар олиб борилиши мумкин: “Пазандачилик сирлари”, “Таом тайёрлашда масаллиқларга ишлов бериш, саралаш, ювиш, арчиш, тўғраш ва киркиш”, “Сабзавотлардан тайёрланадиган салатлар”, “Дастурхон тузиш”, “Уйни ва синф хонасини саранжом-саришталаш”, “Меҳмон кутиш” ва ҳоказо.

Бу мавзуларни ёритишда болаларнинг жинсига қараб топшириқлар бериш лозим. Бунда киз болаларга енгилроқ, ўғил болаларга ўзларига хос ва ўзларига мос топшириқлар берилади. Ўтмишда меҳнат тарбиясида турли усул ва воситаларни қўллаш орқали болалар меҳнатга руҳан ва амалий жиҳатдан тайёрлаб борилган. Болаларни амалий машғулотга тайёрлашда ишонтириш ва бола фаолиятини баҳолаш усуллари қўлланган. Бу ишларни амалга оширишда восита сифатида ўйин ва маросимлардан, халқ оғзаки ижодидан, меҳнат билан боғлиқ миллий анъаналардан моҳирона фойдаланилган, бадий сўз воситасида улар руҳиятига таъсир кўрсатилган. Бу хилдаги тадбирлар боланинг нафақат меҳнат тарбиясига, балки ахлоқий тарбиясига ҳам катта таъсир кўрсатади.

Кузатиш ва тажрибалардан маълумки, бола ўзи бажарадиган иш топшириқлари моҳиятини тушунса, унга кизиқади. Қизиқиш ғайрат билан ишлашга ундайди, лекин ўқувчиларга тавсия этиладиган ишлар уларнинг қобилиятлари ва кучларига яраша бўлиши талаб қилинади.

Дарсда ва дарсдан ташқари машғулотларда, маданий хордик чиқариш пайтларида ўқимишли кишилар ва уларнинг жамиятдаги ўринлари ҳақида суҳбатлар ўтказиш, ҳикматли сўзлар ва шеърлар ўқиб бериш, ўзларига ҳам ўқитиб, ҳам ёд олдириб, мазмунини тушунтириш ўринлидир.

Ўқувчиларда меҳнатга нисбатан ижобий муносабатларни тарбиялашда меҳнат турлари ва илғор меҳнат кишилари ҳақида суҳбатлар ўтказиш, ишлаб чиқариш корхоналарига, завод ва фабрикаларга, дала, боғ ва чорвачилик, паррандачилик фермаларига экскурсиялар уюштириш, меҳнат илғорлари ҳақида очерк ва ҳикояларни ўқиб бериш; меҳнатни улуғловчи эртақ ва мақоллардан фойдаланиш; ўқувчиларнинг ўз ота-оналари касби, уларнинг ишлари ҳақида суҳбатлар уюштириш сингари тадбирлардан фойдаланиш яхши натижалар беради.

Бундай учрашув ва суҳбатларни ўтказиш учун, аввало, ҳар бир учрашувга пухта тайёргарлик кўриш лозим. Тайёргарлик пайтида мутахассислардан кимлар ва қандай касб эгалари таклиф этилади ёки қандай касб тўғрисида суҳбат ўтказилади. Шу касбда ишлайдиган кишиларнинг жамиятда тутган ўрни, уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари ҳақида ўқувчиларга тушунча берилиши зарур. Чунки учрашувга келган ёки суҳбат мавзуси устидаги мутахассисликнинг моҳиятига ўқувчилар етиб боришлари лозим. Ундан ташқари, учрашув бўладиган бўлса, учрашувга келган мутахассисни ҳам маълум маънода тайёрлаш керак, у ҳам кайси ёшдаги болаларга нималар ҳақида гапириш кераклигини билсин. Сўнг учрашув давомида мутахассис ўз касбини қандай эгалаганлиги, борди-ю, ўқувчилар орасида шу касбга қизиқувчилар бўлса, улар шу кунлардан бошлаб нималарга эътибор беришлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Ўз навбатида, ўқувчилар ҳам касб-ҳунар ҳақида ёдлаган шеърларидан айтиб бериш билан бирга, ўзларини кизиктирган масалалар юзасидан саволлар бериши мумкин.

Умунан, ҳар бир учрашув пухта тайёргарлик билан ўтказилса, унинг тарбиявий таъсири кучли бўлади, акс ҳолда учрашув тасқари

самара бериб, болаларни муайян касбдан совитиб ҳам қўйиши мумкин.

Ўқувчиларда меҳнатсеварликни тарбиялаш учун, аввало, улар бажарадиган ишнинг ишон ҳаётидаги аҳамиятини тушунтириш ва бу ишни бажаришга уларни қизиқтириш зарур. Бунинг учун эса юқорида таъкидлаб ўтилган тадбирларни режали ва мазмунли тарзда уюштириш лозим бўлади.

Ўқув юртларида тўғри ташкил қилинган меҳнат дарслари, болаларни меҳнатга ўргатиб, уларда меҳнатга нисбатан ижобий муносабатни уйғотишга хизмат қилади. Кейинчалик, бу ижобий муносабат ҳурматга ва ундан кейин муҳаббатга айланади, яъни болалар меҳнатни севиб, натижада меҳнатсеварлик фазилатига эга бўладилар.

Меҳнат дарслари ва уларни тўғри уюштиришга қўйиладиган талаблар куйидагилардан иборат.

1. Агар меҳнат дарсларида бажариладиган ишнинг мақсади болаларга аниқ бўлса, улар шу ишни жон-диллари билан адо этадилар.

2. Болалар қилган меҳнатлари зое кетмаслигини, ишда муваффақият қозонишларини ҳис қилсалар, яъни ўз меҳнатлари самарасиз қолмаслигини яхши билсалар, сидқидилдан меҳнат қиладилар.

3. Болалар ўзларига мос ва кучлари етадиган ишни роҳатланиб бажарадилар.

4. Ўқувчилар ишда ўз бурчларини сезишлари, жавобгарликни англашлари ва шунга амал қилишлари лозим.

5. Инсон бир ишга киришишдан олдин, ўша ишнинг оқибатини яхшилаб ўйлаши керак, Ўйламасдан бирор ишга киришган кишининг меҳнати зое кетади.

Меҳнатсеварлик тўғрисида умумий тушунчага эга бўлиб, бу фазилатни шакллантириш йўл-йўриклари билан танишиб чиққанимиздан сўнг, меҳнат жараёни сиз учун азоб-уқубатга айланмай, сизга роҳат ва фароғат келтириши учун, бу жараёнда амал қилиши лозим бўлган бир неча тамойилларга тўхталиб ўтайлик.

Биринчи тамойил, меҳнатга ўрганишдан ва уни амалга оширишдан аввал яхши ният қилинг. Яхши ният қилиш деганда – зинҳор, қилган меҳнатингиз эвазига маблағ олиб, уни кам-қўстимга ёки болаларимга яратаман, деган ниятни қилманг. Аксинча, одамларга ёки бир кишига шу нарса ёки шу ишим керак экан, унинг

мушкулени осон қилай деб, ният қилинг. Бу яхши ният. Ишни бажарсангиз, сўзсиз, у корхона бўладими, бирон бир шахс бўладими, иш ҳақингизни беради. Бу иш ҳақи мўлжалингиздан гоҳо кўп, гоҳо кам бўлиши мумкин, бундан қатъий назар, ниятингизни яхши қилинг.

Иккинчи тамойил, ҳақиқий меҳнатсевар деган фазилатга эга бўлишингиз учун, меҳнатни чин кўнгулдан, астойдил ва шиддат билан бажаринг. Шунда, ўзингиз ҳам чарчамайсиз, ишингиз ҳам чиройли чиқади. Ишлаётганингизни четдан туриб кузатганлар ҳам завқланиб, “Барака топ”, дейдилар. Сиз ҳақиқатан ҳам барака топасиз. “Битган ишга бек етмайди” деб, халқимиз бекорга айтмаган. Ишни галга солдингизми, иш албатта битмайди, битган тақдирда ҳам яхши натижа билан тугамайди. Ишни чўзмай охирига етказинг, шунда барака топасиз ва меҳнатсевар деган унвонга сазовор бўласиз.

Тўртинчи тамойил, ҳар қандай меҳнатнинг хавфсизлик қоидалари бўлади, меҳнатингизни амалга ошириш жараёнида, уларга албатта риоя қилинг. Акс ҳолда, қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйишингиз мумкин. Савоб иш қиламан деб, ё ўзингизга, ёки бошқаларга зиён етказиб қўясиз.

Бешинчи тамойил, меҳнат қилиш жараёнида, чарчаб ва зеркиб қолмаслигингиз учун, дам олишни тўғри ташкил қилинг. Дам олишни тўғри ташкил қилиш деганда – ишингиз жисмоний меҳнат билан боғлиқ бўлса, уни ақлий меҳнат, яъни китоб ўқиш ёки шахмат-шашка ўйнаш билан алмаштиринг; ақлий меҳнат билан шуғулланаётган бўлсангиз, жисмоний ишлар қилиб ёки жисмоний машқлар билан алмаштиринг. Шунда ишингиздан чарчамайсиз ҳам, зерикмайсиз ҳам, ишингиз ҳам унумли бўлади. Ўзингиз эса, меҳнатсевар деган фазилатга эга бўласиз.

Олтинчи тамойил, ишни бажариб бўлганингиздан кейин, унга четдан туриб завқланишга ўрганинг. Шундай қилсангиз, биринчидан, қилган ишингиздан мамнун бўлиб, чарчоқларингиз чиқиб кетади. Иккинчидан, бу иш кейинги меҳнат жараёнингизга илҳом бағишлайди ва сизни меҳнат қилишга ундайди. Тинмай меҳнат қилишга ўргандингизми, демак, меҳнатсевар бўлибман деяверинг.

Еттинчи тамойил, меҳнатсеварлик фазилатига эга бўлдингизми, бу фазилатни ўз фарзандларингиз ва шогирдларингизда ҳам шакллантиришингизнинг нафи ўзингизга ҳам тегади. Асл инсон-

нинг фойдаси бошқа одамларга ҳам тегиши керак. Шунда сиз, нафақат меҳнатсевар, балки саховатли деган фазилатга ҳам эга бўласиз.

8-§. Соғлом бўлиш учун нима қилмоқ керак?

Соғлик тўғрисидаги умумий тушунчага юқорида бир оз тўхталиб ўтдик. Ҳақиқий соғлом инсон деганда ҳам жисмонан, ҳам ақлан, ҳам ижтимоий саломат бўлган киши тушунилади.

Соғлиқни шакллантиришда вужуд билан бир қаторда кишининг руҳи ва ақли фаол иштирок этади. Демакки, чин саломат одамнинг руҳи баққуват, ақли расо, организми эса яхши ривожланган бўлиши шарт.

Рух саломат бўлиши учун қилинадиган амаллар нималардан иборат бўлади? Биз юқорида ҳар бир ишни бошлашдан олдин, уни ният қилиш керак, деган фикрни айтганмиз. Айтилганларга қўшимча қилиб, шунини таъкидлашимиз жоизки, ният қилинганда, чин дилдан ва фақат яхши ният қилиш керак. Яхши ният деганда, ниятнинг заминиде тама ётмаслиги лозим. Масалан, фалон ишни қилсам бойиб кетардим ёки шу ишни қилсам менга яхши бўлар эди, деб ният қилиб, бундай ишларни бошлашлик, тамагарлик ҳисобланади. Муайян ишни қилсам халққа ёрдамим тегар эди ёки бу ишимдан фалончига катта наф бўлар эди деб, холисона ният қилишлик, яхши ният ҳисобланади. Афсуски, кўп кишилар фақат ўз фойдасини ўйлаб, яъни ўзининг тинчлигини ва фаровонлигини мақсад қилиб қўядилар. Бундай ниятлар ижобат бўлмайди. Бўлган тақдирда ҳам, одамга бойлик ва фаровонлик олиб келса ҳам, тинч ва бахтли ҳаётни кафолатламайди. **Қуръони каримнинг Бақара сурасининг 200-оятиде бундай сўзлар келтирилган "...Зотан одамлар орасиде шундай кимсалар борки, "Эй Парвардигор, бизга мана шу дунёда бергин", дейди. Ҳолбуки, унинг учун Охиратда ҳеч қандай насиба йўқ".** Худ сурасининг 15 – 16 - оятларида эса, **"Ким (фақат) шу ҳаёти дунёни ва унинг зебу зийнатларини истайдиган бўлса, уларга қилган амалларини (нг ажр-мукофотини) шу дунёда комил қилиб берурмиз ва улар бу дунёда зиён кўрмайдилар Ундай кимсалар учун охиратда дўзах ўтидан ўзга ҳеч қандай насиба йўқдир. Уларнинг бу дунёда қилган барча яхшиликлари беҳуда кетур ва қилиб ўтган амаллари бефойдадир"**[78]. Бу айни ҳақиқат, бу ҳаётда

чексиз кўп маротаба синовдан ўтган. Маълум бир бойликка эга бўлиб олиб, киши, яхши яшамокдаман, мен бахтлиман деб, ўзини ўзи овутади, холос. Дилининг тубида, ўзи ҳам, бу иш бундай эмаслигини яхши билади. Аммо, уни ўзига ошкор қилмайди, тўғ-рироғи қилгиси келмайди. Фақат шу дунёнинг бойликлари-ю, зебу зийнатларини ўйламанг, бу дунёдаги рух азобини-ю, у дунёдаги дўзах азобини ҳам ўйлаб қўйинг биродарлар, бу азоблар нақадар даҳшатли.

Намоз амалини бажаришда ҳам, шу тамойилга амал қилишлик керакли натижани беради. Бошқа ҳолларда намозингиз зое кетади. Шу билан бир қаторда, намоз ўқиганда, Қуръон оятлари ва дуоларини зикр қилганда, албатта, уларнинг мазмунини билиб туриб, амалга оширишлик шарт. Қуръон оятлари ва дуоларининг мазмун моҳияти ўта теран бўлиб, уни чуқур англаган ҳолда зикр қилинса, қалб титроққа келиб, кўзлардан ёш оқа бошлайди. Айнан шу аснода қилинган ният, намоз ва дуолар дилдан бажарилган бўлиб, улар албатта ижобат бўлади. Бу ходисани илмий тушунтирадиган бўлсак, бутун олам квант (нур) майдонидан иборат, бу илм томонидан исботланган. Бу майдон мислсиз қувватга эга. Дил билан бир нарсани ният ёки дуо қилганингизда, сиздан чиқиб келаётган квант тўлқинлари каинот тўлқинлари билан бирлашиб, сиздан чиқиб келаётган тўлқинлар ҳам мислсиз қувватга эга бўлади. Шунда мўъжизалар ҳосил бўлади. Бошқа ҳолларда ўқилган намоз ҳамда қилинган дуо ва ниятлар бундай кучга эга бўлмай, қилган ниятларингиз, коинотга чикмай, ўзингизда қолиб кетади. Бундай намозу дуолар фақат рух ва вужудингизни тартибга келтиришга хизмат қилади холос. Аслида бу ҳам оз эмас. Шунинг учун арабча талаффуз билан Қуръон ўқисангиз шошмасдан, мазмунига кириб бориб, уни амалга оширинг.

Ақл тарбияси тўғрисида ҳам юқорида танишиб олган эдик. У ерда айтилганларга қўшимча қилишимиз лозимки, ақл тарбияси ва билим олиш жараёнини амалга оширишда, ўзингиз ҳал қилувчи роль ўйнайсиз. Ҳеч қандай ота-она, ёру биродар ҳамда ўқитучи ва мураббийлар, миянгни “ёриб”, ақлингизни чархлаб, ичига билим солиб қўймайдилар. Ақлингизни фақат ўзингиз “қайрашингиз”, ҳар қандай билимни фақат ўзингиз олишингиз шарт. Ота-она, мураббий ва бошқалар, сизнинг бундай ижобий ҳаракатларингизга, фақат ёрдам бера оладилар, холос.

Рух ва ақл тарбияси тўғрисидаги маълумотга бир оз бўлса-да, эга бўлганимиздан кейин, вужудни, яъни танани жисмоний томондан тарбиялаб чиниқтириш учун нима қилмоқ керак? – деган саволга жавоб беришга уриниб кўрамиз.

Кишининг жисмоний саломатлиги, асосан, соғлом ҳаёт тарзига боғлиқдир. Соғлом ҳаёт тарзини таркиб топтиришнинг талайгина сирлари бўлиб, бу сирларни ўрганувчи ва уларни кенг аҳолига етказувчи, махсус илм-фан соҳаси борки, уни “Валеология” дейлади.

Валеология – лотинча сўз бўлиб “соғ бўлиш” маъносини билдиради. Биринчи бор бу атамани профессор И.И.Брахман қўллаган. Валеология тушунчаси жамият учун ўта зарур бўлганлиги туфайли, ижтимоий фан олимлари орасида кенг ёйилиб, шу кунда, шу ном билан аталувчи илм-фан соҳаси таркиб топиб, ривожланиб бормокда.

Ҳақиқатни айтганда, валеология – келажак илм-фанидир. Чунки инсонларнинг аксар қисми, соғ ва кўркам бўлишни, узок умр кўриб, бахтли ҳаёт кечиришни истамокдалар. Жамиятнинг хоҳиши борми, демак, ижтимоий буюртма ҳам бор. Ижтимоий фан олимлари ва амалиётчилари бу буюртмани бажаришлари шарт. Зеро, жамият орасида меҳнатни тақсимлаш тамойили бўйича, бу вазифа айнан, уларга юклатилган.

Валеологияга аталган адабиётларнинг кўпчилигида, бу фан тиббиётга тегишли дейилмоқда. Шу билан бирга, бир қагор адабиётларда, уни руҳшуносликка, одобшуносликка ёки жисмоний тарбияга оид фан деб ҳам айтмоқдалар. Бундай бир ёқламалик валеология фанининг мазмунини тўлиқ очиб бермайди. Чунки валеология фанлараро янги бир илмий йўналиш бўлиб, уни бирдай, ҳам тиббиётга, ҳам одобшуносликка, ҳам руҳшуносликка, ҳам жисмоний тарбияга оид жабҳалари бор. Валеологияни тўғри тушуниш учун, бу уч илмий йўналишни омихта ҳолатини кўраолиш керак. Демакки, соғлом турмуш муаммоларини ўрганишда, бу жараённи бир бутунликда кўриш лозим. Мажмулар назариясидан биламизки, ҳар қандай бутунлик бир неча унсурлардан таркиб топган бўлади. Валеология ҳам бундан истисно эмас. Тиббиёт, руҳшунослик, бадантарбия ва ахлоқшуносликлар бир бутунни ташкил қилувчи валеологиянинг таркибий қисмларидир. Бу эса воқеликка синергетик ёндашув бўлиб, уни батафсил билиш учун

мажмулар назариясидан яхши хабардор бўлиш керак. Мажмулар назариясини Бўри Зиёмуҳаммадов, Мамарежаб Тожиевларнинг “Педагогик технология-замонавий ўзбек миллий модели”[26] номли методологик услубий қўлланмасидан билиб олишингиз мумкин.

Соғлиқнинг таркибий қисмини жисмоний саломатлик ташкил қилади, жамиятимиз аъзоларининг жисмоний томондан баркамол бўлишлари учун, жисмоний баркамоллик ўзи нима, бундай баркамолликни қандай қилиб шакллантирса бўлади? деган саволларга жавоб топишимиз лозим бўлади.

Жисмоний баркамоллик – бу инсонда жисмоний сифатларнинг юкори даражада ривожланганлигидир. Жисмоний яхши ривожланган киши тўғри ва енгил қадам ташлаб юриш, тез югуриш, сузиш ва барча ҳаракатларни илдам бажариш каби ҳаётда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳаракат малакаларини мукамал эгаллаган бўлиши керак.

Одамни ёшлигидан бошлаб жисмоний жиҳатдан мунтазам тарбиялаб бориш натижасида, унинг ҳақиқий жисмоний баркамоллигига эришиш мумкин.

Педагогика фани ўқувчиларни жисмоний жиҳатдан тарбиялашни ташкил этишда физиология фанининг одам организмидаги барча аъзоларининг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсир этиши, барча органларнинг функцияси ҳақидаги маълумотларга таянади. Инсонга нисбатан илмий, физиологик нуктаи назардан ёндашиш, одамнинг жисмоний тарбиясини бутун организмнинг гармоник ҳолда ривожланишини таъминлайдиган қилиб йўлга қўйишни талаб этади.

Жисмоний тарбия, жисмоний ривожланиш, жисмоний маданият тушунчалари ўзаро узвий боғлиқ бўлгани билан, уларни ўрганишда алоҳида - алоҳида кўриб чиқишлик тўғри бўлади.

Жисмоний тарбия – таълим-тарбия жараёни бўлиб, у киши организмни морфологик ва функционал равишда такомиллаштиришга унинг асосий, ҳаёти учун муҳим бўлган ҳаракат малакаларини яхшилашга ҳамда булар билан боғлиқ бўлган билимларни таркиб топгиришга қаратилгандир[37]. Аҳолининг саломатлиги жисмоний қобилиятларининг ҳар томонлама ривожланганлиги, спорт маҳорати ҳамда жисмоний тарбиянинг кишиларнинг турмушига сингиб кетганлик даражаси жисмоний тарбия кўрсаткичларидандир.

Жисмоний ривожланиш – бу киши организмнинг ҳаёт шароитлари ва тарбия таъсирида такомиллашиб борувчи биологик шакл ва функцияларининг қарор топиш ҳамда ўзгариш жараёнидан иборат бўлиб, у ривожланишнинг энг муҳим омилларидандир.

Жисмоний маданият умумий маданиятнинг бир қисми, халқни жисмоний жиҳатдан баркамолликка етказишда махсус воситаларни яратиш ва ундан фойдаланиш ишида эришган ютуқлари йиғиндисидан иборатдир.

Инсонни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- соғлиқни мустаҳкамлаш ва чиниқтириш, организмнинг жисмоний жиҳатдан тўғри ривожланишига ҳамда ишчанлик қобилиятининг ўсишига ёрдамлашиш;

- ҳаракат малакалари ва кўникмаларини таркиб топтириш ҳамда такомиллаштириш, ҳаракатнинг янги турларини ўрганиш ва бу билан боғлиқ бўлган билимлар бериш;

- асосий ҳаракат сифатларини (кучлилиқ, чидамлилиқ, тезлик ва чакқонлик) ўстириш;

- ирода, ботирлик, қатъийлик, интизомлилиқ, жамоавийлик, дўстлик туйғуларини, маданий ахлоқ, меҳнатга ва жамият мулкига тежамкорлик билан муносабатда бўлиш малакаларини тарбиялаш;

- жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш одатини ҳосил қилиш ва бунга қатъий риоя қилиш кўникмасини пайдо қилиш;

- гигиеник малакаларини сингдириш, жисмоний машқлар ва чиниқиш гигиенасига мувофиқ билимлар бериш.

Демак, жисмоний тарбия, бу инсон биологик моҳиятини ривожлантириш экан, инсоннинг биологик моҳиятига, биринчидан, тик юриш хусусиятини киритган эдик. Шундай экан, киши қанчалик тик, ғоз юрса, шунча кўркам кўринади, Аммо ғоз юришни меъеридан ошириб, гердайишга ўтказиб юбормаслик жоиз. Букилиброк ёки энгашиб юрган одам хунук кўришиб, бошқаларда унга нисбатан шубҳа туйғусини уйғотади. Кўкрак қафасини кериброк тик юрганда инсоннинг ички аъзоларининг, айниқса, ўпка, жигар, ошқозон ҳамда юракнинг, фаолияти ҳам яхшиланади. Демак тана сиҳатлиги ошади.

Инсоннинг бошқа махлуқотлардан яна фарқи, унинг қадди-қомати-ю, қўл-оёқларининг шакл-шамойилидир. Қадди-қомат ва

қўл-оёққа чиройли шакл берадиган, улардаги мушаклардир. Мушаклар бўлиқ ва таранг бўлс, одамнинг ташқи кўриниши кўркем бўлади. Унинг устига териси силлиқ ва ранги тоза бўлса, нур устига аъло нур.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, бу бўлимда фақат инсон биологик моҳиятини оширишнинг асосий тамойиллари, яъни методологик асосларига тўхталамиз, холос. Қадди-коматни тўғри олиб юриш, мушакларнинг шакллари ва терининг ранг-рўйини яхшилаш ҳамда тананинг умумий биосоматик кўрсаткичларини ошириш йўллари тўғрисидаги адабиётларнинг сон-саногии йўқ. Биологик моҳияти устида астойдил ишлайман деганлар, бу адабиётларни топиб ўқиб олишлари мумкин.

Тананинг соматик ҳолати шаклланишида инсон билан табиат орасидаги муносабатлар мувозанати етакчи ўрин тутади. Она табиат ўзининг барча унсурларини ўзаро мувозанат ҳолда яратган. Инсон эса табиат унсуридир.

Табиат, ўзининг унсурлари орасидаги муносабатларни мувозанат ҳолда яратгани билан, инсон ўз фаолияти натижасида бу мувозанатни бузиб юборган. Табиатдаги мувозанат бузилган жойда яшовчи инсонлар ҳам зарар кўриши табиий, чунки инсон ҳам табиатнинг бир қисмидир.

Инсоннинг табиат билан муносабати нафас олиш, овқат ва сув истеъмол қилиш, меҳнат ва дам олиш жараёнлари орқали содир бўлади. Агар табиий унсурлар, жумладан, ер, сув, ҳаво, озик-овқат ва бошқалар вужуднинг табиий талабига тўлиқ жавоб берса, киши саломат юради. Аксинча, жавоб бермаса, организмда зўриқиш пайдо бўлади. Вужуд унсурларининг сурункасига зўриқиши одамда соматик касалликни пайдо қилади.

Касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари тўрт хил:

Биринчиси, моддий сабаблар. Улар қуйидаги негизлардан иборат: **яқин негиз** – аъзо ёки руҳдир. Киши касал бўлмаслиги учун, аввало, руҳни покиза ушлаши керак. Руҳ поклиги фикр, ният, амал, тил, овқат ва тана поклиги билан узвий боғлиқдир. **Узоқроқ негиз хилт** – **суюқликдир.** Тана сиҳатлигини сақлаш учун хилтни тоза ва мувозанат ҳолда ушлаб туриш керак. Инсон танасида тўрт хил суюқлик мавжуд. Бу қон, балғам, саффо ва савдо кўринишига эга. Танада қайси бир суюқлик миқдори ошиб ёки камайиб кетса,

вужуд шунга боғлиқ касалликлар билан оғрий бошлайди. **Энг узок негиз табиий унсурлардир.** Буларга ер, сув, ҳаво киради.

Иккинчи турдаги сабабларга овқатланиш, чанқокни босиш, бўшаниш, ҳаракатланиш, уйку, бедорлик, ёшнинг ўзгариши, жинс ва бошка бавосита таъсир этувчи омиллар киради.

Учинчи тур сабаб мижоз ҳисобланади. Замонавий тиббиётда бу хил сабабни эътиборга олмайдилар. Табиблар эса, аксинча бу сабабга катта аҳамият бериб, касални шунга асосан даволайдилар. Мижоз тўғрисидаги адабиётлар деярли йўқ бўлгани учун, у тўғридаги маълумотни асосан Ибн Синодан олинди. Мижозга батафсилроқ кейинроқ тўхталамиз.

Тўртинчи хил сабаб бу инсон фаолиятидир. Киши меҳнат жараёнида табиат билан муносабатда бўлиб, иш жойи дизайн ва санитария нормаларига мос бўлмаганда ишчида зўриқиш пайдо бўлиб, махсус касбий касалликлар билан оғрий бошлайди.

Хўш, бу дардларнинг чораси қандай? Юқорида айтиб ўтганимиздек, инсон организми ўзининг тадрижий таракқиёти, яъни эволюцияси давомида табиатан маълум тартиб ва меъёрга мослаштирилган. Инсоннинг вазифаси шу меъёр ва тартибни англаб, уни сақлаш, бузилса бошқаришдан иборат. Бунинг учун инсон мижоз, меъёр, овқат қабул қилиш, нафас олиш ва суюклик истеъмол қилиш одоблари, табиий эҳтиёж, хасталикнинг асл моҳиятини, хусусиятини тўғри англаб, уларга риоя қилиб борса кифоя.

Тирик организм, шу жумладан, инсон вужуди ҳам ҳужайралардан иборат. Ҳужайра тирик тананинг ҳаётий бирлиги. Шунинг учун ҳужайралар миқёсида муҳим ҳаётий жараёнлар содир бўлади. Ҳужайра озикланиш, нафас олиш, ўсиш, бўлиниш, ривожланиш, таъсирланиш, касалланиш, нобуд бўлиш каби хусусиятларга эга. Бу жараёнларнинг содир бўлиши учун, бир томондан, ҳужайра органоидларига оқсиллар, ёғлар, углеводлар, аминакислоталар, витаминлар, микроэлементлар, ўсимлик клетчаткаси каби моддалар етиб келиши зарур. Иккинчи томондан, ҳужайра кераксиз, ортикча ва захарли моддалардан тозаланиб туриши керак. Иккала ҳолат мутаносиб равишда таъминланиб турилса, ҳужайра, инчунин, бутун организм иш фаолиятини яхши бажаради. Натижада инсон танаси соғлом бўлади.

Танага керакли моддаларни етказиб бериш ҳакида. Ҳужайрага керакли моддаларни табиат кенг қўламда яратиб қўйган. Улар

турли-туман мева ва сабзавотлар, шифобахш ўт-ўланлар таркибида мавжуд. Инсон ўз вақтида ва ўрнида зарур бўлган табиий моддаларни истеъмол қилиши керак. Яхши, кучли овқатларни ноўрин ва нотўғри истеъмол қилиш танадаги хужайралар фаолиятини издан чиқаради. Улар кераксиз моддаларни парчалашга кучи келмай, уларни ноилж бир ерга тўплашга мажбур бўлади. Ошиқча ёғлар, углевод(карбонсув)лар танада тўпланиб, турли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Демак, бизнинг тана сяхатлигимиз тўғри овқатланишимизга бевосита боғлиқ экан. Истеъмол қилинган овқат хазм бўлиб, қонга ўтади. Қон орқали вужуд учун зарур элементлар танага тақсимланади. Соғлом қоннинг ҳосил бўлиши тоза ҳавога, куёш энергиясига, тоза сувга ва озуқа маҳсулотларига боғлиқ. Хужайрада бир вақтнинг ўзида икки жараён содир бўлади: 1. Курилиш. 2. Парчаланиш. Фалсафий саводимизни ишга солиб фикр юритсак, бу “қарама-қарши кучлар бирлиги ва кураши” қонунининг киши организмда ишлашидир.

Тиббиёт олимларининг ёзишича, бир дақиқада инсон танасидаги қонда 7 миллион қизил қон таначалари иш жараёнида нобуд бўлади. Етти миллион қизил қон таначаси тикланиши учун етарли материал танага озуқа орқали тушиши керак. Бу фақатгина қондаги нобуд бўлиш ва тикланиш жараёнидир. Бу хилдаги жараён тананинг ҳамма унсурларида, турли тезликларда содир бўлади. Организм қайта тикланиши учун, биз унга керакли модда ва элементларни етказиб беришимиз зарур.

Маълум бир вақтда парчаланувчи хужайраларнинг тикланиши учун танага етарли моддалар тушмаса, вужудда мувозанат йўқолади ва организм зўриқади ҳамда заифлашади. Бу жараён сурункасига давом этса, киши касалланади.

Ҳар бир инсон танасидаги хужайралар учун зарур бўлган моддаларни билиши ва истеъмол қилиши шарт. Акс ҳолда кишининг соғлом бўлиши амри маҳол. Танани тозалаб, хужайраларни тўғри озиқлантирганлар барча касалликлардан холи бўлиб, биологик моҳияти ошади ва умри узок бўлади. Тангри таоло одамни биологик тур қилиб яратганда, Инжилда ёзилишича, 120 йил яшашни буюрган. Ҳозирги замон олимлари бу муддатни 200 ва ҳатто 400 йил демокдалар. **Энг камида, Худо берган умрни тўлалигича яшайлик, азизлар!**

Аввал ваъда берганимиздек, мижоз масаласига бир оз тўхталиб ўтайлик. Ўтмишда буюк алломаларимиз табобат ҳақида жуда кўп асарлар яратганлар. Биз бу асарлар билан танишар эканмиз, уларда мижозга етакчи ўрин берилганини кўраимиз. Даволаш мижозга қараб белгиланган. Инсоннинг мижози томир, тил, кўз, бадан, пешоб ва ахлат рангидан аниқланган. Шунга кўра парҳез ва дори-дармонлар буюрилган. Табиб нафақат одам мижозини, балки ҳар бир ўсимлик ва ҳайвонлардан олинадиган дори-дармон, озик-овқатларнинг табиати ҳамда мижозини ҳам яхши билган. Лекин мижозни аниқлай олиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун ўз ишининг фидойиси бўлиб, кўп тажрибалар ўтказиш, пириустоз кўриш, зийрак ва чуқур мулоҳазали бўлишлик талаб қилинади.

Табиблар мижозни аниқлашда асосан Ибн Синонинг ўғитларига суяниб иш кўриб келмоқдалар. Ибн Синонинг “Конун” ва “Уржуза” китобларида[40] мижоз ва унинг турлари ҳақида ўзидан аввал яшаб ўтган табибларнинг маълумотларига таяниб ва ўз тажрибаларидан хулоса чиқариб таъриф бериб ўтган.

Ибн Синонинг таърифича; “Унсурларнинг ниҳоятда майда бўлақларидан, қарама-қарши кучларнинг бир-бирига таъсиридан пайдо бўладиган кайфиятлар”[40] мижоз деб аталади. Демак, унсурлар ўз қувватлари билан бир-бирига таъсир қилиш натижасида маълум бир кайфият вужудга келадики, ана шу кайфият мижоздир. Унсурлардаги кайфият тўрт хил: иссиқ, совуқ, ҳўл ва қуруқ бўлади.

Одам, озик-овқат ва дори-дармонларнинг мижозини аниқламоқчи бўлса, аввал уни икки томонининг, яъни иссиқми-совуқми, ҳўлми-қуруқми эканини аниқлайди. Сўнг бу мижозларни бирлаштириб, уларни ҳўл-иссиқ ё ҳўл-совуқ ёки қуруқ-иссиқ ё қуруқ-совуқ деб белгилайди. Улар рамзий мижозлар деб аталади.

Табобат оламидаги буюк алломаларнинг фикрича, тана сихатдаги тўрт унсурнинг мутаносиблигига боғлиқ экан. Бу хилт (суюқлик) қон, савдо, сафро ва балғамдан иборат. Бу унсурларнинг қувватлари ўзаро таъсири натижасида вужудга келадиган тана кайфияти (реакцияси) инсон мижози деб аталади.

Тўрт хил унсурларнинг миждори киши танасида тўғри тақсимланса, мўътадиллик рўй беради. Бундай кишиларнинг танаси мўътадил мижоз деб аталади.

Ҳар хил вазиятларда вужуд иссиқроқ, совуқроқ, қуруқроқ ёки хўлроқ бўлиши мумкин. Бу ҳолларда мўътадиллик у ёки бу томонга ўзгариши билан мижоз ҳам ўзгаради.

Инсон биологик умри тўрт даврга ажралади. Биринчиси, ўсиш – 30 ёшгача. Иккинчиси, тўхташ – 40 ёшгача. Учинчиси, қувват бўла туриб чўкиш – 60 ёшгача. Тўртинчиси, қувватсизлик ва чўкиш – 60 ёшдан кейин. Бироқ, бу бўлиниш шартли бўлиб, кишининг яшаш шароити қониқарли ё қониқарсиз, яшаш ҳудудининг муҳити тоза ёки бузуқ, меҳнат жамоасининг руҳий муҳити яхши ёки ёмонлигига қараб, бу мезонлар қамайиб ёки ортиб туриши мумкин.

30 ёшгача бўлган одамнинг мижози асосан мўътадил бўлади, бироқ шунда ҳам қисман иссиқ ёки қисман совуққа мойил бўлиши мумкин. Шунинг учун педиатрияда мижозни эътиборга олмайдилар.

Ёши ўтиб борган сари кишининг танаси совуқ ва қуруқ бўла бошлайди ва қариганда инсон асосан совуқ мижозли бўлиб қолади.

Ёшлигида мўътадил мижозли бўлатуриб, совуққа мойилроқ бўлганлар, қариганда ўта совуқ мижозли бўладилар. Бундай одамларнинг лаб бурчлари бичилиб, оғизларидан сўлак оқиб, ковоқлари озроқ шишган, уйқуга мойил, ҳаракатлари суст, иштаҳаси яхши бўлмаса ҳам, асосан тўла бўладилар.

Ёшлиқдан иссиқ мижозга мойил бўлганлар ёши ўтган сари совуқ мижозли бўлиб, ўзларини анча яхши ҳис қиладилар. Уларнинг танаси озғин бўлади.

Кишининг ёши ўтиши билан мижози совуқлаша боришини ҳисобга олиб, тана мўътадиллигини, озиқ-овқатни танлаб ёйиш билан, мижоз мувозанатини сақлашга эътибор бериш лозим. Ёшлигида совуққа мойил, қариганда ўта совуқ мижозли одам анжир, пишган узум, хурмо ва ширин анорлардан қўпроқ тановул қилиши, тезкор ҳаракатланиши (югуриш, сакраш) керак. Иссиқ тулроқ, кум ва сауна – ҳаммом ёрдамида танадаги совуқ хилларни эритиб, тер билан чиқариб юборса, тана мўътадиллигини сақлашга катта ёрдам беради.

Аёллар мижози эркакларникига нисбатан совуқроқ. Совуқ мижозли одамларга қараганда иссиқ мижозлилар бақувватроқ бўлади. Совуқ мижозли кишиларнинг териси мулойим, нозикроқ, гавдаси асосан семиз, сочлари сарик ёки қўнғир, қон томирлари ингичка, кўзга кўринмайдиган бўлади.

Иссиқ мижозли кишиларнинг териси дағалроқ, гавдаси қуруқ, қотма, сочлари қора, қон томирлари йирик ва кўринадиган бўлади.

Бу айтганларимиз фақат икки карама-қарши типдаги кишиларга тааллуқлидир. Ундан ташқари ўртача, ўртачадан иссиқроқ, ўртачадан совуқроқ ва ҳоказо типдаги таналар ҳам мавжуд

Ўз биологик моҳиятингиз устида ишлаш жараёнида мижозга ва унинг ўзгаришига етарлича эътибор берсангиз, ҳаракатингиз тўғри тус олиб, натижаси яхши бўлади.

Қуйида инсон танасидаги хилтларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида қисқача маълумот берамиз.

1. Қон (иссиқ, ўрни жигарда). Танадаги қон меъридан ошиб кетса, кишини уйқу босади, бош оғриғи авж олади. Баъзан бурнидан қон келади. Одам айшу ишратга берилиб, ширин орзуларга чўмади. Тушида оловни, кизилликни, ширинликни кўради, кўзлари кизариб, оғзи ширин бўлади.

2. Сафро (иссиқ, ўрни ўт пуфагида) - сарик модда, зардаси ошиб кетса, одамнинг териси сарғаяди, иштаҳаси пасаяди, оғиз шўр ва аччиқ бўлади, бош оғрийди. Уйқусизлик авж олиб, тил ва оғиз қурукшаб туради, меъда қуюшиб, кўнгил айнайди. Пешобнинг ранги сарғайиб, киши ўзини ғаланг ошиб кетиши кўпинча ёз фаслида ва иссиқ иқлим шароитида рўй беради. У кўпроқ жигар касалликларидан келиб чиқади. Соч тўкилади, соч-соқол эрта оқаради, қўл-оёқ, айниқса, тизза оғрийди, таом яхши ҳазм бўлмайди.

3. Савдо (совуқ, ўрни қора талоқда). У ошиб кетса, баданининг ранги ўчади, одам кам иштаҳа бўлади, ёмон атворли, фикри паришон бўлади. Томири суст уради, лаблари шўр бўлади, кабзият кузатилади, баданида қора доғлар пайдо бўла бошлайди. Қўроққ бўлиб қолади. Сийдиги ва ахлати ок тусга киради. Ваҳимали тушлар кўради, кўз хиралашади. Бу ҳол кўпинча куз пайтида ёки шимолий минтақаларда рўй беради.

4. Балғам (совуқ, ўрни ўпкада). У ошиб кетса бош оғирлашади, одам уйқусираб ҳафсаласиз бўлиб қолади. Сусткаш ва мадорсиз бўлиб, ранги оқаради. Оғзи нордон, аччиқ, бемаза бўлиб, сувга тўлиб юради, тез ҳаяжонланади, сийдиги ғализ бўлиб, чанкаган бўлса ҳам чанқоқни сезмайди. Тушида сувни, денгизни кўради, уни қоронғулик қуршаб олади. Бундай ҳолат камҳаракатликдан, ҳаммомга тушмаслик, кўп овқат ейиш натижасида келиб чиқади. Балғам ошиб кетиши асосан киш вақтида юз беради. Ёзда қон ва балғам камади. Ёз бошида сафро кўпаяди. Ёзнинг охирида ўтнинг суюқ моддаси тарқалиб, қуюғи тўпланганлиги сабабли савдо кўпаяди.

Замонавий тиббиётда беморнинг қони, пешоби, ахлати, оғзидаги суюқликни текшириб кўриш натижасида ташхис қўилади ва даво чораси қўрилади. Тезкор ва малакали ташхис қўйиш имконияти ҳамма жойда ҳам мавжуд эмас. Шунини ҳисобга олиб, биз ҳамма учун куйидаги маълумотларни келтираемизки, улардан фойдаланиб, тананинг жисмоний ҳолатини ҳар ким аниқлаб, вужудидаги мувозанатни бузилишига ўзгариш кирита олсин. Натижада тани сихатлиги яхшилансин.

Балғам орқали кўкрак ва ўпкада содир бўладиган ўзгаришлар аниқланади. Балғам оқ ёки сариқ бўлса, у савдо ва сафронинг ошганлигидан дарак беради. Балғам юмалоқ, доира шаклида бўлса, бундан ташқари, киши иситмаласа, ўпка шишганлиги маълум бўлади.

Пешобнинг ранги оқ бўлса, бу овқатнинг ёмон ҳазм бўлиши ёки жигар йўлининг зарарлангани нишонасидир. Сарик ва кизил рангдаги сийдик сафро ва қоннинг меъеридан ошганлигини билдиради. Пешобда дурдалар бўлса, дарднинг пишиб етилгани. Пешоб устида доғ сузиб юрса, дард етилмагани, доғ идишнинг четига чиқса, дарднинг камайишидан дарак беради. Пешобнинг ранги сариқдан оққа мойил бўлса, чўкиндилар идиш тубига баробар чўкиб турса, дард етилганидан далолатдир.

Ахлат меъда, ичак ва жигар ҳолатини маълум қилади. Ахлат кам бўлса, бадан яхши озиқланаётганидан, кўп бўлса кам озиқланаётганидан дарак беради. Ахлатнинг оқариши зарданинг кўплиги аломати. Ахлат суст келса, ичак совуқлиги нишонаси. Ахлат тез келса, ичак иллатлари, меъда жароҳати, ўн икки бармоқ ичак яраси ва бошқа хасталиклар аломатидир.

Тердан ҳид келиш – сафродан, кизғиш бўлса – қондан, қора бўлса савдодандир. Баданнинг барча жойи терласа яхши, айрим жойлари терласа ёмон.

Қон рангининг пастлиги ва суюқлиги унинг камлигидан, сарғиш бўлса, сафронинг кўплиги, сариқ касал нишонасидир.

Тананинг жисмоний саломатлигини, яъни инсонга табиатдан берилган биологик моҳиятни сақлаш учун куйидаги тадбирларга риоя қилиш зарур. **Биринчи тадбир парҳез**, яъни маълум бир режимда, ётмоқ-турмоқ ва мижозга қараб овқатланиш. Ётмоқ-турмоқнинг энг яхшиси эрта ётиб, эрта турмоқликдир. Овқатланишнинг парҳезида гоҳо баъзи овқатлар ман қилинади, гоҳо камайтиради, гоҳо уларни кўпроқ истеъмол қилиш тавсия этилади. Жис-

моний саломатлигини сақлайман деган одам, ўз мижозига мос келадиган овқатларни истеъмол қилиши лозим. Умуман, кўп овқат ейиш барчага бирдай тавсия қилинмайди. Чунки, кўп овқат истеъмол қилинганда, танада ошиқча моддалар тўпланиши ва одамнинг семиришига сабаб бўлиши туфайли ҳамма аъзолар ва вужуд мажмулар (система) фаолиятини сусайтиради. Кучли овқат истеъмол қилиш асосан эрталаб ва туш вақтига тўғри келиши керак. Кечкурун, айниқса, ёши ўтганлар, енгил ва озроқ овқат истеъмол қилишлари лозим. Бизда асосий овқатланиш вақтимиз кечкурунга тўғри келади. Шунинг учун кўпчиликнинг тана оғирлиги меъёридан ошиб, танада тикилмалар ҳосил бўлади, мўътадиллик мувозанати йўқолиб, касалликлар келиб чиқади. Айниқса, оёқ оғриғи кўп учрайди. Ҳар хил эримайдиган тузлар суяклар бирикмасида тўплана бошлайди. Натижада, тана аъзоларига қон ва у билан бирга бошқа моддаларнинг етиб келиши қийинлашади.

Сувни истеъмол қилиш ҳам меъёрида бўлиши зарур. Оч қоринга, тўйиб овқат егандан сўнг ва оғир ҳаракатлардан кейин сув ичмаслик керак. Тананинг табиий ҳароратига таъсир қилувчи иссиқ ҳаммом, кучли ҳис-туйғудан кейин ҳам сув ичилмайди.

Соғлом бўлиш учун истеъмол қилинадиган озиқ-овқат ва суюқликнинг миқдорига, сифатига, таркибига, таъмига эътибор бериш зарур. Танада ел ҳосил қиладиган тут, нўхат, ловия, қатиқ ва бошқа овқатларни истеъмол қилганда, уларнинг хусусиятини ҳисобга олиш лозим. Секин ҳазм бўладиган овқатдан сўнг тез ҳазм бўладиган овқат ейиш зарарли.

Таом истеъмол қилишни тартибга солишнинг илк зарурияти унинг вақтидир. Овқатнинг биринчиси пастроққа тушгандан сўнг очлик сезилса, иккинчиси истеъмол қилинади. Ичимга тушгани фойда деб, еявериш кони зарардир.

Овқат истеъмол қилингандан сўнг ҳазм бўлиш йўллари эътибор бериш ҳам яхши омиллардан биридир. Овқатлангандан сўнг тез ҳаракат қилманг. Тез ҳаракат қилинса, қориндаги овқат чайқалади ва сизни лоҳас қиладди. Овқат ҳазм бўлаётганда узок вақт ҳаракатсиз қолиш ва ухлаш ҳам ман қилинади. Бундай ҳолларда, тана мувозанати бузилиб, семириш юз беради. Кўп ҳаракат қиладиган одамларнинг кам овқат истеъмол қилиши организмнинг ишдан чиқишига олиб келгани каби, кам ҳаракат қиладиганларнинг кўп овқат ейиши ҳам вужудни қаритади.

Уйқу ўз вақтида, 8 — 10 соат атрофида бўлсин. Оч коринга ух-лаш ёмон, қувватни сусайтиради. Тўқ коринга ухлаш, овқатнинг ичакларда туриб қолишига ва бузилишига олиб келади. Ухлашдан камида 2 соат олдин овқатланиш тавсия этилади. Кундузги уйқу ёмон, чунки у рутубатлардан келиб чиқадиған назла, талоқ касаллигини келтириб чиқаради. Асабларни бўшаштиради, ланж қилади, иштаҳани пасайтиради. Лекин қаттик чарчаш, ўта ғазабланиш, аклий фаолият билан шуғулланиб чарчаш, ғам каби сабаблардан биронтаси бўлса, кундузи ухласа зарар қилмайди.

Иссик мижозли кишиларга кам ухлаш, совуқ мижозлиларга кўп ухлаш зарарлидир.

Уйқусизликни йўқотиш учун овқат ҳазм бўлганидан сўнг ҳаммомга тушиб, оёғига иссик сув куйилса, яхши ёрдам қилади.

Уйқудаги ҳолатнинг энг яхшиси аввал ўнг томонга босиб, сўнг чап томонга айланиб ўтишдир. Қорнини босиб ётиш овқат ҳазм бўлишига ёрдам беради, чалқанча ётиш ухлашнинг энг ёмон шаклидир.

Танада тўпланган ошиқча моддаларни йўқотиш. Инсон танасининг ҳужайраларидаги ўзгаришлар яхши ёки ёмон томонга, тез ёки секин содир бўлиши мумкин. Инсон танасида кераксиз моддалар (шлаклар) тўпланиб боргани сари ҳужайра фаолияти сусаяди. Танадаги ошиқча, кераксиз моддалар ҳар хил жойда турлича тўпланиб вужудни зўриқтиради. Айниқса, тузларнинг тўпланиши катта ёшдаги тўла кишиларда бел, оёқ оғриғини ҳосил қилади. Тўпланган ошиқча моддаларни камида бир йилда бир марта танадан чиқариб юбориш зарур. Шунда тана шлаклардан тозаланиб, енгиллашиб боради.

Нотўғри овқатланиш, сунъий моддаларни, дориларни қабул қилиш натижасида инсон танасида ортиқча ва захарли моддалар тўпланади. Бу моддалар инсон танасидаги ҳужайраларнинг фаолиятига таъсир этиб, улар ўз физиологик вазифасини тўла бажара олмайди. Табобатга оид адабиётларда танани турли усуллар билан тозалаш йўл-йўриқлари батафсил ёритилган.

Шулардан бири, жисмоний тарбия билан шуғулланиш. Киши бадантарбия билан шуғулланганда танадаги шлакларнинг чиқиб кетишига ёрдам қилади. Жисмоний тарбия билан узлуксиз шуғулланиб юрганларда ортиқча ёғ, юк бўлмайди, ранглари тоза бўлиб, доимо соғлом бўладилар.

Тоза ҳаво танадаги рухни мўътадиллайди. Танада ҳар турли буғлар (чиқинди) тутилиб қолганида тоза ҳаво ва жисмоний ҳаракатлар уларни чиқариб юборади. Тоза бўлмаган ҳаво, аксинча тана мўътадиллигига акс таъсир этади.

Танадан шлакларни чиқариб юборишда ҳаммом ҳам энг яхши омиллардан ҳисобланади. Ҳаммомнинг яхшиси уч хонали бўлади. Биринчиси, совутувчи ва ҳўлловчи, иккинчиси, киздирувчи ва ҳўлловчи, учинчиси, киздирувчи ва қуритувчи бўлади.

Эркак билан аёл ўртасидаги муносабатлар. Инсон таффақури тараққиёти нуқтаи назаридан эътироф этганда, тиббиёт илми билан бир вақтда юзага келган жинсий тарбия, яъни эркак билан аёл ўртасидаги нозик муомала сирларини ўрганиш ва уларни ёшларга ўргатиш масаласини инсоннинг ўз-ўзини билиш йўлидаги интилишлар маҳсули сифатида қабул қилишимизга тўғри келади.

Жинсий тарбияга оид мулоҳазалар қадимги ҳинд, хитой, грек ва Марказий Осиё алломалари асарларида кўзга ташланиб туришининг ўзи унинг ҳаётий эҳтиёжи туфайли юзага келганини тасдиқлайди.

Бизда, узоқ вақтлар давомида, айниқса, советлар даврида, бундай мавзуга нисбатан нотўғри муносабат ҳукм суриб келди. Уларни шахватни тарғиб қилиш деб билиб, бу мавзуга аталган асарлар таъкиб остига олинди. Афсуски, бундай муносабат ҳозир ҳам мавжуд.

Аслида, жадаллик билан балоғатга етиш жараёнида ўғил ва қизлардаги, табиий равишда, уларнинг ихтиёридан ташқари, вужудидан отилиб чиқаётган бир-бирига бўлган интилишларни билиб-билмасликка олиб ёки ота-она ва тарбиячиларнинг омилиги туфайли, бу нозик туйғуни номатлуб сўзлар билан булғаш, ёшлардаги энди ниш уриб келаётган муҳаббатни илдизидаёқ қурутиб юборади. Севги-муҳаббатдан бегона бўлган одамдан кўра даҳшатлироқ жонзот бўлмайди. У ҳар қандай разолатларга тайёр бўлади. Фоҳишабозлик, тошбағирлик ҳамда қонхўрлик ва бошқа ваҳшийликларнинг илдизларидан бири кишининг муҳаббатсизлигидадир.

Эркак билан аёл, қиз билан ўғил болалар орасидаги табиат инъом этган энг ширин муносабатларни ёшларга илмий нуқтаи назардан тушунтириб, бу муносабатларни инсоннинг табиий эҳтиёжи сифатида талқин қилинмаслик натижасида қанчадан-қанча одамлар бахтсизликда умр кечириб келмоқдалар. Ёшларга жинсий тарбия беришликка қарши бўлган кимсалар, бу бизнинг руҳияти-

мизга, бизнинг урф-одату кадриятларимизга тўғри келмайди, деган фикрни айтадилар. Унда “Висол лаззати” “Лаззат ун-нисо” (Аёллар лаззати) қабалидаги катта-кичик асарларнинг юзага келишига сабаб нима? Нима учун бундай асарлар одоб-ахлоқ, тавозенинг бешиги ҳисобланган Қадимий Шарқда кўпроқ яратилди ва эътироф этилди? Бу саволлар заминидан қайд этилаётган ҳақиқатнинг ўзи ҳам бундай асарларни шаҳват тарғиби билан ҳеч қандай алоқадор эмаслигини тасдиқламайдими? Ҳеч шубҳасиз, “Лаззат ун-нисо” қабалидаги ўзига ҳос тадқиқот хулосалари, бир томондан, Шарқнинг ривож топган тиббиёт илмига, иккинчидан, инсоннинг ўз-ўзини билиш борасидаги изланишларига, учинчидан, инсон баркамоллиги йўлидаги қарашларнинг муайян тизими сифатида юзага келди. Бундай бебаҳо ҳаётий зарур билимлардан воз кечиш муайян соҳада бизни гумроҳлик томон етаклайди.

Ҳозир бизнинг ўзимиз ҳақимиздаги билимимиз тўлиқми? Агар бу саволга ижобий жавоб берсак, нега унда кечагина бир умрга аҳду паймон қилишиб турмуш қурган ёшлар бутун юз кўрмас бўлиб ажрашиб кетмоқдалар? Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эл-юртдан, ота-онасидан андиша қилиб севгисиз яшаш керак экан деб, мажбуран эр-хотинлик қилиб юрган бахтсиз оилаларнинг сон-саногии йўқ. Шу сабабдан бир-бирини алдаб, разолат ботқоғига ботиб ётган оилаларни ҳеч қандай важ билан оқлаб бўлмайди. Бундай нохуш воқеаларнинг сабаблари сўзсиз жинсий тарбияни нотўғри ёки унга умуман эътибор берилмаганлигидадир. Баъзан, ана шундай тарбия инсон бахти учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин. Кўп ҳолларда шундай бўлмоқда ҳам.

Барчага маълумки, ҳамма одамлар қарама-қарши жинсдаги киши билан, майли у рухий, ижтимоий ё шахвоний бўлишидан қатъий назар, муносабатда бўлганида дил байрами пайдо бўлиб, лаззат ва роҳатдан баҳраманд бўлади. Чунки инсоннинг хилқати ва асоси мана шу ҳолат замирида қурилган. Бундан кўз юмиб, ўзини билмасликка олишлик, кишининг шу соҳадаги жаҳолатидан дарак беради. Бундай гумроҳликдан қутулиш учун, эркак ва аёллар орасида бўладиган ранг-баранг муносабат сирлари ва уларнинг кечиш қонуниятлари билан “Висол лаззати”, “Лаззат ун-нисо” каби адабиётлардан билиб олишингиз мумкин.

Юқорида кўрдикки, инсон саломатлигининг пойдеворини руҳ, ақл ва вужуд тарбияси ташкил қилар экан. Вужуд саломатлиги эса,

жисмоний тарбияга боғлиқ экан. Руҳи бақувват, ақли расо ва жисмонан саломат одам баркамоллик пиллапояларидан ривожланиб боришга тайёр ҳисобланиб, ўзини бахтли деб аташга ҳақли экан.

Машҳур юнон донишманди Афлотун (Платон) бахт ҳақида фикр юритиб, “Инсон учун биринчи бахт – унинг соғлиғи, иккинчиси – гўзаллигидир” деган экан. Чиндан ҳам сихат-саломатлик ҳамма бойликлар манбаидир. Насл-насаби соғлом ва маънавияти юксак халқнинг авлодлари ҳам соғлом-баққуват, имон-этиқодли ва садоқатли бўладики, бу бахт она-Ватаннинг шухрати ва қудратининг зўр омилига айланади. Халқнинг ана шундай бахт-саодати учун соғлом ва баркамол авлод керак. Соғлом авлод деганда биз ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, бардам, ҳар ишга қодир, илғор маънавиятли ва баркамол кишиларни кўзда тутамиз. Дарҳақиқат, шундай ноёб фазилатларга эга авлодни тарбиялаб вояга етказётган халқ келажакка очиқ кўз, ёруғ юз, катта ишонч билан қарайди.

Она табиат ато этган олий моҳиятга кўра, биз – ўзбеклар ҳаётимизнинг, умримизнинг мазмунини фарзандсиз тасаввур этолмайдиган халқмиз. Дунёга келиб фарзанд кўриш, иморат қуриш, ниҳол экиб боғ яратиш – ота-боболаримиздан қолган наслий анъана, эзгу тилак ва қутлуғ инсоний бурчдир. Шунини алоҳида шукроналик билан таъкидлаш лозимки, халқимиз тарихининг манаққатли синовлари оша ўзининг ана шу олижаноб хислат-фазилатли анъаналарига завоқл етказмай сақлаб қолмоқда. Аждодларимиз ўз наслларини умумбашарий туйғулар, ўлмас Шарқ фалсафаси, миллий кадриятларимиз руҳида тарбия қилиб келганлар. Бадан тарбияси ҳам бундан истисно эмас.

Бадан тарбияси инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга. Биринчидан, ҳаётда ҳар қандай одамнинг мукамал соғ-саломатликка, куч-қувватли баданга эга бўлиш эҳтиёжи бор. Иккинчидан, бадан соғлиғи руҳ, фикр ва ахлоқга бўлган таъсири маълумдир. Руҳ, фикр ва ахлоқ билан миждоз ҳамда соғломлик узвий боғлиқ.

Бадан тарбиясининг мақсади ҳар томонлама жисмонан чиниққан, руҳи бақувват, соф фикрли, мард, саботли, қатъиятли, Ватанини ҳимоя қила оладиган баркамол шахсларни шакллантиришдан иборат.

Талаба, ўқувчи ва катта ёшдагиларни жисмоний тарбиялаш жараёнида қуйидаги асосий вазифалар ҳал этилади.

Биринчи вазифа – соғлиқни мустаҳкамлаш, тана аъзоларини чиниқтириш, жисмоний жиҳатдан тўғри ривожланиш ҳамда унинг ишлаш қобилиятининг ошишига таъсир этишдир.

Ўсиб келаётган авлодимизнинг қадди-коматини тўғри-мутаносиб шакллантириш, суяк бўғинларини ва мушакларни уйғунлашган тарзда ривожлантириш, юрак-томир ҳамда нафас олиш аъзолари ва асаб толалари мужмусини мустаҳкамлаштириш муҳим.

Тана аъзоларининг мўътадил фаолияти учун ҳаракат жуда зарурийдир. Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино: “Бадантарбия – соғлиқни сақлашда улўғвор усулдир”, дейдики, бу фикр: “Ким қилса ҳаракат – соғлиғида бўлур баракат” деган нақлни эслатади.

Қадимда халқимиз бадантарбияни риёзат деб аташган. Абу Али ибн Сино “Тиббий дoston” (Уржуза”) асарида риёзат – бадантарбияси ҳақида тўхталиб, унинг бир неча хиллари бўлиши, бу жисмоний машқлар билан ўртача шуғулланиш соғлиққа фойдали эканлигини бундай таърифлайди:

Билсанг риёзат турлари неча-неча,
Шарофатли бўлур гар эса у ўртача.
Тўғри ва мўътадил бўлиб ўсгай бадан,
Кир-чир ила чиқиндидан қутулса тан.

Олим яна, жисмоний машқсиз юриш баданда ёмон хилтларнинг ёғилишига сабаб бўлишини алоҳида уқтириб бундай деб ёзади:

Риёзатсиз ётишдан қўп топма роҳат,
Бу роҳатдан тополмассан ҳеч манфаат.
Жим ётсанг ифлос хилт-ла тўлар бадан,
Ғизоча ҳеч ҳозирланмас бирор маскан.

Жисмоний машқларнинг сиҳат-саломатликка фойдаси чексиз эканлигини Д.Адиссон бундай тасвирлайди: “Мутолаа ақл учун қанча зарур бўлса, жисмоний машқлар ҳам бадан учун шунча зарур”.

Сукрот ҳаким эса бундай дейди: “Гимнастика ёрдами ила мен баданимнинг мувозанатини тўғрилаб оламан”.

Олим Иван Павлов таъкидлаганидек, бош мия пўстлоғини “қучайтириш ва мустаҳкамлаш” йўли билан асаб жараёнларининг фаоллигини янада ошириш мумкин.

Шуни ҳам айтиш керакки, ёш авлоднинг соғлиғини фақат жисмоний тарбия дарслари ҳамда ўқув муассасаси режими шароитида ўтказиладиган махсус тадбирлар ҳисобигагина мустаҳкамлаш кийин. Чунки бу жараён ота-она, тарбиячи, бутун педагоглар жамоа-

сининг иши бўлиб, соғломлаштириш билан болаларни мунтазам равишда, бутун йил давомида шуғуллантириш керак.

Иккинчи вазифа – талаба ва ўқувчи ҳамда ёши катта кишиларда янги ҳаракат турларига қизиқиш, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уларни махсус билимлар билан қуроллантириш зарур. Ўқитиш жараёнида кишилар ҳаракат қилиш билимларини, кўникма ва малакаларини эгаллайдилар. Бу кўникма ва малакалар жисмоний тарбия бўйича тузилган дастурда назарда тутилган бўлиб, барча дидактика принципларидан келиб чиққан бўлиши керак. Улардан баъзилари, масалан, тез юриш, югуриш, сакрашлар амалий машқлардир. Шу билан бирга, бу машқлар гимнастика асбоб-анжомларида машқ қилиш, акробатика, бадий гимнастика ҳаракатларини координация қилишга, шунингдек, янги ҳаракатларни осонроқ ва қисқа вақт ичида ўрганиб олишга кўмаклашади, кўникма ва малакалар ҳосил қилади.

Учинчи вазифа – одамларнинг ёшига, жинсига мувофиқ келадиган асосий ҳаракат сифатларини ривожлантиришдир. Юқорида айтилган жисмоний сифатлар алоҳида мавжуд бўлмай, балки уларнинг бири у ёки бу фаолият турида етакчи ўринни эгаллайди. Масалан, ҳаракатли ва спорт ўйинларида – чаққонлик, қисқа масофага югуришда – тезкорлик етакчилик қилади дейиш мумкин. Жисмоний тарбия дастури одамлар ҳаракатларининг сифатларини ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда уларнинг жисмоний ривожланишлари ва умумий ишлаш қобилиятларининг ортиши учун керакли шаротни яратади. Шу билан бирга, одамларда ахлоқий, иродавий сифатларни тарбиялаш, хулқ-атвор билим ва кўникмаларини таркиб топтириш керак.

Тўртинчи вазифа – кишиларда ўз соғлиғига онгли муносабатни тарбиялаш бўлиб, бу уларнинг озода-саришталик тартибида, шахсий гигиена билан шуғулланишларида ҳамда спорт машғулотларида мунтазам қатнашишларида намоён бўлади. Бадантарбиянинг сиҳат-саломатликка фойдасини одамлар қанчалик яхши билиб олса, унга қизиқиш шунчалик ошади.

Муътадил равишда, ўз вақтида бадантарбия билан шуғулланувчи одам касалликларнинг давосига муҳтож бўлмаслигини чуқур англаб олиши керак.

Олим ва шифокорларнинг кузатишларича, бадантарбия туғма иссиқликни оширади, танага енгиллик беради. Чунки, булар

енгилгина иссиқлик пайдо қилади, аъзоларда тўпланиб қолган чиқиндиларни йўқотади.

Бадантарбия машқлари тартибли йўл билан бўлса, фикрни уйғунлаштиради, қон юришига ёрдам беради, овқат хазмини яхшилайдди, асабни қувватлантиради, тан ҳароратини орттиради, зехни очади.

Ёзув пайтларида одамларнинг панжалари, кўл мушаклари тез толиқади. Натижада ёзув тезлиги пасаяди, ҳуснихати бузилади. Бундай ҳолларда панжаларни букиб-ёзиш, кўлларни букиш, ёнга, олдинга, юқориға кўтариб бажариладиган машқлар бериледи. Узок ўтириш натижасида баданнинг пастки қисми қаттиқ толиқади. Бу толиқишни тарқатиш учун тик туриб бажариладиган, олдинга, ёнга эгилиш, ўтириб-туриладиган машқларни танлаш лозим.

Мактабларда дарс жараёнида жисмоний машқлар секин, аниқ буйрук тарзида бериледи. Машқнинг ҳар бир ҳаракатини бажариш орасида турли хил шўҳ, қувноқ муסיқалардан фойдаланилса айна муддао бўлади. Агар танланган жисмоний тарбия машқларида шеър айтиб бажарилса, болалар нутқини ўстиришга ҳам ёрдам беради. Унутмаслигимиз лозимки, барча жисмоний машқларни бажаришда, нафас олиш тартибини бузмаслик керак. Акс ҳолда, жисмоний тарбиянгиз тескари самара беради. Ҳеч қачон ва ҳеч қандай вазиятларда, нафасни ушлаб туриш керак эмас, Бу сизни чартатиб кўяди ва қилган жисмоний машқларингиз зое кетади.

Боланинг соғлом ўсиши, тўғри ривожланиб, баркамоллик даражасига эришиши учун жисмоний тарбия воситаларидан ўринли фойдаланиш зарур.

Жисмоний тарбия воситалари уч турга бўлинади.

Биринчи турни гигиена омиллари, иккинчи турни – табиатдаги соғломлаштиручи кучлар ва учинчи турни жисмоний тарбия вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган жисмоний машқлар ташкил этади. Ҳақиқий саломатликка тез ва самарали етишиш учун, бу уч турдаги жисмоний тарбия воситаларидан бирдай ва баб-баробар фойдаланиш талаб қилинади.

Санитария-гигиена омилларига риоя қилиш жисмоний тарбия тизимида алоҳида ўрин эгаллайди, у инсон аъзоларига фойдали таъсир кўрсатади. Санитария-гигиена воситаларидан кўпчилиги одамнинг кундалик режимини ташкил этади.

Қатъий кун тартибига амал қилиш ҳар бир киши ҳаётида катта ўрин тутати. И.П.Павлов рефлекснинг вақтида бўлган алоҳида таъсирини таъкидлаган эди. Режимни мунтазам равишда бажариш бутун танани ритм билан бир зайлда ишлашга одатлантиради. Шунда бажариладиган ҳар қандай ишга сарфланадиган қувват тежалати.

Кун тартибига риоя қилмаслик ёки унинг бутунлай йўқлиги, хусусан, ўз вақтида овқатланмаслик, етарлича ухлалмаслик ёки керагидан кўп ухлашлик, дам олмаслик ёки унинг акси – ҳеч нарса қилмай ўтиришлик, ақлий ва жисмоний меҳнатнинг бетартиблиги ва ҳоказо – буларнинг ҳаммаси аъзои баданни бўшаштиради, тананинг бутун ҳужайраларининг ишлашини ёмонлаштиради. Ота-оналар ва мураббийлар муайян ёшдаги боланинг кун тартиби уйда ҳам, мактабда ҳам мунтазам амалга оширилишини қузатиб боришлари шарт.

Кун тартибини тузишда болаларнинг ёши, мактабда ўқиш вақти, уйғониш вақти, эрталабки бадантарбия, кунига 3–4 мартаба овқатланиш, очиқ ҳавода бўлиши, ақлий ва жисмоний меҳнатнинг алмашилишини ҳисобга олиш зарур. Кундалик режим бир қолипда бўлмаслиги ҳам керак. Тартибга ўзгаришлар киритиш мумкин. Ушбу айтилган гаплар катта ёшдаги одамларнинг жисмоний машқларни бажаришига ҳам бирдай тааллуқлидир.

Соғлиқни мустаҳкамлаш, баданни чиниктириш, одамларнинг жисмоний ривожланиш даражасини кўтаришга табиатнинг соғломлаштиручи кучлари – қуёш, ҳаво ва сув таъсири орқали эришилади. Табиат омилларидан жисмоний машғулотлар ўтказиш ҳамда спорт билан мустақил шугулланиш учун муҳим восита сифатида фойдаланилади.

Ўқув муассасалари шароитида жисмоний тарбия воситалари орасида энг кўп жисмоний машқлар қўлланади. Жисмоний машқлар гавда мушакларини ўсиши ва мустаҳкамланишига, юрак-қон томир мажмуи фаолиятининг ҳамда нафас олиш аъзоларининг яхшиланишига самарали таъсир кўрсатади.

Жисмоний машқлар асаблар мажмуининг фаолиятига ҳам, хусусан, бош мия қобиғидаги ҳаракатлантирувчи қисмга ҳам таъсир этади. Натижада ҳаракатларнинг бир-бирига уйғунлиги яхшиланади, ҳаракатларда мувофиқлик, аниқлик, зарурий куч ва ритм ҳосил бўлади. Одам айнан шу таъсирлар натижасида тузилиши жиҳатидан мураккаб бўлган ҳаракатларни, катта тезликдаги ҳаракат-

ларни осон ўзлаштириб олади, бу эса жисмоний меҳнат машғулотлари учун муҳимдир.

Жисмоний тарбия воситалари орасида асосий гимнастика, ҳаракатли ўйинлар, бадантарбия дақиқалари, халқ анъаналари ва спорт турлари етакчи ҳисобланади.

Гимнастика болалар ва катта ёшдагиларни жисмоний жиҳатдан тарбиялашнинг асосий воситаларидан биридир. Бадантарбиянинг бу тури куйидагиларга бўлинади:

а) асосий гимнастика ва унинг тури – гигиеник гимнастика;

б) спорт гимнастикаси ва унинг турлари – акробатика ва баддий гимнастика;

в) гимнастиканинг ёрдамчи турлари – даволаш гимнастикаси, иш бошланишдан олдинги гимнастика ва ҳоказо.

Асосий гимнастика, юқорида айтиб ўтилган вазифаларни амалга оширади. У сафланишлар, барча мушакларни ўстирадиган машқлар, юриш, югуриш, мувозанат сақлаш, тирмашиб чиқиш ва ошиб ўтиш кабилардан иборатдир. Кўпинча, гимнастика машқларининг таркибига ҳаракатли ўйинлар ва спорт ўйинларига тайёрлайдиган ўйинларни бажариш киритилади.

Одатда, ўйинлар ҳаракатларнинг эркинлиги билан ажралиб туради. Гимнастика машқлари эса чегараланган, аниқ ҳаракатларни талаб этади. Бош мия пўстлоғида тормозланиш жараёнини ҳосил қилиш ва уларнинг қўзғалиш жараёнларига тўғри мутаносибликни таъминлаш билан боғлиқдир. Фаол тормозлаштишни ҳосил қилиш вазифасини ҳал этиш учун гимнастик машқлардан фойдаланганда, баъзан гимнастика машқлари унча қизиғи йўқдек ва ёқимсиздек бўлиб туюлишини назарда тутмоқ лозим. Шунинг учун гимнастика машқларини доим миллий ўйинлар билан алмаштириб туриш ҳамда уларни одамларга қизиқарли шаклларда бажариб кўрсатиш тавсия қилинади. Гимнастика машғулотларига бундай ўйинларнинг доимо киритилиши, шунинг учун ҳам муҳимки, булар ўрганилган гимнастика машқларини мустақкамлаш ва такомиллаштиришга ёрдам беради.

Гимнастика машқларини бажариш жараёнида фақат соғломлаштириш вазифасини эмас, балки билим бериш вазифасини ҳам ҳал қилинади. Кишиларни ўз ҳаракатларини онгли равишда бошқаришга, ўз тана аъзоларини бошқаришни ўрганишга одатлантириш керак.

Спорт гимнастикаси, гимнастиканинг ихтисослашган тури бўлиб, соғломлаштириш гимнастикасидан фаркланади. У ҳамма учун қўлланилмай, фақат гимнастиканинг бирон-бир турига қизиқиб, уни чуқурроқ ўрганмоқчи бўлганларга ўргатилади. Спорт гимнастикасининг мақсади соғломлаштириш билан баробар спорт ютуқларига эришишдир. Спорт гимнастикаси дастурида эркин машқлар билан бир қаторда, гимнастика асбоб-анжомларида машқ бажариш ва сакрашлар назарда тутилган.

Гимнастика турларидан яна бир муҳими – даволаш гимнастикасидир. **Даволаш гимнастикаси** кишининг соғлиғини ва кучини тиклашга йўналтирилган. Унда асосий ўринни гавда ҳолатини, кийшаиб қолган умуртқа поғонани, кўкрак қафасини ва ҳоказоларни даволаш мақсадида қўлланиладиган тузатиш машқлари эгаллайди.

Даволаш гимнастикаси махсус даволаш муассасаларида мутахассис – шифокорлар ва жисмоний тарбия билимдонлари раҳбарлигида ўтказилади. Даволаш гимнастикасини айрим ҳолларда мактабда ҳам ўтказиш мумкин.

Ҳаракатли ўйинларнинг аҳамияти. Ҳаракатли ўйинлар кичик ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбиясида муҳим восита ҳисобланади. Ёш болаларнинг ҳаётида ҳаракатли ўйинлар уларнинг чиникиб боришига ва ақлий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Тажриба шуни кўрсатадики, 6 ёшли болаларда образли (қаҳрамонлар қатнашган) ўйинлар, уларнинг фикрлаш ҳамда атроф-муҳитни ҳис қилиш қобилиятларини ривожлантириб боради. Болалар ҳар хил образларга тақлид қилинган ўйинларни ўйнаб бориш жараёнларида уларда ўзларини бошқариш қобилияти, фаол ҳаракат қилиш кўникма ва малакалари шакллана боради.

Тақлидий ўйинларнинг муҳимлиги шундаки, уларда жисмоний фазилатларни ривожлантириш учун жуда муҳим шароитлар яратилади. Масалан, фазогирлар ўйинида ракетодаги жойга ўрнашиб олиш учун иложи борича тез югуриш талаб қилинади. Образларга тақлид қилиб ўйналадиган ҳаракатли ўйинлар давомида болалар ўша образларга маҳлиё бўлиб, чарчокни унутишади, баъзи бир мураккаб бўлган ҳаракатларни ҳам бажариб юборишади. Натижада уларда чидамлик ва бошқа сифатлар ривожлантира борилади.

Ҳаракатли ўйинларни болаларнинг ёш хусусиятлари, жисмоний тайёргарлиги, физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш жараёнида мураббийдан катта масъулият талаб этилади.

Ўйин қондасини ва тартибини болаларга тўғри тушунтириб бориш, уларда ҳар бир ҳаракат ёки образ тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қила олиш ўйинни уюшқоқлик билан олиб бориб, ўзлари танлаган ўйинларни ўтказиш лозим. Бунда бир бола ўйин мазмунини, бошқаси ўйин қондасини тушунтиради. Зарурият туғилса, ўйин мураббий томонидан қайта тушунтирилади. Бу восита жараёнида болаларда ўз-ўзини бошқариш, ҳар хил мураккаб шароитлардан қутулиш йўлларини излаш ва фикрлаш, жавобгарлик ҳисларини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга.

Мактабларда танаффус пайтида ўтказиладиган ўйинлар ўзининг ҳаракатларга бойлиги, қизиқарлилиги билан ўқувчилардаги чарчок, толиқиш, рухий зўриқиш ҳолатини йўқотиш, кейинги бўладиган педагогик жараёнга болаларни тайёрлаш воситасида қўлланилади.

Ҳаракатли ўйинларни бизнинг Ўзбекистон шароитида йилнинг деярли ҳамма фаслида очик ҳавода ўтказиш имконияти бор. Жисмоний машқлар ёпик шароитларга нисбатан очик ҳавода ўтказилса, бола танасига таъсири кучли бўлади.

Ҳар бир ўйин тугаганидан кейин ўқитувчи болаларнинг ўйин давомидаги ҳаракатларини баҳолаб, камчиликларини кўрсатиб ўтиши керак.

Амалий тажрибалар шуни кўрсатдики, дарслар орасидаги танаффус вақтида ҳаракатли ўйинлар мунтазам ўтказиб борилаётган мактабларда ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришлари, давоматлари ҳамда соғлиқлари яхшиланган.

Мустақил мамлакатимиз ёшларини ҳар томонлама баркамол шахс қилиб тарбиялашда жисмоний тарбия усулларининг аҳамияти катта. Қадим замонларда миллий спорт, ҳаракатли ўйин ва кўнғил очишлардан ота-боболаримиз байрамларда, сайлларда кенг фойдаланишган. Наврўз, ҳосил байрамлари, рамазон ҳайит, қурбон ҳайит ва бошқа байрамларда узоқа чопиш, қураш, кўпқари каби хилма-хил ўйинлар, кўнғил очишлар ўтказилган.

Миллий жисмоний машқлар, спорт ва ҳаракатли ўйинларнинг хилма-хиллиги уларни ўқув-тарбия жараёнининг жуда кўп соҳаларида қўллаш имконини беради. Қуни узайтирилган жуда кўп

гурухларда турли ҳаракатли ўйинлар ўтказиш, бошланғич синф ўқувчилари билан ҳар хил ўйинлар уюштириш, махсус гурухларда қизиқарли ва бажарилиши осон бўлган машқлар ташкил этиш ўқувчилар ҳаракат сифатларини тўғри шакллантиришга катта ёрдам беради.

Куйида, мактабларда ўқув-тарбия жараёнида қўллаш мумкин бўлган миллий спорт, ҳаракатли ўйин ва кўнғил очишлардан бир нечтасини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ўйинда 2 тадан ортиқ иштирокчи қатнашиши мумкин. 15–20 метрлик масофага 70–80 см узунликдаги таёк тик ўрнатилади. Ҳар бир ўйинчи худди шундай таёкни тик таёкка қараб улоқтиради. Таёкни кўп марта йикитган ўқувчи ғолиб ҳисобланади.

“Қувламачоқ”. Иштирокчилар икки гурухга бўлинадилар. Биринчиси олдинда, иккинчиси орқада туради. Ўқитувчининг белгиси билан биринчи гурух қочади, иккинчиси қувлайди. Қувловчи ўйинчилар етиб олса, ўзлари орқага қочадилар, ушлаганлар қувлайдилар. Ўйин иштирокчилари ушланиб, оз қолгунча ўйналади.

“Соққа”. Ўйин иштирокчилари икки қаторга тизилиб турдилар. Биринчи қатордаги ўйинчилар кўлидаги тўпни узокка улоқтирадилар. Иккинчи қатордаги ўйинчилар эса кўлидаги тўп билан уни уришга ҳаракат қиладилар. Агар ўйинчи тегиза олмаса, бошқа гурух ўйинчиси ташлашига рухсат этилади. Агар ўйинчи соққани тегизса, бир очко берилади. Навбат иккинчи гурух ўйинчисига берилиб, унга соққани улоқтиришга рухсат этилади. Ўйинда камроқ хатога йўл қўйиб, кўпроқ очко тўплаган гурух ғолиб чиқади. Соққа сифатида тўп ёки бошқа нарсалардан фойдаланиш мумкин.

“Қирқ тош”. Ўйинчилар 3-4 гурухга бўлинадилар. Ўйин эстафета шаклида ўтказилади. Ҳамма гурух қаторларга орқама-орқа бўлиб сафланадилар. Ўқитувчи буйруғи билан ҳар бир гурух олдидаги ўйинчилар ҳар қадамга тош қўйиб чиқадилар ва белгиланган жойдан қайтиб келадилар. Кейинги ўйинчи эса шу йиғилган тошни йиғиб келади. Ўйинни биринчи бўлиб тугатган гурух ғолиб чиқади. Тошлар ўрнида теннис тўпларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

“Дурра солди”. Ўйинчилар доира шаклида ўтирадилар. Бошларини тиззага қўйиб, кўзларини юмадилар. Бир ўйинчи кўлидаги дуррани бирор ўйинчи орқасига кўяди, дурра қўйилган ўйинчи бошловчинини қувиб кетади. Бошловчи ўз жойига ўтириб олса, кейинги ўйинчи дуррани солиш учун айланади. Ўйин шу тарика давом эттирилади.

“Тепиш”. Ұйинчилар бир сафга тизиладилар ва уларнинг ҳар бирининг олдига тўплар қўйилади. Ҳар бир ўқувчи қўлини ерга қўйиб турган жойда 15–20 марта айланади. Сўнгра тўғри бориб тўпни тепади. Қайси ўқувчи адашмай тўпни тепса ғолиб ҳисобланади.

Бундай миллий ўйинларни ва кўнгил очишларни мактаб шароитидан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг ёши, жинси ва қизиқишларига мос ҳолда қўллаш мумкин.

“Соғлом бўлиш учун нима қилмоқ керак” деган мавзуимизни тугатар эканмиз, яна қайтариб айтамикки, соғлом бўлишни ўзига мақсад қилиб қўйган одам, авваламбор, шу ишни чин дилдан ният қилиши, ўзининг руҳи ва танасини тоза тутган ҳолда юқорида биз келтирган тавсияларни бажаришга киришиши лозим. Соғ бўлиш йўлида қиладиган саъй-ҳаракатингизга куч-қувват ва омад тилаймиз.

9-§. Миллий ғурурни шакллантириш

Ушбу бўлимнинг аввалги бандларида баркамолликка эришиш учун иймонни мустаҳкамлаш, ақлни тарбиялаш, одобли бўлиш, билим йиғиш, меҳнатсеварликка эришиш ҳамда соғлом бўлиш сирасорлари билан танишиб чиқдик. Натижада, бундай фазилатларни ўзимизда ва болаларимизда шакллантириш билимларига эга бўлдик. Навбатдаги сатрларни, инсоннинг ноёб, шу билан бирга, чин инсоний фазилатларидан ҳисобланган миллий ғурурни ўзида ва ёш авлодда пайдо қилиш сирларини баён қилишга бағишлаймиз.

Бу ерда миллий ғурурнинг илмий асосланган таърифини тузиб чиқиб, бундай фазилатни шакллантириш йўл-йўриқлари билан муҳтарам китобхонни хабардор қиламиз.

Аввалги айтганларимиздан келиб чиқадиган бўлсак, кишида миллий ғурурни пайдо қилиш учун, биринчи навбатда, унда инсоний ғурур мавжуд бўлиши шарт. Инсоний ғурури бўлмаган одам, ўз тараққиёт босқичининг биринчи поғонасида турган бўлади. Кимки ўзида инсоний ғурурни сезмаса, дарров уни пайдо қилиб олсин.

Ўзида инсоний ғурурни пайдо қилиш ва ривожлантиришни мақсад қилиб олган одам, авваламбор, Тангри таоло инъом этган ақлни ишлатиб, ахир мен инсонман, мен фикр юрита олиш ҳамда мустақил равишда бир ишни бажара олиш қобилиятига эгаман. Шу нуктаи назардан келиб чиқсак, мен ҳамма жонзотлардан анча юқори тураман, шу билан бирга, ўзимга ўхшаганлардан, ҳеч қандай кам жойим йўқ. Профессор ҳам, вазир ҳам, ҳоким ҳам менга ўх-

шаган одам, мени улардан нима камим бор, фақат менда интилиш ва шижоат етмай турган бўлса керак деб, Аллоҳга, ўзини шундай қилиб яратгани учун, шукроналар айтиб, ҳаракатни бошлаб юбориши керак. Бу фикрларни кунни бўйи ўнлаб маротаба ва бир неча ҳафталаб қайтарса, кишида, у ақлли махлуқот эканлигидан мамнунлик туйғуси пайдо бўлади. Бу ўй-фикрларни фақат хаёлидан ўтказиб қўймай, уларни амалда ҳам синаб кўриши шарт. Жумладан, мустақил равишда бирор ишни бажариш ва ҳоказо. Аслида инсоний ғурур кишида ёшлигидан шакллана бошлайди, фақат уни сўндирмаслик керак. Ҳамонки, бу туйғу кимдадир ривожланмай қолган бўлса, биз берган тавсиялар ёрдамида, албатта, ўзида инсоний ғурурни пайдо қилиб оلسин. Инсон ўзини ақлли жонзот ва ажойиб ишларга қодир эканини ҳис қилса, албатта, унда қандайдир инсоний ғурур пайдо бўлади.

Ғурури бор кишининг келажаги бор ҳисобланади. Аммо бу ғурурни пастга йўналтириб, ғайри, жаддор, қасоскор ва бошқа ғайриижтимоий сифатларга айлантириб юбормаслик керак.

Кишида инсоний ғурур бор экан, уни сусайтирмасдан, ҳар кунни, ҳар дақиқада ижобий ишларни амалга ошириб, бу ғурурни озиклантириб туриши лозим. Маълум бир вақт ўтганидан кейин, унинг инсоний ғурури маънавиятига айланиб, унда миллий ғурур пайдо бўлишига замин яратилган бўлади.

Ўзида миллий ғурурни шакллантириш учун, киши ўсиб-улғайиб, ўзи яшаётган миллий ҳудуднинг тили, урф-одатлари, анъаналарини ҳамда маданий ва маънавий меросини ўрганиш жараёнида, ўзи шу миллат вакили эканидан мамнунлик ҳосил қила бошлайди. Бу мамнунлик, ривожлана бориб, миллий ғурурга айланади.

Демак, кишининг миллий ғурури бор деганда, ўзидаги инсоний ғурур заминидан, яшаб келаётган ҳудуди туб халқининг урф-одатлари, анъаналари ҳамда маданий ва маънавий меросини яхши билган ҳолда, шу миллатга мансуб эканлигидан мамнун бўлиб, шу ҳолатидан фахрланадиган кишига нисбатан айтилар экан.

Шу ерда, миллий ғурур аслида фазилатми ёки қусурми? – деган савол пайдо бўлиши мумкин. Ахир, яқин ўтмишимизда, миллий ғурури кучли бўлганлар миллатчи деб, уларга салбий муносабатда бўлинган. Ҳаттоки, миллий ғурури бор, миллий мустақилликка интилганларни қатағон қилиб, баъзиларини қатл ҳам қилганлар.

Бу масала тўғрисида иккиланмасдан, қатъий қилиб айтиш мумкинки, миллий ғурур зўр фазилат. У ижобий ижтимоий сифат ҳисобланиб, кишини ижтимоий фаолликка ундовчи асосий омиллардан биридир.

Аммо, юкорида айтганимиздек, миллий ғурур фазилатига, киши ўз ихтиёри билан манфий нисбат бериб, уни миллий мақтанчоқликка, ундан ҳам хунути, миллатчиликка айлантириб юбормаслиги керак.

Миллий ғурури бор одам, миллатини чин дилдан севиб, унинг равнақи йўлида тинмай фидокорона меҳнат қилади. Худуднинг миллий қахрамонлари, олиму фозилларини яхши билган ҳолда, уларга эргашиб, ўзини уларга тенглаштиришга астойдил ҳаракат қилади. Тенглаштириш оғизда эмас, унинг кундалик ҳаракатида ифодаланади. Ўтган аллома-ю, мутафаккирлар ва ҳозирги замон олимлари-ю, юртда ном қозонган одамларнинг қилган ишларига ижодий ёндашган ҳолда, уларни такрорлашга ҳаракат қилади. Шу билан у, шу миллатнинг ҳақиқий вакили эканини исботлайди.

Миллатчи сафсатабоз эса, яшаб келаётган худудининг урф-одатлари ва анъаналари (кўпинча керак бўлмай қолганларини) ҳамда уламо-ю, олимларини билиб олиб, улар билан фақат мақтаниб юради. Шунда ўзи миллат равнақиға ҳеч қандай ҳисса қўшмай, фақат миллий ғурури бор кишиларнинг ижодий меҳнатидан фойдаланиб юради. Яна, мен шу миллат фарзандиман деб, керилиб ҳам қўйяди. Бундай қуруқ сафсата сотувчи миллатчиларнинг чин миллий ғурурга ҳақ қандай алоқаси бўлмай, улар муайян миллатнинг обрўйини тушириб юрадилар, холос.

Шу кундаги Ўзбекистон аҳолисининг маълум бир қисми, айниқса, зиёлиларининг ичида, балки ўзи билмаган ҳолда, миллий ғурурни миллий мақтанчоқлик билан алмаштириб, миллатчилик кайфиятига йўл қўймоқдалар. Бу ўта хавfli кайфият бўлиб, жамиятда миллатлараро ғавғоларға олиб келиши мумкин. Натижада, юртда тинчлик йўқолади. Тинчлик бўлмаган жойда фаровонлик ҳам бўлмайди. **Ўзингизни ва болаларингизни бундай нотўғри кайфиятдан эҳтиёт қилинг, азизлар!**

Миллий ғурурни миллатчилик кайфиятига тойиб кетиш хавфи бўлиши билан бирға, унинг жамият тараққиётида жуда катта ўрни бор. Юкорида айтганимиздек, миллий ғурури бор одамда ижтимоий фаолликка ва ижтимоий ўсишға интилиш бўлади. Натижада,

бундай одам ҳам ўзига, ҳам жамиятга нафи тегадиган талай ишларни амалга оширади. Шу билан бир қаторда, миллий ғурури бор одам, яхши миллий урф-одатлар ва анъаналарни нафакат асраб авайлади, балки, уларни ўз ижоди билан бойитади ҳам. Бу эса, жаҳон ҳамжамияти ичида ўз миллати ўрнини белгилаб, бутун оламни бир хилликдан асраб қолади. Эътибор бериб кўрин-га, миллий мустақиллика эришганимиздан кейин, унутилиб кетган қанчадан-қанча урф-одатларимиз ва анъаналаримиз тикланмоқда. Уларга ижодий ёндашган ҳолда, янги мазмун билан бойитилмоқда ҳам. Шунинг натижасида, Ўзбекистон жаҳонда, маънавияти жиҳатдан энг нуфузли ҳудудлардан бири бўлиб қолди. Бунга мисоллар келтириш ортиқча. Чунки оммавий ахборот воситалари-ю, нашриётдан чиқаётган китоблар бу ҳодисани жуда яхши ёритиб бермоқдалар. Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг маълум бир қисмида миллий ғурур кучлилигидан далолатдир.

Ўзида ва аҳолида миллий ғурурни шакллантириш учун уларга муайян миллатнинг тарихий қахрамонлари, олиму фозиллари, авлиё-ю анбиёлари, уларнинг дунё маънавиятига, илм-фан ва маданиятига қўшган ҳиссалари ҳақида маълумот бериш зарур. Шунда, кимнинг виждони тоза, ўзи эса меҳнатга чанқоқ бўлса, унинг қалбида миллати юзасидан фахр пайдо бўлиб, миллатининг маънавий ва моддий бойликларини оширишга бел боғлайди. Киши миллатининг маънавий хазинасини бойитишга ва юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилишга киришибтими, билинки, унда миллий ғурур пайдо бўлган. Миллий ғурури бор одам Вернон Вульфнинг тараққиёт босқичларидаги тўртинчи – “ижодий” деган босқичга етган бўлади. Шу ерда америкалик руҳшунос олим Вернон Вульфнинг тараққиёт босқичларини инсоний фазилатлар тараққиёти мисолида кўриб чиқайлик

Доктор Вернон Вульфнинг таъкидлапича, бутун олам, шу жумладан, унинг бўлаги ҳисобланган бизнинг галлактика ва унинг бир қисми – қуёш мажмуи, унинг элементи – Ер, Ернинг бўлаклари – табиат, жамият, жамиятнинг унсури одам ва унинг қисмлари – унинг жисми, руҳи ва тафаккури ҳамда унинг фазилатлари ва умуман олганда, оламдаги барча нарса ва ҳодисалар олти босқич асосида ривожланар ва такомиллашар экан. Қуйида, мисол тариқасида, инсон фазилатлари тараққиётининг олти босқичини кўриб чиқамиз.

Биринчи босқич – жисмоний. Бу босқичда инсон ўзини ўраб турган моддий оламни ҳис этиб, уни идрок қилади. Бунда киши оламнинг физик хусусиятларини англаб етиб, ўзини тирик мавжудот сифатида ҳис қилади. Унда баъзи бир қилиқ ва одатлар пайдо бўлгани билан, ҳали унда, фазилат уёқда турсин, турғун бир одатлар ҳам шаклланмаган бўлади.

Иккинчи босқич – шахсий. Бу босқичда одам ўзини ўзи идрок қилиб, ўз сифатларини, ўзининг шахсиятини таний бошлайди. Бунда инсон шахс бўлишни ўргана бошлайди ва баъзи бир, бўлгуси фазилатларга замин бўладиган яхши одатларни эгаллайди.

Учинчи босқич – шахслараро. Бунда инсон тафаккури бошқа кишиларда ўзининг сифатларини кўра олиб, ўзгаларда ўзини кўра бошлайди ва улар билан ҳаётий муносабатларга киришади. Киши бошқалар олдида ўз масъулиятини ҳис қила бошлайди ва ўша одамлар ҳаётининг бир қисми бўлишга уринади. Бунинг учун у, ўзида яхши фазилатларни таркиб топтиради.

Тўртинчи босқич – ижтимоий. Бу босқичда киши тафаккури – “ижтимоий тизим тафаккури”га жалб этилиб, одамларнинг турли жабҳаларда бирга меҳнат қилишаётганини англаб етади. Бу босқичда киши бошқа ижтимоий гуруҳлар билан ҳамкорлик қилишни ўрганади. Бунда инсонда бошқаларга ишонч, эътиқод, жамоа бўлиб меҳнат ва ижод қилиш шаклланади. Бу босқичда кишида бир қатор фазилатлар турғун таркиб топади.

Бешинчи босқич – тамойиллар босқичи. Бу босқичда инсон тафаккури табиий ва ижтимоий жараёнларнинг мавжудлигини ҳамда уларнинг кечиш қонуниятларини англаб етиб, уларга тамойил сифатида суяниб, фаолият кўрсатишга ўрганади. Унда, киши одамлардаги энг яхши ижтимоий сифатларни эгалаб, уларни фазилат даражасига кўтариб, бошқаларга ҳам синдиришга ҳаракат қилади.

Олтинчи босқич – универсал. Бунда инсон тафаккури ҳаётий тамойилларни англаб етганидан кейин, уларни ҳаётнинг бошқа жабҳаларида ҳам қўллашга ўрганади. Жамият кашф қилган барча фазилатларга эга бўлиб, баркамол шахсга айланади. Бунда инсон коинот билан ҳамроҳанг, бир бутун бўлиб яшайди[84].

Яна ва яна қайтариб айтамикки, киши ўзида миллий ғурурни шакллантирмоқчи экан, энг аввало, руҳи ва танасини поклаш керак. Чунки ҳар қандай фазилат, факат пок руҳ ва тоза танада қўнади.

10-§. Ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш

Ватанпарварлик – кишиларнинг она юртига, ўз ватанига муҳаббати ва садоқатини ифодалайдиган тушунча. Ватанпарварлик барча кишилар, халқлар ва миллатлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятларнинг бири. Тарихий жиҳатдан ватанпарварлик кишиларнинг ўз ватанлари тақдири билан боғлиқ ижтимоий ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаётган ҳудуднинг дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида такомиллашиб келган ҳис-туйғулар жамламасидир. Бу - ватаннинг ўтмиши ва ҳозирини билан фахрланишда, унинг манфаатларини ҳиямом килишда намоён бўлади.

Ўз Ватанига, давлатига муҳаббат туйғулари барча кишиларга хос хусусиятдир. Улар ана шу муҳаббатларини Ватаннинг шухрати ҳамда қудратини мустаҳкамлашга қаратилган конкрет ишлари билан ифода этадилар. Шу тариқа ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат туйғулари миллий эътиқод ва халқига бўлган муҳаббатининг жамланган ифодасидир.

Ўз юртининг ватанпарвари, ҳақиқий фуқаросида болалик чоғлариданоқ қон-қардош кишиларига, жонажон ўлкасига, табиатига, миллий урф-одат ва анъаналарига муҳаббат туйғулари таркиб топа бошлайди. Ҳамма учун муштарак бўлган ана шу ҳис-туйғулар негизда Ватанга муҳаббат туйғулари таркиб топади ва мустаҳкам-ланади.

Кишидаги таркиб топадиган миллий ғурур фазилати, одамга табиатдан берилган инсоний ғурур ва миллати тўғрисида йиғилган билимлари негизда ўз-ўзидан шаклланса, ватанпарварлик туйғуси ўта мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлганлиги туфайли, уни одамларда тарбиялаш лозим. Ватанпарварлик туйғусини кишида пайдо қилиш учун, уша одамда миллий ғурур бўлиши талаб қилинади. Чунки, ватанпарварлик учун миллий ғурур замин вазифасини бажаради. Миллий ғурури йўқ одамда ватанпарварлик ҳиссини яратиш бўлмайди. Яқин ўтмишимизда, ёш авлодда ватанпарварликни шакллантириш учун, таълим-тарбия муассасаларига методологик асос бўлиб хизмат қилган “Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси”нинг йирик ҳатоларидан бири ҳам шу бўлган. Ўша даврда, миллий ғурур туйғусини миллатчиликка йўйиб, ёш авлодда ватанпарварлик руҳини шакллантирмакчи бўлган эдик. Натижада, на миллий ғурури, на ватанпарварлик туйғулари бор, инчунин, лоқайд ва дангаса авлод шакллантирилди. Бу ишнинг салбий оқбатларини

шу кунгача сезмоқдамиз. Бу таълим-тарбияга ғайриилмий ёндашув бўлиб, бундай методологияга асосланган жамият инқирозга учраши аниқ эди. Шундай бўлди ҳам. Қудратли социализм нураб, ўрнида бир қатор мустақил давлатлар пайдо бўлди. Мустақилликка эришган мамлакатларнинг ривожидан, биринчи галда, аҳолида ватанпарварлик туйғусининг таркиб топганлик даражаси билан белгиланади.

Бугунги кунда ватанпарварлик алоҳида таълимий қадрият сифатида намоён бўлмоқда. Ватанпарварлик тарбиясини таълимнинг турли босқичларида амалга оширишда ўқитувчи-педагоглар билан бир қаторда, оғзаки ҳамда бадиий адабиёт таълимий восита бўлиб хизмат қилиши илмий жиҳатдан асосланган.

Президентимиз Ислоҳ Каримов асарларида ватанпарварлик – Ватанига муҳаббат; миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш; ҳар бир инсоннинг ўз кучига ишончи ва бутун жамиятнинг бирдамлиги; ўз мамлакатини тарихига алоқадорлиги ва келажаги учун масъулиятни ҳис этиши; ўзини элга бағишлаган, уни улуғловчи ҳар бир инсоннинг муваффақияти, ўз Ватанига содиқлигида яққол намоён бўлиши жонли мисоллар ёрдамида кўрсатиб ўтилган. Ватанпарварлик миллий-маданий меросни ўзлаштириш, юксак миллий ғурурга эга бўлиш, миллий маданиятга ҳурмат билан қараш ҳиссини тарбиялаш орқали вужудга келади. Ўқитувчи ва педагоглар бундан яхши билишлари ва шундай буюк вазифани адо этишга тайёр бўлишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, ўзига ўқитувчиликни касб қилиб танлаганларга миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган юксак умумий ва касб маданиятига ижодий ёндашиб, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда фаол, истикболли вазифаларни илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Ижтимоий ҳаётда педагогик жиҳатдан ватанпарвар мутахассисларни шакллантириш учун, энг аввало, уларга ўзбек халқининг бой маънавий ва маданий мероси ҳамда, қадриятларини сингдириш, уларнинг теран мазмун-моҳиятини англаш талаб этилади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури моделини ҳаётга татбиқ этиш миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштирган ҳолда таълим олувчиларга етказишга мўлжалланган, бу эса, ўз навбатида, ватанпарвар авлодни тарбиялашда муҳим омил бўла олади.

Шу сабабли, ёш авлодда ўз яқинларига, жонажон ўлкага нисбатан муҳаббат ҳис-туйғусини ривожлантириш – ўқув муассасаларининг ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида бажариладиган ишининг муҳим йўналишларидан биридир. Тўғилиб ўсган диёрга меҳр-муҳаббат туйғуларини таркиб топтириш – ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим қисмларидан бири. Ана шу ҳис-туйғуларга таяниб, олға боравериш зарур. Ўқувчи-ёшлар билимларни эгаллай борган сари, таълим муассасаси уларни она Ватанга муҳаббат туйғулари руҳида тарбиялаши, бу Ватаннинг бошқа мамлакатлардан афзалликларини кўрсатиб бериши, ўз Ватанининг эътиқодли ҳимоячиларини камол топтириши керак.

Ўқувчи-ёшларни ўз Ватанининг меҳнат ва жангвор ўтмишига муҳаббат руҳида тарбиялаш – муҳим вазифадир. Ўтмишнинг олижаноб анъаналарида юртимизнинг шухрати ва қудратини ошириш йўлидаги интилиш таркиб топади.

Таълим муассасалари ўз куч-ғайратини ўқувчи-ёшларнинг ватанпарварлик туйғулари Ватан бахт-саодати йўлидаги фойдали ишларда ўз ифодасини топишга сарф қилади. Бошқа бир вазифа – ўз мамлакатини ҳимоя қилишга шай бўлиб туриш руҳида тарбиялаш вазифаси ҳам шу билан боғлиқ.

Таълим муассасаларининг ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги бутун иши, Ватанга муҳаббат туйғусини тарғиб қилиш, намуна кўрсатиш, талаба ҳамда ўқувчиларнинг хатти-ҳаракати ва фаолиятини уюштиришни ўз ичига оладиган тарбия воситаларининг бутун бир тизими натижасидагина таркиб топиши мумкин.

Ўқув жараёни ўқувчи-ёшларда ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашда жуда катта аҳамиятга эгадир. Ўқувчи-талабалар дарсларда ватанимизнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаётини ўрганадилар, фан, маданиятнинг энг яхши намоёндалари билан, меҳнат қаҳрамонлари билан танишадилар. Билим ватанпарварлик ҳис-туйғуларини уйғотишнинг энг муҳим заминидир. Ўқув жараёни Ватан ҳақида билим ҳосил қилиш манбаидир.

Ана шу билимлар асосида Ватанга муҳаббат туйғулари таркиб топади ва мустаҳкамланади. Бошланғич синф ўқувчилари баъзан ўз ватанлари тўғрисида етарли тасаввурга эга бўлмайдилар. Уларнинг кўплари “Ватан” деган сўзни ўзлари яшаб турган жой маъносида тушунадилар. Бундай тасаввур давлат сифатидаги Ватан тўғрисида

чуқурроқ тасаввурни таркиб топтириш учун бошланғич тушунча бўлади. Ўқитувчилар ўқув материалининг характериға қараб бу ишни турли йўллар билан бажарадилар.

Пайдо бўлган тасаввурларни кейинги дарсларда аниқлаш ва чуқурлаштириш керак бўлади. Шундай қилганда ўқувчи-ёшлар қайси мамлакатда яшаётганларини аниқ билибгина қолмай, бу мамлакатнинг тарихи, улуғворлиги, қудрати билан, ҳаётнинг турли соҳаларида эришган муваффақиятлари билан ҳам фахрланадилар. Шу хилдаги дарслар олижаноб ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш манбаи бўла олади.

Ватанпарварлик тарбиясининг савияси дарсликлардаги ўқув материалининг мазмунига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Мемуар адабиётлардан парчалар келтириш, кинофильм ва дисклардан, суратлардан фойдаланиш йўли билан бу материалнинг болаларга таъсирини кучайтириш мумкин.

Талаба ва ўқувчиларнинг ватанпарварлик руҳидаги фаолиятини уюштириш – юксак туйғу ва кечинмаларнинг пайдо бўлиши ва мустаҳкамланиши учун манбадир. Масалан, баъзи ўқувчилар уруш қахрамонлари ҳақидаги асарни ўқигандан кейин номаълум қахрамонлар тўғрисида билим ҳосил қиладилар ва болаларда бу қахрамонларнинг номларини билиб олишга ҳавас уйғонади. Ўқувчиларга армия сафида хизмат қилаётган ҳамқишлоқ, ҳамшаҳарлари билан хат ёзишиб туришини таклиф этиш мумкин. Ўқувчилар ана шу хатлар ёрдамида ҳозирги Мустақил Ўзбекистоннинг Қуролли кучлари тўғрисида кўп нарса билиб оладилар, бу армиянинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаёти ўргасидаги боғланишни аниқлаб, Қуролли кучларимиз билан фахрлана оладилар.

Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун ўлкани ўрганиш ишидан, меҳнат анъаналарини ўрганишдан, турли жамиятлар фаолиятида қатнашишдан кенг фойдаланиш мумкин. Ўлкани ўрганиш иши турли йўналишларда уюштирилиши мумкин. Жонажон ўлканинг тарихий ўтмишини ўрганиш – ана шу йўналишларнинг энг муҳимидир. Бу ишнинг таълим-тарбия жиҳатидан аҳамияти шундан иборатки, болаларнинг ўзлари уруш қахрамонларини топадилар, улар билан учрашувларни ташкил этадилар, хат ёзишиб турадилар, жанговар шухрат тадбирлари ва музейларни уюштирадилар. Музейларнинг иши ўқувчи-ёшларда чуқур эмоционал кизиқиш

туғдиради ва юксак ватанпарварлик туйғуларини уйғотиш ҳамда тивожлантириш учун қулай негиз бўлади.

Ҳарбий – ватанпарварлик жамиятларининг фаолиятида ўқувчи-ёшларни қатнаштириш тарбиявий жиҳатдан катта имкониятлар очиб беради. Куролли Кучларнинг жангчилари билан учрашиш, мактаб жамоасининг ҳарбий қисмлар билан дўстлиги, ҳарбий қисмларга бориб туриш, жангчиларнинг ҳаёти ва ўқиши билан танишиш ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида биргаликда бажариладиган ишларнинг баъзи шакллари шулардан иборат.

Ўқувчиларнинг маданий ёдгорликларни муҳофаза қилишдаги иштироки ҳам таълим муассасаси тарбия ишининг мазмунини анча бойита олади.

Ота-боболаримиздан қолган меросий анъаналардан бири – ўзи туғилиб ўсган ватанига, хонадонига, эл-улусига чексиз иззат-эҳтиром туйғусидир. “Ўзга юртнинг султони бўлгандан кўра, ўз юртнинг гадоси бўл” деган гаплар ҳам донолардан қолган. Аждодларимиз ўз эл-юртларининг чинакам фидойилари, ўз ватандошларининг муҳибу меҳрибонлари бўлганлар. Киндик қонлари томган тупроқнинг бир сиқимини ўзга юртнинг олам-олам бойлиги-ю, беҳисоб зарларига алмаштирамаганлар. Бу одат ўзбек халқининг қонқонига сингиб кетганки, у ўз гўшасини ҳеч қачон ўзгаларнинг қасру қошоналарига алмаштиришни раво кўрмайди, “Она юртнинг – олтин бешигинг”, “Ўз уйим – ўлан тўшагим”, дея бор меҳру муҳаббатини ўз юрти, ватани, уйи, хонадони аҳлига улашиб, гоҳ тўқлик бўлсин, гоҳ йўқлик бўлсин, шукур қилиб яшайверади.

Мана бу фазилатни ватанни севиш, ватанпарварлик, дейилади.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида, фольклорнинг катта-кичик жанрларида, яъни митти мақоллардан тортиб, йирик эпик асарлар – қаҳрамонлик, ишқий, романтик дostonларда бош мавзу юртсеварлик оҳанглари бўлиб келган. Дарҳақиқат, Ватан йўлида фидойилик кўрсатиш фазилати ва халқ характери, у тарбиялаган баҳодирлар хатти-ҳаракатларида алоҳида кўзга ташланади. Фольклор намуналарида таъкидланишича, бир сиқим муқаддас она тупроқ узок ўлкага отланган баҳодирни ҳатто шунқор учиб ўтолмайдиган тоғлардан, асов дарёлардан, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган чўлу саҳролардан олиб ўтади, душманларнинг ҳаммасидан сақлаб қолади, мақсадга етказди ва она юртига соғ-омон қайтаради.

Ўзбек халқ дostonларида она диёрнинг бебаҳо тимсоли яратилган, уларнинг ғоявий мазмунини янада чуқурлаштирган. Дoston қахрамонлари учун она диёрдан ортиқ муқаддас жой йўқ, улар ўз юртлари иштиёқида ёнадилар, азиз юртнинг бир қарич ери, бир сиқим тупроғи учун жон олиб, жон берадилар. Бу хусусият, айниқса, “Гўрўғли” дostonида жуда кучли намоён бўлади. Халқ баҳодир Гўрўғли тилидан шундай дейди:

Юртга душман кўз олайтирса,
Қараб турмас йигитнинг марди.

Бу термадаги ғоя “Гўрўғли” туркумидаги дostonларнинг бутун моҳиятини белгилайди, дейиш мумкин. Уларда яратилган афсонавий Чамбил эли тимсолида кенг маънодаги диёр – юрт образи ҳар томонлама муқаммал яратилган. “Гўрўғли” дostonининг асосий мавзуларидан бири – юртсеварликни чуқур очишга қаратилгандир. Шу она юрт образи орқали бахшилар кишиларда ватанпарварлик, юртни чуқур сева олиш туйғуларини шакллантириб, уларни тобора ривожлантирганлар.

Халқ мақолаларида ҳам бу ғоя ўз аксини топганлигининг гувоҳи бўламиз:

“Булбул чаманни севар,
Одам – Ватанни”.
“Она юртинг омон бўлса,
Ранги-рўйинг сомон бўлмас”.
“Элдан айрилгунча, жондан айрил”.
“Ўзга юртнинг данғиллама саройидан,
Ўз юртингнинг қулбай вайронаси яхши”.
“Юрт қўрисанг ўзарсан.
Қўримасанг тўзарсан”.
“Юрти бойнинг ўзи бой”.
“Юрт билан бўлган етар муродга,
Юртдан айрилган қолар уятга”.

Халқ оғзаки ижоди асарларида энг таъсирли, энг ширин сўзлар Ватанни севувчи, унинг ташвишини ўзининг ташвиши, унинг қувончини ўзининг севинчи деб билувчи, она диёр шаъни учун қурашувчи кишилар шарафланади, энг ёмон сўзлар ва қора бўёқлар салбий образларга нисбатан қўлланади.

Халқ наздида ҳар қандай гуноҳни кечириш мумкин-у, аммо Ватан хоинини кечириб бўлмайди.

Боболар айтадиларки:

- Ўз ватанини севмаган одам – ёмон одам.

Кимда-ким ўз она диёрининг замини-ю, окар сувларини ким-сасиз чўллари-ю, дала-даштларини қалбдан сева олса, ундай одам кам бўлмайди, завола кўрмай камол топади. Ватан хоини эса халқ қаҳр-ғазабига учраган кишидир. Вақти келиб унга ҳатто бир қарич ер ҳам, кафан ҳам буюрмайди. “Бир сиқим она ер тупроғи бир ҳовуч олтиндан қиммат”, – деб бежиз айтилмаган.

Ўз ватанингни, миллатингни севолсанг, уни қадрлай олсанг, ўзгалар юртини ҳам сева оласан. Ўз уйинг, ўз қишлоғинг, ўз шаҳаринг, ўз она-диёринг фидойиси бўла олсанг, кардошинг ватани учун ҳам жонқуяр бўла оласан.

Кишиларимиздаги она-Ватанни севиш, унинг йўлида фидойилик кўрсатиш туйғуси, айниқса, фашизмга қарши уруш даврида бутун дунёни қойил қолдирди. Қалбида она Ватан туйғуси жўш урган минглаб ўзбек ўғлонлари фашист қаллақесарларига қақшатқич зарба бериб, чексиз фидойилик ва матонат намуналарини кўрсатдилар, ўз номларини абадий шарафга буркадилар.

Ватан туйғуси ҳар кимнинг қонига она алласи, болаликда эшитган шеър, қўшиқлари билан киради. Ватанпарварлик туйғуси гўдакликдан бошлаб шаклланса, у сўнги нафасгача боқий бўлади. Ватан ва ватанпарварлик ҳиссини, миллат туйғусини ҳар бир ўзбек фуқароси чуқур англаши, айниқса, ўзбекистонлик бўлганидан, шу юртга дахлдорлигидан фахрланиши лозим.

Ватанпарварлик – бу Ватанимиз халқига, унинг аънаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ҳамда ҳурмат билан қараш ва уни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш, унинг ҳақиқий жонқуяри бўлишидир.

Ватанпарварлик – бу Ватан олдидаги масъулият, миллат манфаати билан яшаш, Ватан тараққиёти, миллат обрўсига обрў қўшиш, унга фойда келтириш, фидойилик, ҳалоллик билан меҳнат қилиш, халқнинг шон-шухрати ва манфаатини ўйлаш, инсонпарвар бўлиш демакдир.

Она юрт тупроғи шу қадар муқаддаски, уни дунёдаги ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Ночору ноиложликдан охириги чора излаб, ўзга юртларга бош олиб кетган юртдошларимиз бизлардан анча бой, фаровон яшасалар-да, барибир, ўша бойликлардан келган бахту саодатнинг бир чеккаси кемтик эканлигини чуқур ҳис этиб

турадилар. Бу ўз она ватанининг бир сиқим тупроғига зорлик, қачон бўлмасин ўзи учирма бўлган хонадонига қайтиб, ўз тупроғига қоришиб кетиш илинжидир. Ватан шу қадар азиз, шу қадар мўътабарки, ундан бир қадам йироқ кетган киши буни яхши билади.

Ватандан узоқда – буюк империяни вужудга келтирган, шохлик салтанатида нашъу намо сурган Заҳириддин Муҳаммад Бобур она юрти Андижонни лоқал бир бор кўриш орзусида ҳасрат-надоматлар чекиб оламдан кўз юмган бўлса, эл севган шоир Фурқат киндик қони тўкилган Кўқондан йироқ яшаш азобини шундай таърифлайди:

Фигонким, гардиши даврон, айирди шаҳ суворимдин,
Гамим кўп, эй кўнгил, сен беҳабарсан оху зоримдин.
Адашган ит каби Фурқат қаён боргум билолмасман,
Қачон бўлғайким, топгаймен, хабар ёру диёримдин.

Ватан меҳри, ватан ишқи шу қадар буюк. Унга бўлган меҳринсон қалбига шу қадар муқим ўрнашганки, ҳеч қандай куч бу туйғуни зўрлик билан сиқиб чиқаролмайди. Хусусан, бизнинг аждодларимизда бу туйғу кўнгил тубида жуда чуқур томир ёйган. Уларнинг авлодлари ҳисобланмиш бизларга ҳам, бу туйғу чуқур сингиб кетган. Ватанимиз Ўзбекистонни севамиз, чунки уни севамай бўлмайди. Унинг тарихи, табиати, одамшаванда халқи бундай ҳис-туйғуни тинмай озиклантириб туради.

Ватан – буюк ва улуғ тушунча. Уни қанчалик таърифласак, тараннум этсак ҳам камлик қилади. Ватан нафақат киндик қони тўкилган маскан, балки онадек муқаддас заминдир. Ватан киши ёки авлодлар туғилиб ўсган ва камол топган жой. Бироқ шахс улғайган сари, унинг Ватан ҳақидаги тушунчаси ҳам тобора кенгайиб бораверади. Натижада тили, эътиқоди, урф-одатлари ва миллий хусусиятлари бир бўлган авлодлар яшаётган географик муҳит Ватани ифодалайди.

Ҳозирда юздан ортиқ миллат ва элатлар мустақил Ўзбекистонни ўз Ватани деб билишади. Чунки, ўлкамиздаги барча миллат ва элатларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва ҳуқуқий имкониятлари муҳайё этилган. Шу боисдан ҳам, Ватан бир жой, замин, ўлкада истиқомат қилаётган фуқароларни, уларнинг миллатидан қатъи назар, бирлаштирувчи ижтимоий туйғудир. Яъни, халқимиз айтганидай, “Туғилган еринг – ватанинг. Ватанинг – номусинг”. Бундан келиб чиқадики, барчамиз яшаётган шу Ватан-

ни, унинг равнақини янада юксалтиришдек масъулиятли вазифани теран англаб етмоғимиз зарур. Ҳақиқатан, Ватан муқаддасдир, унинг кадрига етмоқ керак.

Ҳазрати Алишер Навоий Ватан тўғрисида ажойиб фикрларни билдирганлар:

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш,
Олтин кафас ичра гар кизил гул битса,
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.

Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Ватан соғинчи билан ёзган ғазалида бундай дейди:

Толе йўки жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди,
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сари юзландим
Ё раб! нетайин не юз қаролиғ бўлди.

Абдулла Авлоний ҳам Ватанни мадҳ этиб қуйидагиларни айтган.

Сенинг исминг бу дунёда муқаддасдир,
Ҳар ким сенинг кадринг билмас – ақли пастдир.
Сенинг туйғунг юракларга савдо солур
Сенинг дардинг бошқа дардни тортиб олур.

Академик Фафур Ғуломнинг 1936 йили ёзган “Бари сеники” шеъри она Ватан – Ўзбекистонга муҳаббат ва садоқат изҳоридан иборат:

Мунча ҳам чиройлисан, азиз Ватаним,
Бодомдай минг кўз билан севар баданим.
Сенсан аввал-охир, сенсан севганим,
Жоним, юрак қоним, ҳатто шу таним
бир бутун ҳолида бари сеники.

Лоладан пойандоз ҳар бир қадамда,
Узлуксиз кулгилар доим даҳанда.
Олтин тупроғингни ўпганим дамда,
Нафасинг сезилур эди баданда,
Гул, сунбул чаман-да бари сеники.

Баланд-баланд тоғларинг минг пиллаоя,
Арчалар бошига ташлайсан соя.
Шеър ўқий, шеър тўқий билониҳоя...
Сен минглаб азамат, ботирга доя,
Арслон йигитларнинг бари сеники.

Алломалар дил ихҳорини ифодаловчи бу мисраларни ёд билмоқ даркор. Агар она Ватан, Худо кўрсатмасин, қандайдир оғир кунларни бошидан кечираётган бўлса, ҳар бир ватанпарвар, мард инсон бундай кунларда унга мадор бўлиши лозим. Ватанга садоқат ва она ерга муҳаббат ажралмас туйғудир.

11-§. Толерантлик одобини пайдо қилиш

Толерантлик фазилати – кишининг ижобий ижтимоий сифатларидан бўлиб, жаҳонда ҳақиқий тинчлик ва тотувликни ўрнатиш, умумжаҳон иқтисодиётини тараққий эттириш, пировардида Ер юзида фаровон ҳаёт ўрнатилишининг асосий омили ва гарови бўлиб хизмат қилади.

Толерантлик – жаҳондаги турли миллат ва ирқларга мансуб кишиларнинг халқаро бирдамлиги, уларнинг бир-бирларини тушунишлари ва ўзаро ишончининг заминида ҳосил бўлади. Жаҳондаги барча миллат ва элатларнинг маданиятлари, кадриятлари, билим ва технологияларининг ўзаро сингиб боришининг асосидир. Бу эса бағрикенгликдир.

Чунки, ҳар қандай маданият ўзаро таъсир ва алоқаларсиз ривожланмайди. Тарихда объектив ва субъектив сабабларга кўра, ўзаро таъсирдан маҳрум бўлган маданиятларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ, уларнинг ҳаммаси тараққиёт давомида юзага келган муаммоларни ўзаро таъсир ва алоқаларсиз ҳал этолмасликлари ҳам маълум. Ўзаро алоқалар аҳамиятини инкор қилишда давом этган маданиятлар тараққиётда орқада қолиб инкирозга юз тутади[42].

Маданиятларнинг ўзаро таъсири мураккаб жараён бўлиб, унга тортилган томонлар қуйидагиларни ҳисобга олишлари лозим:

- маданиятлар ўзаро таъсирининг асосий шарт, уларнинг тенг ҳуқуқлигидир. Ўзаро алоқаларга киришувчи томонлар ўртасида тенглик бўлмас экан, тўлақонли мулоқот ўрнатиб бўлмайди. Буни яқин ўтмишимизда, 15 иттифоқдош республикалар мисолида кўрдик. Бу республикалардаги маданий ривожланиш, рус маданияти томон оғиб кетиши билан изоҳланади;

- маданиятларнинг ўзаро таъсири кўлами жиҳатидан этник, миллий ва цивилизациявий даражаларга бўлинади. Этник ўзаро таъсир этносларнинг истиқомат қилаётган минтақа ёки моддий маданият умумийлиги, этноконфессиявий ва тиллар ўртасидаги

алоқалар асосида вужудга келади. Миллий даражада, умумий хўжалик фаолияти ва давлат-сиёсий тартиботининг натижасидир. Цивилизациявий даража индивид ва гуруҳларнинг борлиқдаги ижтимоий алоқаларидан вужудга келган макон ва замондаги кенг кўламли бирлигидир[42];

- маданиятлар ўзаро таъсирининг самараси дарров намоён бўлмайди, балки бу жараён узоқ вақт талаб этади ва ҳар доим ҳам ижобий натижа билан тугамаслиги мумкин. Зеро, бундан томонлар бир хилда манфаатдор бўлмаса, муносабатлар расмий тус олади ва алоқалар фольклор даражасидан ўтмайди;

- ўзаро маданий алоқалар қанчалик мураккаб кечмасин, охиروқибатда, унинг иштирокчилари учун фойдадир. Маданиятлар мулоқот жараёнида ўзидаги янги қирраларни очади, ички имкониятларини кенгайтиради. Маданиятлар ўртасида маълумотлар алмашуви жараёни юзага келади, улар умумбашарий жараёнларга қўшилади;

- маданиятларнинг ўзаро таъсири ҳар қандай ижодий жараёнда бўлгани каби бир қанча босқичлардан ўтади. Ўзаро таъсирнинг дастлабки босқичида кишида жўшқин таассуротлар, уларнинг истикболига ишонч туйғуси юзага келади. Лекин тез орада кишидаги жўшқинлик сўниб, ўзга муҳит, турмуш тарзи ва қадриятлардаги тафовутлар таъсирида тушқунлик билан алмашади.

Толерантликнинг акси миллатчиликдир. Яна қайтаришга тўғри келади, миллатчилик ўта салбий инсоний сифат бўлиб, дунёда миллатлараро можарони, барча турдаги урушларни келтириб чиқаради. Жаҳонда бўлиб ўтган минглаб урушлар, миллиардлаб қурбон бўлганларнинг сабабчиси миллатлараро, яъни давлатлараро урушлардир. Миллатчилик деган ғайриижтимоий сифатни ўта қора бўёқлар билан тасвирлашимнинг боиси, кейинги вақтларда худудимиздаги баъзи зиёлилар томонидан миллатчилик унча ҳам ёмон ҳислат эмас, деган фикрлар изҳор этилаётганлигидандир, Такрор айтаманки, миллатчилик жуда катта қусур. Миллий ғурур фазилат бўлса, миллатчилик – разолат. Миллатчилик натижасида дунёда хотиржамлик йўқолади. Бунга мисоллар жуда бисёр. Яқин Шарқдаги Фаластин билан Исроил, Ливан билан Сурия, Жанубий Осиёдаги Ҳиндистон билан Покистон орасидаги ва Шимолий Кавказдаги урушлар бундан гувоҳлик бериб турибди.

Тарихга назар таплайдиган бўлсак, қайси ҳудудда миллатлараро тотувлик ҳукм сурган бўлса, шу ерда тараққиёт, шу ерда фаровон ва бахтли ҳаётни кўрса бўлади. Қаердаки миллатлараро ва давлатлараро можаролар натижасида урушлар бўлса, шу ерда харобалик, шу ерда аҳолининг қийин ҳолати, шу ерда камбағаллик, шу ерда тушкунлик. Чунки уруш фақат ўлим, ғамгинлик, инчунин бахтсизлик олиб келучи нарса. Тинчлик эса, унинг акси, тинчлик бўлган жойда ривож, у ерда фаровон ва бахтли ҳаёт, у ерда кўтаринкилик, у ерда бойлик бўлади. Чунки тинчлик – бу дўстлик, тинчлик – бу тараққиёт, тинчлик – бу бахт-саодат.

Инсоният тарихи турли миллатлар ва элатлар орасида иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий алоқалар ўрнатилиб, уларнинг тобора мустақамланиб бориши жараёнидир. Мазкур муносабатларсиз эса ижтимоий тараққиёт амалга ошмайди.

XV аср охиридан бошланган буюк географик кашфиётлар, саноат тараққиёти, фан ва техника соҳасидаги оламшумул ихтиролар давлатлар ва халқлар орасида бекиёс даражада кенгайган иқтисодий ва сиёсий, маданий ва маърифий ҳамда маънавий алоқаларнинг жадаллашувига олиб келди. Бу байналмилал алоқалар миллий онг ва ўз-ўзини англаш, миллий озодлик ҳамда мустақиллик ғояларининг шаклланиши ва тарқалишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, илм-фан ва техника, маданият ва маърифат соҳаларидаги ютуқларнинг айирбошланишига кенг йўл очиб берди.

Мустабид шўролар тузуми даврида байналмилалчилик бир томонлама талқин қилинди, фақат ишчилар синфи, унинг партиялари, мафкураси ва сиёсатининг асосий тамойилларидан бири, социализм ва коммунизм учун курашдаги бирлиги деган маънода тушунтирилиб, бунда “пролетар интерноцианализими”гина назарда тутилди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ахир жамият фақат ишчи ва деҳқондан ташкил топмаган-ку. Ҳар қандай жамият ўта мураккаб ички тузилишга эга бўлиб, уларнинг таркибига нафақат ишчи ва деҳқонлар, зиёлилар, маиший хизмат ходимлари, савдогарлар, бошқарув хизматчилари (мененжерлар) ва бошқалар қиради. Шу кунга келиб, жамият ҳаётида, ишчи ва деҳқондан кўра, хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайдиган ходимлар, зиёлилар ва менежерлар етакчилик қилмоқда. Жамиятнинг бундай ривожланиб кетишини кўра олмаган коммунизм раҳнамолари пролетар диктатурасини (ҳокимлигини) илгари ўринга қўйганлар. Бу уларнинг билими

етишмаганлигидан бўлиб, охир-окибатда бу ғояга асосланган жамият ўз-ўзидан нураб кетди. Аслида байналмилалчилик умуминсоний ходиса бўлиб, барча халқлар ва мамлакатларнинг тарақиёт сари ҳаракатининг, мустақиллик ва миллий озодликка интилишининг ғоят зўр омилидир.

Шу ерда таъкидлаб ўтишимиз лозимки, байналмилалчилик, коммунизм дохийлари томонидан илгари сурилган ғояга ўхшаб, жамият тараққиёти, бориб-бориб миллатларнинг аралашиб кетишига ва ер юзида ягона ёки бир неча миллатнинг таркиб топишига олиб келади дегани эмас. Толерантлик, бу, халқларни ўзини ўзи англашлари натижасида миллий онгнинг тарққий этиши ва миллий мустақиллик ғояси асосида сиёсий мустақилликка эришиш, шу билан бир қаторда, ўзига ўхшаган бошқа миллий давлатлар мустақиллигини ҳурмат қилиб, улар билан дўстона алоқаларни ўрнатиб, илм-фан ва маданият ҳамда техника соҳасида эришилган ютуқлар билан айирбошлаш жарёнини йўлга қўйишдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз ички ва ташқи сиёсатида толерантлик ғояларига содиқ тарзда жаҳондаги барча халқлар ва миллатлар билан дўстона алоқаларни ўрнатиш ҳамда ривожлантириш йўлидан бормоқда. Ўзбекистон Республикаси илғор мамлакатлар билан барча соҳаларда ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва бирдамликни барқарор этишга интиломоқда, халқаро муносабатларнинг умум тан олган қоида ва тамойилларига риоя қиломоқда. Мамлакатда барча фуқароларнинг, улар миллати, ирқидан қатъи назар, ўзаро ишончи ҳамда бирдамлигини мустаҳкамлаш, миллий-маданий неъматларнинг ўзаро сингиб кетиши юзасидан изчил сиёсат юритиломоқда. Ўзбекистонда жами 100 дан ортиқ – рус, украин, белорус, козок, қирғиз, уйғур, татар, қорақалпоқ, тожик, немис, корейс ва бошқа халқларнинг вилоят миллий-маданий марказлари ва республика миллий маданий марказлари ташкил этилган. Бу марказларда, барча эл-элатлар ва миллатларнинг маънавий юксалиши учун тенг имкониятлар яратилган. Бу айтганларимиз, Ўзбекистон ҳудудининг ичида ҳукм сураётган толерантлик кайфиятини ифодалайди, холос. Бундан ташқари, Ўзбекистон яна бошқа узоқ ва яқин хорижий мамлакатлар билан ҳам ўзвий алоқалар боғлаб, халқаро толерантликни ҳам ривожлантириб бормоқда. Бундай курравий толерантлик, Ер юзида глобаллашув жараёнини жадал

суръатлар билан таракқий этиб бораётган бир даврда алохида ахамият касб этади.

Президентимиз ўзларининг “Юксак маънавият – енгилмас куч”[4] асарида глобаллашув жараёнлари тўғрисида куйидаги фикрларни билдирганлар:

“Ана шундай глобаллашув феномени ҳақида гапирганда, бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим, Умумий нуқтаи назардан караганда, бу жараён мутлақо янгича маъно-мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланиши ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айлантириб боришини ифода этмоқда.

Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак – бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг таракқиёти ва равнақи нафақат яқин ва узок кўшнилари, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб бораяптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас.

Шу маънода, глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир.

Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли кадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши – табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда”[4].

Бу ходиса, одамларда толерантлик туйғусининг уйғонишига олиб келади. Президентимиз айтганларидек, глобаллашувнинг, инчунин толерантликнинг ҳам, икки томони бор. Бу тўғрида Ислом Абдуганиевич Каримов ўз китобларида қуйидагича ёзадилар:

“Айни пайтда ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда – эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўраемиз.

Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тизимли, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас.

Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир куралига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар.

Бу ҳақда гапирганда, биз илгари билдирган баъзи фикрларни такрорлаш ўринли, деб ўйлаймиз.

Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда кийин.

Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол. Буни кундалик ҳаётда учраб турадиган қўплаб воқеалар мисолида яққол кузатиш мумкин ва уларнинг қандай оғир оқибатларга олиб келишини узоқ тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Ўтган

йиллар давомида дунёда ва минтакамизда рўй берган, биз бевосита ўз бошимиздан кечирган воқеалар, мафкуравий жараёнларнинг ривожини бу хулосанинг тўғри эканини қайта-қайта исботламоқда.

Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмақда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Бинобарин, биз давлатимиз келажагини ўз қобигимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик кадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Биз истиқболимизни тараккий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини ўз ҳаётимизга янада кенгрок жорий қилишда кўрамиз. Биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечирш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз”[4].

Ўзбекистон Президентининг айтган бу яхши ниятларига Ўзбекистон аҳолисида толерантлик туйғуларини кенг ривожлантириш натижасида эришса бўлади. Бунинг учун эса, боғча ва мактабдан бошлаб, болалар қалбида толерантлик туйғуларини шакллантириш ва бу туйғуларни олий ўқув юртлари ҳамда кенг ахборот воситалари орқали ривожлантириш зарур.

12-§. Инсонпарварликни шакллантириш

Инсонпарварлик – одамларга хайрихоҳлик билан қараш, уларни ҳурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишиларда юксак маънавий фазилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш демакдир. Бу тушунча, инсоннинг кадри, эркинлиги, бахт-саодати, тенг ҳуқуқлилиги тўғрисида, инсонийликнинг барча тамойилларини юзага чиқариш учун шарт-шароитлар яратиб бериш ҳақида ғамхўрлик қилишни ифодалайди. Унга кўра, дунёда

энг кадрли нарса инсондир, бутун мавжудот, борлиқ инсонга, унинг бахт-саодатига хизмат қилиши лозим. Инсон тақдири, халқ манфаатлари, мамлакат кишилари ҳақида ғамхўрлик инсонпарварликнинг асосий ғоясидир.

Инсонпарварлик ғоялари узоқ тарихга эга. Улар бахт-саодат ва адолатга эришиш орзулари тарзида қадимги халқ оғзаки ижодида, адабиётда, диний ва фалсафий таълимотларда ўз аксини топиб келмоқда.

Шарқ фалсафаси ва ижтимоий тафаккурида инсонпарварлик ғоялари азалдан кенг тарқалган бўлиб, унинг кўп минг йиллик тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Ўрта осийлик мутафаккирлардан Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқалар ўз асарларида инсонпарварлик, инсон эркинлиги, унинг кадр-қиймати ғояларини илгари сурганлар. Форобий инсонларнинг иноқ ва дўст яшаши мамлакатда халқлар учун катта фойда келтиришини исботлашга интиланган ва тинчликни қувватлаб, фаолиятини бутун инсоният хизматига қаратган. Навоий инсон тақдири, халқ манфаати, мамлакат ҳақида ғамхўрликни ўзининг асосий ҳаётий мақсади қилиб қўйган. Навоий дунёда энг кадрли нарса инсондир, деган фикрни олға сурган. Унинг фикрича, бутун мавжудот, борлиқ инсонга, унинг бахт-саодатига хизмат қилиши лозим. Жаҳон динлари, жумладан, ислом динида ҳам инсонпарварлик ғоялари ўз ифодасини топган.

Унда фақир, камбағал, мусофир, мухтож кишиларга ёрдам беришга, саховатли бўлишга даъват қилинади. Чунончи, Қуръони каримнинг Бақара сураси 177-оятда мўмин-мусулмонларга иймонни ўзида шакллантириш ва уни мустаҳкамлаш йўларини кўрсатиш мақсадида, қуйидаги сўзлар битилган: “Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонга бураверишингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган, ўзи яхши кўриб туриб молини қариндош-уруғларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, йўловчи-мусофирларга, тиланчи-гадоларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўқис адо қилиб, закот берадиган киши ва аҳдлашганда аҳдига вафо қилувчилар, хусусан, оғир-енгил кунларда ва жангу жадал пайтида сабр-тоқат қилувчилар яхши кишилардир. Ана ўшалар чин иймонли кишиларидир ва ана ўшалар асл такводордирлар”. Шу суранинг 267-оятда, юқорида айтилган фикр-

ларни мустаҳкамлаш мақсадида, “Эй мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилингиз! Эҳсон қилиш учун улардан ўзингиз фақат кўз юмиб туриб оладиган – наст-нопоқларини танламангиз! Ва билингизки, албатта Аллоҳ беҳожат ва ҳамду саного лойиқ зотдир”, дейилган. Куръони каримнинг бошқа сураларида ҳам одамларни бир-бирига бўлган муҳаббатини ошириш мақсадида, яқинлари ва кўни-қўшнилариининг ҳолидан хабар олиб туриш ҳамда бошқа миллат вакиллари бўлса ҳам, мусофирларга, тиланчи-гадоларга ёрдам беришга ундовчи оятлар мавжуд.

Инсонпарварлик яхлит дунёкараш тизими сифатида IX-XI асрларда шарқда, XIV-XVI асрларда Европада Уйғониш даврида шаклланган. Инсонпарварлик ғоялари Европада ўрта асрларда инсоннинг камситилишига, уни Худо ва дин тартиблари номидан ҳақоратлаб инквизиция гулханига ташлаган шафқатсиз фанатик-мутаассифларга ва уларни қўллаб-қувватлаган жамият вакилларига қарши, инсон ҳуқуқлари учун муросасиз кураш сифатида намоён бўлди. Уйғониш даври схоластика ва черковнинг маънавий ҳукронлигига қарши турган дунёвий хурфикрлик гуманизм деб атала бошланди. Ғарбий Европада бир неча мамлакатларда гуманизм ижтимоий тафаккур соҳасида, адабиёт, санъат ва илм-фанда католицизмга ва шахснинг қуллигига қарши қаратилган илғор ижтимоий ҳаракат эди. Гуманизм тарфдорлари ўз замонасининг тарақийпарвар кучлари бўлган. Улар инсон ҳуқуқлари ва олижаноб фазилатлар, илм-маърифат ва ҳуррият учун, кишиларнинг ҳар томонлама эркин ривожланиши учун курашганлар. Гуманизмнинг атоқли намояндлари шарқда Форобий, Беруний, Ибн Сино, Аттор, Румий, Ғарбда Ф.Петрарка, Ж.Боккаччо, Леонардо да Винчи, Ж.Бруно, Т.Кампанелла, М.Монтень, Ф.Рабле, Т.Мор, Ф.Бекон, Э.Роттердамлик, Н.Коперник ва бошқалар эдилар.

Кейинги асрлар давомида инсонпарварлик ғоялари гуманизм номи билан ривожланди. Бу атама биринчи марта XIX аср бошларида фанда ишлатила бошлади ва XX асрнинг ўрталаригагача жамиятдаги адолатсизликни, тенгсизликни танқид қилишга қаратилди.

II жаҳон урушидан кейин жаҳон тарақиётида туб ўзгаришлар юз бериб, ҳақиқий инсонпарварлик томон жиддий қадамлар қўйилди. Буни БМТ, ЮНЕСКО каби халқаро, минтақавий ва давлат-

лараро ташкилотлар декларация ва ҳужжатларида кўриш мумкин. Инсонпарварлик ҳар бир ҳуқуқий, демократик давлатнинг ҳаёт қоидаларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистон ўз сиёсатини инсонпарварлик шартлари, талаблари, қоидаларига Шарқ ва Ғарб давлатларининг энг илғор тажрибаларига таяниб олиб бормоқда.

Инсонпарварлик, фахрийлар ва ногиронларга, серфарзанд оилаларга, кўмакка муҳтож бошқа фуқароларга ҳурмат-эътибор ва хайр-саховат кўрсатиш бугунги Ўзбекистонда давлат миқёсидаги анъаналар сафидан мустаҳкам жой олмоқда. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг таъкидлашича:

“Инсонпарварлик – бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир. Бизнинг халқимиз ўзининг воқеаларга бой кўп минг йиллик тарихи давомида кўп нарсаларни бошидан кечирди – маданият, илм-фан, ўз давлатчилиги ютуқлари нашидасини сурди, ўзаро низолар, бегоналар асорати аламини тортди, энг яхши ўғил-қизларидан жудо бўлди. Лекин тарихнинг ўйини ҳам, омонсиз жангу жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очлик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига доғ туширолмади. Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва ёруғлик, болаларга меҳр, катталарга ҳурмат, яқинларга ва бошқаларнинг кайғусига ҳамдардлик мужассамлашгандир”[5].

Ҳақиқатан ҳам, авваллари бирор киши мусофир бўлиб, чойхонага келиб қолса, маҳаллий аҳоли уни уйига таклиф қилган.

Инсонлар ихтиёрий равишда садақа қиладилар. Жамғарма бойликларидан камбағал оилаларга ёрдам тариқасида берадилар. Хонадон бошига ташвиш тушганда ёрдам бериш анъана бўлиб қолган. Бундай олижаноблик, ҳиммат, инсонпарварлик ўзбек халқининг қонига сингиб кетган.

Одамлар ўртасидаги муносабат ҳамжиҳатлик сарчашмасидан парвариш топган кишининг кўнгли ҳамиша тўғри бўлади ва ҳар қандай оғир мушкулот ҳам осонликча бартараф этилади.

Ўтмишда доноларимиз инсонпарварлик, одамийлик, саховат, ғарибларга ёрдам масаласига алоҳида эътибор беришган. Жумладан, буни Аҳмад Яссавийнинг куйидаги ҳикматларида кўриш мумкин:

Ғариб, фақир, етимларни Расул сўрди,
Ўшал туни меърож чиқиб дийдор кўрди.

Кайтиб тушиб ғариб етим излаб юрди,
Ғарибларни изин излаб тушдим мано.

Ёки:

Ғариб, фақир, етимларни Расул сўрди,
Халқа қилиб азиз жонинг айла қурбон.

Таом топсанг, жонинг била қилғил эҳсон,
Ҳақдан эшитиб, бу сўзларни айтдим мано.

Аҳмад Яссавий нуктаи назарида инсоннинг дунёси инсонпарварлик билан обод. Бу шартни ҳамма нарсадан қудратли ва файзли деб билади. Яссавий ҳикматларида ёмонлик, нодонлик, жаҳолат, молпарастлик иллатларига, салбий ахлоқий ғояларга қарши кураш ҳам ўз ифодасини топди. У мол-дунё, мансаб учун муккасидан тушган кози-имомлар, ҳокимлар, амалдорларга нафрат билан қарайди. Доимо халққа ҳақ кўзи билан қарашга, ғариб-етимларга озор етказмасликка чақиради.

Инсонпарварлик адолат, шафкат, меҳрибонлик, ҳиммат, саховат, кишиларга одабийлик, олижанобликни бахш этиш демақдир.

Инсонпарварлик кишиларда турли миллат халқларига ҳурмат ҳиссини таркиб топтиради. Адолатсизлик, тенгсизлик, текинхўрлик, виждонсизлик каби ахлоқ-одобга зид хатти-ҳаракатларга муросасизликни шакллантиради.

Инсонпарвар киши бор кучини бошқалар учун сарф қилади. У доимо самимий бўлиб, яхшиларни завқ-шавқ билан ардоқлайди. Кишиларнинг ҳаётига, уларнинг турли урф-одатлари, эътиқодлари ва интилишларига қизиқиш билан қарайди.

Халқимизнинг маънавий қиёфасини белгилайдиган меҳмондўстлик, катталарга ҳурмат, серфарзанд оилаларга ғамхўрлик қилиш, тўй ва маросимларда ўзаро ёрдамлашиш, хашар, оилада бир-бирларига кўмаклашиш, ҳимматлилик, оила бузилишига йўл қўймаслик каби удумлар инсонпарварликнинг асосини белгилайди. Ўзбекистонда ногиронлар жамияти, “Наврўз” хайрия жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамғармаси инсонпарварликни амалга оширишга қаратилган. Уларнинг мақсади одамларга меҳр-шафкат, мурувват, қийналганларга мадад, камбағаллар ва мухтожларга ёрдам, хайр-эҳсон, меҳр-мурувват кўрсатишдир. Ижтимоий ҳимоя давлатимиз сиёсатининг беш тамойилидан биридир.

Бу яхши ташаббус, ҳақиқатан ҳам инсоф, одамгарчилик, меҳр-шафкат, хайр-эҳсон каби минг йиллар давомида кишилиқнинг

эзгулик ишлари бўлиб келган тушунчалар одамлар орасида кенг ўрин олиши лозим. Ахир кексайиб колган ота ва онани қариялар уйига ташлаб, йиллаб хабар олмай кайф-сафо қилиб юрган бойваччалар ҳам, вояга етмаган, жиноят қилиб қамалаётган ёш болалар ҳам, арокхўрликлари туфайли ногирон бўлиб туғилган болаларини махсус етимхонага ташлаб қўйган ота-оналар ҳам, халқнинг пулидан уриб қолиб, миллионларни кўзлаган юлғичлар ҳам бу фоний дунёда ҳамма бир-бирига ғанимат эканлигини яхши тушунишлари керак-ку! Шундай экан, ота-боболаримизнинг удумига содик колган ҳолда бир-биримизга меҳр-оқибатли, шафкатли бўлайлик.

Инсонпарварлик ришталари ҳаммаша мустаҳкамланиб бораверсин. Ана шундагина ҳаётимиз янада чароғон ва фойдали бўлади.

Инсонпарварликнинг акси инсонсуймасликдир. Бундай инсоний қусурга учраган киши одамови бўлиб, ҳеч кимни севмайди ва ҳеч кимга яхшилик қилмайди. Ундай фикрлар унинг ўйига ҳам келмайди. Бундайлар ўзим бўлай деган кишилардир. Америкалик олим Вернон Вульфнинг фикрича, тараққиёт даражалари бўйича, ундай одам инсон сифатида тараққий этмай, иккинчи – “шахсий” деган босқичда қолиб кетган бўлади[85]. Азизиддин Насафийнинг рух уружлар даражалари бўйича эса, улар энг паст даражадаги – иймони заифлардир[19]. Шу кунда, намозхонларнинг бир қисмини, айнан шундайлар ташкил этиб турибди. Улар дилининг безовталиги нимадан эканлигини билмасдан, уни босиш мақсадида, намозга берилиб, рўза тутиб, ҳаж амалини бажариб, гуноҳдан кутулиш йўлини изламоқдалар. Бу яхши ният ва яхши амаллар, аммо уларнинг бу интилишлари зое. Улар, дилининг безовта бўлишини ўзларидан, ўз қилмишларидан қидиришлари керак. Қачонки, улар ўз айбларини тан олиб, уларга тавба қилсаларгина, намоз, рўза ва ҳаж амаллари уларга ёрдам беради. Гуноҳ қилаётганини билса ҳам билмасликка олиб, қилган ноҳўя ишларимни Худо кечирар деб, тинмай намоз ўкиб, исломнинг бошқа фарзларини бажариб юрсалар ҳамки улар бу дунё азобида бўлиб, у дунёда ҳам дўзах ўтида ёнадилар. Чунки номоз ўкиб, рўза тутиб, эҳсонлар қилиш учун, авваламбор, ногўғри йўлда эканликларини тан олишлари ва уларга тавба қилиб, тавба қилганларидан кейин бу гуноҳларни қайта қилмасаларгина гуноҳлар кечирилади, фақат шундагина диллари таскин топади.

Бу ҳодисанинг ёмон томони шундаки, жамият ижтимоий ҳаётида бундай кишилар тақводор ва инсонпарвар одамлар билан ёнма-ён ҳаёт кечирадилар. Инсонпарвар одам ўз нуқтаи назаридан, яъни ўзининг маънавиятидан келиб чиқиб, ён қўшнисини, маҳалладоши ёки меҳнат жамоасидаги бир одамнинг қийналганлигини кўриб, унинг муаммосини ечиш мақсадида, унга ёрдам қўлини чўзсалар, улар одамови ва қўрқоқлик қилиб, “Бир балоси бўлмаса, шудгорда куйруқ на килур” кабилида фикр юритиб, ўзига яхшилик қилаётган кишидан ўзларини олиб қочадилар. Шунда инсонпарвар кишининг чин дилдан кўрсатмоқчи бўлган илтифотини, улар ёмонликка йўйиб, уни ҳақоратлагандай бўладилар. Натижада инсонпарвар киши руҳан эзилади. Одомовилар кўпайган сари, инсонпарвар одам бу дунёда ўзига жой тополмай, узлатга чекинишга мажбур бўлади. Яъни зуҳдни афзал кўриб, ўзини жамиятга фойда келтирадиган кучли бир руҳий ва ақлий қувватини ҳаракатсизликка келтириб қўяди. Бу эса бутун жамиятни инкироз сари етаклайди.

Шунинг учун, энг олижаноб фазилат бўлиб ҳисобланган инсонпарварликни аҳолининг барча қатламларида шакллантириш ўта муҳим масаладир.

Инсонпарварлик ҳис-туйғусини одамнинг болалигидан бошлаб шакллантириб бориш мақсадга мувофиқдир. Болаларни кузатсангиз улар эзгу ишларга мойил эканликларини тез билиб оласиз. Уларнинг кўплари катталарнинг меҳнатига ёрдам беришни астойдил истайдилар, катталарнинг топшириқларини зўр ғайрат билан бажарадилар. Ота-оналар ўз фарзандларига тўғри муносабатда бўлганларида, болалар уларга ва яқинларига самимий меҳр-муҳаббат билан қарайдилар! Кичкинтойлар жониворларни яхши кўрадилар, уларни иштиёқ билан парвариш қиладилар, жониворларга лат етказган кишилардан хафа бўладилар. Бу – чинакам инсонпарварлик руҳида тарбиялаш учун негиздир. Кишилар ўртасида чинакам инсоний муносабатлар руҳида тарбиялаш вазифалари ўқитувчи ва педагогларга юклатилган. Ўқитувчи ва педагоглар, болаларга катталарга қулоқ солишни, уларга эътибор, сезгирлик ва ғамхўрлик билан қарашни уқтиришлари лозим. Бир-бирларига ва теварак-атрофдаги кишиларга нисбатан кўпол, сурбет муносабатда бўлиш баркамолликни ўзига мақсад қилиб олган одамнинг феъл-атворига тамомила ётдир.

Мактаб, болаларни кишилар орасида инсоний муносабат руҳида тарбиялаш учун кўп имкон ва воситаларга эга. Хукукий тенгликка асосланган дўстона муносабатлар болаларга самарали таъсир кўрсатади. Бу муносабатлар болалар ўртасида инсоний муносабатларни таркиб топтириш учун асос бўлади.

Таълим-тарбиянинг мазмуни ҳақиқий инсонпарварликнинг моҳияти ҳақидаги тўғри тасаввурларни ўқиб олиш учун болаларга кучли таъсир кўрсатади. Дарсликларнинг матнлари кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг характери тўғрисида болаларга тасаввур берадиган қилиб танлаб олиниши шарт. Бу матнларда бепарволик, тошжораклик, шафқасизлик қораланиши лозим.

Ўқув жараёни болаларга ўз мазмуни билангина таъсир ўтказиб қолмайди. Ўқув муҳити, болалар ўртасидаги, шунингдек, болалар билан ўқитувчи ўртасидаги муносабатларнинг характери учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Ўқув жараёнида вужудга келадиган ўзаро муносабатлар болаларнинг феъл-атворида доир тажрибаларни шакллантиради. Инсонпарварлик руҳида тарбиялаш вақтида бу ҳолатни эътиборга олиш жуда муҳимдир. Ўқитувчи болаларга эътибор бериб, улар тўғрисида ғамхўрлик келадиган бўлса, болаларга нисбатан ноўрин талабчан бўлмай, уларни жеркиб турмаса, уларнинг ташаббуси ва фаоллигини ҳар томонлама ривожлантирса, ўқитувчининг сўзи билан иши бир-биридан фарқ қилмаса, болалар кишилар ўртасидаги чинакам инсоний муносабатларнинг ижобий тажрибасини ҳосил қиладилар. Ўқитувчилар баъзан бақирик-чақирик билан болаларни кишиларнинг инсоний хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги ҳикояни ўқиб беришга мажбур этадилар, ўқувчиларга тез-тез жазо бериб турадилар ва бу билан, ҳикоя мазмунининг тарбиявий таъсирини чиппакка чиқариб қўядилар.

Инсонпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ёшлар уюшмаси фаолиятига алоҳида эътибор бериш керак. Бундай ёшлар уюшмалари сафига ўқувчиларнинг мумкин қадар кўп қисмини жалб этиш учун бу ишнинг шаклларини бор имконият билан ривожлантириш ва хилма-хиллаштириш керак.

Катта ёшдаги ўқувчи ва талабаларнинг кичик ёшдаги болаларни ўз оталиғига олиши катта аҳамиятга эгадир. Мактаб инсонпарварлик руҳида тарбиялаш масаласини ота-оналар олдига ҳам кескин қилиб қўйиши лозим. Чунки инсонпарварлик ёки худбинликларнинг томирлари оилага бориб тақалади.

Инсонпарварлик одамларни севиш, уларга саховат кўрсатиш, уларнинг барча муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш бўлса, одамовилик инсонларни севмаслик, уларга ёрдам қўлини чўзмаслик, зикналик, худбинлик, мол-дунёга берилиш ва бошқа салбий ижтимоий сифатлардир. Бундай ғайриижтимоий сифатлардан сақланиш лозим. Бунинг оқибати жуда ёмон бўлади.

13-§. Мардлик, жасурлик ва шижоатни бунёд қилиш

Инсоннинг энг жозибадор ва ижобий ижтимоий сифатларидан бири, бу мардлик, жасурлик ва шижоатдир. Бу сифатларга асосан Пайғамбарлар, буюк саркардалар ва халқ қаҳрамонлари эгалик қиладилар дейилади. Аммо оддий халқ ичида ҳам, гарчи жуда юқори даражада бўлмаса-да, бундай фазилатга эга бўлганлар анчагина топилади. Фақат улар ўта камтарин бўлиб, уларга бу сифатларни очикдан-очик намоён этиш шароити бўлмай келган бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда бу фазилат ноёб фазилатлардан ҳисобланади ва одамлар орасида у ёки бу кўринишда намоён бўлиб туради.

Бу уч ижтимоий сифат ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирини тақозо этади. Мард одам жасур бўлиб, жасур ва мард одам эса, кўп ҳолларда шиддатли бўлади. Шунинг учун ҳам уларни тушунушда, кўпчилик, бу сўзларни маънодош сўзлар тариқасида кўрадилар. Баъзида, мард ва жасур одам ғайратсиз бўлиб, шиддат эгаси мард ва жасур бўлмаслик ҳоллари ҳам учрайди. Лекин мард ва жасур одам шиддатли бўлмаса ярашмагани каби, кўркок ва номард одамнинг шижоатини, кўп ҳолларда, ҳовлиқмалик деб тушунилади.

Ундан ташқари, кўп ҳолларда, мард киши деб, сахий одам ҳам тушунилади. Ҳақиқатан ҳам, бир хил одамнинг негизида кўркоклик бўлса-да, ўзини муҳофаза қилиш мақсадида, “ичини ит тирнаса” ҳамки, молу дунёсидан бир қисмини одамларга, гўёки сахийлик қилиб улашади. Шунда авом халқ, бизга мурувват қиляпти, бу одам мард экан деб, ўйлаб қолади. Аслида, мард одам жасур ва шиддатли бўлади. Бунинг устига ақлли ва билимли бўлиши аниқ. Ақлли, билимли, жасур ва мард кишининг иймон-эътиқоди ҳам мустаҳкам бўлади. Баъзида мард ва жасур одамнинг акли ва билими кўп бўлгани туфайли, мулоҳаза юритиб, “Одамлар мени, ўзини бошқалардан устун қилиб кўрсатмоқчи бўлаяпти”, деб ўйламасинлар тагин, деган маънода, шиддат тизгинини тортиброк ҳаракат қилиши мумкин. Буни билмаганлар, бу одам ўзи ақлли,

мард ва жасур бўлса ҳам шижоатсиз экан деб, ўйлаб қолишлари турган гап. Яна қайтариб айтамикки, аслида, мард одам жасур ва шижоатли бўлади.

Мардлик тушунчаси уч-тўрт маънода ишлатилиб, бири жасурликни англатса, “мард йигитни майдонда кўр” майлида тушувиши бўлса, иккинчиси, кўрдикки сахийликни билдир экан, учинчиси эса тўғри сўзликликни. Биз бу тушунчани кўпроқ кўркмас – жасур маъносида қўлладик.

Мард кишининг дили пок, нияти фақат эзгуликдир. Шунинг учун ҳам, унинг қўли очик ва сахий бўлади. Билими кўп, ўзи ақлли, нияти фақат яхшилик, сўзи чин ва қўли очик одам ҳеч нарсадан кўркмайди. Чунки, унинг тилини қисик жойи йўқ бўлади. Кишидаги кўрқоқлик хис-туйғуси, унинг билими камлигидан ёки қилиб қўйган гуноҳлари эвазига пайдо бўлади.

Шу ерда, ушбуни айтиб ўтиш жоизки, билимларнинг киши ҳаёт тарзига, яъни маънавиятига айланиб кетган қисми авлодларга ўтгани каби, ўтган аждодларнинг қилган ва ювилмай қолган гуноҳлари ҳам наслдан-наслга ўтади. Шунинг учун ҳам, кўпгина ёш болаларда кўрқоқлик ҳисси устунлик қилади. Бунинг боиси, бир томондан, боланинг атроф-муҳитни яхши ўрганиб улгурмагани ва мавҳумликлар уни кўрқитиши бўлса, иккинчи томондан, аждодларнинг гуноҳлари унга мерос бўлиб, руҳини безовталантираётганлигидан бўлади.

Шунинг учун, киши ё ўзида, ёки тарбияланувчиларда мардлик, журъатлилик ва довураклик фазилатини шакллантирмоқчи бўлса, авваламбор, ўз билимларини ошириши, сўнг ўзидаги наслий гуноҳларини, гарчи уларни ўзи қилмаган бўлса ҳам, ювишдан бошлаши керак. Гуноҳларни ювишнинг бирдан-бир йўли, тинмай савоб ишларни қилиб юришликдир.

Муқаддас китобимиз Қуръони Каримда савоб орттириш йўллари кўрсатувчи бир қатор оятлар мавжуд. Қуйида улардан бир нечасини келтирамиз, сиз уларнинг мазмун-моҳиятига эътибор беринг.

“Аллоҳга бандалик қилинглар ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглар! Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош, қўшни ва бегона қўшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирларга ва қўлларингиздаги қулларга яхшилик қилинглари! Албатта Аллоҳ ўзлари ба-

хиллик киладиган ва ўзига одамларни ҳам бахилликка чакирадиган ҳамда Аллоҳ фазлу карамидан берган неъматларни яширадиган мутакаббир ва мактанчоқ бўлган кимсаларни севмайди. Биз бундай кофирлар учун хор қилувчи азобни тайёрлаб қўйганмиз[78].

“(Эй мўминлар), хоҳ ошкора, хоҳ яширинча бирон яхшилик қилсангиз ёки бирон ёмонликни афв қилиб юборсангиз Аллоҳ суйган бандаларидан бўласиз. Зеро, Аллоҳ қудрат эгаси бўлган ҳолда афв қилишда барқарор бўлган зотдир”[78].

Аввал ҳам айтганимиздек, намоз ўқиш бу савоб орттириш эмас. Намоз фақат савоб иш қилиш учун руҳни чархлаш ва уни тўғри йўлга йўналтириш учун бажариладиган яхши амаллардандир. Кўпчилик, айнан шу масалада янглишадилар. Имомлар, масжидга келувчиларнинг сонини кўпайтириш мақсадида (бу яхши ният, аслида), намозни Худо буюрган, мўмин-мусулмон киши намоз ўқиши шарт, бу Худонинг қарзи деб, мўминларнинг қулоғига қуйиб қўйганлар. Шунда исломни жуда ҳам теран билмайдиганлар, шундай экан деб, намозни қанда қилмай (бу аслида яхши) намозни ўқиб бўлганларидан кейин, Худонинг қарзидан қутулдим деб, ёлғонни авжига чиқариб, ваъдасининг устидан чикмай, бировларнинг ғийбатини қилиб, бошқа гуноҳларни орттириб юраверадилар. Намоз ўқиб қўйдим-ку, энди қилган гуноҳларимни Худо кечиради деб, бунга астойдил ишониб қолишган. Бу ўта ногўғри фикр бўлиб, одамларни гуноҳлардан қайтариш ўрнига, гуноҳ қилишларига йўл очиб беради.

Шундай қилиб, бечора авом, нафақат аждодлардан қолган гуноҳлардан ўзини тозалайди, улар аждодларидан мерос бўлиб қолган гуноҳлари устига янги гуноҳларни кўпайтириб, гуноҳ юкини ошириб борадилар. Шунда гуноҳ юкини кўтара олмай руҳи безовталана бошлайди ҳамда бир қатор руҳий ва жисмоний касалликларга дучор бўладилар.

Яна мард деб, лафзида турувчи, яъни айтган сўзи ва берган ваъдасининг устидан чикувчи одам тушунилади. Бу ҳам тўғри, чунки, барча яхши фазилатларга ўранган одамнинг виждони пок бўлади. Тоза виждон эса, ҳеч қачон ва ҳеч вақт ўзига нопок нарсаларни қабул қилмайди. Ваъдасининг устидан чикмаслик ва айтган сўзларидан қайтишлик, ўта гуноҳ ишлар сафига киради. Бу ишни мард одам ҳеч қачон қилолмайди.

Марднинг зидди – номардлик. Номард одам айтган сўзида турмайди, берган ваъдасининг устидан чиқмайди, нияти бузук, ўзи зикна ва иғвогар бўлади. Иғво деганда, кишининг ўзи йўқ пайтида унинг камчилигини бировларга айтиш. Бу катта гуноҳлардан ҳисобланади. Куръони каримда номард кишилар, кўп ҳолларда, “мунофиқлар” деган ибора орқали ифодаланганлар. Муқаддас китобимиз Куръонда одамларни ёмон иш(гуноҳ)лардан қайтарувчи ва яхши(савоб) ишларга ундовчи кўпдан-кўп оятлар мавжуд, мана улардан бир нечтаси:

“Кимки бирон хато ёки гуноҳни қилиб қўйиб, сўнг уни бир пок одамга тухмат қилиб отса, муҳаккакки, у бўхтон очик гуноҳни ўз зиммасига олибди”[78].

“Эй мўминлар, Аллоҳнинг Ўзи учун ҳақ йўлни тутгувчи, адолат билан шаҳодат – гувоҳлик берувчи бўлингиз! Бирон қавмни ёмон кўришингиз сизларни адолат қилмасликка тортмасин! Адолат қилингиз! Шу тақвога яқинроқдир”[78].

Яна мардликнинг акси кўрқоклик деб, тушунилишини айтдик. Кўрқоклик кишининг барча фазилатларини йўқка чиқариши билан бирга, инсон зотига номуносиб бўлган ижтимоий нуқсондир. Кўрқоклик киши иймонининг сустилигидан ёки қилиб қўйган гуноҳларидан эканини айтган эдик.

Мард, кўркмас, жасур ва сахий одамни тарбиялаб етиштириш учун, болаларнинг ота-онаси, ўқитувчи ва мураббийси ҳамда бошқа турдаги тарбия берувчилар, салбий ижтимоий сифатлар бўлиб ҳисобланган – кўрқоклик, зикналик, очкўзлик, кизганчиклик, ёлғончилик, сўзида турмаслик каби ғайриижтимоий хислатлардан ўқувчи-ёшларни сақлашлари лозим. Агар, бундай хислатлар ўқувчи-ёшларда пайдо бўлаётганини сезсалар, жуда эҳтиёткорлик билан уларни бундай қусурлардан тозалаш шарт.

Ўқувчи-ёшлардаги номардлик иллатларини йўқотиш ва уларда мардлик, жасурлик ва шиддатлиликни шакллантириш йўл-йўриқларининг қатъий бир андозаси йўқ. Чунки реал ижтимоий ҳаётимиз жуда ҳам мураккаб ва кўп қиррали бўлгани учун, бола қачон ва қайси йўллар билан ўзига ёмон ижтимоий сифатларни юктириб олишини билиш қийин. Аммо болани севган одам, бор иқтидорини, бор интеллектуал қувватини ишга солиб, болани бу нохуш сифатларни эга бўлмаслиги учун ҳаракат қилиши керак.

Баркамол инсонга номуносиб одатларни йўқотиш, улардан ўқувчи-талабаларни асраш баробарида, уларда мардлик, жасурлик ва шиддатлилик каби фазилатларни тинмай шакллантириб бориш лозим.

14-§. Сабр-қаноатли бўлиш сирлари

Юқорида сабр-қаноат юқори ижтимоий сифатлардан деб айтиб ўтган эдик. Айтилганга қўшимча қилиб қўйиш жоизки, бу фазилат ноёб бўлиб, жуда кам одамларда учрайди. Бунинг боиси шундаки, инсон бир нарсани мақсад қилдими, унга тез етишишни истайди. Ниятга тезроқ етиб бориш истаги яхши, аммо, ниятга етиш жараёнининг тадрижий ривож тезлиги бўлишлигини ҳам унутмаслик жоиз. “Хар бир нарсанинг вақти соати бор”, деган халқ мақоли бу ҳодисани яхши ифодалаган.

Фараз қилайликки, палов ейишни истаб, уни пишириб истеъмол қилишни ният қилдингиз, Бунинг учун, паловга керакли масалликларни тайёрлаб, ош пишириш жараёнининг барча қондаларига, шу жумладан, белгиланган вақтга риоя қилиб палов тайёрлашни амалга оширасиз. Бу жараёни тезлаштирсангиз, паловингиз чала пишган бўлиб, еган одамни безовта қилади, уни чўзиб юборсангиз ҳам, ош ланж бўлиб қолиб, у ҳам истеъмол қилган одамнинг мазасини қочиради. Шунга ўхшаб барча жараёнларни ўзининг вақт-соати, меъёри бўлади.

Мақсадга тўғри етишиш учун, унинг вақти-соатига амал қилиш керак. Бунинг учун эса, сабр-тоқат қилиш керак. Бу масаланинг бир томони, унинг иккинчи томони ҳам бор.

Инсоннинг ҳаёти ҳеч қачон текис кечмайди, кишининг ҳаётида турли яхшилари билан бир қаторда, нохуш ва ёмон воқеалар ҳам бўлиб туради. Тараққиётнинг қатъий қонуни бўйича, куннинг ярми ёруғ бўлса, ярми қоронғу бўлиши табиий бир ҳол. Шунинг учун, табиат қонуни бўйича, ҳаётингизнинг ёруғ фазасида эканлигингизда ҳовлиқиб қолиб, доим шундай бўлаверар экан деб, хомтама бўлманг. Эртанги қоронғу кунларнинг келишини ҳам аниқ билиб турунг. Ҳозир омад сизга қулиб боққанда, ўзингизни тутиб олиб, сабр билан, келажакда омадсиз кунлар бўлишини билган ҳолда иш тутиш керак.

Ёки айтганларимизнинг акси бўлиб, ҳаётингизнинг қоронғу фазаси кириб келганда, тушкунликка тушиб, шундоқ ҳам қоронғу

хаётингизни зимистонга айлантирманг. Аксинча, сабр-тоқат билан, “бу кунлар ўтар кетар, яхши кунлар ҳам албатта келар”, деган фикр билан иш тутинг. Аммо, тўқликни енгиш осонми, ё очликними? Буни билиш қийинроқ. Бир бой-бадавлат оғайнимиз, айтиб юрар эди, ”Пулсизликка чидаш осон, чунки бошқа иложинг йўқ, аммо бойликка чидаш қийин, ёмон йўлга кириб кетиб, гуноҳ ишлар килиб қўйиш хавфи бор” деб. “Мен бойликка чидаб юрган одамман” деб, ўзини мактаб ҳам кўяр эди. Ҳақиқатан ҳам, қайси бирига чидаш осону қайси бирига чидаш қийин? Бу катта масала. Бизнинг фикримизча бўйича, ўзини қийнамай, жонини куйдирмай, ҳаммасига чидаш мумкин. Муаммо, сабр-қаноат қила олиш ёки қила олмасликдадир.

Кишининг иймони мустҳкам бўлса-ю, унинг устига ақли яхши ишлайдиган ва билими кўп бўлса, дунё ўзи шундай, бирикам бир дунё экан деб, кўп еб-ичиб, шоҳона кийиниб юрсанг ҳам, кам еб ичиб, оддий кийиниб юрсанг ҳам умринг ўтаверади. Мақсад еб-ичишу яхши кийиниб юриш ҳамда бошқа истеъмол амалларини кўпроқ бажаришда бўлмаслиги керак, мақсад иймонни мустаҳкамлаб, бу дунёда бахтли бўлиш ва боқий дунёга кўпроқ савоб олиб кетиш бўлмоғи лозим. Шунда барча ташвишлардан қутулсан кўясан ва сенда сабр-қаноат деган фазилат ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолади.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, катта бойлик йиғиб, кўп еб-ичиб, шоҳона кийиниб, қасрлар қуриб, зўр машиналарда юргандан, кам еб, кам ичиб, оддий кийиниб, дунёнинг моддий неъматларидан энг кам ҳажмда фойдаланиб юрган минг бор афзал. “Кам энг, кам ичинг, кам ухланг ва кам гапиринг” деган ҳадиснинг мавжудлигини ҳам унутманг. Чунки, бадавлат бўлиб, яхши еб-ичиб, башанг кийиниб ҳамда бошқа истеъмол амалларига эрк бериб юрган одам, фақат **нафс** деган “итини” қаноатлантиради, холос.

Давлатингиз кам, ўзингиз камтарин, еб-ичишингиз ва кийинишингиз оддий ва юрт катори бўлса, дўстларингиз кўп, маҳалла-қўйда обрўйингиз юқори, ҳамма сизни севадиган бўлади. Бир-бирини севиш инсон хулқининг негизиде бўлиб, кимда-ким юртдан ошиб кетмай, одамларга кўнгил қўйиб юрса, уни ҳамма севади. Шунда у бахтли ҳисобланади. Унинг у дунёдаги жойи ҳам жаннатда бўлади.

Одамларни бир-бирдан айирувчи нарса, бу ортикча бойликдир. Ортикча бойликка эга бўлиб қолмаслик учун, аввало, уни ният

қилмаслик лозим, иккинчидан, камга қаноат қилиб умр кечиришлик, энг яхши умр кечиришликдир. Бу, баъзи-бир бойваччаларнинг айтгани каби, камбағал одамнинг иложсизлигидан топган гаплари эмас. Бу ҳаётда минг бор синалиб, муқаддас китобларда ҳам ай-тилган гаплардир.

Қуръони каримнинг бир неча сураларида, мўминларни сабр ва қаноатга ундовчи оятлар мавжуд.

“Эй мўминлар, сабр қилиш ва намоз ўқиш билан (Мендан) мадад сўранглар! Албатта, Оллоҳ сабр қилгучилар билан биргадир”[78].

“Ва албатта сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. Бирор мусибат келганда: ”Албатта, биз Оллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз у зотга қайтгучилармиз”, дейдиган собирларга хушхабар беринг (эй Мухаммад)[78].

“Айтинг: “Сизларнинг хавойи-нафсларингизга эргашмайман. Зеро, у ҳолда йўлдан озурман ва ҳидоят топгучилардан бўлмай қолурман”[78].

15-§. Саховатли бўлиш учун бажариладиган амаллар

Саховатли дегани ижтимоий сифат, юқорида тавсифланган ўн икки фазилатни бирлаштирувчи ва ўзида шу фазилатларнинг барча хусусиятларини мужассамлаштирувчи олий даражадаги ўн учинчи ижтимоий сифатдир. Бундай фазилатни тўла эгаллаган одам, инсон такомил босқичининг энг юқори даражаси бўлган **баркамолликка** эришган деб ҳисобланади. Аммо, бундай фазилатнинг баъзи бир кўринишлари барча одамларда ҳам мавжуд. Саховатли деганда, қуйида кўриб чиқиладиган саховатлилик сифатларининг ҳаммасини ўзида жамлай олган одам тушунилади. Бундай одам тўлиқ бахт эгасидир. У айнан шу сифатлари билан валийларга тенг бўлган шахсдир.

Саховатли инсон деганда, барча бажарадиган ҳаракатларини фақат ва фақат халқ фаровонлиги йўлида амалга оширадиган киши тушунилади. Шу нуктаи назардан келиб чиққанда, саховатнинг тури кўп, кўринишлари ундан ҳам кўп.

Биринчи тури, саховатли одам меҳнатини одамлардан аямайди. У ўз хўжалигида иш бисёр бўлиб турганда ҳам, бир одам ёки қандайдир жамоа вакили ундан бир ишни бажариб беришни сўра-

ганида, ўзининг барча зарур ишларини ҳам қолдириб, шу одамнинг ёки жамоа ишини бажаришга, ҳеч иккиланмай киришиб кетади. Бажарганда ҳам, хўжа кўрсинга эмас, бор кучини сарфлаб, фидоийларча, ҳақ олмай бу ишни бажаради.

Иккинчи тури. Ўзидаги бор билимларни бошқаларга беғараз, яъни эвазига ҳеч нарса талаб қилмай улашади. Билим катта мулк эканини ва уни беришда жуда катта қувват сарфланишини ҳисобга оладиган бўлсак, саховатнинг бу тури энг олийжаноби ҳисобланади.

Учинчи тури. Ҳар қандай одам ёки жамоа ундан қандайдир моддий ёрдам сўраб келса, сахий одам бор бисотини сарфласа ҳам, унинг ҳожатини чиқаради.

Саховатли одамнинг асосий ҳаётий мақсади, ўз эҳтиёжларини қаноатлантириш бўлмай, фақат одамларга фойда бўладиган ишларни амалга оширишдир. У шу ишларидан қувонади. Қилган ишидан мамнун одам бахтли ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам, сендан бировга ё тилингдан, ё қўлингдан, ёки меҳнатингдан наф текканлигини билиш, энг юқори руҳий лазатланишлардан биридир. Бу борада саховат – муҳаббат деган энг олий ҳис-туйғу билан тенглашади. Бу туйғуни бошидан кечирмаганлар, албатта, буни билмайдилар.

Кўпчилик, асосан, ўз манфаатларини кўзлаб яшайди, шунинг учун, саховатли одамни “тентак”, “телба”, “ғалати одам” ва ҳоказо номлар билан атайдилар. Чунки у кўпчиликка ўхшамайди-да.

Баъзилар, уни ўз ўлчови билан ўлчаб, саховатли одамдан хавотирланиб ҳам қўйишади. Бу бекорга бундай саховат кўрсатаётгани йўқ, бунинг бир илинжи бор деб, саховатли одамнинг қўнглига қаттиқ тегадилар. Чунки саховат эгаси, нафақат сахий, у ақлли, билимли ва валийларга яқинлашган бўлгани учун, одамлар ҳаёлидан ўтаётган нарсаларни осонгина пайқайди. Аммо, саховатли одам, қилиб юрган яхшилигини қилаверади, чунки бу одат унинг ҳаёт тарзига айланиб кетган бўлади, бу унинг маънавиятидир.

Саховатли одам кўп ҳолларда, тагин одамлар бошқача ўйлаб қолмасинлар, деган мулоҳазага бориб, яхшиликларни яширинча ҳам қилади. Чунки унинг дили, бундай ўй-фикрлар ва очикдан очик гапирилган гаплардан, безиллаб қолган бўлади.

Тарихда саховатли кишиларга мисоллар жуда кўп. Тўрт жилдлик “Саҳиҳи Бухорий” китобини ёзган Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийни олса бўлади. Бу одам катта бойнинг фарзанди бўлиб, унга отасидан катта бойлик мерос бўлиб қолган. Имом

Бухорий жаноблари бу бойликларни мухтожларга ва айникса, кийналиб қолган илм аҳлига улашиб тугатган эканлар. Ўзлари жулдур-жулдур кийимда юриб, уйларида фақат бир бўйрада ётар эканлар. Уйда бошқа ҳеч вақо йўқ экан. Бу ривоят эмас, бу тарихий ҳақиқат.

Саховатнинг зидди зикналикдир. Зикна одам ўзида бор бўлган ва ортиб-тортиб ётган нарсаларни ҳам бошқаларга раво кўрмайди. Аксар ҳолларда, бундай одамнинг ақли ғовлаб кетган бўлиб, яхши ишламайдиган, инчунин, билими оз, шунинг учун ҳам одобсиз, касалманд, инсоний ғурури ҳам йўқ, кўрқок ва номард бўлади. Бу хислат инсон камолотида жуда хавфли ҳисобланиб, зикна одамнинг бахти қаро бўлади. Чунки зикнани ҳеч ким севмайди, ҳурматламайди, инчунин, у билан ҳеч ким ҳисоблашмайди ҳам. Бундан ҳам бахтсиз ким борми ёруғ дунёда?

Гоҳо сахийлик, хўжа кўрсинга қилинган саховат ҳам бўлиши мумкин. Чин саховат турғун бўлади ва ўз эътиқодини ўзгартирмайди. Сахий одам бир сахийлик қилиб, бир қилмай ҳам юраверади. Саховатли одам доимо одамларга ҳам қўлидан, ҳам сўзи билан, ҳам меҳнати билан ёрдам қилади, у унинг ҳаёт тарзидир.

Саховатлилик фазилатини тарбияласа бўладими? деган саволга, албатта бўлади, деймиз. Бундай фазилатни, бошқа фазилатлар катори ёшлиқдан тарбиялаб бориш лозим.

Умуман олганда, инсондаги олий фазилатларни бир-биридан айри ҳолда тарбиялаб бўлмайди. Ёшларга ақлий тарбия бериб бораётганингизда, уларда билим ҳажми кўпайиб боради. Билим ҳажми кўп бўлган инсонда ўзига ишонч ва иймони мустаҳкамланиб боради. Иймон-эътиқодли, ақлли ва билими кўп инсон албатта маҳнатсевар ва соғлом бўлади. Меҳнатсевар ва соғлом одамда инсоний ғурур пайдо бўлиб, ватанпарварлик туйғуси шаклланиб боради, бу туйғу эса, ўз навбатида, байналмилалчиликни ва инсонпарварликни етаклаб келади. Иймон-эътиқодли одам ақлли, меҳнатсевар ва билими кўп бўлади, ватанпарвар, инсонпарвар, байналмилалчи, инчунин, мард, жасур ва шижоатли ҳамда саховатли бўлади. Кўриб турганимиздек, бу ижобий ижтимоий сифатлар бир-бирини такозо этиб, бир-бирини етаклаб юрар экан. Булар бир-биридан айри ҳолда учрамайди. Шунинг учун болаларга тарбия бераётганда, бу фазилатларга комплекс ёндашган ҳолда, ҳаммасини баб-баробар шакллантириш ва ривожлантириш ҳаракат қилиш зарур.

ХУЛОСА

Ушбу монографияни хулосалар эканмиз, шуни айтиб ўтиш жоизки, XX аср охирида, Ўзбекистон ҳаётида муҳим воқеа рўй берди. 1991 йилнинг 1 сентябрида Ватанимиз мустақил давлат бўлди, халқимизнинг асрий орзуси рўёбга чиқди. Ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш, бой маънавий меросимиздан бемалол фойдаланиш, тинч ижтимоий ва иктисодий ривожланишга имкон туғилди. Давлатимиз тобора тараққий этиб бормоқда. Эришилган ютуқларимиз тўғрисида жаҳоннинг кўзга кўринган иктисодчи ва сиёсатчилари кўпдан-кўп ижобий фикрлар айтмоқдалар, ютуқларимизни бир неча ўн йилликларга, ҳатто асрга киёсламоқдалар. Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин ўтган вақт ичида Ватан равнақи йўлида анча ишлар қилинди, лекин олдинда жуда кўп муаммолар бор эканлиги ҳам аён бўлди.

Республикамизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, ислоҳотлар, мамлакатимиз иктисодий қудратининг ошиб бориши жамият ижтимоий соҳасининг марказий ҳалқаси бўлган таълим-тарбия тизимида ҳам туб ислоҳотларга олиб келди. У янгиланмоқда. Ёшлар таълим-тарбиясини такомиллаштириш, уларга берилаётган билим мазмунини бойитиш ва узлуксизлигини таъминлаб бериш учун янги ҳужжатлар қабул қилинмоқда, дарс беришнинг илғор педагогик усуллари яратилмоқда.

Республика ҳукуматининг таълимни ривожлантириш, ёш авлодга жаҳон андозаларига мос билимлар бериш, уларни она-Ватанга, миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатлари туфайли таълим-тарбия ишининг бугунги киёфаси тубдан ўзгармоқда. У мустақилликка эришиб, тараққиёт йўлидан далил бораётган халқимиз руҳини, ғоя ва интилишларини ўзида акс эттирган таълим тизимига айланмоқда. Мамлакатимизда таълимнинг ҳали жаҳон амалиётида кам учрайдиган “Кадрлар таёрлаш миллий дастур”и қабул қилинди.

Мамлакат таълим муассасаларининг бош мақсади – XXI аср миллий мактабини ва унда фаолият кўрсатувчи миллий педагогикасини шакллантиришдир.

Шу боис, янги асрга XX аср педагогик назария ва амалиётимиздаги қайси ибратли томонларини олиб ўтамиз, фаолиятимизга зарар келтираётган қайси салбий жойларини ўтган асрда қолдирамиз. Ечими зарур бўлган муаммоларни ҳал этишга қай усуллар

ва услублар орқали эришамиз ва бунинг учун қандай самарали тадбирлар керак? Шуларни сарҳисоб қилиб қўйишимиз жоиз.

Яқин ўтмишимиздаги таълим-тарбия тизимининг мақсад ва усуллари барча одамлар бир хил қобилятга эга, деган утопик ғояга асосланган эди. Шу билан биргаликда “коммунизм кишиси”-ни тезкорлик билан тарбиялаш мақсадида тарбия назариясининг барча қоидалари қўпол равишда бузилган эди. Натижада билим ҳажмини ҳаддан зиёд кўплигидан ҳамда узоро боғлиқ бўлмаганлигидан ўқувчи (талаба)ларнинг боши қотиб, умуман ўғишга лоқайд бўлиб қолдилар. Ундан ташқари шўролар ҳокимиятига хизмат қилган маориф тизими ўта мафқуралашган бўлиб, фақат моддинюнчилик нуктаи назардан дунёни тушуниш, синфий қарамақаршилиқ, руҳ тарбиясини инкор қилиб, кишининг миллий ҳамда ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олмаслик ва ҳоказолар ўқув фанларининг мағиз – мағзига сингдирилган эди. Бундай жонсиз педагогика назарияни қайта кўриб чиқиб, ижтимоий ислохатлар жараёнида тоталитар тузум даври таълим-тарбия тизими ва педагогикасидан воз кечиб, миллий мактаб ва унга мос бўлган миллий педагогика назариясини ва амалиётида қўлланиладиган усуллари шакллантириш жоиз.

Жамиятимиз бир ижтимоий тузумдан бошқа турдаги ижтимоий тузумга ўтиши муносабати билан хўжалиқ юритиш ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа жиҳатларини марказдан туриб режалаштириш ҳамда назорат қилиб бориш тамойилларидан, бозор муносабатларига асосланган хўжалиқ юритишга, ижтимоий ҳаётни эса халқ анъаналаридан келиб чиқиб шакллантириш тамойилларига ўтмоқдамиз. Ёшлар дунёқарашини, уларнинг фазилатларини таркиб топтириш қаторида, уларни шахс сифатида шакллантириш вазифаси ижтимоий фанларга юклатилган экан, яқин ўтмишдаги аҳоли дунёқараши шу кунда тараққий этиб бораётган Ўзбекистон жамиятининг мақсадларига зид келиб қолганлигини кўрамиз. Бу ҳол ижтимоий фанлардаги, шу жумладан педагогикадаги, бир қатор тушунчаларни ўз мазмунини ўзгартиришга ва бир қатор янги тушунчалар ва таълим бериш усуллари пайдо бўлишига олиб келди.

Монографияда педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилишнинг назарий ва амалий асослари илмий асослаб берилиши билан бирга бу технологияни баркамол авлод фазилатларини шакллантиришдаги ўрни ва аҳмиятини ҳам кўрсатиб берилди.

Баркамол инсон инсонлар жамияти ичидан етишиб чиқадиган мўътабар зотдир. У азалдан мартабаси аниқ бўлган руҳ эмас, балки ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида камолга эришгандир.

Шу учун ҳар бир пок ахлоқли, илоҳсевар шахс баркамолликка интилиши ва бу йўлда насиба олиши мумкин.

Биз томонимиздан аниқланган 13 ижтимоий сифатларни юкорида бир неча бор айтиб ўтган эдик. Уларга – ақлли, одобли, билимли, меҳнатсевар, соғлом, миллий ғурурли, ватанпарвар, байналмилал, инсонпарвар, жасур, шижоатли, сабр-қаноатли, ва саховатли – деган ижтимоий сифатлар киритилган эди. Шу тариқа, баркамол инсоннинг ўзига хос ахлоқ кодекси шаклланиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар бир одам дилининг энг тубида яшириниб ётган орзу-армонидир.

Маълум даражада ҳаёлий коммунизм ғоясидан ҳалос бўлиб, жамиятимизнинг мустақил ҳаёт кечириш палласига ўтган эканмиз, баркамол инсон бўлишни Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ўз олдига мақсад қилиб олиши зарур. Акс ҳолда, умумжаҳон тараққиётидан ортда қолиб кетиб, буюк аجدодларимиз руҳини ҳақсиз безовта этиб, келгуси авлодлар лаънатига қолиб кетамиз. Бунинг учун одамларга ҳар замон, ҳар лаҳзада уларнинг инсонийлигини эслатиб, ёвуз, кабиҳ ишлар, ножўя қилиқлардан сақланишга даъват этиб, иймон ва виждонини сақлаб қолишга кўмаклашишимиз лозим. Бунинг учун инсон тарбияси ва ахлоқий баркамоллик ҳақида бой маънавий меросга эгамиз. Ушбу монография ҳам, шу маънавий мероснинг бири бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

Республикамиз ҳудудидаги барча таълим муассаларининг таълим-тарбия жараёнини барча академ гуруҳларидаги самарадорлигини бирдай ошириш учун, ривожланган мамлакатлар таълим амалиётида синовдан ўтган, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурияти пайдо бўлди.

Ушбу монография келтирилган фикрлар лойиҳа ижрочилари томонидан нашр қилинган “Педагогик технология: “Замонавий илмий-назарий асоси”, I қисм[64], “Педагогик технология – Замонавий ўзбек миллий модели”, II қисм услубий қўлланма[26]ларда батафсил ёритилган.

Шунингдек, “Педагогик технология – таълим жараёнига татбиқи: Бошланғич таълимда математика ўқитиш методикаси фани

дарсларининг лойихаси” ўқув-услубий қўлланма[65]си нашр этилди ва таълим амалиётига сингдирилмоқда.

Юқорида номлари зикр этилган ўқув-услубий қўлланмаларни жамлаб, русий забон тилдаги педагогик жамоатчилик учун, **“Основы педагогического мастерства и методология практической реализации региональной модели педагогической технологии”** - ўқув-услубий қўлланмаси чоп этилди.

Берилган фикрларни барча ўқитувчи (педагог)лар яхши ўзлаштириб олиб, амалиётда тинмай қўллаб борсаларгина жамиятимиз маорифчилар олдига қўяётган ижтимоий буюртмани, фахр билан, бажара олишга муваффақ бўладилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Мамалакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқоралик жамиятини ривожлантириш концепсияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2010. 13 ноябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-1271-сонли қарори.
4. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.
5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
6. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2011 йил 22 январ. / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2011. 48 б.
7. Президент И.А.Каримовнинг 2010 йилнинг асосий яқунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2010 йил 7 январ.
8. Ўзбекистон Республикасининг ”Таълим тўғрисида”ги Қонуни (1997 йил 29 августда қабул қилинган) / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
10. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. Авесто. – Т.: Шарқ НМАК, 2001.

12. Форобий, Арасту фалсафаси. Фозил одамлар шахри. Т.1993, Б.60
13. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. – Т.: Фан, 1968. Б.151.
14. Абдулла Авлоний. Ўсон, миллат. - Т.: Шарк НМАК, 1993. Б.21.
15. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т.: Ўқитувчи, 1992. 17 б.
16. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат - Т.: ТДПУ, 2003.
17. Авлиёқулов Н. Замонавий ўқитиш технологиялари. – Т., 2001.
18. Алқаров И. в.б. Ёшлар тарбиясининг педагогик ва ҳуқуқий асослари. - Т.: Fan va texnologiya, 2008, 112 б.
19. Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойиқ. – Т.: Камалак, 1995. Б. 23,51.
20. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2006.
21. Абдурахим Нақшбандий. Шажарайи таййибайн машойихи нақшбандия мужаддиция.
22. Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 4-китоб. Ал-жамий ас-саҳих (ишонарли тўплам) / Арабчадан З.Исмоил тарж. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.
23. Алихонов С. Математика ўқитиш методикаси. - Т.: Ўқитувчи, 2001.
24. Амир Темур ўғитлари. Т.: Наврўз, 1992, 39 б.
25. Афонина С.И. Математика ва гўзаллик. - Т.: Ўқитувчи, 1987.
26. Зиёмуҳаммадов Б., Тожиев М. Педагогик технология-замонавий ўзбек миллий модели. - Т.: Лидер Пресс, 2009. -104 бет.
27. Зиёмуҳаммадов Б. Комилликка элтувчи китоб. - Т.: TURON-IQBOL, 2006.
28. Зиёмуҳаммадов Б. Педагогик маҳорат асослари. Т.: TURON-IQBOL, 2006.
29. Зиёмуҳаммадов Б. Педагогика. Т.: Турон-Иқбол, 2006. Б.17-21.
30. Беспалько В.П. О возможностях системного подхода в педагогике. // Сов. педагогика, 1990. № 7, С.59-60.

31. Берталанфи Л. Общая теория систем – обзор проблем и результатов // Системные исследования. – Москва, 1969. С.39.
32. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув-услубий қўлланма / Таълимда инновацион технология серияси. – Т., 2010.
33. Гегель. Сочинения. Т.1., Госиздат, 1930. – С.14.
34. Данилов М.А., Есипов Б.П. Дидактика. – М., 1957.
35. Жўшон М.А. Тасаввуф ва нафс тарбияси. – Т.: Чўлпон, 1998. Б.13.
36. Жўраев Р., Саматов Ғ., Қаршибоев Ҳ. Замонавий информацион ва педагогик технологиялар асосида табиий фанларни ўқитиш // Халқ таълими. 2002. 1-сон.
37. Жисмоний тарбия назарияси ва методологияси. 1 т. – Т.: Ўқитувчи, 1975.
38. Ибн Сино. Фалсафий қиссалар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Бадиий адабиёт ва санъат нашр., 1963. 15 б.
39. Ибн Сино. Тиб кунунлари. 2-китоб. – Т.: Фан, 1975.
40. Абу Али ибн Сино. Тиббий ўғитлар (врачебные советы). – Т.: Мехнат, 1991.
41. Иванов С.В. Типы и структуры урока. – М., 1952.
42. Ерасов Б. Социальная культурология. – М., 1996. С.419 – 420.
43. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. Т.: Ўқитувчи, 2004.
44. Кайковус. Қобуснома. – Т.: Ўқитувчи, 1986. Б.153.
45. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: Знание, 1989. С.75.
46. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996. Б.21.
47. Лернер И.Я. Внимание о технологии обучения // Сов. педагогика. 1990. №3. С.139.
48. Маънавият Асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
49. Махмудов М. Таълимни дидактик лойиҳалаш. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002.
50. Монахов В.М. Аксиоматический подход к проектирован. пед. технологии // Педагогика. 1997. №6. С.26.

51. Муҳаммад пайгамбар қиссаси. Ҳадислар. – Т.: Камалак, 1991. Б.51– 60.

52. Махмудов М. Арасту “Поэтика”си ва ҳозирги замон адабиёти / Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. С.82-93.

53. Махмудов Р. Дегонимни улусқа марғуб эт... – Т.: Ўзбекистон, 1992. Б.35.

54. Муҳаммад Форобий. Ақл сўзининг маънолари ҳақида // Аль-Фараби. Философские трактаты. Алма-Ата. 1972, стр.17-38

55. Комилов Н. Нажмиддин Кубро. – Т.: Мерос, 1995. Б.20–21.

56. Нурбоқий Х. Куръони каримнинг илмий мўъжизалари. – Т.: Адолат, 1999. Б.153.

57. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Фалсафа фанл. док. дисс ... автореферати. – Т., 2002. Б.29.

58. Образование в Узбекистане: баланс спроса и предложения // Доклад о человеческом развитии ПРООН. Т., 2008.

59. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: Насаф, 2000.

60. Пардаев М.Қ. Иқтисодийта оид фанларни янги педагогик технология методларини қўллаб ўқитиш. Услубий кўрсатма. – Самарканд, 2007.

61. Педагогик энциклопедия. Т., 1965.

62. Педагогика / Акад. С.Р.Ражабовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўқитувчи. 1981.

63. Темур тузуклари. – Т., Ф.Ғулум нашр., 1991. Б.58.

64. Тожиев М., Толипов Ў.Қ., Сейтхалилов Э.А., Зиёмуҳаммадов Б. Педагогик технология – замонавий илмий-назарий асоси // ОЎМКХТРМ. -Тошкент: Ishonch M.S., 2008.

65. Тожиев М., Алимов А.Я., Қўчқаров Д.У. Педагогик технология – таълим жараёнига татбиғи: ўқув машғулотларининг лойиҳаси. I қисм. Т.: ТАҒАККУР, 2010. Б.148.

66. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Т.: Фан, 2006.

67. Тримингем Дж. Суфийские ордены в исламе. – М.: Наука, 1989. С.90.

68. Сажжодий. Фарҳанги мустаљаҳоти ирфон. – Техрон, 1941. С.79.

69. Саъдий. Бўстон / Чустий таржимаси. - Т., 1960. Б.11.
70. Саййид С.Г. Шарҳи истилоҳоти тасаввуф. 1-жилд. Б. 125.
71. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. - Т.: Молия, 2003. –
72. Сейтхалилова Э.А., Қурбонов Ш. Управление качеством образования. –Т.: Шарк НМАК, 2004.
73. Слостенин В.А., Подымова Л.С. Педагогика. Инновационная деятельность. – М., 1998.
74. Умар Хайям. Трактаты. – М.,1961. С. 113 .
75. Ғаффорова Т. ва бошқалар. Таълимнинг илғор технологиялари. – Қарши.: Насаф. 2003. -112 б.
76. Ғуломов С. С., Перегудов Л. В.. Фан ва техникада системавий ёндашиш асослари. Т.: «Молия» нашриёти, 2002 йил. 112-бет.
77. Қосимов С. Бехбудий ва жадидчилик // Ўзбекистон адабиёт ва санъати. 1990. 19 январь.
78. Қуръони карим. 96-сура, 1-, 3-, 4-, 5-оятлар; Моида сураси, 8-, 39-оят; Бақара сураси, 15–16, 31–33, 153-, 155–156, 200-оятлар; Нисо сураси, 17–18, 36–37, 85-, 112-, 149-оятлар; Анъом сураси, 56-оят.
79. Қурбонов Ш. Кадрлар тайёрлаш ва миллий истиқлол ғояси // Халқ таълими. 2001. 1-сон. Б.4–13.
80. Фарберман Б.Л. Илғор педагогик технологиялар. Т., 1999. Б.4.
81. Юзвяичене П.А. Теория и практика модульного обучения. Каунас, 1989. С.126.
82. Шермухамедов П. Даҳонинг туғилиши ёхуд Абу Райхон Бериуний қисмати. –Т.: VORIS-NASHRIYOT, 2009.
83. Шаталов В.Ф. Эксперимент продолжается. - М.: Педагогика, 1989.
84. Ҳаким Сатторий. Ҳазрати Соҳибқирон. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005.
85. Холодинамика. Как развивать и управлять своей внутренней личностной силой. Д-р Вернон Вульф. - Т., 1994. С.19.
86. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В., Рихсимбоев О.К. Кейс-Иқтисодий олий ўқув юртидаги замонавий таълим технологиялари: Илмий-услубий қўлланма. - Т.: Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2009.

87. Ходиев Б.Ю, Голиш Л.В. Способы и средства организации самостоятельной учебной деятельности студентов: Учебно-методическое пособие для студентов. - Т.: ТГЭУ, 2006.

88. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. - Т.: Янги аср авлоди, 2002. Б.10.

89. Ҳикматлар хазинаси. – Т.: Ёш гвардия, 1977. Б.68.

90. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний // Комил инсон ҳақида тўрт рисола. - Т.: Маънавият, 1997. Б.177-178.

91. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2010.

92. Тожиев М, Ўралова М., Баходирова Г. Педагогик технологиянинг ўзбек миллий моделини амалиётга татбиқи (“Педагогик технология” фани ўқув машғулотларининг лойиҳаси), I қисм. / - Тошкент.: «MUMTOZ SO‘Z». - 160 б.

93. Руско-Узбекский словарь. Том II, Ташкент, 1984. С.420.

94. Ян Амос Коменский. Буюк дидактика Т.: “Ўқитувчи”, 1966.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
I боб. Педагогик технология моҳияти ва истиқболлари	
1-§. Жамият тараққиёти ва эркин фикрловчи шахс.....	10
2-§. Педагогик фаолиятни технологиялаштиришнинг ижтимоий зарурияти ва Ўзбекистонда педагогик технологияни таълим амалиётига жорий этишнинг долзарблиги.....	12
3-§. Таълим технологиясининг шаклланиш босқичлари ва самарали жорий этиш йўллари.....	18
4-§. Жаҳондаги дидактик тизимлар ва уларнинг шарҳи.....	23
5-§. Педагогик технологиянинг назарий ғоялари. Педагогик фаолият турлари, йўналтирилган объекти ва предмети.....	27
II боб. Замонавий педагогик технологиянинг миллий модели	
1-§. Квантлар назарияси ва синергетика.....	32
2-§. Тизимлар назарияси ва ундан келиб чиқувчи объектив борликка мажму ёндашув тамойили.....	36
3-§. Таълим-тарбия соҳасида мажму ёндашув тамойилини қўллаш.....	45
4-§. Педагогик жараёни тизим сифатида кўриш.....	47
5-§. Педагогик технологиянинг замонавий таърифи 52	
6-§. Педагогик технология тамойиллари ва улар асосида тузилган замонавий педагогик технологиянинг Ўзбек миллий модели.....	58
7-§. Замонавий педагогик технологиянинг Ўзбек миллий модели асосида магистратура мутахассислигида “Педагогик технология” фанини ўқитиш тажрибаси.....	74
III боб. Ўзбекистон ёшлари интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда миллий педагогик технологиянинг ўрни	
1-§. Миллий педагогик технологияни тарбия жараёнига татбиқи — Ўзбекистон ёшлари интеллектуал салоҳиятини юксалтириш бўйича тарбиявий машғулот лойиҳасининг модели.....	87
2-§. Ўзбекистон ёшлари интеллектуал салоҳиятини юксалтириш сифатлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги.....	100
3-§. Иймон ва эътиқодни мустаҳкамлаш йўллари.....	113
4-§. Ақл ва руҳ тарбияси.....	130
5-§. Одобли бўлиш сирлари.....	140
6-§. Билим эгаллаш усуллари.....	165

7-§. Меҳнатсеварлик – энг гўзал фазилат.....	178
8-§. Соғлом бўлиш учун нима қилмоқ керак?.....	192
9-§. Миллий ғурурни шакллантириш.....	217
10-§. Ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш.....	222
11-§. Толерантлик одобини пайдо қилиш.....	231
12-§. Инсонпарварликни шакллантириш.....	237
13-§. Мардлик, жасурлик ва шижоатни бунёд қилиш.....	245
14-§. Сабр-қаноатли бўлиш сирлари.....	249
15-§. Саховатли бўлиш учун бажариладиган амаллар.....	251
Хулоса	254
Фойдаланилган адабиётлар	258

**МАМАРЕЖАБ ТОЖИЕВ,
БЎРИ ЗИЁМУҲАММАДОВ**

**ВНЕДРЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ТЕХНОЛОГИЙ В УЧЕБНО-ВОСПИТАТЕЛЬНЫЙ ПРОЦЕСС
И ЕЕ РОЛЬ В РАЗВИТИИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО
ПОТЕНЦИАЛА МОЛОДЁЖИ**

В монографии на основе идей Президента Республики Узбекистан, выдвинутые по поводу повышения интеллектуального потенциала молодёжи, а также анализа наследия великих мыслителей Востока и учёных философов-педагогов по этому поводу, разработана система социальных качеств подрастающего поколения и выработаны пути достижения этих качеств. Для плодотворного осуществления этой цели изучен зарубежный опыт развитых стран по использованию педагогической технологии в образовательном процессе и на основе создана национальная модель педагогической технологии соответствующая менталитету наших учителей и педагогов. Кроме того, показано практическое применение этой модели при проектировании учебных занятий.

Монография предназначена учителям и педагогам всех категорий и уровней непрерывного образования, а также научным работникам отрасли.

74.202

T60

Тожиев, М.

Миллий педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига татбиғи ва уни ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрни / М.Тожиев, Б.Зиёмуҳаммадов; масъул муҳаррир: Б.Ҳ.Раҳимов; ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази. – Т.: MUMTOZ SO‘Z. 2011. – 266 б.

И, Зиёмуҳаммадов, Бўри.

УДК: 37 (575.1)

ББК 74.202

ISBN 978-9943-398-23-8

Адабий-илмий нашр

Нашриёт муҳаррири: Маҳкам Маҳмудов
Мусахҳиҳа: Камола Болтабоева
Техник муҳаррир: Бехзод Болтабоев

«MUMTOZ SO'Z»
масъудияти чекланган жамияти
нашриёти

Нашриёт лицензияси А1 № 103. 15.07.2008
Теришга берилди: 28.09.2010
Босишга рухсат этилди 07.12.2010
Қоғоз бичими 60x84 1/32. Офсет қоғози
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт тобоғи 18,0
Шартли босма тобоғи 16,75. Адади 150
Бахоси келишилган нархда

Тошкент, Навоий кучаси, 69.
Тел: 241-60-33

«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамиятининг
матбаа бўлимида чоп этилди. Буюртма 40.
Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел: 241-81-20